

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 26-27-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (318-319)
ТЎПЛАМИ 2008 й.
июнь-
июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

248. «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ—896-сон қарори

Учинчи бўлим

249. «2008 — 2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги 136-сон қарори

250. «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги 137-сон қарори

251. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори
252. «Геология-қидирув ишлари олиб боришга ва қаттиқ фойдали қазилма конларини ишлатишга инвестицияларни янада жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 25 июндаги 142-сон қарори [Кўчирма]
253. «Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 июндаги 145-сон қарори
254. «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарори

Бешинчи бўлим

- 255. «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил 26 майдаги 155-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 23 июнда 1830-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*) +
256. «1997 йил 1 ноябргача олиб кирилган товарларга импорт божхона божи ставкаларини қўллаш юзасидан тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 23 июндаги 63, 01-02/8-42-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 июнда 374-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
257. «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини улар томонидан ташкил этилаётган ишлаб чиқаришлар учун технологик ускуналар юзасидан импорт божхона божларини тўлашдан озод этиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 23 июндаги 65, 01-02/8-41-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 июнда 694-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
258. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 27 июнда 1831-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

259. «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги 157, 21/ҚҚ, 23, 01-08/1750, 54, 56-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 июлда 1832-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 21 июндан 4 июлгача бўлган маълумот

+

—

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

248 Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида

Кейинги йилларда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари пухта ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакат Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди, натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилган шахслар салмоғи 2007 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши одил судлов сифатини оширишга имкон берди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция (шикоят) тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди, ярашув институтининг киритилиши эса, кейинги етти йил ичида салкам етмиш минг кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон берди.

Жорий йилнинг биринчи январидан эътиборан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали, замонавий демократик принципларга асосланган тизими яратилди.

Суд тизимини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш ва адвокатура ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш имконини берди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг обрўси ва мустақиллигини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийлигини таъминлаш, судлар фаолиятига аралашишга ҳамда ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Марказ:

ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ҳисобот берадиган мустақил ахборот-таҳлил ва маслаҳат муассасаси ҳисобланади;

унга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдимномасига

биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тасдиқланадиган директор амалга оширади. Марказ директори моддий, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарига тенглаштирилади;

республика бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали молиялаштирилади;

суд-ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ва Адлия вазирлиги, давлат органлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Марказ фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб беради, Марказнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таҳлилий ишлар дастурлари, ташкилий-ҳуқуқий тадбирларини тасдиқлайди, уларнинг самарали ва сифатли бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

3. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўёбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шунингдек, Қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш ҳамда умумлаштириш;

жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, ҳўжалик процессуал қонунчилигини, суд ишларини юритишни демократлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд фаолиятига аралашиш ҳолларига барҳам бериш, ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик бўйича тақлифлар тайёрлаш;

суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш, суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд мустақиллигини таъминлаш принципларига бағишланган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

4. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тўғрисидаги Низом, унинг тузилмаси, ходимларининг чекланган умумий сони 30 кишидан иборат бўлган штат жадвали, шунингдек, меҳнат ҳақи разрядлари 1 — 4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига Марказнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Б. Мустафоев):

бир ой муддатда Марказни судларда ва ахборот-таҳлил фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдиришни, шунингдек, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан, илғор чет эл таҳлил марказла-

* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

рида тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг 2008-2009 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилишини таъминласин;

уч ой муддатда Марказнинг жойлаштирилиши ва ободлаштирилишини, зарур компьютер ва нусха кўпайтириш техникаси, дастурий воситалар, идоровий мебель ҳамда Марказнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган бошқа моддий-техника воситалари, услубий материаллар билан таъминласин;

икки ой муддатда Марказнинг устувор йўналишларини, 2008 йил иккинчи ярми ва 2009 йилга мўлжалланган ахборот-таҳлилий ишлари ва тадбирлари дастурини белгиласин ҳамда уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

6. Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ходимлари учун ўрнатилган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, махсус унвонлар, мансаб даражалари татбиқ этилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р. Азимов) 2009 йилдан бошлаб, ҳар йили Марказни жорий таъминлаш ва молиялаштиришга, шу жумладан, ахборот нашрлари ва адабиётга обуна бўлиш, халқаро конференциялар ва семинарларда иштирок этиш учун республика бюджети ҳисобидан маблағ ажратилишини назарда тутсин.

8. Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси Кузатув кенгаши 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича Марказнинг жорий таъминоти, уни жиҳозлаш, фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, иккита хизмат енгил автомобилини харид қилиши ва таъминоти учун маблағ ажратсин.

9. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Арипов) бир ой муддатда белгиланган тартибда Марказни зарур, жумладан, ҳукумат алоқа турлари ва воситалари билан таъминласин, шунингдек, Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиб берсин.

10. Марказ:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари юборилиши шарт бўлган (1 нусхада) ташкилотлар рўйхатига;

Марказ кутубхонасини шакллантириш учун босма ва китоб маҳсулотларининг (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар) назорат нусхаларини (1 нусха) бепул оладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг статистика ахбороти юборилиши шарт бўлган реестрга киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июнь,
ПҚ-896-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

249 2008 — 2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида

Иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини янада такомиллаштириш, мавжуд табиий ресурслардан ва иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, замонавий бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, аҳолининг бандлигини, турмуш даражасини барқарор ва изчил оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2008 — 2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин, Дастур қуйидаги асосий йўналишларни ва мақсадли параметрларни назарда тутди:

минтакавий иқтисодиётни барқарор юқори суръатларда ўстириш — мавжуд табиий ресурсларни комплекс ва самарали ўзлаштириш, ҳар бир тумanning иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек хорижий инвестициялар ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига ялпи минтакавий маҳсулотнинг 1,7 барабар ўсишини таъминлаш;

замонавий қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни давом эттириш, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда, ишчи кучи кўп бўлган ва дотацияда турган туманларда ўзлаштириш ҳисобига саноатнинг ялпи минтакавий маҳсулот таркибидаги улушини 12 фоизгача етказиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик бизнеснинг ялпи минтакавий маҳсулотдаги улушини 68 фоизгача етказиш ва шу асосда аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этиш ҳамда аҳолининг реал даромадларини 2,7 барабар оширишни таъминлаш;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида, айниқса қишлоқ жойларда, тадбиркорлик ташаббусларини янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, унинг ялпи минтакавий маҳсулот таркибидаги улушини 49 фоизгача етказиш.

2. Дастурнинг мақсадли параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида 2008 — 2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича 2-иловага* мувофиқ таркибда Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилсин.

Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурнинг мақсадли параметрларига эришиш юзасидан мониторинг натижаларини кўриб чиқиш ва шу мақсадда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмала-

* 2-илова берилмайди.

ри ҳамда Сурхондарё вилоятининг барча даражалардаги ҳокимликлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек Сурхондарё вилоятининг барча даражалардаги ҳокимликлари раҳбарларининг, пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чора-тадбирлар кўрган ҳолда, ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш;

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ва лойиҳаларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобига амалга ошириш учун молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилашга кўмаклашиш;

мавжуд ресурслардан ва молиявий манбалардан, шу жумладан халқаро грантлар ва кредитлардан оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда Дастурнинг мақсадли параметрларига тузатишлар киритиш ва уларни аниқлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

3. Қўйидагиларга:

Сурхондарё вилояти ҳокими, туманлар ва Термиз шаҳар ҳокимларига — Дастурнинг белгиланган прогноз параметрлари тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига — тегишли тадбирларнинг ва дастурга киритилган тармоқ лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгарлик юклансин.

4. Сурхондарё вилояти ҳокими (Т. Жўраев) ҳар бир туман ва Термиз шаҳри бўйича Дастурнинг бажарилишини ҳар чоракда танқидий кўриб чиқсин, мақсадли дастурларга эришиш учун зарур чора-тадбирларни кўрсин, бунда янги иш ўринлари ташкил этишга ва ижтимоий лойиҳаларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Дастурнинг бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин, ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг эришилган даражаси танқидий таҳлил қилинишини таъминласин, минтақа иқтисодиётидаги энг долзарб ва муҳим муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар киритсин;

мониторинг натижалари бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган материаллар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Дастурда назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга фаол жалб этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар йилги Инвестиция дастурини шакллантиришда унга Дастурда назарда тутилган энг муҳим инвестиция лойиҳаларини киритсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 июнь,
136-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 20 июндаги 136-сон қарорига
1-ИЛОВА

2008 — 2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ДАСТУРИ

Кириш

Мустақиллик йилларида иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларга, республиканинг барча тармоқлари ва ҳудудларини мутаносиб ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган изчил ва қатъий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган мақсадли дастурлари ҳудудлар билан пухта боғланган ҳолда амалга оширилмоқда, йирик минтақавий инвестиция ва ижтимоий лойиҳалар аҳолининг бандлигини ва турмуш даражасини барқарор ўстиришни таъминламоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришилди. Амалга оширилаётган таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодиётни модернизация қилиш доирасида вилоят туманлари, шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларини иқтисодий ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳолининг энг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга, бандликни таъминлашга, кичик бизнесни ривожлантиришга, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган минерал-хом ашё ресурсларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича қувватларни яратишга, товарлар ва юкларни республика ичида ташишни мақбуллаштиришга, шунингдек жанубий ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш имконини берадиган янги транспорт йўлларини (шу жумладан «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линияси) барпо этишга йирик инвестициялар йўналтирилди.

Моддий-техник ва молиявий базани, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ваколатлари ва масъулиятини кенгайтиришга йўналтирилган институционал қайта ўзгартиришлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, айрим туманларнинг бой табиий-иқтисодий салоҳиятидан ҳанузгача етарли даражада самарали фойдаланилмапти. Ўтган йиллардан мерос бўлиб қолган, иқтисодиётнинг асосан аграр характери билан боғлиқ бўлган ному-таносибликлар минтақада юқори ликвидли ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган саноат ишлаб чиқаришларини, шунингдек хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришни талаб қилади.

Ҳар бир туманни унинг жуғрофий жойлашишидан, табиий-хом ашё, меҳнат ва молиявий ресурслар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда комплекс ривожлантириш имкониятлари тўлиқ ҳисобга олинмаяпти.

Вилоятни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш давлат ва хўжалик бошқаруви ҳудудий органларининг барча даражаларида кадрлар малакасини ҳамда бошқарув ходимларининг касб маҳоратини жиддий оширишни талаб қилади.

2008 — 2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш методологияси қуйидаги омиллардан фойдаланишга асосланган:

ўрта муддатли истиқболда вилоятни комплекс ривожлантириш учун омиллар, шароитлар ва заминларни таҳлил қилиш, уларнинг таъсирини баҳолаш, мавжуд тамойиллар ва муаммоларни аниқлаш;

ижтимоий-иқтисодий прогнозларни ишлаб чиқишнинг замонавий методларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган мақсадли кўрсаткичлар тизими;

мақсадли кўрсаткичларни ривожлантиришнинг амалдаги ва ишлаб чиқиладиган энг муҳим мақсадли дастурлари билан боғлаш;

молиялаштиришнинг аниқ манбаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадли мўлжалларга эришиш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш.

1. Худудий ривожлантириш стратегиясининг мақсадли мўлжаллари ва асосий йўналишлари

Худудий ривожлантиришнинг мақсадли мўлжаллари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан, шунингдек ривожлантиришнинг мақсадли дастурларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Ишлаб чиқилган Дастурда 2008 — 2012 йиллар мобайнида ялпи минтақавий маҳсулотни 1,7 баравардан кўпроқ (1-илова*), шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи минтақавий маҳсулот таркибидаги улушини барқарор кўпайтириш ҳисобига (2-илова*), ўстириш назарда тутилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришини қуйидагилар асосида худудий ташкил этишни тубдан такомиллаштириш назарда тутилмоқда:

саноатнинг стратегик жиҳатдан муҳим тармоқларини — нефть-газ комплекси ва норуда материаллар саноатини янги конларни ўзлаштириш ва минерал-хом ашё базаси захираларини кўпайтириш, минерал-хом ашё ресурсларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашнинг замонавий, энергияни тежайдиган, юқори самарали технологияларини жорий этиш ҳисобига барқарор ривожлантиришни таъминлаш;

туманларнинг рақобатли афзалликлари негизида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш;

қурилиш материаллари саноатида сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш;

махаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан фойдаланиш негизида, биринчи навбатда тўқимачилик саноатида қайта ишловчи ишлаб чиқаришларини жадал ривожлантириш, пахта толасини мамлакатимиз корхоналарида қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш;

минтақаларда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар, йирик корхоналар филиалларини устун даражада ривожлантириш ва жойлаштириш.

Саноат корхоналарини ривожлантириш барча туманларда ва Термиз шаҳрида устувор йўналиш бўлади. 2008 — 2012 йиллар мобайнида 2007 йилдагига нисбатан саноат ўртача 2,1 баравар ўсади, бу унинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улушини 12,0 фоизгача етказишни таъминлайди (3-илова*).

Саноат корхоналарини жойлаштириш билан боғлиқ таркибий силжишлар амалга ошириладиган ривожлантириш дастурларини умумий мувофиқлаштириш, аниқ ин-

* 1 — 3-иловалар берилмайди.

вестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўли билан амалга оширилади (4, 4а, 4б-иловалар*).

Саноатнинг электр энергетикаси, нефть-газ, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил саноат сингари тармоқларида Модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш давом эттирилади. Бунда бўш турган объектларда кичик бизнеснинг истиқболли лойиҳаларини самарали жойлаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Шу билан бирга Дастур асосан Денов, Шеробод ва Бойсун туманларида минерал-хом ашё ресурсларини комплекс ўзлаштиришни ҳамда шу асосда йирик ва кичик қайта ишлаб чиқариш корхоналарини, шу жумладан полиметаллар, цемент хом ашёси, норуда материалларнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ривожлантиришни назарда тутди.

Саноатни ривожлантириш кўп жиҳатдан хўжалик юритишнинг инновация шакллари изчил жорий этишга, янги технологияларни жадал ўзлаштиришга ва юқори даражада ишлов берилган рақоботбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Жумладан, енгил саноатда ипак ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтириш, шунингдек тўқимачилик саноати учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, тикув тармоғини ривожлантириш ҳисобига қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишига кўмаклашадиган илғор технологияларни жорий этиш мўлжалланмоқда. Ушбу йўналишда кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш ҳисобига устуворлик Термиз шаҳри, Денов, Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманларига берилади.

Дастур истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг бутун секторини, шу жумладан яратилган рағбатлардан тўлиқ фойдаланиш воситасида жадал ривожлантиришни назарда тутди. Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 2007 йилги даражага нисбатан 2008 — 2012 йилларда 197,8 фоизгача ўсишини таъминлаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва жойлаштириш. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши қуйидаги мақсадли йўналишлар амалга оширилиши таъминланган ҳолда таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳисобига таъминланади:

аграр секторнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилona фойдаланиш, вилоятнинг амалда барча туманлари бўйича экинлар таркибини такомиллаштириш (5, 5а-иловалар*);

фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги техникасини янгилаш, шу жумладан лизинг хизматларидан кенг фойдаланиш ҳисобига янгилаш (6, 6а-иловалар*);

мелиорация ишларини Ангор, Термиз, Қизирик, Бандихон, Жарқўрғон, Музrabод ва Шеробод туманлари ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга кўмаклашадиган тасдиқланган суғориш тизимларини реконструкция қилиш дастурига мувофиқ амалга ошириш (7, 7а-иловалар*);

мева-сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун реал асос яратиш мақсадида таркибий силжишларни озиқ-овқат комплекси томонга рағбатлантириш. Бу ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмини асосан Олтинсой, Сариосиё, Бойсун ва Денов туманларида жиддий равишда кўпайтириш учун асос бўлади;

мева-сабзавот ва узум етиштирадиган фермер хўжаликларини ривожлантириш,

* 4 — 7а-иловалар берилмайди.

бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари, шунингдек мева-сабзавот маҳсулотлари, узумни қайта ишлайдиган замонавий мини-технологиялар билан жиҳозланган агросаноат фирмалари ташкил этиш.

2008 — 2012 йиллар даврида узумзорлар майдонини 1,5 минг гектаргача кўпайтириш ва 2012 йилга бориб узумзорлар майдонини 16,4 минг гектарга етказиш мўлжалланмоқда. Олтинсой, Денов, Бандихон, Жарқўрғон ва Узун туманларида мева ва узум етиштириш устувор йўналишлардан бири бўлади.

2008 — 2012 йиллар даврида мева ва резавор мева етиштириш 2007 йилги даражага таққослаганда 1,8 барабар кўпаяди, уларни қайта ишлаш 21,8 фоизгача етказилади. Сабзавот-полиэ экинлари етиштириш ҳажмини 548 минг тоннагача (126,5%) кўпайтириш ва уларни қайта ишлаш даражасини 2007 йилдаги 1,1 фоиздан 2012 йилда 23,0 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжаликларида чорва моллари бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, шунингдек инфратузилмани ривожлантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар қорамоллар бош сонини 2012 йилда 136 фоизга кўпайтиришга, қорамолларнинг умумий сонини 761,4 минг бошга етказишга кўмаклашади.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши насли чорвачиликни ривожлантиришнинг замонавий усуллари ва технологияларини қўллаш ҳисобига амалга оширилади. Чорвачилик асосан озуқа базасини мустаҳкамлаш, яйловларга сув чиқариш ва чорва моллари зотини яхшилаш орқали ривожланади. Чорвачиликни ривожлантириш амалда барча туманларда устувор йўналишга айланади.

Ижтимоий инфратузилма объектлари. Бюджетдан давлат инвестициялари, бюджетдан ташқари фондлар инвестициялари тасдиқланган давлат дастурларининг инвестиция лойиҳалари билан ўзаро боғлиқликда устун даражада ижтимоий секторга (таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти, тарихий-маданий диққатга сазовор жойларни муҳофаза қилиш) йўналтирилади (8-илова*).

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси. Туманлар ва шаҳарларни ривожлантириш бутун ҳудудни боғлайдиган, минтақалар ва улар аҳолисининг мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиши учун йўл очадиган инфратузилма билан таъминланганликка таянади. Иқтисодиёт ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ягона транспорт тармоғини, алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантиришга доир амалга оширилатган мақсадли дастурлар бунга кўп жиҳатдан кўмаклашади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ишлаб турган корхоналар ва янгидан ташкил этилатган корхоналарнинг транспорт коммуникацияларига (автомобиль ва темир йўл линиялари), электр энергиясига (электр узатиш линиялари, кичик станциялар ва бошқалар), газ ва техник сув таъминотига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб янги конларни фойдаланишга жалб этиш ва саноат корхоналари қуриш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан ўзаро боғлиқликда ривожлантириш назарда тутилади. Ушбу йўналишда Шеробод, Қумқўрғон, Музрабод, Сариосиё, Жарқўрғон, Бойсун ва Шўрчи туманларида иш олиб борилади.

2008 — 2012 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилишга 22 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади, бу вилоятнинг транзит салоҳияти мустаҳкамланиши ва кенгайишига кўмаклашади (9-илова*).

Жумладан, Сурхондарё вилоятини республиканинг марказий қисми билан алоқасини таъминлайдиган янги Тошгузар — Бойсун — Қўмқўрғон темир йўли қазиб чиқарувчи ва қурилиш индустриясининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

* 8-9-иловалар берилмайди.

Шу билан бирга, ишлаб турган, модернизация қилинаётган ва янгидан ташкил этилаётган саноат корхоналарининг автомобиль ва темир йўлларга уланишини таъминлашга доир бир қанча чора-тадбирлар назарда тутилган, бу автомобилда ва темир йўлда юк ташишни мақбуллаштиради.

Бундан ташқари, Термиз шаҳрида логистика маркази ташкил этиш йўли билан вилоятни республиканинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган асосий транспорт магистралларида ишлаб чиқарувчиларнинг вақтини ва транспорт чикимларини қисқартиришга алоҳида эътибор бериш мўлжалланмоқда.

Телекоммуникациялар, алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши минтақаларда, айниқса қишлоқ туманларида саноат корхоналари ва аҳолининг хизматларнинг ушбу турлари билан таъминланганлиги даражасини оширади.

Ягона инфратузилма тармоғи ташкил этилиши энергия таъминоти жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Энергетика объектларини техника билан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, электр тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар кўрилади. Энергия таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти ва транспорт тизими тармоқларини мукамал реконструкция қилиш назарда тутилмоқда (10-илова*).

Ўртача муддатли истикболда амалда вилоятнинг барча шаҳарлари ва туманларида қишлоқ аҳоли пунктларининг тармоқлари ва сув таъминотининг техник ҳолатини яхшилаш бўйича капитал-тиклаш ишлари назарда тутилган.

Бундан ташқари, шаҳарлар ва туманларнинг канализация ва тозалаш иншоотларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш мўлжалланмоқда, биринчи навбатда, Термиз шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимлари сифатли ва барқарор ишлашини таъминлаш, иссиқлик ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш ва энергия таъминоти бўйича чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Натижада аҳоли пунктларининг табиий газ билан таъминланганлиги 2007 йилдаги 62,3 фоиздан 2012 йилда 68,6 фоизгача, ичимлик сув билан таъминланганлиги тегишли равишда 81,4 фоиздан 89,5 фоизгача ўсади.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш. 2006 — 2010 йилларга мўлжалланган дастурнинг тасдиқланган параметрлари хизматлар кўрсатиш соҳаси ва ижтимоий инфратузилма тегишли мақсадли йўналишлари учун асос ҳисобланади. Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари сифатида 2012 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръатларини анча жадаллаштириш, 2007 йилги даражага нисбатан ўртача 2,9 барабар кўпайтириш, уларнинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улушини 2012 йил охирига бориб 49,1 фоизгача етказиш назарда тутилмоқда.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг прогноз параметрларига янги объектларни ишга тушириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва ҳажмини кенгайтириш ҳисобига эришилади. Бойсун, Олтинсой, Жарқўрғон, Сариосиё ва Шеробод туманлари бўйича хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг янада юқори суръатлари кутилмоқда (11, 11а-иловалар*).

Маҳсулот экспортини кенгайтириш. Вилоят бўйича экспорт прогноз параметрларининг нефть маҳсулотларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, тўқимачилик саноати (ип калава, тайёр тўқимачилик, трикотаж ва тикув буюмлари), қурилиш материаллари саноати, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобига ўсиши мўлжалланмоқда.

* 10 — 11а-иловалар берилмайди.

2008 — 2012 йилларда минтақаларнинг экспорт ҳажми 2007 йилги даражага нисбатан ўртача 1,5 баравар ўсади. Термиз, Сариосиё, Шўрчи ва Жарқўрғон туманларида экспортнинг энг кўп ўсиши назарда тутилмоқда.

Аҳолининг иш билан бандлиги даражаси. Аҳолининг иш билан бандлиги кўрсаткичлари ҳудудларни комплекс ва балансли ривожлантиришнинг пировард мақсадли йўналишлари бўлиб хизмат қилади (12-илова*).

Аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этиш минтақаларда қуйидагиларни назарда тутадиган ўртача муддатли ҳудудий дастурларни амалга оширишни тақозо этади:

янги қувватларни ишга тушириш, мавжуд қувватларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, улардан фойдаланиш даражасини ошириш;

кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш;

йирик саноат корхоналари билан кооперациялаш орқали касаначиликни ривожлантириш;

қорамоллар бош сонини кўпайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ер участкалари ажратишни кўпайтириш;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш.

Минтақаларнинг молиявий барқарорлиги. Дотация оладиган минтақалар сонини изчил камайитириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳудудий ривожлантириш стратегиясининг муҳим йўналишидир. Баҳоларга кўра, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тавсия этилаётган йўналишлари 2008 — 2012 йилларда дотация оладиган туманлар сонини 2 баравардан ортиқ (13 тумандан 6 тумангача) қисқартириш имконини беради (13-илова).

2. Молиялаштириш ва ресурслар билан таъминлаш

Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги асосий манбалар ҳисобига молиявий ресурслар назарда тутилмоқда:

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал-хом ашё ресурсларини комплекс қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар ташкил қилишга жалб этиш мўлжалланмоқда;

хусусий ички инвестициялар (мамлакатимиз инвесторлари ва хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари), уларнинг, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлашга, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасининг янги объектларини ташкил этишга йўналтириладиган маблағлари;

қарз олинган хорижий инвестициялар ва Ҳукумат кафолатисиз жалб этиладиган кредитлар;

устун даражада ижтимоий секторга ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириладиган давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари фондлардан инвестициялар.

* 12-13-иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**250** Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам
учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини та-
комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПФ-3993-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда кам таъминланган шахсларнинг адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдамдан фойдаланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

фуқарони юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажрими гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш учун асос ҳисобланади;

оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган шахслар адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилинади ва харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади;

гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимоячидан воз кечиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатда адвокат иштирок этиши ҳолларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 52-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жиноят ишида ҳимоячининг қатнашиши мажбурий деб ҳисобланган ҳолларда ҳам юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш бўйича харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ҳар йили Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашга маблағларни назарда тутсин;

адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаси тегишли молия органига мурожаат қилгандан кейин ўттиз кундан кечикмай Молия вазирлигининг қарор (ажрим) чиқарган орган жойлашган жойдаги Ҳазначилиги ҳудудий бўлинмаси орқали ҳақ тўланишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги бир ой муддатда:

адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун тўланадиган ҳақнинг амалдаги миқдорини 25 фоизга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг белгиланган тартибда ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Вазирлар Маҳкамасининг «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида» 1997 йил 16 июндаги 297-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарори)» 2007 йил 26 июндаги 129-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 6-сон, 35-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 июнь,
137-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**251 «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»-
ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-
тадбирлари ҳақида**

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлиқ амал қилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш деб аталади) бўйича суғурта пули 3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгилансин.

2. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

транспорт воситаларидан фойдаланишда жабрланувчига унга етказилган зарарни кафолатли тўлашни мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўловларини амалга ошириш йўли билан таъминлаш;

мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта мукофотлари бўйича сийлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим тоифалари-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

ни кўрсатиб ўтилган сийловларни компенсация қилиш йўли билан қўллаб-қувватлаш тизимини молиявий таъминлаш;

мажбурий суғурта қилиш, шу жумладан мажбурий суғурта қилиш шартномалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган, суғурта ходисалари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини, суғурта қилдирувчилар ва жабрланганлар тўғрисидаги шахсий маълумотларни шакллантириш, суғурта сирлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни таъминлаган ҳолда суғурталовчилар билан Жамғарма ўртасида кўрсатиб ўтилган маълумотларни айирбошлашни ташкил этиш;

Жамғарманинг унга юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда тасдиқлаш.

3. Қўйидагилар:

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни қафолатлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Жамғарманинг кузатув кенгаши таркиби ва дирекцияси тузилмаси 2* ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарманинг кузатув кенгаши, суғурталовчилар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

2008 йил 21 октябргача бўлган муддатда мажбурий суғурта қилишни амалга оширувчи суғурталовчилар билан ўз фаолиятини суғурта қилиш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлаштириш, шунингдек 2008 йил 22 октябрдан бошлаб ўз фаолиятини кўрсатиб ўтилган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлаштирмаган суғурталовчилар лицензияларининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш;

Жамғарманинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш, Жамғарма дирекциясини жойлаштириш ҳамда уни зарур алоқа техникаси ва воситалари билан жиҳозлаш, Жамғарма томонидан мажбурий суғурта қилишни амалга оширувчи барча суғурталовчилар билан ёзма битимлар тузиш, шунингдек Жамғарма томонидан 2008 йил 21 октябргача ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур ҳажмдаги маблағларни шакллантириш;

республиканинг барча ҳудудларида мажбурий суғурта қилишни ташкил этиш учун суғурталовчилар филиалларининг ва бошқа алоҳида бўлинмаларининг кенг шохобчаларини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий суғурта қилишнинг жорий этилаётган тартиби тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек суғурталовчилар ходимлари учун ўқув курслари ва семинарлар ташкил этиш.

5. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 5-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

7. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари

* 2-илова берилмайди.

ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» 1994 йил 30 декабрдаги 632-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 12-сон, 56-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) 3-илованинг V банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги 632-сон қарорига мувофиқ 2008 йилда тузилган транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаларининг амал қилиши кўрсатиб ўтилган Ҳукумат қарори ўз кучини йўқотган кундан бошлаб муддатидан олдин тўхтатилган ҳисобланади, бунда суғурталовчиларнинг мазкур санагача содир бўлган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонини тўлашга доир мажбуриятлари сақланиб қолади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарорнинг 1, 5, 7 ва 8-бандлари «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирган кундан бошлаб амал қилади.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

— **Ўзбекистон Республикасининг**
Бош вазири

+

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 24 июнь,
141-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича
тўловларни кафолатлаш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб юритилади) транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда «мажбурий суғурта қилиш» деб юритилади) бўйича тўловларни кафолатлаш мақсадида ташкил этилади.

2. Жамғарма ўз фаолиятида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга бўлади.

Жамғарма молиявий ёрдам бериш ва хайрия фаолияти билан шуғулланишга, шунингдек юридик шахсларнинг муассиси (қатнашчиси) бўлишга ва суғурта ташкилотларининг устав сармоясида қатнашишга ҳақли эмас.

4. Жамғарманинг устав сармояси суғурталовчилар — аъзолар (кейинги ўринларда «суғурталовчилар» деб юритилади)нинг бир йўла тўланадиган бадаллари ҳисоби-га шаклланади. Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

II. Жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

транспорт воситаларидан фойдаланишда жабрланувчига унга етказилган зарарни кафолатли тўлашни мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўловларини амалга ошириш йўли билан таъминлаш;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта мукофотлари бўйича сийлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим тоифаларини кўрсатиб ўтилган сийловларни компенсация қилиш йўли билан қўллаб-қувватлаш тизимини молиявий таъминлаш;

мажбурий суғурта қилиш, шу жумладан мажбурий суғурта қилиш шартномалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган, суғурта ходисалари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини, суғурта қилдирувчилар ва жабрланганлар тўғрисидаги шахсий маълумотларни шакллантириш, суғурта сирлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни таъминлаган ҳолда суғурталовчилар билан Жамғарма ўртасида кўрсатиб ўтилган маълумотларни айирбошлашни ташкил этиш;

Жамғарманинг унга юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда тасдиқлаш.

6. Жамғарма қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

белгиланган тартибда жабрланувчиларга компенсация тўловлари тўлайди, шунингдек регресс талабларни амалга оширади;

суғурталовчилар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатиб ўтилган сийловларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаларига берилган суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилади;

Жамғарманинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборотларни махсус ваколатли давлат органи билан доимий равишда айирбошлайди;

суғурталовчилар билан мажбурий суғурта қилиш, қонун ҳужжатларида белгиланган суғурта сири тўғрисидаги талаблар таъминланиши тўғрисидаги маълумотларни айирбошлайди;

Жамғарма маблағлари тушуми ва сарфи бўйича йиллик ва чораклик прогнозларни шакллантиради;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий су-

ғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқади ва махсус ваколатли давлат органига кўриб чиқиши учун киритади; мажбурий суғурта қилиш соҳасида халқаро алоқаларни амалга оширади, хорижий тажрибани ўрганади ва ундан фойдаланади.

Жамғарма ўз вазифалари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. Жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Жамғарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчилардан тузилган мажбурий суғурта шартномалари сони, тўпланган суғурта мукофотлари миқдори, мажбуриятлар ва тўланган суғурта қопловлари тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда олиш;

Жамғарма маблағларини ушбу Низомда назарда тутилган тартибда жойлаштириш.

Жамғарма ўзига юкланган вазифаларга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Жамғарма қуйидагиларга мажбур:

махсус ваколатли давлат органига ушбу орган томонидан белгиланган шакл бўйича ва муддатларда молиявий ҳисобот ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш;

Жамғарманинг маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш; оммавий ахборот воситаларида йилнинг ҳар чорагида суғурталовчилар — қатнашчилар рўйхатини эълон қилиш;

махсус ваколатли органнинг сўровига кўра мажбурий суғурта қилиш бўйича тегишли ахборотни тақдим этиш.

Жамғарма ўз вазифалари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Жамғарма мол-мулкни шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби

9. Жамғарманинг мол-мулки:

суғурталовчиларнинг бир йўла ва календарь тўланадиган бадаллари;

Жамғарма томонидан жабрланувчига етказилган зарар учун жавоб берувчи шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар амалга оширилишидан жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари)нинг тегишли талабларини кўриб чиқиш бўйича Жамғарма томонидан амалга оширилган компенсация тўловлари ва харажатларига оид маблағлар;

Жамғарманинг пул маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шаклланади.

10. Суғурталовчининг Жамғармага бир йўла тўланадиган бадали Жамғармага бадал киритиш кунда суғурталовчи устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

11. Календарь бадал суғурталовчилар томонидан йилнинг ҳар чорагида Жамғармага ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Календарь бадал миқдори суғурталовчи билан тузилган мажбурий суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта суммаси ҳисобот чорагида ўсиши ҳажмидан келиб чиқиб махсус ваколатли давлат органи билан келишув бўйича Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Тўланган календарь бадаллар суммаси Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланган миқдорга етганда суғурталовчилар томонидан календарь бадаллар тўлаш махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда мажбурий суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта суммасидан келиб чиқиб тўхтатиб турилади. Мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта суммаси ўзгарган тақдирда суғурталовчи томонидан Жамғармага тўланган календарь бадаллар суммаси қайта ҳисоблаб чиқирилиши керак.

12. Мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши суғурталовчини Жамғармага календарь бадалларни тўлашдан озод қилмайди.

Календарь бадал ставкаси ўзгарган тақдирда Жамғарма бу ҳақда суғурталовчиларга тўлашнинг кейинги муддатидан олдин камида 30 кундан кечикмай хабар қилиши шарт.

13. Жамғарма маблағларидан фақат:

компенсация тўловлари тўлашда;

мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотларига оид сийловларни компенсация қилишда;

Жамғарма дирекцияси таъминоти учун;

ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган Жамғарманинг бошқа вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Жамғарманинг компенсация тўловларини молиялаштиришга ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилишга мўлжалланган маблағлари Жамғарманинг бошқа мол-мулкidan алоҳида ажратилади, улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади ва алоҳида банк ҳисоб рақами очилади.

14. Жамғарма дирекцияси таъминоти Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

15. Жамғарма маблағларининг бир қисми вақтинча бўш бўлган тақдирда Жамғарманинг кузатув кенгаши ҳар йили ушбу маблағларни инвестиция қилиш йўналишлари ва ҳажмини тасдиқлаши мумкин. Жамғарманинг кўрсатиб ўтилган маблағларини инвестиция қилиш диверсификациялаш, қайтариш, фойда олиш ва ликвидлик шартларида амалга оширилади.

16. Жамғарма маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштиришдан олинган Жамғарма даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

17. Агар ҳомийлар ёки грант берувчилар томонидан Жамғармага Жамғарманинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бўлган мақсадлар ва фойдаланиш шартлари кўрсатилган ҳолда маблағлар берилган тақдирда, ушбу маблағлардан ҳомийлар ёки грант берувчиларнинг кўрсатмаларига мувофиқ фойдаланилиши керак.

18. Мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолият ихтиёрий тўхтатилиши муносабати билан Жамғармадан ихтиёрий чиқилган тақдирда, шунингдек суғурталовчи Жамғарма олдигаги мажбуриятларни бажармаганлиги учун ундан чиқарилганда суғурталовчи томонидан Жамғармага тўланган бадаллар қайтарилмайди.

19. Махсус ваколатли давлат органи томонидан компенсация тўловларини молиялаштириш ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилиш учун Жамғарманинг банк ҳисоб рақамигаги маблағларнинг энг кам суммасига нисбатан талаблар белгиланиши мумкин.

**V. Суғурталовчиларнинг Жамғарма билан ёзма битимини
тузиш ва уларни аъзоликдан чиқариш тартиби**

20. Жамғарма билан суғурта битими тузиш учун суғурталовчи Жамғармага ариза, Жамғарманинг устав сармоясини шакллантириш учун бир йўла тўланадиган бадал белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов топшириқномаси нусхасини тақдим этиши шарт.

21. Жамғарма махсус ваколатли давлат органини тузилган ёзма битимлар ва суғурталовчилар томонидан Жамғармага бир йўла тўланадиган бадал тўланганлиги тўғрисида хабардор қилади.

22. Суғурталовчилар:

суғурталовчининг фирма номи ва (ёки) жойлашган жойи ўзгарганда;

суғурталовчини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда Жамғармага ёзма равишда маълум қилиши шарт.

23. Жамғарма билан ёзма битим тузган суғурталовчининг номи ва (ёки) жойлашган жойи ўзгарган тақдирда Жамғарма суғурталовчининг қайта рўйхатдан ўтказилиши ва лицензия қайта расмийлаштирилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар суғурталовчидан олинган пайтдан бошлаб 10 иш қуни мобайнида Жамғарманинг суғурталовчилари — аъзолари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

24. Суғурталовчи томонидан Жамғарма ва суғурталовчи ўртасида тузилган ёзма битимда назарда тутилган Жамғарма олдидаги мажбуриятлар мунтазам равишда бажарилмаган тақдирда Жамғарманинг кузатув кенгаши махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда суғурталовчи ва Жамғарма ўртасида тузилган битимни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, ушбу қарор мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланади.

25. Мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятнинг ихтиёрий тўхтатилиши муносабати билан Жамғармадан ихтиёрий чиқилган, шунингдек Жамғарма олдидаги мажбуриятларни бажармаганлиги учун суғурталовчи ундан чиқарилган тақдирда суғурталовчи транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича илгари тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажариши шарт.

VI. Жамғармани бошқариш

26. Кузатув кенгаши ва Жамғарма дирекцияси Жамғарманинг бошқарув органлари ҳисобланади.

27. Жамғарманинг кузатув кенгаши Жамғарма фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

28. Кузатув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Кузатув кенгашига раис бошчилик қилади.

29. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси ёки кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби бўйича заруриятга кўра, бироқ йил чорагида камида бир марта чақирилади.

Кузатув кенгаши, агар мажлисда унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарор қабул қилишга ҳақлидир. Агар ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми кузатув кенгаши қарори учун овоз берса, кузатув кенгаши қарори қабул қилинган ҳисобланади.

30. Кузатув кенгаши:

суғурталовчиларнинг календарь бадаллари ставкаларини, тўланган календарь бадалларининг чекланган суммасини, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бадалларни тўлаш муддатларини тасдиқлайди;

махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда банк-агентни танлайди;

Жамғарма маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан жорий фаолият харажатларини тасдиқлайди;

Жамғарманинг ижро этувчи органини тузади ва унинг фаолиятини назорат қилади;

аудиторлик ташкилотини белгилайди;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

31. Жамғарманинг ижро этувчи органи Дирекция ҳисобланади. Дирекция жорий раҳбарликни амалга оширади ва Жамғарма фаолияти учун жавоб беради. Жамғарма дирекциясининг тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Жамғарма дирекциясига кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган директор бошчилик қилади.

32. Жамғарма дирекцияси:

бир марталик ва календарь бадалларнинг суғурталовчилар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини назорат қилади;

белгиланган тартибда компенсация тўловларини ва суғурта мукофотлари бўйича сийловлар компенсациясини амалга оширади;

жорий фаолият харажатлари сметасини тасдиқлаш учун кузатув кенгашига киритади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

33. Жамғарманинг директори кузатув кенгаши мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашади.

VII. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

34. Дирекция ҳар йили суғурталовчиларнинг ажратмалари ва ўзга манбалардан бошқа тушумлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ва кредитларини жалб этиш, ҳам Ўзбекистон Республикаси резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг бегараз ёрдами шаклида навбатдаги йил учун Жамғарма тушумлари прогнозини амалга оширади.

35. Дирекция Жамғарма даромадлари прогнози асосида кейинги йил учун Жамғарма харажатлари прогнозини амалга оширади.

36. Навбатдаги йил учун Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозлари дирекция томонидан кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари йиллик прогнозлари кузатув кенгаши томонидан келгуси йилнинг 10 январигача тасдиқланади.

37. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари йиллик прогнозлари тасдиқлангандан кейин 30 кун мобайнида дирекция Жамғарманинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади.

VIII. Жамғарманинг молиявий ва бошқа ҳисоботлари

38. Жамғарма махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шакл бўйича ва муддатларда махсус ваколатли давлат органига молия ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни тақдим этади.

39. Жамғарманинг йиллик молия ҳисоботи ишончлилиги аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

40. Жамғарманинг йиллик молиявий ҳисоботи кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

41. Жамғарманинг йиллик молиявий ҳисоботи махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шакл бўйича ва муддатларда матбуотда эълон қилинади.

42. Жамғарманинг молиявий фаолияти ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши керак.

IX. Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

43. Маблағларни тасдиқланмаган сметасиз, шунингдек Жамғарма харажатлари прогнозида назарда тутилмаган чора-тадбирларга ёки ҳам умуман смета бўйича, ҳам харажатларнинг алоҳида турлари бўйича смета вазифаларидан ортиқ бўлган суммаларда сарфлаш тақиқланади, энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган ҳоллар бундан мустасно.

44. Ушбу Низомда назарда тутилмаган мақсадлар учун Жамғарма ҳисоб рақамидан маблағларни ўтказиш ва вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

X. Суғурталовчиларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни Жамғарма томонидан олиш ва ошкор қилмаслик кафолати

45. Жамғарма ва махсус ваколатли давлат органи Жамғарма ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборотни доимий равишда айирбошлайди.

46. Жамғарма, агар суғурталовчиларнинг фаолияти, уларнинг мижозлари тўғрисидаги ахборот Жамғарма ўз функцияларини амалга ошираётганда унга маълум бўлса, кўрсатиб ўтилган ахборот ошкор қилинмаслигини кафолатлайди, қонунга мувофиқ ахборотнинг ошкор қилинишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.


47. Жамғарма томонидан кўрсатиб ўтилган ахборот ошкор қилинган тақдирда ҳуқуқлари бузилган шахс Жамғармадан бундай ошкор қилиш орқали ўзига етказилган зарарни қоплашини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш

48. Жамғарма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича
тўловларни кафолатлаш жамғармаси дирекциясининг
ТУЗИЛМАСИ**



Жами: 12 штат бирлиги (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари).

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Транспорт воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда «мажбурий суғурта қилиш» деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

транспорт воситасининг эгаси — транспорт воситасининг мулкдори, шунингдек транспорт воситасига хўжалик юрителиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқида ёхуд бошқа қонуний асосда (мулк ижараси шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома, тегишли органнинг мазкур шахсга транспорт воситасини топшириш тўғрисидаги фармойиши ва шу кабилар) эгалик қилувчи шахс. Ўз хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши туфайли, шу жум-

ладан транспорт воситасининг мулкдори ёхуд ўзга эгаси билан меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида транспорт воситасини бошқарувчи шахс транспорт воситасининг эгаси ҳисобланмайди;

хайдовчи — транспорт воситасини бошқарувчи шахс. Транспорт воситасини бошқариш ўргатилаётганда ўргатувчи шахс хайдовчи ҳисобланади;

транспорт воситалари эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси (кейинги ўринларда мажбурий суғурта шартномаси деб аталади) — суғурта шартномаси бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади;

транспорт воситасидан фойдаланиш — транспорт воситасидан унинг йўлларда (йўл ҳаракатида), шунингдек уларга туташ, транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган ҳудудларда ҳаракатланишидан иборат бўлган фойдаланиш. Транспорт воситасига ўрнатилган ва транспорт воситасининг ҳаракатланишида иштирок этиши билан узвий боғлиқ бўлмаган ускуналардан фойдаланиш транспорт воситасидан фойдаланиш ҳисобланмайди;

компенсация тўловлари — мажбурий суғурта бўйича суғурта тўловини амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда, жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига амалга ошириладиган тўловлар;

жабрланувчи — транспорт воситаси бошқа шахс томонидан фойдаланилаётганда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган шахс;

махсус давлат белгиси — мажбурий суғурта қилиш шартномасида мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси билан бирга суғурта қилдирувчига бериладиган ва транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинганлигини кўрсатадиган белги;

суғурта қилдирувчи — суғурталовчи билан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузган транспорт воситасининг эгаси;

суғурта мукофоти — суғурта қилдирувчи мажбурий суғурта қилиш шартномасига мувофиқ суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

суғурта пули — бу шундай суммаки, суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) қоплаш мажбуриятини олади;

суғурта товони — суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасига мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчига унинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига суғурта пули доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

суғурта полиси — мажбурий суғурта қилишни амалга оширишни тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат;

суғурта ҳодисаси — мажбурий суғурта қилиш шартномасига кўра транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган, суғурта қилдирувчининг суғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарар бўйича жавобгарлиги суғурта қилинган, суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши;

суғурталовчи — мажбурий суғурта қилишга ҳақли тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

транспорт воситаси — йўлларда одамларни, бағажни, юкларни ёки ўзига ўрнатилган асбоб-ускуналарни ташиш учун мўлжалланган қурилма.

3. Транспорт воситасига эғалик ҳуқуқи вужудга келганда (у мулк қилиб, хўжалик юритишига, оператив бошқаришга ёки бошқа қонуний асосда олинганда) транспорт воситаси эғаси унга эғалик қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.

4. Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти қуйидаги транспорт воситалари эғаларига нисбатан татбиқ этилмайди:

энг катта конструктив тезлиги соатига 20 километрдан ошмайдиган транспорт воситалари;

тиркамалар ва икки, уч ғилдиракли ёки иш ҳажми 50 куб сантиметргача бўлган двигателъ ёки инсон ёхуд ҳайвон қучи билан ҳаракатга келтириладиган бошқа транспорт воситалари;

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг транспорт воситалари, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг хўжалик фаолиятини таъминлаш учун фойдаланиладиган автобуслар, енгил автомобиллар, бошқа транспорт воситалари бундан мустасно;

чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, агар улар эғаларининг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимлари доирасида суғурта қилинган бўлса;

эғаларининг фуқаролик жавобгарлиги қонунга мувофиқ бошқа шахс томонидан суғурта қилинган транспорт воситалари.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимларининг суғурта полислари мавжуд бўлмаган тақдирда чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик фойдаланилаётган транспорт воситалари эғалари фуқаролик жавобгарлигини ушбу транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик фойдаланишнинг бутун муддатига, лекин камида ўн беш кунга суғурта қилдириши шарт.

6. Транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эғаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ва (ёки) мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган транспорт воситаси бошқа эғасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилиниши мумкин.

7. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эғалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ходисаси ҳисобланмайди:

мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;

маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;

транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув ҳайдови давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;

атроф муҳитнинг ифлосланиши;

ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши керак бўлса;

ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти

ёки соғлиғига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;

ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш бўйича мажбурияти;

хайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;

юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилганлиги;

нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металлдан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

8. Йўл ҳаракатида қатнашаётган транспорт воситаси хайдовчисида мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси мавжуд бўлиши, транспорт воситасининг ўзида эса махсус давлат белгиси ўрнатилган бўлиши шарт.

II. Мажбурий суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби

9. Мажбурий суғурта шартномаси оммавий ҳисобланади ва 1 йил муддатга тузилади, ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Транспорт воситаси олинганда (сотиб олинганда, мерос қилиб олинганда, ҳадяга олинганда ва шу кабилар) унинг эгаси транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш жойига бориш муддатига мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир. Бунда транспорт воситасининг эгаси транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгунига қадар бир йилга мажбурий суғурта шартномасини тузиши шарт.

Транспорт воситасидан мавсумий фойдаланишда унинг эгаси ундан фойдаланиш давридан иборат муддатга мажбурий суғурта шартномасини тузиш ҳуқуқига эга. Бунда кўрсатиб ўтилган муддат календарь йилда олти ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

10. Транспорт воситасининг эгаси мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурталовчини танлаш ҳуқуқига эга.

11. Мажбурий суғурта шартномаси суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта полисини ва махсус давлат белгисини тақдим этиш йўли билан тузилади. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси ҳисобланган суғурта мукофоти тўлангандан кейин тақдим этилади.

Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, улар ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганликнинг камида 3 та даражасига эга бўлиши керак. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкалари суғурталовчининг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида, ушбу Қоидаларга

1 ва 2-иловаларга биноан суғурта полиси намунасига ҳамда махсус давлат белгиси шаклига мувофиқ тайёрланади.

Махсус давлат белгиси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган транспорт воситасининг олд томонидаги ойнасининг юқоридаги ўнг бурчагига жойлаштирилади.

12. Мажбурий суғурта шартномасини тузиш учун суғурта қилдирувчи суғурталовчига ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза-анкетада кўрсатилган мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетани ҳар бир транспорт воситаси бўйича тақдим этади, унга қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

а) транспорт воситасини бошқаришга қўйилган суғурта қилдирувчи — жисмоний шахснинг ва бошқа шахсларнинг паспорти ёки бошқа шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси (фотосурати ва рўйхатга олинганлик тўғрисидаги охириги ёзув қайд этилган варақлари);

б) транспорт воситасининг техник паспорти (счёт-маълумотномаси) ёки унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ушбу Қоидаларнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатда — транспорт воситасининг олди-сотди (алмашиш, ҳадя қилиш) шартномасининг нусхаси);

в) транспорт воситасини бошқаришга берилган ишончнома ёхуд ушбу транспорт воситасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжат — агар мажбурий суғурта шартномаси транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахсларгина бошқаришга қўйилиши шarti билан тузилган бўлса (транспорт воситасини бошқаришга қўйилган барча шахслар учун, транспорт воситаси эгасидан ташқари);

г) транспорт воситасини бошқаришга қўйилган барча шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки барча ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар — транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахслар қўйилиши шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилган тақдирда;

д) суғурта қилдирувчи — жисмоний шахсларнинг ушбу Қоидаларнинг 33-бандига мувофиқ суғурта мукофоти бўйича сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига тегишлилигини тасдиқловчи (гувоҳнома, маълумотномалар ва шу каби-лар) ҳужжатлар (агар бўлса).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг асл нусхалари уларнинг нусхалари билан таққослаш учун тақдим этилади, ушбу банднинг «д» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар бундан мустасно. Ушбу банднинг «д» кичик бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг нусхалари нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

13. Суғурта қилдирувчи ушбу Қоидаларнинг 12-бандида санаб ўтилган ҳужжатларга қўшимча равишда ушбу Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича ўтган 5 йил мобайнида мажбурий суғурта шартномаси тузилган суғурталовчилар томонидан берилган транспорт воситасини бошқаришга қўйилган ҳар бир шахс бўйича суғурталаш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Суғурталаш тўғрисидаги маълумотларни:

мажбурий суғурта шартномасини биринчи марта тузаётган шахс;

транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахс сифатида мажбурий суғурта қилишда биринчи мартда қатнашаётган шахслар;

олдинги мажбурий суғурта шартномасини тузган суғурталовчи бўйича, шунингдек мажбурий суғуртанинг олдинги шартномасида кўрсатилган транспорт восита-

сини бошқаришга қўйилган шахслар бўйича ушбу суғурталовчига тақдим этиши талаб қилинмайди.

14. Агар суғурта қилдирувчи ўзи эгаси бўлган транспорт воситасини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш вақтигача белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризани тўлдиришда «Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами» сатрини тўлдирмайди. Транспорт воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 3 иш куни мобайнида суғурта қилдирувчи суғурталовчига техник паспорт ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этиши шарт, суғурталовчи кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси бланкасида тегишли ёзувни қайд этади.

15. Транспорт воситасининг эгаси ўзига тегишли транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир. Транспорт воситасидан йил давомида фойдаланиш даври, шунингдек уни бошқаришга қўйилган барча ҳайдовчилар мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада ва суғурта полисида кўрсатилади.

16. Мажбурий суғурта шартномаси амал қиладиган даврда суғурта қилдирувчи суғурталовчига мажбурий суғурта шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ёзма шаклда зудлик билан хабар қилиши шарт.

17. Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасини тузишда тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги аризани суғурта қилдирувчидан олган тақдирда зарурат бўлганда мажбурий суғурта бўйича суғурта полисини қайта расмийлаштиради.

Агар суғурта қилдирувчи хабар қилган ўзгаришлар мажбурий суғурта бўйича суғурта полисидаги ва махсус давлат белгисидаги мавжуд маълумотларга тааллуқли бўлса суғурталовчи суғурта қилдирувчига 3 иш куни мобайнида қайта расмийлаштирилган мажбурий суғурта бўйича суғурта полисини ва махсус давлат белгисини бериши шарт. Суғурта қилдирувчидан қайта расмийлаштирилган мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси олган тақдирда, у илгари берилган мажбурий суғурта бўйича суғурта полисини ва махсус давлат белгисини қайтариб бериши шарт. Суғурталовчи томонидан қайтариб берилган мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси қайта расмийлаштирилган ҳужжатларнинг иккинчи нусхалари билан бирга суғурталовчида сақланади.

18. Мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси йўқотиб қўйилган тақдирда суғурта қилдирувчи уларнинг дубликатларини олиш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатларни тайёрлаш учун қилган харажатлари ҳақини тўланган суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши керак.

Дубликатлар суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчи мурожаат қилган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

19. Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;
б) мажбурий суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

20. Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва мажбурий суғурта тўғрисидаги шартноманинг амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши ушбу Қоидаларнинг 19-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг ушбу мажбурий суғурта шартномаси бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

Суғурта қилдирувчига (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, ҳуқуқий ворислари) суғурта суммасининг бир қисмини ушбу бандда назарда тутилган ҳолларда қайтариш суғурта қилдирувчининг (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, ҳуқуқий ворислари) тегишли тартибда мурожаат қилган кунидан бошлаб 14 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

21. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг ёки мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилган ҳайдовчининг тегишли мурожаати санасидан бошлаб 5 кун муддатда унга ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича суғурта қилиш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт. Кўрсатиб ўтилган маълумотларни тақдим этганлик учун тўлов ундирилмайди.

22. Мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш ушбу суғурталовчи томонидан бошқа суғурталовчи билан тузилган шартнома асосида, ушбу Қоидаларнинг 23 — 25-бандлари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

23. Суғурталовчини алмаштиришга махсус ваколатли давлат органининг ва суғурталовчининг қайси суғурта қилдирувчилар олдидagi мажбуриятлари мажбурий суғурта шартномаси бўйича бошқа суғурталовчига ўтказилган бўлса, суғурта қилдирувчиларнинг розилиги билан йўл қўйилади. Бундан ташқари, мажбуриятлар бошқа суғурталовчига ўтказиладиган мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини амалга оширишни талаб қилаётган жабрланувчиларнинг (улар меросхўрларининг ёки ҳуқуқий ворисларининг) розилигини олиш зарур.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни қабул қилувчи суғурталовчининг суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) суғурталовчини алмаштиришга рози эканлиги тўғрисидаги сўрови ёзма шаклда амалга оширилади. Сўровда суғурта қилдирувчиларнинг ва жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) алмаштиришни рад этиш ҳуқуқи тушунтириб берилиши керак.

24. Суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) суғурталовчининг алмаштирилишига рози бўлиш ёхуд рад этишга ҳақлидирлар. Суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) мажбурий суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни топширувчи ёки қабул қилиб олувчи суғурталовчини ўз қарори тўғрисида ёзма шаклда хабардор қиладилар.

25. Махсус ваколатли давлат органи, агар:

мажбурий суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни қабул қилиб олувчи суғурталовчи мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаса;

суғурталовчининг мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўзига берилаётган мажбуриятларни қабул қилиб олиши қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган

бажарилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларининг бузилишига сабаб бўлса;

суғурталовчининг алмаштирилиши тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ бўлса, суғурталовчининг алмаштирилишини рад этишга ҳақлидир.

III. Суғурта пули, суғурта мукофоти ва суғурта мукофотини тўлаш тартиби

26. Суғурта пули мажбурий суғурта шартномасида миллий валютада кўрсатилади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мажбурий суғурта шартномаси тузилган кундаги курси бўйича белгиланади.

27. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг миқдори ушбу Қоидаларга 5-иловага биноан суғурта тарифларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида суғурта тарифларининг ўзгариши суғурта қилдирувчи томонидан тўлов вақтидаги амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

28. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек ушбу Қоидаларга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда суғурталовчида мавжуд бўлган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

29. Агар мажбурий суғурта шартномаси тузилгандан кейин мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта қилдирувчининг нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатганлиги аниқланса, суғурта мукофоти миқдорлари мажбурий суғурта шартномаси тузилган вақтда амалда бўлган суғурта тарифларига мувофиқлаштирилиши керак.

30. Мажбурий суғурта шартномаси шартлари у амал қилган муддат мобайнида ўзгарган тақдирда, шунингдек ушбу Қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда суғурта мукофоти миқдори ўзгарган шартларга мувофиқ равишда тузатилади. Бунда томонларнинг суғурта мукофотини ўзаро ҳисоб-китоб қилишга тааллуқли бўлган мажбуриятлари мажбурий суғурта шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечикмай бажарилиши керак.

31. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг барча коэффициентлари қўлланишини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилган энг юқори миқдори базавий ставканинг беш бараваридан ошиши мумкин эмас.

Суғурта қилинувчи суғурталовчидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофотининг ёзма ҳисоб-китобини талаб қилишга ҳақлидир. Зарур маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суғурталовчи ана шундай ҳисоб-китобни суғурта қилдирувчидан тегишли ёзма ариза олинган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида тақдим этиши шарт.

32. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига (унинг филиалига ёки суғурта агентига) мажбурий суғурта шартномасини тузиш вақтида нақд ёки нақдсиз ҳисоб-китоб йўли бўйича бир йўла тўланади.

Нақд ҳисоб-китоб бўйича суғурта мукофотини тўлашда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилинган сана тўлов

санаси ҳисобланади. Нақдсиз ҳисоб-китоб бўйича суғурта мукофотини тўлашда пул маблағларининг суғурталовчининг (унинг филиали ёки суғурта агентининг) банкдаги ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

33. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўлашда қуйидаги суғурта қилдирувчиларга суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида сийлов берилади:

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки партизанлари ёхуд уларга тенглаштирилган шахслар;

1941 — 1945 йиллардаги уруш даври меҳнат fronti фахрийлари;

концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг ота-онасидан бири ёки бошқа турмуш қурмаган беваси;

Чернобиль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар;

пенсионерлар;

ногиронлар.

Ушбу бандда назарда тутилган сийловлар Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан, суғурталовчининг суғурта мукофотига доир сийловни компенсация қилиш масаласи юзасидан ёзма равишда мурожаати олинган кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида қопланади.

Сийлов ушбу бандда кўрсатилган суғурта қилинувчининг ўзига тегишли бўлган битта транспорт воситаси бўйича фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда берилади.

Ушбу бандга мувофиқ берилган сийлов тўғрисида мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида тегишли белги қўйилади.

IV. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда шахсларнинг ҳаракатлари

34. Жабрланувчиларга зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлган суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) мазкур ҳодисанинг бошқа иштирокчилари талабига кўра уларга ушбу транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган мажбурий суғурта шартномаси тўғрисидаги маълумотларни хабар қилиши шарт.

Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) ёки унинг ваколатли вакили суғурта ҳодисаси содир бўлганда:

жабрланувчига (унинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) йўл-транспорт ҳодисаси кунидан бошлаб уч календарь кундан кечиктирмай суғурта полисининг нусхасини топшириши;

давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг етиб келишини кутиши, имкони борича йўл-транспорт ҳодисаси гувоҳларининг фамилияси ва манзилни ёзиб олиши;

дарҳол, йўл-транспорт ҳодисасидан кейин 72 соатдан кечиктирмай, содир бўлган ҳодиса ҳақида ушбу Қоидаларга 6-иловага мувофиқ ёзма шаклда, суғурта полисининг нусхасини илова қилган ҳолда суғурталовчига (унинг филиалига) йўл-транс-

порт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ва транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига билдириши керак. Билдириш-номада ҳодисанинг хусусияти, содир бўлган пайти, кўрилиши тахмин қилинган зарарнинг миқдори, йўл-транспорт ҳодисасига алоқадор барча шахсларнинг, шу жумладан тахмин қилинган даъвогарларнинг номлари ва манзилларига тааллуқли ахборот имкон қадар тўлиқ ҳажмда, шунингдек суғурта қилдирувчи ходиса ҳақида илк маротаба қай тарзда хабардор бўлганлиги ва суғурта қилдирувчининг нега ходи-сани талабнома билдиришга сабаб бўлиши мумкин деб ҳисоблашига оид тафсилот-лар мажбурий тартибда кўрсатилиши керак;

суғурталовчига суғурта ҳодисаси муносабати билан унга нисбатан қўйилаётган барча талаблар ёки унга қарши бошланган суд муҳокамаси тўғрисида дарҳол хабар қилиши, зарар етказилиши ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ва вако-латли органлардан олинган, суғурта ҳодисасининг сабаблари ҳамда оқибатларини, зарарнинг хусусияти ва миқдорини белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни су-ғурталовчига тақдим этиши;

зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак.

35. Суғурталовчи (унинг филиали) ходимлари йўл-транспорт ҳодисаси ҳолат-ларини ва суғурта қилдирувчи ёки жабрланувчининг хабарига кўра етказилган зарарни аниқлаш учун йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳужжатларни рас-мийлаштиришда қатнашишлари мумкин. Ўзининг суғурта тўлови ҳуқуқидан фой-даланиш ниятида бўлган жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) суғурталовчига ўз ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ўрнини суғурта пули доирасида қоплаш тўғрисидаги талаб билан ёзма аризани жўнатиши шарт.

36. Жабрланувчи суғурта тўлови тўғрисидаги аризани жабрланувчининг яшаш жойидаги ёхуд йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги суғурталовчига (унинг филиалига) жўнатади.

37. Жабрланувчининг ёки унинг меросхўрларининг (агар жабрланувчининг ахvoli мустақил равишда мурожаат қилишга имкон бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакилларининг) ёхуд унинг ҳуқуқий ворисларининг суғурта тўлови тўғриси-даги талаби кўрсатилган аризаси қуйидагиларнинг асли ёки нусхалари илова қилин-ган ҳолда суғурталовчига ёки унинг вакилига юборилади:

суғурта полиси (агар бўлса);

зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумот-номаси ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳуж-жатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун ту-зилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);

жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек мерос-хўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганли-гини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрла-рига ёхуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса).

38. Агар жабрланувчи айни бир вақтда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавоб-

гарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) ҳисобланса, у ҳолда суғурта ходисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш қўлланиши мумкин.

Суғурта ходисасини тўғридан-тўғри ҳал этишда суғурта қилдирувчи (фукаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) бўлган жабрланувчи ўзи билан мажбурий суғурта шартномасини тузган суғурталовчига ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли.

Суғурта ходисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш қўлланилганда айбдор тарафнинг суғурталовчиси жабрланувчининг суғурталовчисига жабрланувчига суғурта товони-ни тўлаш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

V. Жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови миқдорини аниқлаш

39. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

40. Мол-мулкка зарар етказилганда жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиши ҳолатларини аниқлаш ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш мақсадида суғурталовчига кўздан кечириш ва мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш учун ўз ташаббуси билан ёки суғурталовчининг сўровига биноан тақдим қилиши шарт.

41. Жабрланувчи (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) ёзма равишда мурожаат этган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда, агар улар ўртасида ёзма шаклда бошқа муддат келишилмаган бўлса, суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириши ва унинг мустақил экспертизасини (баҳолашини) ташкил этиши шарт.

Суғурталовчи жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан, суғурталовчининг, экспертнинг иш жадвалини ҳисобга олган ҳолда, кўздан кечириш вақти ва жойини ва (ёки) шикастланган мол-мулкни мустақил экспертизадан (баҳолашдан) ўтказадиган ташкилотни ҳамда ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган шикастланган мол-мулкни кўздан кечиришни ўтказиш муддатини келишиб олиши, жабрланувчи (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) эса суғурталовчи билан келишилган вақтда шикастланган мол-мулкни кўрсатиши шарт.

42. Агар шикастланишларнинг хусусияти ёки шикастланган мол-мулкнинг ёхуд унинг қолдиқларининг ўзига хос хусусиятлари мол-мулкни суғурталовчи ва (ёки) эксперт жойлашган ерда кўздан кечириш ҳамда мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш учун тақдим этилишини истисно этса (транспорт воситасининг йўл ҳаракатида иштирок этишини истисно этадиган тарзда шикастланганлиги ва бошқа ҳолларда), кўздан кечириш ва мустақил экспертиза (баҳолаш) шикастланган мол-мулк ёки унинг қолдиқлари турган ерда ушбу Қоидалар 41-банди биринчи хатбошида кўрсатилган муддатда ўтказилади.

43. Агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) томонидан тақдим этилган шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертизадан (баҳолашдан) ўтказиш суғурта ходисаси мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши керак бўлган зарарлар миқдорини ҳаққоний аниқлаш имконини бермаса, суғурталовчи кўрсатиб ўтилган ҳолатларни аниқлаш учун суғурта қилинувчининг фойдаланиш вақтида жабрланувчига зарар етказилган транспорт воситасини кўздан кечиришга ва (ёки) ушбу транс-

порт воситасига ёки унинг қолдиқларига нисбатан такрорий мустақил экспертиза (баҳолаш) ташкил этишга ҳақлидир. Суғурта қилдирувчи ушбу транспорт воситасини ёки унинг қолдиқларини суғурталовчининг талабига кўра мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган тартибда тақдим этиши шарт.

44. Агар суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини ушбу Қоидаларнинг 41-банди биринчи хатбошида белгиланган муддатда кўздан кечирмаган ва (ёки) мустақил экспертизасини (баҳоланишини) ташкил этмаган бўлса, у ҳолда жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини суғурталовчига кўздан кечириш учун тақдим этмаган ҳолда шундай экспертиза (баҳолаш) ташкил этилиши учун мустақил тарзда ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли. Бу ҳолда суғурталовчи мустақил экспертиза (баҳолаш) натижалари юзасидан низолашишга ҳақли эмас.

45. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, ушбу Қоидаларнинг 39-бандида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

46. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу модда талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисmini тўлашни рад этишга ҳақли.

47. Суғурта тўлови амалга оширилишига асос бўлган мустақил экспертиза (баҳолаш) қиймати мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ўрни қопланиши лозим бўлган зарарлар таркибига киритилади.

VI. Жабрланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда суғурта товони миқдорини аниқлаш

48. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

49. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, ушбу Қоидаларнинг 48-бандида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

50. Жабрланувчининг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўлов миқдори етказилган зарар мавжудлигини ва миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасасидан маълумотнома ёки ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, далолатнома ёки ўлим тўғрисидаги гувоҳнома) асосида ҳамда жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўловлар жадвалига (кейинги ўринларда тўловлар жадвали деб аталади) мувофиқ ушбу Қоидаларга 7-иловага* биноан аниқланади.

Агар ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган шикастланиш характери тўлов жадвалида келтирилмаган бўлса, суғурталовчи тўлов

* 7-илова рус тилидаги матнда берилган.

лар жадвалида келтирилган шикастланишнинг у ёки бу характерга мувофиқлигини аниқлаш учун ушбу ҳужжатларни берган муассасага ёзма равишда мурожаат қилади. Шикастланиш характерининг тўловлар жадвалида келтирилган шикастланишнинг у ёки бу характерига мувофиқлигини аниқлашда шикастланишнинг энг мувофиқ характери танланади.

51. Ҳаётга, соғлиққа ва (ёки) мол-мулкка зарар етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўйича шубҳа пайдо бўлганда суғурталовчи ҳужжатда кўрсатилган ахборотнинг тасдиғини олиш учун ушбу ҳужжатни берган муассасага мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

VII. Суғурта товонини тўлаш

52. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

53. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

54. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

55. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

56. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди. Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини ўз ҳисобидан қисман қопласа суғурталовчи суғурта товонининг тегишли қисмини суғурта қилдирувчига (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга), қолган қисмини эса — жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўлайди.

Қуйидагилар етказилган зарар ўрнини қоплаш тартибида суғурта қилдирувчи тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади:

суғурта қилдирувчилар — юридик шахслар учун — банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси;

суғурта қилдирувчилар — жисмоний шахслар учун — жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) суғурта товонини олганлиги тўғрисидаги тилхати.

57. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки

ҳуқуқий ворисига) суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) бу ҳаракатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

58. Жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига бошқа манбалардан олган тўловлар суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини камайтирмайди.

59. Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги суғурталовчининг ушбу Қоидаларга мувофиқ ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлолмайди.

60. Агар мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзida ихтиёрий суғурта бўйича ҳам суғурталанган бўлса, ихтиёрий суғурта бўйича суғурта товони мажбурий суғурта бўйича суғурта товонини тўлаш шартларидан қатъи назар, тўланади.

Мажбурий ва ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича мол-мулкка етказилган зарар учун суғурта товони тўлаш юзасидан суғурталовчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлган тақдирда, биринчи навбатда мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта товони тўланади, мол-мулкка етказилган зарарнинг тўланмаган қисми ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича қопланади. Бунда мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича тўланган суғурта товонининг умумий суммаси жабрланувчининг мол-мулкка етказилган ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

61. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида жабрланувчи ҳалок бўлган ёки унинг соғлиғига зарар етказилган бўлса, суғурта товони ушбу Қоидаларнинг 48 ва 49-бандлари талаблари инобатга олинмаган ҳолда, шундай ҳодиса учун тўловни назарда тутувчи барча турдаги суғурта шартномаларига мувофиқ тўланади.

62. Агар битта суғурта ҳодисаси натижасида икки ёки ундан ортиқ суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсларнинг) фуқаролик жавобгарлиги юзага келган бўлса, суғурталовчилар жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ҳар бир суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) айби даражасига мувофиқ суғурта товонини тўлайди. Суғурта қилдирувчилардан ҳар бирининг айби даражасини аниқлаш мумкин бўлмаганда жавобгарлик улар ўртасида тенг тақсимланади.

63. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

64. Ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори тўлиқ аниқлангунига қадар суғурталовчи жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) аризасига кўра суғурта тўловининг мазкур зарарнинг амалда аниқланган қисмига мувофиқ бўлган қисмини тўлашга ҳақли.

65. Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан келишувга кўра ва мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган шартлар асосида суғурталовчи шикастланган мол-мулкнинг суғурта товони ҳисобидан таъмирланишини ва (ёки) унинг қолдиқлари утилизация қилинишини ташкил қилишга ва ҳақини тўлашга ҳақли.

66. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

67. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

68. Агар суғурта товонини тўлаш ушбу Қоидаларда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товонига қўшимча равишда, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фойзининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

69. Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товони тўласа, у ҳолда суғурта қилдирувчи суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафта муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди. Тўланадиган қўшимча суғурта мукофоти ҳисоб-китоби ушбу Қоидаларга 5-иловада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

70. Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши даврида вужудга келган зарарларнинг ўрнини, агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) зарарларни келтириб чиқарган суғурта ҳодисаси ҳақида зарарларнинг ўрнини мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уч йил ичида ундириш тўғрисида даъво аризаси берган бўлса, қоплайди.

71. Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига Тўловларни кафолатлаш жамғармасидан компенсация тўлови мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўлови қуйидагилар оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади:

суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги;
жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахснинг номаълумлиги;
фойдаланилаётганда зарар етказган транспорт воситасининг эгаси ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги.

72. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий календарь йилда яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр мобайнида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга.

73. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет давлатлар фуқаролари компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига, агар шу чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ шундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган бўлса, эгадир.

74. Компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги талаб жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган кундан эътиборан уч йил мобайнида билдирилиши мумкин.

75. Суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги оқибатида суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда

суғурталовчи суғурта ходисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги далолатномани ва суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига жабрланувчиларга (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилади.

76. Фойдаланилаётганда жабрланувчига зарар етказилган транспорт воситаси эгасининг номаълумлиги ёки фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаганлиги сабабли суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда жабрланувчи ёки унинг меросхўрлари (агар жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда мурожаат этиш имконини бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакиллари) ёхуд ҳуқуқий ворислари қўйидаги ҳужжатларнинг аслини ёки нусхаларини илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилади:

суғурта полиси (агар бўлса);

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги суд қарори, агар иш суд томонидан қўрилган бўлса;

зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ходисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотнома ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);

жабрланувчининг шахсини ёки унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчиларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига тўланиши лозим бўлса).

77. Компенсация тўловлари қонун ҳужжатларида, шу жумладан Тўловларни кафолатлаш жамғармаси қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. Суғурталовчининг регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқи

78. Суғурталовчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қўйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

а) мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;

б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;

в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;

г) мазкур шахс йўл-транспорт ходисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;

д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан

фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);

е) суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда). Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Якунловчи қоидалар

79. Мажбурий суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

80. Суғурталовчилар тегишли сўров бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан суғурталовчи томонидан суғурта товони миқдорини аниқлаш мақсадида суғурта ҳодисасининг содир бўлиш сабаблари ва ҳолатлари ҳамда етказилган зарар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ҳулосаларни олишга ҳақлидир.

81. Мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг транспорт воситалари эгалари томонидан бажарилишини назорат қилиш транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишда (қайта ўтказишда), уларнинг мажбурий техника кўригини ташкил этишда ва йўл ҳаракати қоидаларига, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилишга доир бошқа ваколатларни амалга оширишда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади. Транспорт воситаси ҳайдовчиси ўз ёнида суғурта полисини олиб юриши ва уни текшириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бунга ваколатли бўлган давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига кўрсатиши шарт.

Чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситаларининг эгалари томонидан мажбурий суғурта бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш божхона органлари ва давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.

82. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишади.

Транспорт воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш қоидаларига
1-ИЛОВА

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта
полиси бланкаси намунаси**

(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бланкасининг
олд томони)

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби**

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича
СУГУРТА ПОЛИСИ**

Серия ____ № ____

Суғурта полисининг амал қилиш даври

20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача

1. Суғурталовчининг тўлиқ номи ва реквизитлари _____

2. Суғурта қилдирувчининг тўлиқ номи (Ф.И.О.) ва реквизитлари _____

3. Транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар:

Маркаси ва модели	Ишлаб чиқарилган йили	Двигатель рақами	Кузов (шасси) рақами	Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами

4. Суғурта қилдирувчининг фаолияти тури: _____

5. Транспорт воситасидан фойдаланиш даври:

20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача

6. Транспорт воситасидан устун даражада фойдаланиш ҳудуди: _____

7. Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар:

Чекловсиз/фақат қуйидаги ҳайдовчилар:

(кераклисининг тагига чизилсин)

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Ҳайдовчилик гувоҳномаси (серияси, рақами)
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бланкасининг орқа томони)

8. Суғурта суммаси ва суғурта мукофоти.

Кўрсаткичлар	Сумма рақамлар билан	Сумма ёзув билан
Суғурта суммаси		
Суғурта мукофоти		
Суғурта мукофоти бўйича сийловлар		
Суғурталовчига тўланадиган суғурта мукофоти суммаси		

9. Суғурта қилдирувчининг ёки транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун мазкур суғурта полисига мувофиқ жавобгарлиги суғурталанган шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юз бериши ушбу суғурта полиси бўйича суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

10. Суғурталовчининг почта манзили, шунингдек унинг барча вакиллари, улар билан алоқа воситалари ва уларнинг иш вақти тўғрисидаги маълумотлар: _____

11. Серия _____ № _____ махсус давлат белгиси ва юз берган воқеа тўғрисидаги аризанинг иккита шакли берилган.

12. Алоҳида белгилар _____

**Раҳбар ёки суғурталовчининг
ваколатли шахси**

_____ (имзо)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

Берилган санаси: 20__ йил «__» _____

Суғурта полиси бланкасининг тавсифи:

Суғурта полиси бланкалари А4 (210 — 297 мм) форматида тайёрланади. Суғурта полиси бланкасининг асосий ранги оқ ранг.

Транспорт воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш қоидаларига
2-ИЛОВА

Махсус давлат белгиси шакли

(Логотип)	
(Суғурталовчининг тўлиқ номи)	
Серия	№
ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ЭГАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ	
20__ йил «__»____дан	
20__ йил «__»____гача суғурталанган	
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси	
20__ йил «__»____Серия____№____	

Махсус давлат белгисининг тавсифи:

Махсус давлат белгисининг эни 15 сантиметрни, бўйи 10 сантиметрни ташкил этади. Махсус давлат белгисининг асосий ранги оқ ранг.

Транспорт воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш қоидаларига
З-ИЛОВА

Суғурталовчи _____
(суғурталовчининг номи)

_____дан
(ариза берувчининг номи (номланиши) тўлиқ)

Ариза берувчи — жисмоний шахснинг пас-
порти: серияси: _____, рақами: _____,
20__ йил «__» _____да _____
томонидан берилган.

Ариза берувчи — юридик шахснинг реквизит-
лари:

СТИР _____

Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____,
х/к _____

Ариза берувчининг почта манзили: _____

Алоқа боғлаш учун телефон рақами _____

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини
тузиш тўғрисида
АРИЗА-АНКЕТА**

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий су-
ғурта қилиш қоидаларида назарда тутилган шартларда мен билан транспорт восита-
лари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси (кейин-
ги ўринларда «Шартнома» деб юритилади) тузишингизни сўрайман.

1. Транспорт воситасининг эгаси тўғрисидаги маълумотлар: _____

(транспорт воситаси эгасининг номи (номланиши) тўлиқ)

2. Агар ариза берувчи транспорт воситасининг эгаси ҳисобланса ва суғурта
мукофоти бўйича сийлов ҳуқуқига эга бўлса, имтиёз берилишининг сабаби кўрсатилсин: _____

3. Суғурта қилдирувчининг фаолияти тури: _____

4. Шартнома қайси муддатга тузилади (кераклисининг тагига чизилсин): _____

1 йилга	Мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда	Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситасидан Ўзбекистонда вақтинча фойдаланиш муддатига	Рўйхатдан ўтказиш жойига бориш муддатига
---------	--	--	--

5. Транспорт воситасидан фойдаланиш даври:

20__ йил «__» _____дан 20__ йил «__» _____гача

6. Ариза берувчининг тузилаётган шартномада назарда тутилаётган транспорт воситаси (ТВ) тўғрисидаги маълумотлар.

ТВ тури, маркаси ва модели	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами	ТВ кузови (шасси) рақами	ТВ двигатели рақами	Двигатель ҳажми (енгил автомобиллар учун)	Техник паспорт			Юк қўтариши (юк автомобиллари учун), тонна	Ўринлар сони (автобуслар учун)
						серияси	рақами	берилган санаси		

7. ТВдан такси сифатида фойдаланиладими: ҳа/йўқ
(кераклиснинг тагига чизилсин)

8. Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар:
шахслар сони чекланади/шахслар сони чекланмайди
(кераклиснинг тагига чизилсин)

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Ҳайдовчилик стажи (йил)	Ҳайдовчининг ёши (ёш)	Ҳайдовчилик гувоҳномаси			Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта ҳодисалари содир бўлганлиги ёки содир бўлмаганлиги	
				серияси	рақами	берилган вақти	кейинги 5 йил мобайнида, бундай ҳодисалар содир бўлган тақдирда, қайси йилда	шу жумладан олдинги сугурта даврида (охирги 12 ойда), бундай ҳодисалар юз берган тақдирда, неча марта юз берган
1.								
2.								
3.								
4.								
5.								

9. Транспорт воситасидан устун даражада фойдаланиш ҳудуди (рўйхатдан ўтказиш жойи): _____

10. Ариза-сўровномага қуйидагилар ҳам илова қилинади:

11. Суғурта тарифлари коэффициентлари (суғурталовчи томонидан тўлдирилади).

Базавий ставка	Куйидагиларга боғлиқ равишда қўлланиладиган суғурта тарифлари коэффициентлари								Суғурта тарифи
	ТВдан устун даражада фойдаланиладиган ҳудуд	ҳайдовчилар сонининг чекланмаганлиги	суғурта тўловлари мавжудлиги ёки йўқлиги	ҳайдовчининг ҳайдовчилик стаж	ТВдан фойдаланиш мавсумийлиги	суғурта муддати	мажбурий суғурта қоидаларини бузиш содир этилганлиги	ҳайдовчининг ёши	

12. Суғурта суммаси ва суғурта мукофоти (суғурталовчи томонидан тўлдирилади).

Кўрсаткичлар	Сумма, рақамлар билан, сўмларда	Сумма, ёзув билан
Суғурта суммаси		
Суғурта мукофоти		
Суғурта мукофоти бўйича сийлов (қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта қилдирувчи сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда)		
Суғурталовчига тўланадиган суғурта мукофоти суммаси		

13. Мен ушбу Ариза-анкетада ўзим кўрсатган маълумотларнинг ишончли ва батафсил эканлигини тасдиқлайман, шунингдек суғурта тарифлари коэффициентлари ва тўланадиган суғурта мукофоти миқдори билан танишганлигимни тасдиқлайман. Бундан ташқари, мен Шартноманинг амал қилиш даврида суғурта қилиш объекти билан юз берган барча ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш мажбуриятини ўз зиммамга оламан. _____

(ариза берувчининг имзоси)

М.Ў.

20__ «__» _____

14. Ариза _____ томонидан қабул қилинган ва
(суғурта компаниясининг ваколатли ходими лавозими ва фамилияси)

20__ йил «__» да _____ рақами билан дафтарда рўйхатдан ўтказилган.

15. Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини (серияси _____, рақами _____), махсус давлат белгисини (серияси _____, рақами _____) ва Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.

(ариза берувчининг имзоси)

М.Ў.

Транспорт воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш қоидаларига
4-ИЛОВА

СУГУРТА ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Ушбу маълумотлар

_____ га
(Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган шахс)нинг номи (номланиши) тўлиқ ёзилади)

унинг фуқаролик жавобгарлиги _____
(суғурталовчининг номланиши тўлиқ ёзилади)

_____ да суғурта қилинганлиги ҳақида берилди.
Суғурта ҳодисалари суғурта қилинган даврда _____
(содир бўлди, содир бўлмади)

Суғурталаш давлари	Суғурта ҳодисалари сони	
	рақамлар билан	сўз билан
20__ йил «__» _____ дан		
20__ йил «__» _____ гача		
20__ йил «__» _____ дан		
20__ йил «__» _____ гача		
20__ йил «__» _____ дан		
20__ йил «__» _____ гача		
20__ йил «__» _____ дан		
20__ йил «__» _____ гача		

* Изоҳ. Жадвал маълумотлари охириги 5 йил учун тўлдирилади. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган шахс) 5 йилдан кам даврга суғурта қилинган бўлса, у ҳолда маълумотлар суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган шахс)нинг олдинги суғурталовчиси томонидан берилган суғурталаш тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлдирилади.

Олдинги транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси амал қилган даврда охириги 5 йил мобайнида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси учинчи қисмининг олтинчи — саккизинчи хатбошида назарда тутилган қоида бузишларга йўл қўйилганми ёки йўқми:

_____ ҳа/йўқ
(кераклисининг тагига чизилсин)

Суғурталовчининг раҳбари

_____ (имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Транспорт воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш қоидаларига
5-ИЛОВА

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта
тарифлари, уларнинг чекланган даражаси, тузилмаси ва
суғурта мукофотини белгилашда суғурталовчилар
томонидан уларнинг қўлланиш тартиби**

**I. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта
тарифлари**

1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг йиллик базавий ставкаси миқдори (суғурта суммасининг белгиланган миқдорига нисбатан фоизларда)

Т/р	Транспорт воситаси тури	Йиллик базавий ставка, Т _б	
		юридик шахслар учун	жисмоний шахслар учун
1.	Двигателининг ҳажми: 1200 куб. сантиметргача 1200 куб. сантиметрдан 2200 куб. сантиметргача 2200 куб. сантиметрдан 3200 куб. сантиметргача 3200 куб. сантиметрдан ортиқ бўлган енгил автомобиллар	0,5 0,55 0,6 0,65	0,4 0,45 0,5 0,55
2.	Такси ва йўналишли такси сифатида фойдаланиладиган енгил автомобиллар ва микроавтобуслар	0,7	0,6
3.	Юк кўтариш ҳажми: 10 тоннагача 10 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари	0,5 0,8	0,4 0,8
4.	Ўриндиқлари сони: 20 тагача 20 тадан ортиқ бўлган автобуслар ва микроавтобуслар (йўналишли такси сифатида фойдаланиладиган микроавтобуслардан ташқари)	0,4 0,5	0,35 0,45
5.	Троллейбуслар	0,35	-
6.	Трамвайлар	0,2	-
7.	Тракторлар, ўзиюрар йўл-қурилиш машиналари ва бошқа машиналар	0,3	0,25
8.	Мотоцикллар ва мотороллёрлар	0,3	0,25

2. Транспорт воситаси кўп фойдаланиладиган ҳудудга (рўйхатдан ўтказиш жойига) кўра суғурта тарифлари коэффициенти.

Т/р	Транспорт воситаси кўп фойдаланиладиган ҳудуд (рўйхатдан ўтказиш жойи)	Коэффициент K_t
1.	Тошкент шаҳри	1,4
2.	Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари ва Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд вилоятлари	1,2
3.	Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент вилоятининг ушбу жадвалнинг 2-бандида кўрсатилмаган туманлари	1,0
4.	Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари	0,8

3. Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаган ҳолда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта қилишда суғурта тарифлари коэффициенти — $K_{\text{Б}0}$ (4,2).

4. Олдинги даврларда суғурта ҳодисалари содир бўлганлиги ёки содир бўлмаганлигига қараб суғурта тарифлари коэффициенти.

Т/р	Кўрсаткичнинг номи	$K_{\text{БМ}}$ коэффициенти
1.	Олдинги суғурта даври (охирги 12 ой) мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги	0,9
2.	Олдинги 2 йил мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги	0,8
3.	Олдинги 3 йил мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги	0,7
4.	Олдинги 4 йил мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги	0,6
5.	Олдинги 5 йил мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги	0,5
6.	Олдинги мажбурий суғурта шартномаси амал қилиш даврида юз берган битта суғурта ҳодисаси	1,2
7.	Олдинги мажбурий суғурта шартномаси амал қилиш даврида юз берган иккита суғурта ҳодисаси	1,3
8.	Олдинги мажбурий суғурта шартномаси амал қилиш даврида юз берган учта ва ундан ортиқ суғурта ҳодисалари	1,55

Изоҳлар:

1) Биринчи марта мажбурий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчига (транспорт воситаси эгасига) бирга тенг бўлган коэффициент белгиланади.

2) Агар транспорт воситасини бошқаришга бир неча шахсга рухсат берилган бўлса, транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслардан бирига мувофиқ бўлган энг юқори коэффициент қўлланилади.

3) Ушбу коэффициентни қўллашда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» 1994 йил 30 декабрдаги 632-сон қарорининг амал қилиш муддатига кирадиган олдинги даврлар ҳам ҳисобга олинади.

5. Ҳайдовчининг стажига кўра суғурта тарифлари коэффиценти.

Т/р	Суғурта полисида кўрсатилган шахснинг ҳайдовчилик стажи	К _в коэффиценти
1.	2 йилгача	1,4
2.	2 йилдан 5 йилгача	1,1
3.	5 йилдан ортиқ	1,0

Изоҳ: Агар транспорт воситасини бошқаришга бир нечта шахс қўйилган бўлса транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслардан бирига мувофиқ бўлган энг юқори коэффицент қўлланилади.

6. Транспорт воситасидан мавсумий фойдаланишга кўра суғурта тарифлари коэффиценти.

Транспорт воситасидан фойдаланиш даври	К _с коэффиценти
6 ой	0,6
7 ой	0,65
8 ой	0,7
9 ой	0,75
10 ой	0,8
11 ой	0,9

7. Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда суғурта қилиш муддатига боғлиқ равишдаги суғурта тарифлари коэффиценти.

Суғурта қилиш муддати	К _д коэффиценти
15 кунгача	0,2
16 кундан 2 ойгача	0,3
2 ой	0,4
3 ой	0,45
4 ой	0,5
5 ой	0,55
6 ой	0,6
7 ой	0,65
8 ой	0,7
9 ой	0,75
10 ой	0,8
11 ой	0,9

Изоҳ: Рўйхатдан ўтказиш жойига бораётган транспорт воситалари эгалари учун суғурта қилиш муддати 20 кунни ташкил этади. Ушбу ҳолатда К_д — 0,2 коэффиценти қўлланади.

8. Қоида бузишлар мавжудлиги коэффиценти.

Суғурта қилдирувчида (транспорт воситасини бошқаришга қўйилган бошқа шахсларда) охириги 5 йилда қуйида келтириладиган қоида бузишлар содир этилганда К_н — 1,5 коэффиценти қўлланади:

ўтган даврларда суғурталовчи сўраган ҳолатлар тўғрисида суғурта қилдирувчи томонидан маълумотлар қасддан бузиб кўрсатилганлиги, бу тўғри маълумотлар хабар берилган тақдирда тўланиши керак бўлган суммага нисбатан камроқ суммада суғурта мукофоти тўланишига олиб келганлиги фактларининг мавжудлиги;

ўтган даврларда суғурта қилдирувчи (мажбурий суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган бошқа шахс) томонидан суғурта ходисаси содир бўлишига, шунингдек етказилган зарар миқдори ошишига атайлаб кўмаклашишга ёки суғурта тўловини кўпайтириш мақсадида суғурта ходисаси содир бўлиши ҳолатларини қасддан бузиб кўрсатишга йўл қўйилиши;

ўтган даврларда регресс талаб қўйилишига асос бўлган ҳолатларда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилинган бошқа шахс) томонидан зарар етказиш фактларининг мавжудлиги.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоида бузишлар мавжуд бўлмаган тақдирда K_n — 1,0 коэффиценти қўлланади.

9. Ҳайдовчининг ёшига қараб суғурта тарифлари коэффиценти.

Суғурта полисида кўрсатилган ҳайдовчининг ёши ва касбига оид маълумотлар	$K_{вз}$ коэффиценти
22 ёшгача	1,25
22 ёшдан катта	1

Изоҳ. Агар транспорт воситасини бошқаришга бир неча шахс қўйилган бўлса, транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслардан бирига мувофиқ бўлган энг юқори коэффицент қўлланади.

II. Суғурта тарифи таркиби

Кўрсаткичлар	%
Суғурта мукофотининг брутто-ставкаси	100
Нетто-ставка (мажбурий суғурта шартномаси бўйича жорий суғурта тўловларини таъминлашга мўлжалланган брутто-ставканинг бир қисми)	75
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш харажатлари:	25
шу жумладан суғурта ходисалари содир бўлишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича олдини олиш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар	5

Изоҳ: Огоҳлантирувчи чора-тадбирлар захираси маблағларидан суғурталовчи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси тўғрисидаги низомда назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилади.

III. Суғурта мукофотини аниқлашда суғурталовчилар томонидан суғурта тарифларини қўллаш тартиби

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори суғурта пули (C_c), йиллик базавий ставка (T_b) ва Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари-

га мазкур илованинг I бўлимида кўрсатилган суғурта мукофотларининг тегишли коэффициентларини кўпайтириш йўли билан аниқланади.

1. Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаслиги шarti билан транспорт воситалари эгалари учун мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори қуйида кўрсатилган формулаларга мувофиқ аниқланади:

а) 1 йилга транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси тузишда:

$$П_p = C_c \times T_b \times K_T \times K_{bo} / 100;$$

б) транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_p = C_c \times T_b \times K_T \times K_{bo} \times K_c / 100;$$

в) транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг, шунингдек рўйхатдан ўтказиш жойига бораётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

+

$$П_p = C_c \times T_b \times K_T \times K_{bo} K_{II} / 100.$$

—

2. Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланиши шarti билан транспорт воситалари эгалари учун мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори қуйида кўрсатилган формулаларга мувофиқ аниқланади:

а) 1 йилга транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_p = C_c \times T_b \times K_T \times K_{bm} \times K_v \times K_n \times K_{v3} / 100;$$

б) транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_p = C_c \times T_b \times K_T \times K_{bm} \times K_v \times K_c \times K_n \times K_{v3} / 100;$$

в) транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг, шунингдек рўйхатдан ўтказиш жойига бораётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_p = C_c \times T_b \times K_T \times K_{bm} \times K_v \times K_{II} \times K_n K_{v3} / 100.$$

**IV. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта
мукофотининг чекланган даражаси**

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидаларига ушбу илованинг III бўлимига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг энг катта миқдори барча коэффицентлар ҳисобга олинган ҳолда тузатиш киритилган тегишли базавий ставканинг 5 баравари миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**V. Мажбурий суғурта шартномаси амал қилиш даврида
суғурта товонини тўлашда қўшимча равишда тўланадиган
суғурта мукофотининг ҳисоб-китоби**

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлашда қўшимча равишда тўланадиган суғурта мукофоти қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$П_{рд} = П_{р} \times (C_{в}/C_{с}) \times (O_{п} \times П_{с}), \text{ бунда:}$$

$П_{рд}$ — қўшимча равишда тўланадиган суғурта мукофоти суммаси;

$П_{р}$ — суғурта мукофоти суммаси;

$C_{в}$ — тўланган суғурта товони суммаси;

$C_{с}$ — суғурта суммаси

$O_{п}$ — суғурта ходисаси юз берган пайтдан бошлаб суғурта қилишнинг кунлар ҳисобидаги қолган даври;

$П_{с}$ — мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган кунлар ҳисобидаги суғурта қилиш даври.

Транспорт воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш қоидаларига
6-ИЛОВА

_____ суғурта компаниясига

(Суғурталовчининг тўлиқ номланиши)

_____дан

(Ариза берувчининг тўлиқ номи (номланиши))

**Юз берган воқеа тўғрисида
АРИЗА**

Ариза берувчи — жисмоний шахснинг паспорти: серияси _____: рақами: _____,
20__ йил «__» _____да _____ томонидан берилган

Ариза берувчи — юридик шахснинг реквизитлари: СТИР _____

Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____, х/к _____

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси: серияси _____ № _____
20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Ушбу билан _____
(маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами)

транспорт воситаси билан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта ҳодисаси деб эътироф этиш мумкин бўлган воқеа юз берганлигини маълум қиламан.

Воқеанинг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида қуйидагиларни маълум қиламан:
Ўзи билан суғурта ҳодисаси деб эътироф этиш мумкин бўлган воқеа юз берган ҳайдовчи: _____

(ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

Воқеа санаси ва вақти: _____

Воқеа жойи манзили: _____

Воқеа тўғрисида _____ туманининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза берилган ва _____

(мансабдор шахснинг унвони, лавозими, Ф.И.О.)

томонидан юз берган воқеа тўғрисида 20__ йил «__» _____ да
-сон _____ тузилган.

(ҳужжатнинг тури)

Воқеанинг ҳолати: _____

Воқеа бўйича харажатлар қанча суммага баҳоланади: _____

Ушбу аризага илова қилинади: _____

Ушбу ҳодиса бўйича мен ишончли ва менга маълум бўлган барча маълумотларни маълум қилдим.

Суғурта қилинувчининг номидан _____ 20__ йил «__» _____
(имзо)

М.Ў.

Ариза қабул қилинди _____

(суғурталовчи масъул ходимнинг лавозими ва фамилияси)

ҳамда 20__ йил «__» _____ да дафтарда _____ рақами билан рўйхатдан ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон
қарори билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта
брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 6-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномаларини тузиш, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)нинг суғурта тўловлари тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга ошириш ваколати берилган ўз филиалларига ва бошқа алоҳида бўлинмаларига эга бўлиши — транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилувчи суғурталовчилар учун;

суғурталовчининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан унга аъзолик тўғрисидаги ёзма битимининг мавжуд бўлиши — транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилувчи суғурталовчилар учун».

2. 9-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳам фаолияти доирасига кирадиган лицензия талабгорлари ушбу кичик бандда кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга қўшимча равишда:

суғурталовчининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан унга аъзолик тўғрисидаги ёзма битимининг нотариал тасдиқланган нусхасини;

суғурталовчининг Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномаларини тузиш, жабрланувчиларнинг суғурта тўловлари тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга ошириш ваколати берилган филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**252** Геология-қидирув ишлари олиб боришга ва қаттиқ
фойдали қазилма конларини ишлатишга инвестиция-
ларни янада жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида**[Кўчирма]**

Ўзбекистонда қаттиқ фойдали қазилмалар 43 турининг 700 дан ортиқ конла-ри, шу жумладан мис, рух, молибден, вольфрам, литий, стронций, томирсимон жойлашган кварц ҳамда техник кремний ишлаб чиқариш учун кварцитлар, минерал тузлар, фосфоритлар, тошкўмир ва қўнғир кўмир, ўтга чидамли ва керамик хом ашё, қурилиш материаллари ва бошқа материаллар сингари жаҳон бозорида талаб юқори бўлган фойдали қазилмалар қидириб топилганлиги қайд этилсин.

Фойдали қазилмаларнинг айрим турлари бўйича прогноз ресурслар қидириб топилган ресурслардан анча ортиқдир, шу жумладан полиметаллар ва цемент хом ашёси бўйича — 2 баравар, вольфрам бўйича — 6 баравар, фосфорит руда ва базальт бўйича — 10 баравар, томирсимон жойлашган кварц ва кварцитлар бўйича — 50 баравар ортиқдир.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда фойдали қазилма бойликлар мавжуд конларининг қарийб 80 фоизи ҳали саноат жиҳатидан ўзлаштиришга жалб этилмаган. Қаттиқ фойдали қазилмаларнинг прогноз ресурсларини саноат захиралари тоифасига ўтказиш учун биринчи навбатда хорижий ва мамлакатимиз инвесторларини жалб этиш ҳисобига геология-қидирув ишлари ҳажмини анча ошириш талаб этилади.

Фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришнинг замонавий усуллари ва технологияларини қўллаш ҳисобига қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш асосида қаттиқ фойдали қазилмалар конларини саноат жиҳатидан ўзлаштиришга жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг:

2008-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қаттиқ фойдали қазилмалар конларини (олтин ва уран конларидан ташқари) хатловдан ўтказиш, ер ости бойликларидан фойдаланувчиларни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун фойдаланишга берилган ер ости бойликларининг тегишли участкаларидан фойдаланишнинг аниқ шартларини белгилаш;

саноат йўсинида ишлатилмаётган конлар, шунингдек фойдаланиш пайтида Ўзбекистон Республикасининг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мунтазам бузилишига, шу жумладан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларда белгиланган ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари бузилишига йўл қўйилган конлар бўйича захираларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси балансига бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказишни мувофиқлаштириш учун 2-иловага* мувофиқ таркибда Комиссия ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятлар бўйича қаттиқ фойдали қазилмалар конларини (олтин ва уран конларидан ташқари) хатловдан ўтказиш жадвалини тасдиқлаш;

худудлар бўйича қаттиқ фойдали қазилмалар конлари дала тадқиқотлари бўйича ишчи гуруҳларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш;

қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказишнинг боришини назорат қилиш ва унинг натижаларини тизимли асосда кўриб чиқиш.

Комиссия бир ой муддатда ўз иши регламентини тасдиқласин.

4. Комиссияга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарурият бўлганда қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказишга вазирликлар ва идораларнинг юқори малакали мутахассисларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари жалб этиш;

захиралари ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси балансига берилаётган қаттиқ фойдали қазилмалар конлари рўйхатини тасдиқлаш;

фойдали қазилмаларни ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари аниқланган тақдирда саноат жиҳатидан ўзлаштиришга жалб этилмаган конларда қавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси томонидан инструментал ўлчаниши тўғрисида қарор чиқариш.

5. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси 2008 йил 10 июлгача бўлган муддатда Комиссияга ўзлари томонидан ўз ваколатлари доирасида 2007 йилда ва 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан ер ости бойликлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисида ахборот тақдим этсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг сўрови бўйича фойдали қазилмаларни қавлаб олиш учун юридик ёки жисмоний шахсларга берилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2009 йилда Давлат геология қўмитаси тизими бўйича геология-қидирув ишлари дастурини шакллантиришда қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказиш харажатларини молиялаштиришга маблағларни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда — потенциал хорижий инвесторларга объект ва инвестициялар қўйиш самарадорлиги тўғрисида дастлабки хулоса қилиш учун етарли бўлган ҳажмда ихтисослаштирилган ахборот тизимлари орқали саноат йўсинида ишлатилмаётган конлар ва қаттиқ фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонлари тўғрисида геологик ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан биргаликда — Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмаларининг страте-

* 2-илова берилмайди.

гик муҳим турлари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин, улар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан конлар ва истиқболли майдонлар тўғрисидаги ахборот инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асослашини тузиш учун етарли бўлган ҳажмда Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича потенциал инвесторларга тақдим этилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда — геология-қидирув ишлари фақат давлатнинг буюртмаси бўйича улар доирасида олиб бориладиган асл, рангли, нодир металллар ва «қумтош» типдаги уран конларини аниқлаш учун истиқболли бўлган майдонлар рўйхатини, шунингдек маҳсулот тақсимотига оид битимлар, қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисидаги битимлар шартларида ёки бошқа шартларда, фойдали қазилмаларни кейинчалик чуқур қайта ишлашни назарда тутган ҳолда, хорижий ва мамлакатимиз инвесторлари маблағлари ҳисобига излаш ва қидириш ишлари олиб бориш учун майдонлар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда:

геология-қидирув ишларини олиб боришга хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек қаттиқ фойдали қазилмалар конларини уларни чуқур қайта ишлашни назарда тутадиган лойиҳалар доирасида устун даражада саноат йўсинида ишлатиш ишларини фаоллаштирсин;

хар йиллик асосида «Ўзбекистоннинг қаттиқ фойдали қазилмалар инвестиция салоҳияти» халқаро конференциялар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги геология-қидирув ишлари йиллик дастурларини ва уларни молиялаштириш манбаларини шакллантиришда 2009 йилдан бошлаб кўрсатиб ўтилган халқаро конференцияни ўтказиш харажатларини бюджет маблағлари ҳисобига қоплашга маблағларни назарда тутсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси марказий аппарат ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 4 штат бирлигидан иборат хорижий инвестицияларни жалб этиш ва инвесторлар билан иш олиб бориш бўлими ташкил этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 июнь,
142-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 25 июндаги 142-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказишнинг асосий мақсадлари ва вазифаларини, саноат жиҳатидан ўзлаштиришга жалб этилган қаттиқ фойдали қазилмалар конларини ишлатиш самарадорлигини баҳолаш учун зарур ва етарли бўлган маълумотлар таркибини, фойдаланилмаётган конлар жойлашган майдонларнинг ҳолатини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказиш механизмини белгилайди.

2. Хатловни ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказишни мувофиқлаштириш комиссияси (кейинги ўринларда «Комиссия» деб юритилади) амалга оширади.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятлар бўйича қаттиқ фойдали қазилмалар конларини (олтин ва уран конларидан ташқари) хатловдан ўтказиш жадвалини тасдиқлаш;

— худудлар бўйича қаттиқ фойдали қазилмалар конлари дала тадқиқотлари бўйича ишчи гуруҳларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш; +

қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказишнинг боришини назорат қилиш ва унинг натижаларини тизимли асосда кўриб чиқиш.

3. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарурият бўлганда қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказишга вазирликлар ва идораларнинг юқори малакали мутахассисларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларини жалб этиш;

захиралари ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда «Давлат геология қўмитаси» деб юритилади) балансига берилаётган қаттиқ фойдали қазилмалар конлари рўйхатини тасдиқлаш;

фойдали қазилмаларни ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари аниқланган тақдирда саноат жиҳатидан ўзлаштиришга жалб этилмаган конларда қавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажмининг Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси томонидан инструментал ўлчаниши тўғрисида қарор чиқариш.

II. Хатловнинг мақсадлари ва асосий вазифалари

4. Қуйидагилар қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказишнинг мақсадлари ҳисобланади:

давлат бошқаруви органларига, шунингдек потенциал инвесторларга саноат йўсинида ишлатилмаётган объектлар бўйича ер ости бойликлари участкалари тўғрисида геологик ахборотни ва бошқа ахборотни белгиланган тартибда тезкор тақдим этиш мақсадида фойдаланиладиган ГИС-технологиялар асосида қаттиқ фойдали қазилмалар конлари бўйича маълумотларнинг ягона электрон базасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Қаттиқ фойдали қазилмалар конлари бўйича маълумотларнинг ягона базасини ҳисобга олган ҳолда Фойдали қазилмалар захиралари давлат балансига ва Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген минерал ҳосилалар намоён бўлиши давлат кадастрига зарур қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш.

5. Белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб қуйидагилар хатловнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

саноат йўсинида ишлатилаётган қаттиқ фойдали қазилмалар конлари ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер ости бойликларининг тегишли участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахслар рўйхатини аниқлаштириш;

норуда фойдали қазилмаларнинг амалда кавлаб олинган ҳажмининг (маркшейдерлик ҳисоботлари маълумотлари бўйича) ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Давлат геология фондига тақдим этиладиган маълумотларга мувофиқлигини аниқлаш («5-ГР» шакл);

саноат жихатидан ўзлаштиришга жалб этилмаган конларнинг ҳолатини баҳолаш;

саноат жихатидан ўзлаштиришга жалб этилмаган норуда фойдали қазилмалар конларида ноқонуний кавлаш ҳолатларини аниқлаш ва Комиссияга кавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажмини Давлат геология қўмитаси томонидан инструментал ўлчаш ўтказилиши тўғрисида таклифлар киритиш;

фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигининг йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишлатилмаётган умумий тарқалган фойдали қазилмалар конлари бўйича фойдали қазилмалар жойлашган майдонлар ер участкаларининг ўзлаштирилиши даражасини аниқлаш (иморат қурилганлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари мавжудлиги ва бошқалар);

хатлов натижалари бўйича саноат йўсинида ишлатилмаётган конлар, шунингдек фойдаланиш пайтида кон муносабатлари соҳасида махсус ваколатли давлат органлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аниқланган ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, шу жумладан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларда белгиланган ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари бузилган конлар бўйича захираларни Давлат геология қўмитаси балансига бериш ҳақидаги таклифларни тайёрлаш.

III. Хатловни ўтказиш механизми

6. Қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказиш икки даврда амалга оширилади: тайёргарлик (камерал) ва дала шароитида ўтказиш даврлари.

7. Тайёргарлик (камерал) даврида Давлат геология қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятлар бўйича қаттиқ фойдали қазилмаларнинг барча конлари бўйича зарур маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш амалга оширилади.

8. Хатловни дала шароитида ўтказиш даврида барча норуда фойдали қазилмалар конлари майдонларини, шунингдек саноат йўсинида ишлатилмаётган қаттиқ фойдали қазилмалар конлари майдонларини (олтин ва уран конларидан ташқари) текшириш амалга оширилади.

9. Тайёргарлик (камерал) даврида қаттиқ фойдали қазилмаларнинг ҳар бир кони бўйича паспорт тузилади, у қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

коннинг номи;
маъмурий жойлашуви (вилоят, туман);
жуғрофий жойлашуви (тоғ тизимининг, тоғларнинг ва шу кабиларнинг номи);
кон майдонининг бурчакли нуқталари координатлари;
майдони коннинг 1:50000 ёки ундан йирик масштабда кўрсатилган холдаги топографик асоси;

фойдали қазилманинг тури, конни кавлаб олиш усули;
кон разведка қилинган давр;
разведкани амалга оширган, захираларни ҳисоблаб чиққан ва уларни тасдиқлашга тақдим этган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар;

Фойдали қазилмалар захираларининг давлат баланси маълумотларига мувофиқ кон (саноат йўсинида ишлатилаётган, захира тарзида қидириб топилган, саноат йўсинида ишлатилмаётган) мансуб бўлган разряд;

тасдиқланган захиралар миқдори (рудали фойдали қазилмалар конлари бўйича, шунингдек қўшимча фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар захиралари), захирани тасдиқлаган орган протоколининг санаси ва тартиб рақами;

коннинг тажриба-саноат йўсинида ишлатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, уни амалга ошириш жараёнида кавлаб олинган захиралар ҳажми;

ер ости участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олган юридик шахснинг номи ва унинг реквизитлари;

ер ости участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиянинг тартиб рақами, серияси, унинг берилган санаси;

ер ости участкасидан фойдаланиш шартлари нусхаси;

захираларнинг хатлов ўтказилаётган йилнинг 1 январидagi ҳолати.

10. Норуда конлар майдонларини, шунингдек саноат йўсинида ишлатилмаётган рудали фойдали қазилмалар конларини текшириш мақсадида Комиссия қарори билан «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари вакилларида худудлар бўйича қаттиқ фойдали қазилмалар конларини дала шароитида текшириш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда «ишчи гуруҳ» деб аталади) тузилади.

Қарорда текширишни ўтказиш даврида ишчи гуруҳ ҳал этиши зарур бўлган вазифалар, ишларнинг худудлари, гуруҳнинг раҳбари, ҳулосаларни тақдим этиш муддатлари кўрсатилади.

11. Ишчи гуруҳ дала шароитида текшириш жараёнида:

а) хатловдан ўтказилаётган барча норуда фойдали қазилмалар конлари ва саноат йўсинида ишлатилмаётган рудали фойдали қазилмалар конлари (олтин ва уран конларидан ташқари) бўйича GPS глобал позициялаш тизимлари асбоб-ускуналари ёрдамида объектнинг икки-учта координатларини аниқлаши, шунингдек кейинчалик позицияларнинг жойларига (номи кўрсатилган ҳолда тур ёки қозикларни) бириктирган ҳолда привязка қилишни амалга ошириши, улардан рақамли фотокамера билан (камида 5 та мегапикселни ҳал этган ҳолда) кон майдонининг энг характерли хусусиятларининг (рельефнинг алоҳида шакллари, мавжуд иморатлар, карьерда ер ости сувларининг мавжудлиги, чиқиндиларнинг тарқоқ ҳолда сақланиши ва шу кабилар) камида учта суратини олиши керак;

б) саноат йўсинида ишлатилаётган норуда фойдали қазилмалар бўйича:

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер ости бойликлари участкасидан

фойдаланиш ҳукуки учун лицензияда белгиланган ер ости бойликлари участкаси-дан фойдаланиш шартларининг ер ости бойликлари участкасидан фойдаланувчи томонидан бажарилишининг тўлиқлигини баҳолаши;

ер ости бойликларидан фойдаланувчида конни очиш ва тайёрлаш лойиҳасининг белгиланган тартибда мавжудлигини аниқлаши;

ер ости бойликларидан фойдаланувчи томонидан кавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажмларининг маркшейдер ўлчовларини амалга оширишнинг даврийлигини аниқлаши, маркшейдер ўлчовлари маълумотларини ўрганиши ва уларнинг Фойдали қазилмалар захираларининг давлат баланси маълумотларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқариши;

карьерни унинг тубида ер ости сувлари мавжудлигини аниқлаш мақсадида текшириши, сабабларини аниқлаши;

сув объектларининг қўриқланадиган зонаси доирасида қум-шағалли материаллар кавлаб олинган тақдирда қўриқланадиган табиий ҳудуд доирасида фойдали қазилмаларни кавлаб олишга рухсатномалар мавжудлигини текшириши;

карьер хўжалигини ва ходимларни сув билан таъминлаш учун фойдаланиладиган сув қудуқларининг мавжудлигини аниқлаши, сув олишнинг белгиланган лимитига ер ости бойликларидан фойдаланувчи томонидан риоя қилинишини, ер ости сувлари сатҳини ўлчашларнинг мунтазамлигини кимёвий ва бактериологик текширишларнинг ўтказилишини текшириши;

сувдан махсус фойдаланишга рухсатномалар мавжудлигини, унинг амал қилиш муддатини аниқлаши керак;

в) саноат йўсинида ишлатилмаётган қаттиқ фойдали қазилмалар конлари бўйича (олтин ва уран конларидан ташқари):

объектда фойдали қазилмаларнинг ноқонуний кавлаб олиш амалга оширилганлиги ёки амалга оширилмаганлигини аниқлаши;

агар кон кавланган бўлса, кавлаб олинган кон массаси, шу жумладан фойдали қазилмалар ҳажмини баҳолаши ҳамда ахборотни Давлат геология қўмитасига тезкорлик билан жўнатиши;

Фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансида «Саноат йўсинида ишлатилмаган конлар» ёки «Захира тарзида қидириб топилган конлар» разрядига киритилган конларда фойдали қазилмаларни ноқонуний кавлаб олган юридик ёки жисмоний шахсни имкони борича аниқлаши;

фойдали қазилмалар жойлашган майдонда ер участкасининг ўзлаштирилганлиги даражасини (уй-жойлар, турли иморатлар, қишлоқ хўжалиги ерлари ва шу кабилар мавжудлигини) баҳолаши керак.

12. Дала шароитида текшириш натижаларига кўра ҳар бир кон бўйича қисқача маълумотнома тузилади, у ишчи гуруҳнинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Маълумотномага коннинг привязкаси ва кон майдонининг энг характерли хусусиятлари фотосурати бўйича маълумотлар қоғоз ва электрон манбаларда илова қилинади.

IV. Хатлов материалларини тайёрлаш ва Комиссияга тақдим этиш

13. Қорақалпоғистон Республикасида ёки вилоятларда жойлашган конларни дала шароитида текшириш тугаллангач ишчи гуруҳ томонидан хулоса тузилади, унда текширилган ҳар бир объект бўйича ер ости бойликлари, табиатни муҳофаза қилиш, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари, шу-

нингдек ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган барча масалалар акс эттирилади. Зарурият бўлганда, хулосага конларни дала шароитида текшириш натижаларини тавсифловчи жадвал маълумотлари илова қилинади.

14. Хулосада қуйидагилар ҳам акс эттирилган бўлиши керак:

саноат йўсинида нооқилона ишлатилаётган, улардан фойдаланиш ҳуқуқи, тегишли асослар кўрсатилган ҳолда, муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин бўлган норуда фойдали қазилмалар конларининг рўйхати;

зарурият бўлганда, саноат йўсинида ишлатилмаётган конларда ноқонуний кавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажмларини инструментал ўлчашларни ўтказиш тўғрисидаги таклифлар;

захираларини Давлат геология қўмитаси балансига бериш тавсия этилаётган конлар рўйхати.

15. Хулоса ишчи гуруҳнинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Ишчи гуруҳнинг хулосада баён қилинган хулосаларга норози бўлган аъзолари ўз фикрини ёзма тарзда гуруҳ раисига тақдим этадилар.

16. Хулоса Қорақалпоғистон Республикасида ёки тегишли вилоятларда ўтказилган қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказиш натижалари бўйича йиғма хулоса тузиш учун Давлат геология қўмитасига тақдим этилади.

17. Давлат геология қўмитаси текширилган Қорақалпоғистон Республикасида ёки вилоятлар бўйича қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказиш материалларининг умумлаштирилишига қараб уларни Комиссияга тақдим этади, унда қуйидагилар тўғрисидаги таклифлар мавжуд бўлади:

ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер ости участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган лицензияларда белгиланган шартларга риоя қилинмаган тақдирда ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини муддатидан олдин тўхтатиш ҳамда захира-ларни белгиланган тартибда Давлат геология қўмитаси балансига ўтказиш;

қаттиқ фойдали қазилмаларнинг саноат йўсинида ишлатилмаётган конлари захираларини белгиланган тартибда Давлат геология қўмитаси балансига ўтказиш;

аниқ конларда кавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажмларини, шу жумладан кавланган саноат йўсинида ишлатилмаётган объектларни инструментал ўлчашларнинг мақсадга мувофиқлиги;

кон жойлашган майдонда қурилмалар, қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд бўлган ёхуд бу майдонлардан бошқа мақсадларда фойдаланилаётган конлар бўйича кенг тарқалган фойдали қазилмалар захираларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш мақсадга мувофиқлигининг йириклаштирилган техник-иктисодий ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш.

18. Тақдим этилган материаллар асосида Комиссия ўз ваколатлари доирасида тегишли қарор қабул қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**253 Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан, шунингдек болаларнинг умумий ўрта таълим билан, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг — ўрта махсус, касб-хунар таълими билан қамраб олинишини, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишини ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришини, олий таълим муассасалари битирувчилари ҳамда муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини ҳамда кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш мақсадида 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича давлат ва идоравий статистика ҳисоботларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Болаларнинг умумий ўрта таълим билан, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг — ўрта махсус, касб-хунар таълими билан қамраб олиниши, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши, олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши ҳамда олий ўқув юртлари битирувчилари ва муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ишга жойлашишининг доимий мониторингини олиб бориш учун таҳлилий ахборотларни тайёрлаш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларини битирган ёшларнинг кейинчалик банд бўлиш турлари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги ҳисобот тизимини белгиланган тартибда 1-иловага мувофиқлаштирсин ва уни 2008 йилнинг II ярим йиллигидан бошлаб амалга киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

болаларнинг умумий ўрта таълим олишини, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришини мунтазам асосда танқидий ўрганиб чиқсинлар ва уларнинг 100 фоиз қамраб олинишини таъминлайдиган аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ишга самарали жойлашиши устидан назорат ўрнатсинлар;

хар чоракда (чорак охирги ойининг 20-санасидан кечикмасдан) ёшларнинг уму-

мий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизими билан қамраб олиниши тўғрисида, шунингдек уларни ишга жойлаштиришнинг аҳволи ва даражаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ахборот тақдим этсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 30 июнь,
145-сон

—

+

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 30 июндаги 145-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим тизими
билан қамраб олиниши, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашиши
мониторингини таъминлаш учун давлат ва идоравий статистика ҳисоботлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳисоботлар номи	Ҳисоботлар шифри	Ишлаб чиқиш кесими	Тасдиқловчи орган
	Идоравий статистика ҳисоботи			
1.	Умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида ўқиш билан қамраб олиниши тўғрисидаги маълумотлар	1-БЎ (мактаб)	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар бўйича	Халқ таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда
2.	Болаларнинг умумий ўрта таълим билан қамраб олиниши тўғрисидаги маълумотлар	1-ЎҚ (мактаб)	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар бўйича	Халқ таълими вазирлиги
3.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар	2-БЎ (ал, қҳк)	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар бўйича	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда
4.	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари тўғрисидаги маълумотлар	2-ЎҚ (ал, қҳк)	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар бўйича	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази
5.	Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар	3-БЎ (отм)	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда
6.	Олий таълим муассасалари талабалари тўғрисидаги маълумотлар	3-ЎҚ (отм)	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Т/р	Ҳисоботлар номи	Ҳисоботлар шифри	Ишлаб чиқиш кесими	Тасдиқловчи орган
7.	Ишга жойлашишга муҳтож ҳамда ишга жойлашган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар	1-меҳнат (ёшлар)	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар бўйича	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда
Давлат статистика ҳисоботи				
8.	Умумтаълим мактабларининг 20__/20__ ўқув йили бошидаги ҳисоботи	1-КМ	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар бўйича	Давлат статистика қўмитаси
9.	20__ йилда умумтаълим мактабини битирган ёшларнинг кейинги ўқиш жойи бўйича тақсимоти тўғрисидаги ҳисобот	2-КМ	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	Давлат статистика қўмитаси
10.	Академик лицей, касб-ҳунар коллежининг 20__/20__ ўқув йили бошидаги ҳисоботи	2-ЎМКТМ	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар бўйича	Давлат статистика қўмитаси
11.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларининг кейинчалик банд бўлиш турлари бўйича тақсимоти	2-ЎМКТМ шаклига илова	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	Давлат статистика қўмитаси
12.	Олий таълим муассасасининг 20__/20__ ўқув йили бошидаги ҳисоботи	3-ОТМ	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	Давлат статистика қўмитаси
13.	Олий таълим муассасалари битирувчиларининг кейинчалик банд бўлиш турлари бўйича тақсимоти	3-ОТМ шаклига илова	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	Давлат статистика қўмитаси

Изоҳ. Давлат ва идоравий статистика ҳисоботлари шакллари тақдим этиш муддатлари ва даврийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ белгиладилар.

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 30 июндаги 145-сон қарорига
2-ИЛОВА

Болаларнинг умумий ўрта таълим билан, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг — ўрта махсус, касб-хунар таълими билан камраб олиниши, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши ҳамда олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши, олий таълим муассасалари битирувчилари ва муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ишга жойлашишининг доимий мониторингини олиб бориш учун таҳлилий ахборотларни тайёрлаш схемаси

Т/р	Ишларни ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора	Ахборот манбаи	Ахборотнинг мазмуни	Ахборот тақдим этиш тартиби		Тақдим этиш муддати ва даврийлиги
				Ким томонидан тақдим этилади	Қаерга тақдим этилади	
1.	Халқ таълими вазирлиги	Идоравий статистика ҳисоботи	Умумтаълим мактаби ўқувчилари сони: 1 июлдаги ҳолати бўйича 1 сентябрдаги ҳолати бўйича	Умумий ўрта таълим муассасаси	Туманлар ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари	ҳисобот давридан кейин 7-кундан кечикмасдан
				Туманлар ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси; туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари	ҳисобот давридан кейин 10-кун
				Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари; Халқ таълими вазирлиги	ҳисобот давридан кейин 12-кун

Т/р	Ишларни ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора	Ахборот манбаи	Ахборотнинг мазмуни	Ахборот тақдим этиш тартиби		Тақдим этиш муддати ва даврийлиги
				Ким томонидан тақдим этилади	Қаерга тақдим этилади	
		Идораий статистика ҳисоботи	Умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг кейинги ўқиш турлари бўйича тақсимоти: 1 сентябрдаги ҳолати бўйича 1 декабрдаги ҳолати бўйича	Умумтаълим мактаблари	Туманлар ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари	ҳисобот давридан кейин 7-кундан кечикмасдан
				Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари	
				Туманлар ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси	ҳисобот давридан кейин 10-кун
				Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари билан келишган ҳолда)	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари Халқ таълими вазирлиги	ҳисобот давридан кейин 15-кун
		Давлат статистика ҳисоботи	_____ йилда умумтаълим мактабини битирган ёшларнинг тақсимланиши (якуний маълумотлар)	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари билан келишган ҳолда)	Тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шаклининг манзил қисмида кўрсатилган маълумотларнинг ўтиш схемасига мувофиқ	Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ

+

Т/р	Ишларни ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора	Ахборот манбаи	Ахборотнинг мазмуни	Ахборот тақдим этиш тартиби		Тақдим этиш муддати ва даврийлиги
				Ким томонидан тақдим этилади	Қаерга тақдим этилади	
2	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази	Идоравий статистика ҳисоботи	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан 9-синф битирувчиларидан 1 сентябрдаги ҳолати бўйича 1 декабрдаги ҳолати бўйича	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари	Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари	ҳисобот даврдан кейин 7-кунидан кечикмасдан
		Идоравий статистика ҳисоботи	Кейинги бандлик турлари бўйича тақсимланган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари сони 1 июлдан 30 ноябргача ҳар ойда	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари (туманлар ва шаҳарлар Бандликка қўмаклашиш марказлари билан келишган ҳолда)	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари; Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази	ҳисобот давридан кейин 10-кун
		Ҳисобга олиш ҳужжатлари	30 ноябрдаги ҳолатига кўра ишга жойлашмаган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари рўйхати (электрон тарзда)	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари (Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари орқали)	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари; Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази	ҳисобот давридан кейин 10-кун
		Давлат статистика ҳисоботи	Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари битирувчиларининг кейинги бандлик турлари	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари	Туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш марказлари; туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари	1 декабргача
					Тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шаклининг манзил қисмида қўрсатилган маълумотлар-	Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ

Т/р	Ишларни ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора	Ахборот манбаи	Ахборотнинг мазмуни	Ахборот тақдим этиш тартиби		Тақдим этиш муддати ва даврийлиги
				Ким томонидан тақдим этилади	Қаерга тақдим этилади	
			бўйича тақсимланиши (якуний маълумотлар)		нинг ўтиш схемасига мувофиқ	
3.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Идоравий статистика ҳисоботи	Олий таълим муассасаларининг таълим босқичлари бўйича тақсимланган битирувчилари сони ва 30 ноябрдаги ҳолатига кўра уларнинг кейинги бандлиги	Олий таълим муассасалари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари	7 декабрдан кечикмасдан
		Ҳисобга олиш ҳужжатлари	30 ноябрдаги ҳолатига кўра ишга жойлашмаган олий таълим муассасалари битирувчилари рўйхати (электрон тарзда)	Олий таълим муассасалари	Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари; туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	1 декабргача
		Давлат статистика ҳисоботи	Олий таълим муассасалари битирувчиларининг кейинчалик улар меҳнатидан фойдаланиш турлари бўйича тақсимланиши	Олий таълим муассасалари	Тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шаклининг манзил қисмида кўрсатилган маълумотларнинг ўтиш схемасига мувофиқ	Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ
4.	Мудофаа вазирлиги	Ҳисобга олиш ҳужжатлари	Муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган ва мудофаа ишлари органларида ҳисобга қўйилган шахслар рўйхати	Шаҳарлар, туманлар, мудофаа ишлари органлари	Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари; туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари	Ҳукумат қарорларига мувофиқ бир йилда икки марта
5.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	Ишга жойлашмаган ёшларни анкеталаш маълумотлари натижалари	Ишга жойлашмаган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг	Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари таълим муассасалари	Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари; Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва	7 декабрдан кечикмасдан

+

Т/р	Ишларни ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора	Ахборот манбаи	Ахборотнинг мазмуни	Ахборот тақдим этиш тартиби		Тақдим этиш муддати ва даврийлиги
				Ким томонидан тақдим этилади	Қаерга тақдим этилади	
			битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ишга жойлашиш мақсадлари тўғрисида ахборотлар	билан биргаликда	аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари	
		Идоравий статистика ҳисоботи	Ишга жойлашган ва ишга жойлашишга муҳтож ёшлар, шу жумладан муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахслар сони	Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари; Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 12-кунигача
6.	Давлат статистика қўмитаси	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг давлат ва идоравий статистика ҳисоботлари асосида статистик ишланмалар	Ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим билан қамраб олинishi ва уларнинг кейинги ишга жойлашиши тўғрисидаги статистика маълумотлари (шарҳлари билан)	Давлат статистика қўмитаси	Иқтисодиёт вазирлиги; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази; Халқ таълими вазирлиги; «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати	сентябрь январь
7.	Иқтисодиёт вазирлиги	Йиғма статистика маълумотлари, шарҳлари билан	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим билан қамраб олинishини таъминлашнинг таҳлили; Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг	Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	сентябрь январь

Т/р	Ишларни ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора	Ахборот манбаи	Ахборотнинг мазмуни	Ахборот тақдим этиш тартиби		Тақдим этиш муддати ва даврийлиги
				Ким томонидан тақдим этилади	Қаерга тақдим этилади	
			битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ҳисобот йилида ишга жойлашиши таҳлили			

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**254 Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Касаначиликни ривожлантириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар айниқса ишчи кучлари ортиқча бўлган кичик шаҳарлар ва қишлоқ туманларида аҳолини меҳнат фаолиятига кенг жалб этиш, шунингдек шу асосда аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадларини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига қўмаклашди. 2006 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган даврда 190 мингдан ортиқ касаначилик иш ўрни ташкил этилди.

Шу билан бирга, ўрганиб чиқиш натижалари касаначиликни ривожлантириш параметрларини ишлаб чиқиш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш методологик базасининг такомиллашмаганлигини, касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш, шунингдек уларнинг уйда ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплашнинг пухта механизми йўқлигини кўрсатади.

Касаначиликнинг янги иш ўринларини, шу жумладан касаначиликнинг турларини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш учун мавжуд захира-ларни аниқлаш ва сафарбар қилиш, шунингдек касаначиларни буюртмалар, хом ашё, материаллар билан ўз вақтида таъминлаш ва уларга иш ҳақи тўланишини назорат қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш талаб этилади.

Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши, касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар беришни тартибга солиш, шунингдек уларнинг уйда ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари касаначиликни ривожлантиришнинг тегишли равишда ҳудудий ва тармоқ параметрлари бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда:

касаначиликни ривожлантиришнинг ҳар йилги ҳудудий ва тармоқ параметрлари шакллантирилишини, зарурият бўлганда, кўрсатиб ўтилган параметрларга касаначиликнинг янги иш ўринлари ташкил этишнинг аниқланган захиралари ишга туширилишини назарда тутадиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласинлар;

касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган ҳудудий ва тармоқ параметрлари бажарилиши устидан мониторинг ўрнатсинлар.

2. Қуйидагилар:

Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишчи комиссия тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Касаначиликнинг уйида ёки ўзига тегишли бошқа жойларда ишлаб чиқариш топширигини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда корхоналар томонидан 2008 йилда касаначиликни ривожлантириш параметрларини Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ва касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган шаклга мослаштириш ишларининг мувофиқлаштириб борилишини таъминласин;

касаначилик иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси, шу жумладан ҳудудий бўлинмаларда шакллантирилиши ва мунтазам янгилаб борилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 1 июль,
146-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ
дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши
мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини
ҳисобга олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этиш, корхоналар ва касаначилик ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш ва шу асосда аҳоли бандлигини ҳамда турмуш даражасини ошириш мақсадида шакллантирилади.

3. Касаначилик иш ўрни:

касана ва корхона ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига 2-иловага мувофиқ шакл бўйича меҳнат шартномаси тузилган бўлса; касаначиликнинг уйида ташкил этилган иш ўрни иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириғини бажариш шартларига мувофиқ бўлса ташкил этилган ҳисобланади.

Касана ва корхона ўртасидаги меҳнат шартномасининг амал қилиши тўхта-тилганда касаначилик иш ўрни тугаган деб ҳисобланади.

4. Ташкил этилган касаначилик иш ўрни:

касана ҳисобот даври мобайнида ишларни меҳнат шартномасига мувофиқ бажарган бўлса;

касанага бажарилган иш учун ҳар ойда иш ҳақи ёзиб турилган бўлса, касана иш ўрнида меҳнат таътилида бўлган ёки вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлган тақдирда — унга меҳнат таътили ҳақи ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ёзилган бўлса фаолият кўрсатаётган ҳисобланади.

Ушбу бандда, шунингдек мазкур Низомнинг 3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган шартлар бажарилмаган тақдирда ташкил этилган касаначилик иш ўрни фаолият кўрсатмаётган ҳисобланади.

**II. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ
параметрларини шакллантириш тартиби**

5. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида шакллантирилади.

6. Корхоналар томонидан туманлар (шаҳарлар) бандликка қўмаклашиш марказлари билан биргаликда ҳар йили жорий йилнинг 5 январигача, корхоналар фаолияти хусусиятларини ҳамда улардаги касаначилик иш ўринларини ташкил этишнинг мавжуд захираларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан касаначилик турларини кенгайтириш ҳисобига, жорий календарь йил учун касаначиликни ривожлан-

тириш параметрлари ишлаб чиқилади. Корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқилади ҳамда туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари томонидан имзоланади.

Туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш марказлари корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида, корхоналар ва уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиялар (кейинги ўринларда ишчи комиссиялар деб аталади) билан келишган ҳолда касаначиликни ривожлантиришнинг туман (шаҳар) параметрларини ишлаб чиқади. Касаначиликни ривожлантиришнинг туман (шаҳар) параметрлари туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан жорий йилнинг 8 январигача бўлган муддатда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари туман (шаҳар) касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий параметрларини ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун жорий йилнинг 15 январигача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган ҳудудий параметрларини жорий йилнинг 20 январигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этади. Тасдиқланган ҳудудий параметрлар уларнинг бажарилиши мониторингини таъминлаш учун кўрсатиб ўтилган муддатда ишчи комиссияларга ҳам жўнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган ҳудудий параметрларини умумлаштиради ва уларни жорий йилнинг 25 январигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплексига тақдим этади.

7. Хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирувчи корхоналар ушбу Низомнинг 6-банди биринчи хатбошига мувофиқ ишлаб чиқилган параметрларни жорий йилнинг 8 январигача вилоят (ҳудуд, минтақа) даражасидаги юқори ташкилотларга ҳам жўнатади. Вилоят (ҳудуд, минтақа) даражасидаги ташкилотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кўрсатиб ўтилган параметрлар хўжалик бошқаруви органининг марказий аппаратига тақдим этилади.

Хўжалик бошқаруви органларининг вилоят (ҳудудий, минтақавий) бўлинмалари корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларини умумлаштиради ва уларни 10 январгача бўлган муддатда хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратларига киритади.

Хўжалик бошқаруви органлари (марказий аппаратлар) тақдим этилган материаллар асосида касаначиликни ривожлантиришнинг тармоқ параметрларини ишлаб

чиқадилар, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайдилар ҳамда уларни 20 январгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплексларига киритадилар.

8. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий параметрлари аҳоли бандлиги ҳудудий дастурларини шакллантиришда ҳисобга олинади.

III. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари бажарилиши мониторингини амалга ошириш, шунингдек касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби

9. Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари бажарилиши мониторингининг (кейинги ўринларда мониторинг деб аталади) ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олишнинг асосий мақсади ва вазифалари ҳисобланади:

касаначиликни ривожлантириш ҳудудий ва тармоқ параметрларининг ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш;

касаначиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни ўрганиш ва аниқлаш, шу асосда уларни бартараф этиш ҳамда корхоналарга касаначиликни ташкил қилиш ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш масалаларида кўмаклашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриш;

корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича касаначилик билан банд бўлган шахсларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларини таъминлаш;

ташкил этилган ва тугаган касаначилик иш ўринларининг ҳаққоний статистик ҳисобини ташкил қилиш, касаначилик иш ўринлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш.

10. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари амалга оширилиши мониторинги (кейинги ўринларда мониторинг деб аталади) ва касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш:

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларида назарда тутилган касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилиши бўйича — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан;

касаначиликни ривожлантириш тегишли ҳудудий параметрларининг бажарилиши бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари томонидан;

касаначиликни ривожлантиришнинг тегишли тармоқ параметрлари бўйича — хўжалик бошқаруви органлари томонидан;

тегишли туман (шаҳар) ҳудудда жойлашган корхоналарда касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилиши бўйича — ишчи комиссиялар, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан;

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудлар ва тармоқ дастурлари доирасида касаначиликни ривожлантиришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилиш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан;

ташкил этилган ва тугаган касаначилик иш ўринларининг статистик ҳисобини ташкил қилиш бўйича — давлат статистика органлари томонидан амалга оширилади.

11. Касаначилик иш ўринлари мониторинги ва уларни ҳисобга олиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ишчи комиссиялар ва корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмига биноан амалга оширилади.

12. Мониторинг:

касаначилиқни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрларини, шу жумладан корхоналар бўйича касаначилиқни ривожлантириш параметрларини ба-жаришнинг бориши тўғрисида ишчи комиссияларнинг сўровлари бўйича олинди-ган маълумотларни;

ташқил этилган, фаолият кўрсатаётган ва тугаган касаначилиқ иш ўринлари тўғрисидаги статистик маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва-зирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган текширишлар-нинг меҳнат қонунчилигига мувофиқ касаначилар ҳуқуқларига риоя қилинишига, ташқил этилган касаначилиқ иш ўринларининг фаолият кўрсатишига тааллуқли материалларини;

корхоналарда уларнинг юқори ташкилотлари — хўжалик бошқаруви органла-ри томонидан ўтказиладиган текширишлар ва ўрганишлар материалларини;

касаначилиқ иш жойларининг ташқил этилиши ва фаолият кўрсатиши тўғри-сида рухсат берилган манбалардан олиндиған бошқа ахборотларни тўплаш, умум-лаштириш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва-зирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан, касаначилиқни ривожлан-тиришнинг тасдиқланган параметрлари, мониторинг ва уларнинг қонун ҳужжатла-рида белгиланган тартибда ўтказадиган текширишлари натижалари, статистика маълумотлари асосида касаначилиқ иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилади.

14. Касаначилиқ иш ўринларининг давлат статистика ҳисоби Давлат статисти-ка ишлари дастурига мувофиқ ҳар бир календарь йил учун белгиланадиган, белги-ланган тартибда тасдиқланадиган давлат статистика ҳисоботи шакллари асосида амалга оширилади.

IV. Касаначилиқ иш ўринлари мониторинги ва уларни ҳисобга олиш натижаларини кўриб чиқиш

15. Мониторинг натижалари бўйича ҳар чоракда йиғма таҳлилий ахборот тай-ёрланади ва кўриб чиқиш учун:

ишчи комиссияга — туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари томо-нидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига — Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иж-тимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва-зирлиги ҳайъатига — вазирликнинг марказий аппарати тегишли таркибий бўлин-маси томонидан;

хўжалик бошқаруви органлари бошқарувига (коллегиал органга) — кўрсатиб ўтилган хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмалари томонидан киритилади.

16. Ўйғма тахлилий ахборотда касаначилик иш ўринларини ташкил этиш бўйича умумлаштирилган маълумотлардан ташқари:

параметрларни бажаришда қолоқликка йўл қўйган туманлар (шаҳарлар) ва корхоналар (иқтисодиёт тармоқлари) кўрсатилган ҳолда касаначиликни ривожлантириш ҳудудий ва тармоқ параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборот;

касаначилик иш ўринлари сони кўпайишини, шу жумладан мақсадли кредитлар ажратилишини таъминлаш бўйича туман, вилоят, тармоқ ва республика даражасида қўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот;

касаначилик иш ўринлари сони кўпайтирилишини таъминлаш, уларнинг самардорлигини ошириш бўйича асосланган таклифлар;

ўзлари тасдиқлаган касаначилик иш ўринларини ташкил этиш дастурларини бажаришда жиддий қолоқликка йўл қўйган корхоналар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

17. Ушбу Низомнинг 15-16-бандларига мувофиқ киритилган ўйғма тахлилий ахборот касаначиликни ривожлантириш параметрларини бажаришда қолоқликка йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларнинг жавобгарлигини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган, шунингдек йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрган ҳолда кўриб чиқилади. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мажлисларида ишчи комиссиялар раҳбарларининг ҳисоботлари мажбурий тартибда эшитиб борилади.

18. Касаначиликни ривожлантириш ҳудудий параметрларининг бажарилиши ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплекси, касаначиликни ривожлантириш тармоқ параметрларининг бажарилиши — Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси томонидан кўриб чиқилади.

Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

20__йилда касаначиликни ривожлантириш ПАРАМЕТРЛАРИ

Корхона номи	
Юридик манзили	
Асосий маҳсулот тури	
ХХТУТ коди	ДБИБТ

I. Асосий кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткич миқдори
1.	Йил бошидаги ҳолатига кўра касаначилар билан бирга жами ишловчилар, киши	
	шу жумладан:	
1.2.	Меҳнат шартномалари бўйича касаначилик иш ўринлари сони	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткич миқдори
2.	20__ йилда яратиш назарда тутилаётган касаначилик иш ўринлари	
шу жумладан чорақлар бўйича		
2.1.	Биринчи чорақда	
2.2.	Иккинчи чорақда	
2.3.	Учинчи чорақда	
2.4.	Тўртинчи чорақда	
3.	20__ йилда касаначилар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг прогноз ҳажми, млн. сўм	
4.	Касаначилик иш ўринлари яратиш учун бир йилга ҳисобланган молиявий маблағларга бўлган прогноз эҳтиёж, млн. сўм	
	шу жумладан эҳтиёжни қуйидагилар ҳисобига қоплаш назарда тутилмоқда:	
4.1.	корхоналарнинг ўз маблағлари	
4.2.	кредитларни жалб этиш	
4.3.	бошқа манбалар	
5.	20__ йил охирида меҳнат шартномалари бўйича касаначилик иш ўринларининг прогнози	

II. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва касаначилик иш ўринлари сони

Т/р	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури	Касаначилик иш ўринлари сони
1. 20__ гача яратилган иш ўринларида		
1.1.		
1.2.		
2. 20__ йилда яратилаётган иш ўринларида		
2.1.		
2.2.		
	Жами:	

Корхона раҳбари _____
(имзо)

Кадрлар бўлими бошлиғи _____
(имзо)

Туман (шаҳар) Бандликка
қўмаклашиш маркази раҳбари _____
(имзо)

+

Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари мониторингини олиб боришда ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олишда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ишчи комиссиялар ва корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги механизми

Т/р	Ахборот берувчи орган (субъект)	Ахборот олиш манбаи	Ахборот мазмуни	Тақдим этиш муддатлари	Ахборот қаерга тақдим этилади
1.	Корхона	Корхонанинг кадрлар ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоби	Яратилган ва тугаган иш ўринлари сони (1-Т шакл)	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 3-қунигача	Туман (шаҳар) статистика бўлими
			Корхона бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиялар (кейинги ўринларда — ишчи комиссиялар) сўровига кўра	Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази
				Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 3-қунигача*	Вилоят (ҳудудий, минтақавий) даражадаги юқори ташкилот (агар вилоят (ҳудудий, минтақавий) бўғини мавжуд бўлмаса — хўжалик бошқаруви органи марказий аппарати)
2.	Туман (шаҳар) статистика бўлими	Меҳнат бўйича давлат статистика ҳисоботи	Яратилган ва тугаган иш ўринлари сони (1-Т шакл)	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-қунигача	Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази

Т/р	Ахборот берувчи орган (субъект)	Ахборот олиш манбаи	Ахборот мазмуни	Тақдим этиш муддатлари	Ахборот қарга тақдим этилади
					Вилоят (ҳудудий) статистика бошқармаси
3.	Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази	Корхоналар, туман (шаҳар) статистика бўлими, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган текширишлар натижалари	Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 6-кунигача	Ишчи комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари
4.	Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари	Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган текширишлар натижалари	Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 7-кунигача	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	Вилоят (ҳудудий) статистика бошқармаси	Туман (шаҳар) статистика бўлиmlари	Яратилган ва тугаган иш ўринлари сони (1-Т шакл)	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 7-кунигача	Давлат статистика қўмитаси
6.	Хўжалик бошқаруви органининг вилоят (ҳудудий, минтақавий) бўлинмаси	Бўйсунувчи корхоналар, бўйсунувчи корхоналарда ўтказилган ўрганишлар натижалари	Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 7-кунигача	Юқори хўжалик бошқаруви органи марказий аппарати
7.	Давлат статистика қўмитаси	Меҳнат бўйича давлат статистика ҳисоботи	Яратилган ва тугаган иш ўринлари сони	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 8-кунигача	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

+

Т/р	Ахборот берувчи орган (субъект)	Ахборот олиш манбаи	Ахборот мазмуни	Тақдим этиш муддатлари	Ахборот қаерга тақдим этилади
8.	Юқори хўжалик бошқаруви органи марказий аппарати	Хулудий бўлинмалар ва бўйсунувчи корхоналар, бўйсунувчи корхоналарда ўтказилган ўрганишлар натижалари	Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 8-кунигача	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
9.	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, Давлат статистика қўмитаси, хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган текширишлар натижалари	Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 9-кунигача	Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги
10.	Иқтисодиёт вазирлиги	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, хўжалик бошқаруви органлари	Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 9-кунигача	Вазирлар Маҳкамаси

* Изоҳ. Корхона хўжалик бошқаруви органи таркибига кирган тақдирда.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган
ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги
кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш
ва ривожлантириш бўйича ишчи комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари ва касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармони амалга ошириш ҳақида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда «ишчи комиссия» деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Ишчи комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Ишчи комиссиянинг таркибий сони камида 7 кишидан иборат бўлиши керак. Ишчи комиссиянинг шахсий таркиби туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланади.

Ҳокимнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ишчи комиссиянинг раиси, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказининг директори эса раиснинг ўринбосари ҳисобланади.

Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази ишчи комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи комиссия таркибига:

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари;

иқтисодиёт бўлими;

солиқ органлари;

статистика органлари;

«Маҳалла» жамғармаси вакиллари;

корхоналар раҳбарлари киритилади.

II. Ишчи комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар ишчи комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

янги касаначилик иш ўринларини, шу жумладан касаначиликдан фойдаланиш турларини кенгайтириш ҳисобига ташкил этиш учун мавжуд захираларни аниқлашда ва ишга солишда корхоналарга кўмаклашиш;

саноат корхоналари ва касаначилик ўртасида кооперацияни ривожлантириш, корхоналар буюртмалари бўйича уйида ишлайдиган фуқароларга асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлашнинг барқарор шароитларини, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотни топшириш ва иш ҳақи тўлаш кафолатларини яратиш бўйича масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш;

туманлар (шаҳарлар) ҳудудларида жойлашган корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари бажарилиши мониторингини амалга ошириш;

касаначиларга уларнинг ҳуқуқлари, кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар иш берувчи корхоналар томонидан бузилган тақдирда, ҳимоя қилинишини таъминлашда кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан узвий ўзаро ҳамкорликда касаначилик билан шуғулланишни хоҳловчи банд бўлмаган аҳоли сонини ва малакасини аниқлаш, шунингдек аҳолининг кўрсатиб ўтилган тоифаларини кейинчалик ишга жойлаштиришда кўмаклашиш.

5. Ишчи комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри), туман (шаҳар) даражасида аҳоли бандлигининг ҳудудий ва тармоқ дастурларига киритиш учун корхоналар бўйича янги касаначилик иш ўринлари параметрлари ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини ташкил этади;

корхоналар билан узвий ўзаро ҳамкорликда, банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш заҳираларини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини ўрганиш ишларини ташкил этади;

туман (шаҳар) корхоналарида касаначилик иш ўринларини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича масалаларни кўриб чиқади ва тавсиялар киритади;

корхоналарнинг раҳбарлари ва мулкдорларига касаначиликдан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишларини амалга оширади;

касаначилик билан шуғулланишни хоҳловчи, ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган фуқароларни аниқлаш ишларини ташкил этади;

касаначилар меҳнатидан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган шикоятлар ва низоли масалаларнинг кўриб чиқилишини ташкил этади.

III. Ишчи комиссиянинг ҳуқуқлари

6. Ишчи комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

касаначиликни ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича маълумотларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳудудий органларидан ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва корхоналардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

тегишли корхоналар раҳбарларини таклиф этган ҳолда туман (шаҳар) корхоналари бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилишини кўриб чиқиш;

корхоналар ҳамда уйида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи фуқаролар ўртасида кооперацияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган таклифларни туман (шаҳар) ҳокимлигига киритиш.

IV. Ишчи комиссиянинг иш тартиби

7. Ишчи комиссия мажлислар ўтказишнинг ҳар чораклик жадвали асосида фаолият кўрсатади. Кейинги чорак учун мажлислар жадвали жорий чоракдаги охириги мажлисда шакллантирилади ва ишчи комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Ишчи комиссия мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади.

8. Ишчи комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун масалаларни ва ҳужжатларни тайёрлаш туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари, солиқ органлари, шунингдек корхоналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

9. Ишчи комиссия қарори унинг учун ишчи комиссия аъзоларининг камида ярми овоз берган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

10. Ишчи комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади.

11. Ишчи комиссия ҳужжатларини юритиш ишчи комиссия раисининг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

12. Ишчи комиссия ҳар ойда ўз фаолияти тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимиغا, шунингдек ҳар чоракда туман (шаҳар) бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилиши тўғрисида — вилоят ҳокимлигига (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ҳокимлигига) ҳисобот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб
чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-
ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармони-ни амалга ошириш ҳақида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарори билан тасдиқланган Касаначилик тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда касаначиларга корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартибини белгилайди.

2. Мехнат шартномасига мувофиқ иш берувчининг буюртмасини бажариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва анжомлар (кейинги ўринларда мол-мулк деб аталади) касаначига бепул фойдаланиш учун ёки ижарага, шу жумладан молиявий лизингга берилиши мумкин.

3. Касаначилик шароитларида бепул фойдаланишга, ижарага, молиявий лизингга ва фойдаланишга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича куч, энергияни кўп талаб қиладиган ва техник жиҳатдан мураккаб бўлган асбоб-ускуналар, шунингдек махсус техника хавфсизлигига риоя этишни талаб қиладиган, касаначилик шароитларида назорат қилиниши мумкин бўлмаган хавфли кимёвий компонентлар берилиши мумкин эмас.

4. Мол-мулк касаначига ёзма равишда тузилган тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома асосида, юк ҳужжати (кейинги ўринларда юк ҳужжати деб аталади) бўйича берилади.

Мол-мулкни бепул фойдаланишга беришда ходим билан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тўлиқ шахсий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Мол-мулкни ижарага, шу жумладан молиявий ижарага беришда ходим билан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича мулк ижараси шартномаси (ижара шартномаси) тузилади.

5. Меҳнат шартномасида белгиланган топшириқни бажариш учун корхонадан ижарага ёки бепул фойдаланишга олинган мол-мулкни қўллаган ҳолда касаначи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (товарлар, кўрсатилган хизматлар) корхонанинг мулки ҳисобланади.

6. Иш берувчининг буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун касаначига берилган мол-мулк бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга олиниши керак.

7. Мол-мулкни касаначига беришда корхона белгиланган тартибда мол-мулкдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтиришлар ўтказилади. Тушунтиришлар бевосита корхонада ўтказилиши мумкин.

II. Мол-мулкни касаначига бепул фойдаланиш учун бериш

8. Мол-мулк касаначига бепул фойдаланиш учун меҳнат шартномасида белгиланган ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) муддатига берилади.

9. Касаначига бепул фойдаланиш учун меҳнат шартномасига мувофиқ топшириқни бажариш учун зарур бўлган мол-мулк берилади. Юк ҳужжати касаначи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади.

Мол-мулк унинг ишларни бажариш учун зарур бўлган барча анжомлари билан бирга берилади. Мол-мулк ҳужжатлари (техник паспорт, сифат сертификати ва бошқалар) иш берувчида қолади.

Корхона касаначига мол-мулкни меҳнат шартномаси шартларига, ишлаб чиқариш топшириғига ва мол-мулкдан фойдаланиш мақсадига мувофиқ бўлган ҳолатда бериши шарт.

10. Касаначига бепул фойдаланиш учун бериладиган катта ҳажмли мол-мулк корхона томонидан касаначи ишларни бевосита амалга оширадиган жойигача етказиб берилади. Касаначига бепул фойдаланиш учун бериладиган кичик ҳажмли анжомлар касаначи томонидан касаначилик амалга ошириладиган жойигача етказиб берилиши мумкин.

Мол-мулкни ундан фойдаланиб бўлингандан кейин олиб кетиш корхона ҳисобидан амалга оширилади.

11. Корхона асбоб-ускуналарни касаначи томонидан ишлар бевосита бажариладиган жойда ўрнатишни, ишга туширишни ва синашни амалга оширади, сўнгра ушбу асбоб-ускуналар касаначига юк ҳужжати бўйича берилади.

12. Корхона асбоб-ускуналарни жорий профилактика қилишни, созлашни, тартибга солишни, у касаначининг айбисиз ишдан чиққан тақдирда эса — уни таъмирлашни ёки алмаштиришни амалга оширади.

Касаначи зарур малакага эга бўлган тақдирда унинг асбоб-ускунани мустақил равишда созлашига, тартибга солишига рухсат этилади.

13. Асбоб-ускунанинг касаначининг айбисиз ишдан чиқиши (синиши) сабабли ишдан тўхтаб қолган тақдирда унга ўртача иш ҳақи миқдорида пул тўланади.

Асбоб-ускуна касаначининг айби ишдан чиққан (синганлиги) сабабли касаначининг иши тўхтаб қолганда унга ҳақ тўланмайди.

14. Меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки асбоб-ускунани алмаштиришни талаб қиладиган топшириқ ўзгарган тақдирда касаначига бепул фойдаланиш учун берилган мол-мулк юк ҳужжати бўйича корхонага қайтарилади.

III. Мол-мулкни касаначига ижарага бериш

15. Корхона томонидан мол-мулкни касаначига ижарага бериш вақтинчалик фойдаланиш учун тўлов асосида, меҳнат шартномасида белгиланган муддатга амалга оширилади.

Касаначига ижарага берилган мол-мулкнинг меҳнат шартномасига мувофиқ сотиб олинishiга йўл қўйилмайди.

Касаначига меҳнат шартномасига мувофиқ ижарага берилган мол-мулк қайта ижарага (субижарага) берилиши мумкин эмас.

16. Касаначи корхона томонидан ўзига берилган мол-мулкдан меҳнат шартномасида белгиланган ишлаб чиқариш топшириғига қатъий мувофиқ равишда фойдаланиши шарт.

17. Касаначи меҳнат шартномасида белгиланган топшириқ бажарилгандан кейин ўзига ижарага берилган мол-мулкни қўллаган ҳолда шартномавий нархлар бўйича сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Касаначига корхона томонидан меҳнат шартномасига мувофиқ топшириқни бажариш учун берилган хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлардан касаначи томонидан шартномавий нархлар бўйича сотиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

18. Меҳнат шартномасига мувофиқ касаначига берилган мол-мулкни касаначининг бевосита иш жойигача етказиб бериш ва фойдаланиб бўлингандан кейин олиб кетиш, ўрнатиш ва ишга қўшиш, жорий профилактика қилиш, созлаш ва таъмирлаш (шу жумладан мукамал таъмирлаш), агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, корхона томонидан амалга оширилади.

19. Меҳнат шартномасининг амал қилиши тугагандан кейин ёки ижарага берилган мол-мулк таркибини ўзгартиришни талаб қиладиган буюртма ўзгарган тақдирда ушбу мол-мулк корхонага қайтарилади.

Бу ҳолда мулк ижараси шартномасининг амал қилиши ё тўхтатилади ёхуд унга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

20. Мол-мулкни касаначига лизинг шартлари бўйича бериш тартиби Фуқаролик кодексига ва «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

IV. Якунловчи қоидалар

21. Касаначилар ва корхона ўртасида келиб чиқадиган низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

Корхоналарнинг буюртмалари бўйича
махсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар
кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-
ускуналар ва анжомлар бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Касаначилик шароитларида фойдаланишга йўл
қўйилмайдиган асбоб-ускуналар, хом ашё,
материаллар ва махсулотлар
РЎЙХАТИ**

1. Қўйидагилар:

ГОСТ 12.01.007-76 бўйича хавфлиликнинг I — III классларига мансуб бўлган зарарли кимёвий моддалар ажралиб чиқишининг;
ионлаштирувчи нурланишларнинг;
радиоактив нурланишнинг;
лазерли нурланишнинг (оптик ва квантли генераторлар), санитария нормаларидан ортиқ диапазонли электромагнит энергияларнинг;
санитария нормаларидан ортиқ тебраниш ва шовқиннинг;
атроф муҳитнинг санитария нормаларидан ортиқ юқори ёки паст ҳароратининг;
санитария нормаларидан ортиқ ультрабинафша нурланишнинг;
ультратовушнинг манбаи ҳисобланадиган асбоб-ускуналар, ва анжомлар.

2. Портлаш хавфига эга бўлган асбоб-ускуналар ва анжомлар:

Цельсий бўйича 115 даражадан юқори ҳароратда босим таъсирида ёки 0,07 МПа босимда қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратли суюқлик идишлари;

0,07 МПа дан ортиқ босим таъсирида сиқилган, суюлтирилган ёки эритилган газларни ташиш ва сақлаш учун мўлжалланган баллонлар;

буғларининг босими Цельсий бўйича 50 даража ҳароратда 0,07 МПа босимдан ошадиган суюлтирилган газларни ташиш учун цистерналар, бочкалар;

улардаги 0,07 МПа дан юқори босим уларнинг тарқалиши учун вақти-вақти билан шароит яратадиган сиқилган, суюлтирилган газларни, суюқликларни ва сочиluvчан жисмларни ташиш ва сақлаш учун цистерналар, идишлар ва бошқа сифимлар;

0,07 МПа дан юқори ишчи босимга эга бўлган буғқозонлар, автоном буғли иситгичлар ва экономайзерлар, Цельсий бўйича 115 даражадан ортиқ сув ҳароратига эга бўлган сув иситиш қозонлари ва автоном экономайзерлар.

3. Саноат қўламида дон янчиш ва омихта озуқалар тайёрлаш бўйича асбоб-ускуналар ва анжомлар.

4. Энергияни кўп талаб қиладиган асбоб-ускуналар:

380 вольтдан ортиқ ишчи кучланишга эга бўлган асбоб-ускуналар (220 вольтдан ортиқ кучланишда ишлайдиган асбоб-ускуналар электр хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилган ҳолда ўрнатилиши керак);

ҳар соатда 1 куб метрдан ортиқ сув истеъмом қиладиган асбоб-ускуналар.

5. Қўйидагилар:

ГОСТ 12.01.007-76 бўйича хавфлиликнинг I — III классларига мансуб бўлган кимёвий моддаларнинг токсик хоссаларига эга бўлган;

табiiй радионуклидлар концентрациясининг чекланган йўл қўйиладиган нормаларидан ортиқча бўлган;

«Осон алангаланадиган суюқ моддалар» тоифасига мансуб бўлган хом ашё, материаллар ва махсулотлар;

- суюқ хлор, аммиак, селитра, карбонид, аммофос, метонал, синил кислотаси, цианидлар, нитроакрил кислотаси.
6. Барча тур ва номлардаги пестицидлар, гербицидлар ва прекурсорлар.
7. Чарм ва мўйна хом ашёси (тўлиқ ишлов берилган ва тикишга тайёр бўлганлардан ташқари).
8. Асбест ва таркибида асбест бўлган материаллар.
9. Уларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият белгиланган тартибда лицензияланадиган бошқа моддалар, материаллар, хом ашё ва улардан тайёрланган буюмлар.

Корхоналарнинг буюртмалари бўйича
маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар
кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-
ускуналар ва анжомлар бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Корхона томонидан касаначига бепул фойдаланиш учун
берилган асбоб-ускуналар ва анжомлар юзасидан тўлиқ
шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

_____ шаҳри

20__ йил «__» _____

Кейинги ўринларда «корхона» деб аталадиган _____

(корхонанинг номи)

_____ номидан Устав (Низом) асосида иш кўрадиган _____
_____ бир томондан ва касаначи

(жавобгар шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

(касаначининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан, 20__ йил «__» _____даги _____-сон меҳнат шартномасига мувофиқ корхона буюртманомаси бўйича ишларнинг касаначи томонидан бажарилишини таъминлаш мақсадида, касаначига корхона томонидан бепул фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналар ва анжомлар (кейинги ўринларда «мол-мулк» деб аталади) юзасидан тўлиқ шахсий жавобгарлик ҳақидаги ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузишди:

1. Корхона _____ ни

(ишлаб чиқариладиган маҳсулот, кўрсатиладиган хизматлар тури)

ишлаб чиқариш бўйича корхона буюртмасига доир ишларни бажариш учун касаначига тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик остида қуйидаги мол-мулкни бепул фойдаланишга беради:

Т/р	Номи	Миқдори, та	Инвентарь №	Берилган қундаги баланс қиймати	Мол-мулк берилаётган муддат	Изоҳлар
1.						
2.						
3.						

2. Касаначи ўзига берилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш юзасидан тўлиқ шахсий жавобгарликни зиммасига қабул қилади ва қуйидаги мажбуриятларни олади:

олинган мол-мулкни тўлиқ сақлаш, уни ишга тайёр ҳолатда сақлаш, мол-мулкнинг бузилиши ва ўғирланишининг олдини олиш чора-тадбирларини қўриш;

корхонани мол-мулкнинг сақланишига риоя қилинмаслиги ҳолларидан, хоналарнинг қоникарсиз ҳолати, иқлим шароитлари, табиий офатлар ва бошқа ҳодисалар оқибатида яроқсизланиши тўғрисида ўз вақтида огоҳлантириш;

корхонанинг биринчи талаби бўйича ўзига берилган мол-мулкнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш, корхона вакилларини ушбу мол-мулк ўрнатилган хонага, шу жумладан уй-жой биноларига киритиш;

ўзига берилган мол-мулкдан фойдаланишнинг техник шартларига ва меҳнат шартномасига, шунингдек корхона буюртмасига қатъий мувофиқ ҳолда фойдаланиш.

3. Корхона, мол-мулкни касаначининг тўлиқ шахсий моддий жавобгарлиги остида берган ҳолда, зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

касаначига берилган мол-мулк тўғрисидаги барча зарур маълумотларни (фойдаланиш, ташиш, сақлаш ва шу кабилар бўйича йўриқномани) тақдим этиш;

техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқлар бериш;

касаначини мол-мулкни тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик остида бериш вақтида корхона ва касаначи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи зарур норматив ҳужжатлар, мол-мулк касаначи айби билан бузилган, яроқсизланган ёки ўғирланган тақдирда зарарни қоплаш шартлари ва тартиби билан таништириш.

4. Берилган мол-мулк касаначининг айби билан бузилганлиги, яроқсизланганлиги, ўғирланганлиги сабабли корхонага моддий зарар етказилган тақдирда ёки мол-мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда етказилган зарарни қоплаш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда касаначи ҳисобидан амалга оширилади.

5. Моддий зарар етказишда касаначининг айби бўлмаганда (зарар табиий офат, ёнғин ва шу кабилар туфайли етказилганда) касаначи моддий жавобгар бўлмайди.

6. Ҳар йили касаначи иштирокида унинг тўлиқ шахсий моддий жавобгарлиги остида берилган мол-мулк хатловдан ўтказилади ва қайта баҳоланади.

7. Корхона ва касаначи ўртасидаги ушбу шартнома билан тартибга солинмаган моддий жавобгарлик бўйича ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган низолар суд тартибида қўриб чиқилади.

Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати мол-мулкдан бепул фойдаланишнинг меҳнат шартномасида белгиланган бутун даврига татбиқ этилади.

Бошланиши: 200__ йил «__» _____

Тугалланиши: 200__ йил «__» _____

Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан тузилди.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Корхона: _____

Касаначи: _____

(уй манзили)

Паспорти: серияси _____ номери _____,
_____ томонидан берилган.

Томонларнинг имзолари:

Корхона

Касаначи

Корхоналарнинг буюртмалари бўйича
махсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар
кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-
ускуналар ва анжомлар бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Корхона буюртмасига мувофиқ ишларни бажариш учун
мўлжалланган асбоб-ускуналар ва анжомларни касаначилар
томонидан мулк ижарасига (ижарага) олиш юзасидан
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

_____ шаҳри 20__ йил «__» _____

Кейинги ўринларда «корхона» деб аталадиган _____
(корхонанинг номи)

_____ номидан Устав (Низом) асосида иш кўрадиган _____
_____ бир томондан ва касаначи
(жавобгар шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

(касаначининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузишди:

1. Корхона корхонага тегишли қуйидаги асбоб-ускуналар ва анжомларни (ке-
йинги ўринларда «мол-мулк» деб аталади) фойдаланиш учун беради, касаначи қабул
қилиб олади:

Т/р	Номи	Миқдори, та	Инвентарь №	Берилган кундаги баланс қиймати	Мол-мулк берилаётган муддат	Изоҳлар
1.						
2.						
3.						

Жами ижарага кўрсатиб ўтилган мол-мулк умумий суммаси _____
_____ сўм миқдорида берилади.
(сўз билан)

2. Кўрсатиб ўтилган мол-мулк касаначи томонидан 20__ йил «__» _____даги
____-сон меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни бажариш юзасидан корхона буюрт-
маси бўйича қуйидаги _____ маҳ-
сулотлар (товарлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Корхонанинг меҳнат шартномаси ва ишлаб чиқариш топшириғида белгиланган

буюртмаси тўлиқ бажарилганда касаначи ўзига берилган мол-мулкдан шартнома нархларида сотиш учун бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда корхона кўрсатиб ўтилган маҳсулотни сотиб олишда устунлик ҳуқуқини олади.

3. Мол-мулк ушбу шартнома имзоланган вақтдан бошлаб ижарага берилган ҳисобланади.

4. Касаначи илова қилинаётган ҳисоб-китоблар бўйича йилига умумий суммаси _____ сўм миқдоридаги ижара ҳақини

(сўз билан)

ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Ижара ҳақи корхонанинг ҳисоб рақамига ҳар чоракда тенг улушларда (чоракдан кейинги ойнинг _____ кунидан кечикмай) ўтказилади.

Тўловнинг бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилганлиги учун касаначи навбатдаги тўлов суммасининг _____ фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5. Ижара ҳақи миқдори томонларнинг келишувига кўра _____ йилда бир марта ўзгартирилиши мумкин. Марказлаштирилган тартибда белгиланадиган нархлар ва тарифлар ўзгарган тақдирда ижара ҳақи миқдорлари томонлардан бирининг талабига кўра муддатидан олдин қайта кўриб чиқилиши мумкин.

6. Корхона мол-мулкни ундан зарур даражада фойдаланиш имконини берадиган ҳолатда топширади.

7. Касаначи:

а) корхонанинг маҳсулотлар (товарлар, ишлар)ни ишлаб чиқариш юзасидан буюртмасини меҳнат шартномасида ёки ишлаб чиқариш топшириғида белгиланган ҳажмдан кам бўлмаган ҳажмда тўлиқ ишлаб чиқариш;

б) ижарага олинган мол-мулкдан корхона буюртмасига кўра ишларни бажариш учун мўлжалланган мақсадлар учун фойдаланиш;

в) мол-мулкни тўлиқ ишга тайёр ҳолатда сақлаш мажбуриятини олади.

8. Касаначи ижарага олинган мол-мулкнинг бузилганлиги учун жавоб беради.

9. Мулк ижараси шартномаси тўхтатилганда касаначи мол-мулкни корхонага қайси ҳолатда олган бўлса, нормал эскиришини ҳисобга олган ҳолда, ўша ҳолатда қайтариши шарт.

Агар касаначи ижарага олинган мол-мулкни қайтармаган бўлса ёхуд ўз вақтида қайтармаса корхона муддати ўтказиб юборилган вақт учун мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатиб ўтилган тўлов корхонага етказилган зарарни қопламаган тақдирда корхона зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

10. Шартнома шартлари томонларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши, бекор қилиниши ва тўхтатилиши мумкин.

Бошқа томон шартнома шартларини бузган тақдирда томонлардан бирининг талабига биноан шартнома суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

11. Ижарага олинган мол-мулк яна ижарага (субижарага) берилиши мумкин эмас.

12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги, шартноманинг бир томонлама ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги учун томонлар етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплайдилар (ушбу шартномада назарда тутилган жарима санкцияларидан ташқари).

13. Томонларнинг ушбу шартнома билан тартибга солинмаган ўзаро муносабатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

14. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

15. Ижара муддати ____ йил этиб белгиланади.

16. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан тузилди.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Корхона: _____

Касаначи: _____
(уй манзили)

Паспорти: серияси _____ номери _____, _____
_____ томонидан берилган.

Томонларнинг имзолари:

Корхона

Касаначи

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Касаначининг уйида ёки ўзига тегишли бошқа жойларда
ишлаб чиқариш топшириғини бажариши билан боғлиқ
харажатларини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳақида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонини амалга ошириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва касаначининг уйида ёки унга тегишли бўлган бошқа биноларда ишлаб чиқариш топшириғини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш шартлари ҳамда тартибини белгилайди.

2. Касаначининг ўз меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ амалга оширилади.

3. Касаначининг:

меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун меҳнат шартномасига мувофиқ касаначига тегишли бўлган мол-мулкнинг эскиришига;

ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун сарфланган электр энергиясига;
агар меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида анча миқдорда совуқ ва/ёки иссиқ сувдан фойдаланиш талаб қилинса, совуқ ва/ёки иссиқ сувга;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун фойдаланилган табиий газга;
агар касаначининг функционал вазифалари меҳнат қуроли сифатида алоқа воситаларидан фойдаланишни назарда тутса — телефон ва почта алоқасига;

касанаичи томонидан хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни ва тайёр маҳсулотларни ташиш билан боғлиқ транспорт харажатларига қилган харажатлари қопланиши керак.

4. Касаначининг харажатларини қоплаш миқдори ҳамда уни аниқлаш тартиби корхона ва касаначи ўртасида тузилган шартномада кўрсатилади.

Касаначининг ушбу Низомда назарда тутилган харажатларининг ҳар бир қопланиши корхонанинг раҳбари (бош бухгалтери) ва касаначи томонидан имзоланган тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

5. Корхонанинг касаначи харажатларини қоплашга харажатлари «Давр харажатлари»га киритилади ва корхона маҳсулоти таннархига қўшилади.

6. Касаначиларнинг меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплашнинг бухгалтерия ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

7. Касаначининг ўз меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларининг ўз вақтида ва тўғри қопланиши учун жавобгарлик корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтерига юкланади.

II. Касаначининг меҳнат жараёнида фойдаланиладиган мол-мулки эскиришини қоплаш

8. Касаначи томонидан иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириғини бажариш жараёнида доимий ва бевосита анжомлари, асбоб-ускуналари, транспорти ва бошқа мол-мулкнинг эскириши қопланиши керак.

Касаначининг ишлари амалга ошириладиган бинолар ва хоналар, шунингдек мебеллар ва кам қийматли мол-мулкларнинг эскириши қопланмайди.

9. Мол-мулкнинг эскиришини қоплаш миқдори унинг меҳнат шартномасини тузиш вақтидаги баҳолаш қийматидан ва мол-мулкнинг ушбу тури учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган йиллик эскириш ажратмалари миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Илгари истеъмолда бўлган мол-мулкнинг баҳолаш қиймати меҳнат шартномаси тузиш вақтида унинг эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Баҳолаш қийматини аниқлашни соддалаштириш мақсадида ана шундай асбоб-ускуналарнинг жорий бозор қийматидан ва мол-мулкнинг сотиб олинган (ёки ишлаб чиқарилган санаси) вақтидан бошлаб меҳнат шартномаси тузилган вақтгача бўлган даврда ундан фойдаланиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда эскириши ажратмаларнинг белгиланган нормалари қўлланилишига йўл қўйилади.

10. Мол-мулкнинг эскиришини қоплаш меҳнат шартномасига мувофиқ камида ҳар 3 ойда амалга оширилади.

III. Электр энергияси, совуқ ва/ёки иссиқ сув, табиий газ ва алоқа воситалари харажатларини қоплаш

11. Электр энергияси харажатларини қоплаш миқдори меҳнат фаолияти жараёнида касаначи томонидан фойдаланиладиган асбоб-ускунанинг энергия сарф қилиши (қуввати)дан, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш учун)

ушбу асбоб-ускунадан фойдаланишнинг норматив вақтидан, шунингдек касаначининг меҳнат фаолияти амалга ошириладиган жойда аҳоли учун электр энергиясига белгиланган тарифлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун энергиясига харажатларини қоплаш миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$B_{(сўм)} = \Sigma (M_{i(кВт/с)} * BP_{i(норма)}) * Тариф_{(сўм)}, \text{ бунда:}$$

$B_{(сўм)}$ — ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги (кўрсатилган хизматлар) учун қоплаш миқдори;

Σ — электр энергиясига харажатларни қоплаш миқдорини аниқлашда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун зарур бўлган, электр истеъмол қиладиган асбоб-ускунанинг қуввати ва ундан фойдаланиш норматив вақтининг алоҳида-алоҳида ҳисобга олиншини кўрсатувчи сумма белгиси;

$M_{i(кВт/с)}$ — маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган электр энергияси истеъмол қилувчи асбоб-ускунанинг қуввати;

$BP_{i(норма)}$ — электр энергияси истеъмол қилувчи асбоб-ускунадан фойдаланишнинг норматив вақти;

Тариф $_{(сўм)}$ — электр энергияси учун тўловнинг аҳоли учун белгиланган тарифи.

12. Касаначининг иш жойини ёритиш учун фойдаланиладиган электр энергияси тўлови учун харажатлари ҳам қопланиши керак.

13. Бир ойдаги электр энергияси учун харажатларни қоплаш миқдори иш берувчи томонидан касаначидан қабул қилиб олинган барча буюмларни ишлаб чиқариш учун электр энергияси харажатларини ва бир ой учун ҳисобланган иш жойини ёритиш учун электр энергияси харажатлари қийматини жамлаш йўли билан аниқланади.

14. Ишлаб чиқариш топшириғини бажариш жараёнида касаначи томонидан фойдаланиладиган сув учун харажатлар технологик операцияларни (буюмларни ювиш, тозалаш ва шу кабиларни) амалга ошириш учун сув сарфининг техник нормативларидан ҳамда мазкур жойдаги аҳоли учун белгиланган совуқ ва/ёки иссиқ сувдан фойдаланиш тарифидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

15. Газ учун харажатлар касаначи томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги ҳисобида, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун газ сарфининг техник нормаларидан ва аҳолига газ етказиб бериш тарифидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

16. Хонани иситиш учун фойдаланиладиган иссиқлик энергияси харажатлари қопланмайди.

17. Алоқа воситалари харажатларини қоплаш касаначининг функционал вазифалари ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида уй телефонидан ва телефон алоқасининг рақамли каналларидан ва/ёки мунтазам равишдаги почта ва телеграф жўнатмаларидан фойдаланиш билан бевосита ва доимий боғлиқ бўлган тақдирда амалга оширилади.

18. Касаначининг алоқа воситалари харажатларини қоплаш миқдори ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун зарур бўлган телефон орқали боғланишларининг норматив ҳажми (вақти)дан ва телефон алоқаси тарифларидан, шунингдек алоқа хизматлари тўлови тўғрисидаги қвитанциялар билан тасдиқланган почта ва телеграф жўнатмаларининг ҳақиқий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Телефон орқали боғланишнинг норматив ҳажмини (вақтини) белгилаш иш берувчи томонидан амалга оширилади.

19. Касаначининг Интернет тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш харажатлари қопланмайди.

Касаначининг функционал вазифалари Интернет тармоғидан доимий фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тақдирда касаначининг Интернет тармоғига уланиши ва Интернет тармоғидан фойдаланиш норматив вақтини белгилаш иш берувчи томонидан амалга оширилади.

20. Ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун фойдаланилган электр энергияси, сув ва газ харажатларини, шунингдек алоқа воситаларига харажатларни қоплаш, қоидага кўра, ҳар ойда касаначидан маҳсулотларни (хизматларни) қабул қилиб олиш вақтида амалга оширилади. Бунда касаначининг газ учун харажатларини қоплаш касаначида газ ҳисоблагич мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

IV. Касаначининг транспорт харажатларини қоплаш

21. Касаначининг хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва кичик анжомларни ташишга, шунингдек тайёр маҳсулотларни ёлланган транспорт билан ташишга қилган ҳақиқий харажатлари қопланади.

Қоплаш миқдори корхона ва касаначи ўртасида тузилган битим бўйича, мазкур жойдаги транспорт хизматларининг бозор қийматини, касаначининг иш жойи билан корхона ўртасидаги масофани, ташиш учун ёлланган транспорт воситаси турини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Касаначининг фақат юкларни ташишга қилган харажатлари қопланади. Транспорт воситасининг юксиз юриш қиймати қопланмайди.

22. Ташиш темир йўл транспортида (яқин масофага қатнайдиغان электр поездида) амалга оширилган тақдирда транспорт харажатлари тақдим этилган йўл ҳужжати қиймати бўйича қопланади.

23. Касаначининг транспорт харажатларини қоплашда ушбу харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳаққоний аниқланган бўлиши керак.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

255 «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
23 июнда 1830-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 3 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низом»га мувофиқ, «UZ» доменидаги домен номларига фаолияти тўғридан-тўғри дахлдор бўлган шахсларнинг муносабатларини самарали бошқариш ҳамда ноқонуний ҳаракатлардан ҳимояланишини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан ўн кундан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 май,
155-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги Бош директорининг
2008 йил 26 майдаги 155-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш
ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди, шунингдек, фаолияти «UZ»

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган шахсларнинг, хусусан «UZ» домени Маъмури, «UZ» доменидаги домен номларини Рўйхатдан ўтказувчи, домен номининг Маъмури ва «UZ» доменидаги домен номларидан фойдаланган ҳолда, ўз товарлари, ишлари ва хизматларини таклиф қиладиган шахсларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солади.

§ 1. Умумий қоидалар

1. «UZ» доменида қуйидаги мақсадларда рўйхатдан ўтказишнинг тақсимланган тизими қўлланилади:

рўйхатдан ўтказиш марказлашмаган хизматларини тақдим этиш;

рақобат муҳитини жорий қилиш;

тақдим этиладиган хизматлар сифатини яхшилаш;

истеъмолчилар учун кўрсатиладиган қўшимча хизматлар турини кенгайтириш.

2. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси билан «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланишга нисбатан ушбу Низомдаги қоидалардан бошқача қоидалар белгиланса, у ҳолда халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

3. Ушбу Низом ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларининг нормалари ёки домен номлари билан боғлиқ халқаро амалиёт қўлланилиши мумкин.

§ 2. Асосий тушунчалар ва таърифлар

4. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

«UZ» домени Маъмури — «UZ» доменининг асосий Реестрини бошқариш ва «UZ» доменини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашга давлат томонидан ваколат берилган ташкилот;

домен номининг Маъмури — домен номини ўз номига рўйхатдан ўтказган юридик ёки жисмоний шахс;

домен номини активация қилиш — домен номи ва унга тегишли (DNS) серверлари тўғрисидаги ахборотни Интернет тармоғида домен номининг ишлашини таъминлайдиган «UZ» доменининг асосий DNS серверларида жойлаштириш ва сақлаш;

домен номининг рўйхатдан ўтказилишини бекор қилиш — домен номини рўйхатга олиш муддати тугагунга қадар, домен номи ва унинг Маъмури тўғрисидаги ахборотни «UZ» доменининг Маъмури томонидан асосий Реестрдан чиқариб ташланиши;

географик домен номи — географик бирликлар ва жой номларини ўз ичига олувчи ёки бошқача тарзда ифодаловчи домен номи;

давлат домен номи — Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маъмурий бирликлари (вилоят, ҳокимият, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ва ш. к.) номларини ўз ичига олувчи ёхуд уларнинг белгиларини ёки номларини бошқача тарзда ифодаладиган, шу жумладан, қисқартмалари ва/ёки аббревиатураларини ўз ичига оладиган домен номи;

домен номини деактивация қилиш — Интернет тармоғида домен номи ишлашини кейинчалик тўхтатиш учун «UZ» доменининг асосий DNS серверларидан

тегишли домен номининг (DNS) серверлари тўғрисидаги ахборотни чиқариб ташлаш;

виждонли рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланиш — ушбу домен номининг хусусияти тўғрисида билмаган ва билиши ҳам керак бўлмаган шахс (виждонли домен эгаси/фойдаланувчи) томонидан домен номини рўйхатдан ўтказиш ва/ёки ундан фойдаланиш;

домен — номли мезон бўйича ажратилган ва уни қўллаб-қувватлаш учун жавоб берадиган ташкилотга эгалик қилиш учун тақдим этилган Интернет тармогининг қисми;

«UZ» домени — Ўзбекистон Республикасининг мамлакат кодини ифодаловчи, махсус ваколатли ташкилот томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштирилдиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси остидаги юқори даража домени, шу жумладан, кейинги даражаларнинг домен номлари;

домен номи — номларнинг домен тизимига мувофиқ компьютер тармоғи узелига бириктирилган ноёб белгили ном;

иккинчи даража домен номи — «UZ» юқори даража доменидан чапда жойлашган, ундан нуқта билан ажратилган ва «UZ» доменининг кейинги даражасини белгилайдиган домен номи;

учинчи даража домен номи (субдомен) — иккинчи даража доменидан чапда жойлашган, ундан нуқта билан ажратилган ва иккинчи даража доменининг кейинги даражасини билдирадиган домен номи;

захиранланган домен номи — жамоатчилик учун фойдали бўлган ёки давлат мақсадларида фойдаланиш учун, шунингдек юқори даража доменининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида «UZ» домени Маъмури томонидан захиранланган домен номи;

ариза берувчи — домен номини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун Рўйхатдан ўтказувчига ариза берган жисмоний ёки юридик шахс;

интеллектуал домен номи — интеллектуал фаолият натижалари, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижаларини ўз ичига олувчи ёки уларни бошқача тарзда ифодаловчи домен номи;

асосий сервер (root server) — юқори даража доменлари тўғрисидаги ахборотни сақловчи DNS серверлари

шахсий домен номи — жисмоний шахснинг исми ва/ёки фамилиясининг ўхшаш ифодаланишидан иборат домен номи;

номақбул домен номи — одобсиз, ахлоқсиз, қонунга зид, давлатга ёки жамиятга қарши характердаги сўзларни, шунингдек, ҳарфлар, сонлар ёки сўзлар комбинациясини ўз ичига олган домен номи. Домен номининг номақбуллиги (характери) ушбу домен номини активация қилиш вақтида «UZ» доменининг Маъмури томонидан белгиланади;

бўшатиш домен номи — домен номининг Маъмури томонидан домен номидан воз кечиш ёки уни рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтирмаслик натижасида рўйхатдан ўтказиш учун бўш бўлиб қолган домен номи;

асосий Реестр — иккинчи даражадаги рўйхатга олинган домен номлари, домен номларини Рўйхатдан ўтказувчилари ва Маъмурлари ҳамда домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган бошқа ахборотни ўз ичига оладиган «UZ» доменининг марказий маълумотлар базаси;

рўйхатдан ўтказувчи — домен номларини рўйхатдан ўтказиш бўйича «UZ»

домени Маъмури билан тузилган шартномага асосан хизматлар кўрсатадиган ва домен номи тўғрисидаги зарур ахборотни асосий Реестрга киритилишини таъминлайдиган юридик шахс;

домен номини рўйхатдан ўтказиш — рўйхатдан ўтказувчи томонидан домен номи ва унинг Маъмури тўғрисидаги ахборотни ариза берувчининг сўрови асосида асосий Реестрга киритиш;

сервер — компьютернинг бошқа компьютерга хизматларни тақдим этиш имконини берувчи аппарат ва дастурий таъминот (дастур-сервер) мажмуи. Компьютерлар дастур-сервер билан дастур-мижозлар ёрдамида ишлайди;

домен номлари тизими (Domain Name System — DNS) — Интернет каби тармоқда боғланган компьютерлардан ҳар бирига ноёб номни белгилашнинг иерархик тизими. Ном иерархиянинг чапдан ўнгга ўсиб борувчи даражаларига мувофиқ келувчи қисмларнинг нукталар билан ажратилган доменларидан иборат;

«whois» хизмати — домен номи тўғрисидаги асосий ахборотни Интернет браузерлари (браузери) ёки махсус компьютер дастури орқали олиш имконини берувчи махсус хизмат;

ICANN (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers) — тармоқ техник инфратузилмасининг маъмурий бошқариш функциясини амалга оширадиган, шунингдек юқори даража доменларининг базасини қўллаб-қувватлайдиган Интернетда адреслар ва протоколлар рақамларини бириктириш бўйича ташкилот;

IANA (The Internet Assigned Numbers Authority) — Интернет адресларининг бутун маконини тақсимлаш, шу жумладан IP-адрес, домен номларининг тармоқ хизматини умумий мувофиқлаштириш ва бошқариш ҳамда юқори даража доменларини делегирлаш учун назоратни амалга оширувчи ташкилот;

IP-адрес — рақамли шаклда ифода этилган, тармоқда ахборотнинг жойлашган жойини аниқловчи адрес. IP-адрес нукталар билан ажратилган тўртта рақамли майдондан (IPv4) иборат.

§ 3. «UZ» домени Маъмури

5. «UZ» домени Маъмури «UZ» доменининг асосий Реестрини бошқаради ва «UZ» доменини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

6. «UZ» домени Маъмури барча Рўйхатдан ўтказувчилар учун ўзаро ишлашнинг ягона қоидалари ва тартибини белгилайди.

7. Рўйхатдан ўтказувчи билан намунавий шартнома ва Рўйхатдан ўтказувчиларнинг боғланиш учун маълумотларини кўрсатган ҳолда амалдаги Рўйхатдан ўтказувчиларнинг рўйхати «UZ» домени Маъмурининг веб-сайтида босиб чиқарилиши керак.

8. Домен номини рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича хизматларнинг тавсия этиладиган нархи «UZ» домени Маъмури томонидан белгиланади.

9. «UZ» домени Маъмури рўйхатга олинган домен номи тўғрисидаги ахборотни асосий Реестрда рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати давомида сақлайди ва асосий Реестрнинг техник ишлашини таъминлайди.

10. «UZ» домени Маъмури рўйхатга олинган домен номлари тўғрисидаги зарур ахборотни олиш учун Рўйхатдан ўтказувчига асосий Реестрдан фойдаланишни тақдим этиши мажбурийдир. Маъмурий бошқариш ва асосий Реестр хавфсизлигига таҳдидлардан муҳофаза қилишни таъминлаш ҳуқуқи «UZ» домени Маъмурига юкланади.

11. Рўйхатдан ўтказувчининг хатти-ҳаракатлари асосий Реестрнинг нормал ишлашига ва DNS домен номлари тизимининг барқарорлигига тўсқинлик қилган ҳолларда, «UZ» домени Маъмури дархол зарур ташкилий ва техник чораларни кўриш, шу жумладан Рўйхатдан ўтказувчининг асосий Реестрдан фойдаланишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга. Асосий Реестрдан фойдаланиш юқорида қайд этилган таҳдидлар бартараф этилгандан сўнг тикланади.

12. Рўйхатдан ўтказувчи томонидан ушбу Низом шартлари ва талаблари ҳамда шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолда «UZ» домени Маъмури Рўйхатдан ўтказувчи билан тузилган шартномани бир томонлама тартибда суд орқали бекор қилиш ҳуқуқига эга.

13. «UZ» домени Маъмури ва Рўйхатдан ўтказувчи ўртасидаги шартнома бекор қилинганда Рўйхатдан ўтказувчининг ваколатлари тўхтатилади. «UZ» домени Маъмури Рўйхатдан ўтказувчининг функцияларини бошқа Рўйхатдан ўтказувчига бериш тартиби тўғрисида домен номларини ушбу Рўйхатдан ўтказувчи орқали рўйхатга олган домен номлари маъмурларига хабар беради.

14. «UZ» домени Маъмури домен номининг Маъмури билан тузилган шартнома сабабли Рўйхатдан ўтказувчида юзага келган мажбуриятларнинг бузилганлиги учун, шунингдек Рўйхатдан ўтказувчининг домен номининг Маъмури олдида ўз мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатлари учун жавобгар эмас.

15. «UZ» домени Маъмури ICANN халқаро мувофиқлаштирувчи ташкилот томонидан белгиланган талабларга мувофиқ «UZ» домени маъмурий бошқарилишини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

16. «UZ» домени Маъмури қуйидагиларга мажбурдир:

асосий сервернинг нормал ишлашини таъминлаш, DNS базаси ва асосий Реестрни янгилаш;

домен номлари тўғрисидаги ахборотнинг ҳар қандай шахс томонидан олиниши учун «whois» хизматлари ишлашини, базанинг янгиланишини таъминлаш.

17. «UZ» домени Маъмури домен номларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ахборотни ўзининг расмий веб-сайти орқали тақдим этиши мужбурийдир.

18. «UZ» домени Маъмури домен номлари Маъмурлари DNS-серверлари ва маълумотлар базасининг ишлаш қобилияти ва тўғри ишлашини текшириш, шунингдек ушбу Низом талабларига мувофиқ Рўйхатдан ўтказувчининг серверлари тизимини текшириш ҳуқуқига эга.

19. «UZ» домени Маъмури ушбу Низом талабларига мувофиқ домен номини Рўйхатдан ўтказувчи ва Маъмурига домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва маъмурий бошқаришни таъминлаш бўйича талабларни қўйиш ҳуқуқига эга.

20. Домен номининг Маъмури томонидан ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганда «UZ» домени Маъмури домен номини деактивация қилиш, аниқланган бузилишлар бартараф этилмаганда эса, домен номининг рўйхатдан ўтказилишини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

21. «UZ» домени Маъмури домен номининг Рўйхатдан ўтказувчиси ёки Маъмури томонидан содир этилган «UZ» доменида домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қонун бузилишлари учун жавобгар эмас.

22. «UZ» домени Маъмури ушбу Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

§ 4. Домен номини Рўйхатдан ўтказувчи

23. «UZ» домени Маъмури билан тегишли тартибда шартнома тузган Ўзбекис-

тон Республикасининг ҳудудида рўйхатга олинган юридик шахс «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

24. Рўйхатдан ўтказувчи «UZ» домени Маъмури билан тузилган шартнома асосида домен номларини рўйхатдан ўтказиш бўйича ўз фаолиятини амалга оширади. Домен номларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини тақдим этиш талаблари ва шартлари барча Рўйхатдан ўтказувчилар учун бир хил белгиланади.

25. Рўйхатдан ўтказувчи «UZ» домени Маъмурининг сервери билан боғланиш учун керакли даражада сифатли ва ишончли бўлган ёпиқ хавфсиз линиядан фойдаланиши мажбурийдир. Бунинг учун ушбу Рўйхатдан ўтказувчи томонидан қуйидаги талабларнинг бажарилиши таъминланиши керак:

халқаро стандартларга тўлиқ мос келиши;

исталган вақтда ишга туширишга тайёр бўлган такрорлайдиган усқунанинг камида битта тўлиқ комплектининг мавжудлиги.

26. Рўйхатдан ўтказувчи «UZ» домени Маъмури томонидан унинг тизимини ушбу Низомнинг 71-бандида кўрсатилган техник талабларга мувофиқлигини даврий текшириш имкониятини таъминлашга мажбурдир.

27. Рўйхатдан ўтказувчи ўз фаолиятини амалга ошириш учун агентлар (реселлер)га эга бўлиши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчининг агенти фақат юридик шахс бўлиши мумкин.

28. Рўйхатдан ўтказувчи бошқа шахслар ҳуқуқларини поймол қилмаган, тенг ҳуқуқийлик принципига риоя қилган ҳолда домен номларини рўйхатга олишни амалга оширишга мажбурдир.

29. Рўйхатдан ўтказувчи рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабларни ўз вақтида ва сифатли даражада қондириш учун, ушбу Низом талабларига мувофиқ домен номларини рўйхатдан ўтказиш тизимини таъминлаши мажбурийдир.

30. Ноҳалол рақобат, ўз рақобатчиларига, рўйхатдан ўтказувчилар хизматларининг фойдаланувчиларига зиён келтириш, рақобатчиларнинг товарлар ва хизматлар бозоридан фойдаланишларини чеклаш мақсадларида рўйхатдан ўтказувчилар ҳуқуқларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

31. Рўйхатдан ўтказувчи ушбу Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

§ 5. Домен номининг Маъмури

32. Домен номининг Маъмури Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом қоидаларига риоя қилган ҳолда, ўз ихтиёри бўйича домен номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

33. Домен номининг Маъмури унга бириктирилган иккинчи даража домен номининг чегарасида учинчи даража домен номини бериши, субдоменларни активация қилиши ва номли серверлардан фойдаланишни амалга ошириши мумкин. Бунда домен номининг Маъмури учинчи даража домен номларининг рўйхатдан ўтказилиши тўғрисида ариза берган барча шахсларга тенг муносабатда бўлиши ва фойдаланиш қулай ҳамда домен номининг Маъмури веб-серверида шаклланиши керак бўлган домен номининг Маъмури томонидан белгиланган тамойиллар ва жараёнларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ субдоменлар рўйхатдан ўтказиши лозим.

34. Субдоменларни рўйхатдан ўтказишда домен номининг Маъмури субдоменлар маълумотлар базасининг юритилишини таъминлаши керак.

35. Домен номининг Маъмури домен номидан фойдаланиш тартибини белги-

лайди, ҳар қандай ҳуқуқ бузилишлари, шу жумладан учинчи шахс ҳуқуқларининг бузилишлари ва домен номидан фойдаланиш ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда келтирилган зиён учун жавобгар бўлади.

36. Веб-сайтларда ёки домен номи орқали фойдаланиш мумкин бўлган бошқа хизматларда қасддан ишончсиз ёки сохта ахборотдан фойдаланиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини бузувчи ахборотни жойлаштирганлик учун домен номининг Маъмури жавобгар бўлади.

Домен номи Маъмури ҳуқуқ бузилишлари унинг айби билан содир бўлмаганлигини исботласа, жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Домен номининг Маъмури ўзининг домен номи билан боғлиқ ҳуқуқ бузилишлар тўғрисида хабар топиши билан ўз техник имкониятлари доирасида уларни бартараф этиш бўйича дарҳол чоралар кўришга мажбурдир.

37. Домен номининг Маъмури домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланиш бўйича рўйхатдан ўтказилишнинг бутун даври давомида ушбу Низом талабларига риоя қилишга мажбурдир.

38. Домен номининг Маъмури Рўйхатдан ўтказувчи томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ва ушбу ҳужжатда белгиланган рўйхатдан ўтказиш талаблари бузилганлиги тўғрисидаги даъволарни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

39. Рўйхатдан ўтказувчи домен номларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини йўқотган тақдирда, ушбу Рўйхатдан ўтказувчи билан боғлиқ домен номи Маъмурининг ҳуқуқлари ва домен номини рўйхатдан ўтказиш шартлари домен номини рўйхатдан ўтказиш муддати охиригача ўзгармайди.

40. Домен номининг Маъмури ушбу Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

§ 6. Асосий Реестр

41. Рўйхатдан ўтказувчи ушбу Низомнинг 1 ва 2-илоvasида келтирилган шакл бўйича ариза берувчи томонидан тўлдириладиган домен номини рўйхатдан ўтказиш учун ариза асосида домен номларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни асосий Реестрга киритади.

Тўлдирилиши мажбурий бўлган шаклнинг барча ҳошиялари ариза шаклида кўрсатилади.

42. Ахборотни асосий Реестрга киритиш, ўзгартириш, шунингдек домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун шартномани тузиш (рўйхатдан ўтказиш амал қилиш муддатини узайтириш) ариза берувчининг аризасига асосан Рўйхатдан ўтказувчи томонидан амалга оширилади.

43. Домен номи ва унинг Маъмури тўғрисидаги маълумотлар «UZ» домени Маъмурининг «whois» хизмати орқали фойдаланилиши мумкин бўлиши керак. Бунда «whois» хизмати ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган домен номи тўғрисидаги ахборот ҳажми қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

домен номи маъмурининг тўлиқ номи (номланиши);

домен номининг қисқача таърифи;

электрон почта манзили;

домен номи тўғрисидаги ахборотнинг Реестрга узатилишини амалга оширувчи Рўйхатдан ўтказувчи тўғрисидаги маълумотлар;

ушбу доменга хизмат кўрсатувчи DNS серверлар номлари ва IP-адреслари, шунингдек DNS томонидан фойдаланиладиган бошқа техник ахборот;

домен номи маъмурининг почта манзили ва мурожаат учун телефонлари.

Ариза берувчи ва Рўйхатдан ўтказувчининг келишуви бўйича домен номининг Маъмури тўғрисидаги қўшимча ахборот киритилиши мумкин.

44. Домен номи ва унинг Маъмури тўғрисидаги ҳар қандай бошқа маълумотлар конфиденциал ҳисобланади, агар ариза берувчи ва Рўйхатдан ўтказувчи ўртасидаги шартномада, шунингдек ушбу Низомда бошқача тарзда кўзда тутилмаган бўлса.

45. Ариза берувчи ўзи тўғрисидаги ахборотни Низом бандларига мувофиқ жойлаштириш ва фойдаланиш учун розилик беради, шунингдек унинг томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

46. Асосий Реестрдаги домен номлари тўғрисидаги ахборот фақат домен номлари тизимининг лозим даражада ишлашини таъминлаш ва домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида фойдаланилиши лозим.

47. Домен номи Маъмури томонидан рўйхатдан ўтказиш (рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш) учун аввал берилган аризанинг маълумотлари ўзгарганда, шунингдек домен номи ёки унинг маъмури тўғрисидаги ахборот ўзгарганда ариза берувчи ўзгаришлар тўғрисида Рўйхатдан ўтказувчига ўн кунлик муддатда хабар беришга мажбурдир.

48. Рўйхатдан ўтказувчи ўз ташаббуси билан ҳам маълумотларни текшириш, бунинг учун домен номи Маъмуридан қўшимча маълумотларни сўраш ёки аввал тақдим этилган маълумотларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга. Домен номи Маъмури Рўйхатдан ўтказувчининг талабларини ўн кунлик муддатда бажариши мажбурийдир.

49. Домен номи Маъмуридан маълумотлар ўзгариши тўғрисидаги хабарни олингандан ва ушбу маълумотларнинг кейинчалик текширувидан кейин Рўйхатдан ўтказувчи асосий Реестр базасига тегишли ўзгаришларни киритишга ва зарур бўлганда, домен номи Маъмури билан шартномани қайтадан тузишга мажбурдир.

50. Рўйхатдан ўтказувчи асосий Реестрни маъмурий бошқариш ҳуқуқига эга эмас.

§ 7. Домен номини Рўйхатдан ўтказиш

51. Ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс миллати ва яшаш жойидан қатъи назар, «UZ» доменидаги домен номини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

52. Домен номларини рўйхатдан ўтказиш Рўйхатдан ўтказувчи билан ариза берувчи ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

53. Ариза берувчи домен номини мустақил танлайди ва домен номини танлаш ҳамда домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда учинчи шахс ҳуқуқларининг мумкин бўлган бузилишлари учун, шунингдек бундай бузилишлар билан боғлиқ зарарлар хавфи учун жавобгар бўлади.

54. Домен номи биттадан кўп символ ва қуйидаги белги ёки уларнинг комбинациясидан иборат бўлиши керак:

харфлар a, b, c, d, e, f, g, h, i, j, k, l, m, n, o, p, q, r, s, t, u, v, w, x, y, z;

сонлар 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9;

дефис («-» белгиси).

Домен номи дефис билан бошланиши ёки тугалланиши мумкин эмас (масалан, -domain.uz ёки domain-uz).

55. Рўйхатдан ўтказувчи домен номларини рўйхатдан ўтказиш тартиби ва про-

цедуралари ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш нархи тўғрисидаги ахборотни ман-фаатдор шахсларга етказишга мажбурдир.

56. «UZ» домени зонасидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун ариза Рўйхатдан ўтказувчининг веб-серверларидан фойдаланган ҳолда, Рўйхатдан ўтказувчига электрон хат кўринишида ёки қоғоз кўринишидаги ёзма ариза бўйича жўна-тилиши керак.

57. Ариза берувчи ўз аризасида тўлиқ ва ишончли ахборот тўғрисида хабар беришга мажбурдир. Рўйхатдан ўтказувчи аризани текширишда ариза берувчидан тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлиги тасдиғини сўрашга ҳақлидир.

58. Рўйхатдан ўтказувчи домен номларини рўйхатдан ўтказишга ариза берган-лар ва аввал рўйхатга олинганларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигининг дастлабки текширувини ўтказишга мажбурдир.

59. Аризалар уларни олиш тартибида Рўйхатдан ўтказувчи томонидан қайта ишланади.

60. Домен номини рўйхатдан ўтказишда қуйидаги ҳолатларда ариза рад этили-ши мумкин:

домен номи ушбу Низомнинг 54-банди талабларига мос келмаганда;

домен номи рўйхатга олинган ва асосий Реестрда бўлганда;

домен номи «UZ» домени Маъмури томонидан белгиланадиган давлат ва захи-ранган домен номлари рўйхатига кирганда;

домен номи ариза бериш муддатигача «UZ» домени Маъмури томонидан белги-ланган номақбул домен номлари рўйхатига кирганда;

домен номини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани қайта ишлашни тўхта-тиб қўйиш сабаблари кўрсатилган муддатда ариза берувчи томонидан бартараф этилмаганда.

61. Ариза қабул қилинган кундан бошлаб етти иш кунидан кечиктирмасдан Рўйхатдан ўтказувчи домен номини рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказишни рад этиш ёки сабаби кўрсатилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида ариза берувчига хабар беради. Рўйхатдан ўтказувчи ариза ушбу Низомнинг 57-банди талаблари ва/ёки иловаларда келтирилган шаклларга мос келмаганда, уни кўриб чиқишни тўхтатиб қўяди. Аризани кўриб чиқишни тўхтатиб қўйиш Рўйхатдан ўтказувчи томонидан ариза берувчи тўхтати-лиш тўғрисидаги хабарни олган вақтдан бошлаб етти иш кунидан йигирма иш ку-нигача бўлган муддат доирасида амалга оширилади.

62. Рўйхатдан ўтказувчи томонидан рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос-лар йўқлиги аниқлангандан кейин Рўйхатдан ўтказувчи ушбу Низомга мувофиқ ва ариза берувчи билан тузилган шартномага асосан домен номини рўйхатдан ўтка-зишни амалга оширади.

63. Рўйхатдан ўтказувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича хизматлар тўлови миқдори ва тартибини мустақил белгилаш, агар бу ушбу Низомга, шунингдек Рўйхатдан ўтказувчи ва «UZ» домени Маъмури ўртасидаги шартномада белгиланган шартларга зид келмаса;

ариза берувчидан домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш-нинг амал қилиш муддатини узайтириш учун тақдим этилган аризанинг тасдиқла-ниши, шунингдек домен номи тўғрисидаги маълумотларнинг ўзгарганлиги тўғриси-даги ахборотни сўраш;

ушбу Низомда белгиланган шартлар ва талаблар домен номининг Маъмури томонидан бажарилганда унинг аризаси бўйича домен номини активация қилиш учун бериш.

64. Рўйхатдан ўтказувчи қуйидагиларга мажбурдир:

ариза берувчилар учун ушбу ҳужжатга мувофиқ аризаларни бериш ва расмийлаштиришнинг қулай тартибини белгилаш;

домен номи Маъмурининг талаби бўйича ушбу домен номи Маъмурига тегишли бўлган, асосий Реестрда сақланаётган домен номи тўғрисидаги ахборотни унга тақдим этиш;

рўйхатдан ўтказишнинг бутун муддати давомида асосий Реестрдаги ахборотнинг домен номи Маъмурининг аризасида кўрсатилган ахборот билан мос келишини таъминлаш;

рўйхатдан ўтказиш муддати тугаган кундан икки ойдан кечиктирмай домен номини рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш зарурлиги тўғрисида домен номи Маъмурига хабар бериш;

домен номи Маъмуридан билдиришнома олинган вақтдан бошлаб икки иш куни ичида Рўйхатдан ўтказувчини ўзгартириш тўғрисидаги домен номи Маъмурининг талаби бўйича ўз мажбуриятларини янги Рўйхатдан ўтказувчига топшириш учун зарур хатти-ҳаракатларни бажариш.

65. Рўйхатдан ўтказувчи асосий Реестрни олиб боришда маълумотлардан рўхсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни таъминлашга мажбурдир.

66. Рўйхатдан ўтказувчи «whois» хизматлари ишлаши учун домен номи Маъмуридан ахборот олгандан кейин уч кундан кечиктирмасдан «UZ» домени Маъмури базасига маълумотларни киритишни таъминлашга мажбурдир.

67. Рўйхатдан ўтказувчи домен номини излаш ва рўйхатдан ўтказишнинг ўзига тегишли тизими ёки «whois» хизматлари орқали олинган ахборотдан ноҳалол рақобат учун ёки домен номини излаган шахс манфаатларига қарши ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

68. Рўйхатдан ўтказувчи ахборотни асосий Реестрга киритиш мақсадларидан ташқари, ариза берувчидан олинган ахборотни ошкор этиш ёки ундан ҳар қандай тарзда фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас, агар ушбу Низомда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

69. Домен номи ва унинг Маъмури тўғрисидаги ахборот асосий Реестрга киритилган вақтдан домен номи рўйхатга олинган ҳисобланади. Домен номини рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати Рўйхатдан ўтказувчи ва домен номи Маъмури ўртасидаги домен номини рўйхатдан ўтказиш учун тузилган шартномада белгиланади ва бир йилдан кам бўлмаслиги керак.

70. Домен номи Маъмурининг домен номини рўйхатдан ўтказиш учун ариза асосида Рўйхатдан ўтказувчи домен номини «UZ» домени Маъмурига активация қилиш учун беради.

71. Рўйхатдан ўтказиладиган домен номининг конфигурацион файлларини ўз ичига оладиган ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлайдиган иккита DNS-серверлардан кам бўлмаган домен номи Маъмурининг кўрсатмаси домен номини активация қилиш шarti бўлиб ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган DNS-серверлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: турли қуйи тармоқларда жойлашган бўлиши;

Интернет тармоғига ишончли уланиш билан таъминланган бўлиши (бунда ушбу DNS-серверлар билан алоқа бўлмаган вақт йиғиндиси бир кечаю кундузда икки соатдан ошмаслиги керак);

IETF RFC-1032, RFC-1033, RFC-1034 ва RFC-1591 халқаро стандартларнинг талабларига мос келиши.

72. «UZ» домени Маъмури Рўйхатдан ўтказувчидан домен номини рўйхатдан ўтказиш учун аризани олгандан кейин уч кун давомида домен номини активация қилади.

73. Агар домен номи ушбу Низом 71-бандининг талабларига жавоб бермаса ёки домен номи номақбул домен номлари қаторига кирса, «UZ» домени Маъмури активация қилишни рад этади.

Агар рад этишни бартараф этиш имкони бўлмаса, активация қилишни рад этиш ҳолларида домен номи Маъмури Рўйхатдан ўтказувчидан рўйхатдан ўтказиш учун тўловларни тўлиқ ҳажмда қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

«UZ» домени Маъмурининг домен номининг номақбуллиги сабабли уни активация қилишни рад этиши юзасидан судга шикоят аризаси билан мурожаат этилиши мумкин.

74. Рўйхатга олинган домен номи домен номи Маъмурининг шахсий мулки ҳисобланмайди. Домен номининг Маъмури домен номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Домен номининг Маъмури домен номидан фойдаланиш ҳуқуқини шартнома бўйича бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга.

75. Домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

киберсквоттинг, яъни учинчи шахс ҳуқуқларини бузган ҳолда фойда ёки бошқа турдаги афзалликларга эга бўлиш,

тайпсквоттинг, яъни рўйхатга олинган домен номини ёзишда фойдаланувчиларнинг хатоларига асосланиб, фойда ёки бошқа афзалликларга эга бўлиш учун йўналтирилган, учинчи шахсларнинг домен номи, фирма номи, товар белгиси ёки интеллектуал мулкнинг бошқа объекти билан ёзилиши ёки эшитилиши бўйича адаштириш даражасигача ўхшаш бўлган домен номини рўйхатдан ўтказиш;

домен греббинг, яъни асосий тушунчаларни ифодаловчи ёки асосий тушунчалардан иборат кўп сонли домен номларининг бир шахс томонидан домен номини рўйхатдан ўтказишда ва фойдаланишда сарф этилган ҳақиқий харажатлардан анча юқори нархда потенциал манфаатдор шахсларга уларни қайта сотиш ёки потенциал рақобатчилар олдида устуворликка эга бўлиш ёхуд потенциал рақобатчиларнинг товарлар ва хизматлар бозоридан фойдаланишини чеклаш ёхуд рақобатчи хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадларида олдиндан рўйхатга олиниши;

фақат маълум учинчи шахсга бериш учун, агар ушбу хатти-ҳаракат фойда олишга қаратилган, учинчи шахснинг потенциал манфаатлари ёки бошқа потенциал манфаатдор шахсни ҳисобга олган ариза берувчининг ғаразли мақсадини амалга ошириш назарда тутилганда.

76. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда рўйхатга олинган домен номи бекор қилиниши ёки ушбу бекор қилинишдан манфаатдор бўлган шахс ёки шахслар гуруҳига берилиши керак.

77. Давлат, захираноланган, географик, интеллектуал, шахсий ёки номақбул домен номлари қаторига кирмайдиган ва учинчи шахс ҳуқуқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини бузмайдиган домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланишнинг устувор ҳуқуқи домен номини рўйхатдан ўтказиш учун биринчи бўлиб ариза берган шахсга тегишлидир.

§ 8. Давлат домен номи

78. Давлат домен номи фақатгина тегишли давлат органларининг аризаси бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Давлат домен номларининг рўйхати «UZ» домени Маъмури томонидан тегишли давлат органларининг тақдим этилган рўйхати асосида тузилади.

79. Давлат домен номини виждонан рўйхатга олган домен номининг Маъмури ушбу Низом кучга киргунга қадар, рўйхатдан ўтказишнинг жорий муддати тугагунча давлат домен номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Кейинчалик ушбу домен номини рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилмайди.

80. Давлат домен номининг оммабоплигини оширишга қаратилган, шунингдек бошқа домен номини рўйхатдан ўтказиш ва веб-сайтнинг ўрнини алмаштириш билан боғлиқ бўлган виждонли давлат домен номи эгасининг барча асосланган харажатлари давлат домен номини рўйхатдан ўтказишдан манфаатдор бўлган ариза берувчи томонидан тўланади.

§ 9. Захираланган домен номи

81. Захираланган домен номлари «UZ» домени Маъмури томонидан рўйхатдан ўтказилади ва фойдаланилади. Захираланган домен номларининг рўйхати ва вазифаси ушбу Низомнинг 3-илоvasида белгиланган.

82. «UZ» домени Маъмури учинчи даража домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун ҳаммага очик бўлиши мумкин бўлган иккинчи даража захираланган домен номларини белгилайди. Учинчи даража домен номларини ҳамма учун очик бўлган иккинчи даража домен номларида рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

§ 10. Географик домен номи

83. Географик домен номи ҳар қандай шахснинг аризаси бўйича эркин равишда рўйхатга олиниши мумкин.

84. Географик домен номини рўйхатдан ўтказишнинг устувор ҳуқуқи тегишли давлат органига ёхуд ушбу географик бирлик ёки жой билан боғлиқ бошқа шахсга ёки шахслар гуруҳига тааллуқлидир.

85. Рўйхатдан ўтказишнинг устувор ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан географик домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун тегишли давлат органининг ёхуд ушбу географик бирлик ёки жой билан боғлиқ бошқа шахснинг ёки шахслар гуруҳининг розилиги талаб этилмайди.

86. Манфаатдор шахснинг аризаси бўйича аввал рўйхатга олинган географик домен номи қуйидаги ҳолларда рўйхатдан ўтказишнинг устувор ҳуқуқига эга бўлган шахсга ёки шахслар гуруҳига берилиши мумкин:

домен номи Маъмурининг розилиги билан;

агар манфаатдор шахс географик домен номидан фойдаланиш географик домен номини рўйхатдан ўтказишнинг устувор ҳуқуқига эга шахс ёки шахслар гуруҳи ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашини исботлаган ҳолда.

87. Географик домен номини манфаатдор шахсга бериш тўғрисидаги қарор «UZ» домени Маъмури томонидан қабул қилинади. Қарор қабул қилиш учун «UZ» домени Маъмури ушбу масала бўйича жамоат фикрини ўрганиши мумкин.

88. «UZ» домени Маъмури томонидан географик домен номини манфаатдор шахсга бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда географик домен номини виждонан рўйхатдан ўтказган ва ундан фойдаланаётган ушбу домен номининг Маъмури географик домен номини рўйхатдан ўтказишнинг жорий муддати тугагунга қадар географик домен номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

89. Географик домен номининг оммабоплигини оширишга қаратилган, шунингдек бошқа домен номини рўйхатдан ўтказиш ва веб-сайтининг ўрнини алмаштириш билан боғлиқ виждонли географик домен номи эгасининг барча асосланган харажатлари географик домен номини рўйхатдан ўтказишдан манфаатдор бўлган ариза берувчи томонидан тўланади.

§ 11. Интеллектуал домен номи

90. Интеллектуал домен номи интеллектуал домен номида акс этган интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эга бўлган ёки у ваколат берган шахс томонидан рўйхатдан ўтказилади.

91. Агар домен номида акс этган ёки унинг таркибида ишлатилган интеллектуал мулк ҳуқуқининг тегишли объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ интеллектуал домен номини рўйхатдан ўтказишдан кейин юзага келган бўлса, домен номи Маъмури интеллектуал домен номидан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқини сақлаб қолади.

§ 12. Шахсий домен номи

92. Шахсий домен номи ном эгасининг илтимоси бўйича рўйхатдан ўтказилади. Шахсий домен номи ном эгасининг нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилиги асосида бошқа шахс томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

93. Шахснинг номи бўлган ёки акс этган шахсий домен номини рўйхатдан ўтказиш учун аризани биринчи бўлиб берган шахс, ушбу шахсий домен номини рўйхатдан ўтказиш учун аризалар берган бошқа шахсларга нисбатан рўйхатдан ўтказишнинг устувор ҳуқуқига эга.

94. Рўйхатдан ўтказувчи ариза берувчининг шахси тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширишга мажбурдир.

§ 13. Номақбул домен номи

95. Номақбул домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

96. Номақбул домен номи активация вақтида «UZ» домени Маъмури томонидан аниқланади.

«UZ» домени Маъмури номақбул домен номини аниқлаш ва ундан фойдаланиш ёки тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиши мумкин.

«UZ» домени Маъмурининг ушбу масала бўйича қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

§ 14. Домен номини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтириш

97. Рўйхатдан ўтказувчи домен номи Маъмурига рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани йўллашга мажбур. Хабарнома домен номини рўйхатдан ўтказиш учун берилган аризада кўрсатилган мурожаат учун маълумотлар (почта манзили, электрон почта, телефон, факс ва ш. к.)га рўйхатдан ўтказиш муддати тугашидан икки ой олдин юборилади.

98. Рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун домен номининг Маъмури Рўйхатдан ўтказувчига домен номини рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларида белгиланган шаклга мувофиқ аризани юборади.

99. Домен номларини рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш муддат тугагандан кейин камида бир йилга беихтиёр амалга оширилиши мумкин, агар ушбу узайтириш шартлари Рўйхатдан ўтказувчи ва домен номининг Маъмури ўртасида тузилган шартномада белгиланган бўлса.

100. Домен номининг Маъмури рўйхатдан ўтказилгандан кейин камида олти ой ўтгач ва рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидан камида 30 кун олдин домен номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳуқуқига эга.

101. Домен номини қайта рўйхатдан ўтказиш учун Рўйхатдан ўтказувчига домен номи Маъмурининг ёзма тасдиғи ва домен номидан фойдаланиш ҳуқуқи ўз номига қайта расмийлаштирилаётган шахсдан ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларида белгиланган шаклга мувофиқ ёзилган ариза тақдим этилиши керак.

102. Домен номи билан боғлиқ бўлган суд, ҳакамлик ёки бошқа низоли муҳокама давомида, шунингдек домен номини деактивация қилиш даврида домен номини қайта рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди.

§ 15. Домен номининг бўшатилиши, уни деактивация қилиш ва унинг рўйхатдан ўтказилишини бекор қилиш

103. Агар домен номини рўйхатдан ўтказиш муддати домен номининг Маъмури томонидан узайтирилмаса ёки домен номининг Маъмури домен номидан фойдаланишни ихтиёрий равишда рад этса, домен номи бўшатилади.

104. Домен номи бўшатилганидан кейин домен номи тўғрисидаги ахборот асосий Реестр ва «whois» хизматлар базасидан чиқариб ташланади, домен номи эса янги рўйхатдан ўтказиш учун бўш бўлади.

105. Манфаатдор шахснинг аризаси бўйича домен номи қуйидаги ҳолатларни аниқлаштириш учун муайян муддатгача деактивация қилиниши мумкин:

ушбу Низом ҳамда RFC халқаро стандартларида белгиланган қоидалар ёки шартлар, домен номини маъмурий бошқариш талабларининг, шунингдек домен номининг ишида бир неча марта «UZ» доменининг нормал ишлашига хавф туғдирган муаммолар юзага келганда;

агар домен номи ёки унинг веб-сайти учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйиши ёки ушбу Низом, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари талабларини бузиши тўғрисида жиддий шубҳа мавжуд бўлса;

агар домен номининг Маъмури домен номидан фойдаланиш ҳуқуқини домен номини рўйхатдан ўтказиш, веб-сайтни яратиш ва уни қўллаб-қувватлаш учун сарфланган ҳақиқий харажатлардан юқори бўлган нархда бошқа шахсга беришга аниқ нияти борлиги тўғрисида ёки домен номидан фойдаланиш характери шундай ҳулоса чиқариш имконини берса ва бу билан ушбу домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан домен номининг Маъмури билан тенг шартларда фойдаланишдан потенциал манфаатдор шахсларга тўсқинлик қилса;

агар домен номини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада ҳаққоний бўлмаган ахборот бўлса ёки «whois» хизматлари орқали олинган домен номи тўғрисидаги ахборот аслига мос бўлмаса.

«UZ» домени Маъмури деактивация қилишдан беш кун олдин домен номи Маъмурига хабарнома йўллайди. Деактивация муддати давомида «UZ» домени Маъмури деактивация қилинган домен номи Маъмуридан бузилишларни тушунтириш, изоҳлаш ва деактивация сабабларини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Деактивация қилиш муддати тугаганда домен номининг Маъмури томонидан тақдим этилган тушунтиришлар асосида «UZ» домени Маъмури активация қилиш, деактивация қилишни узайтириш, рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш ёки домен номини манфаатдор шахсга бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

106. «UZ» домени Маъмури ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қарорни ҳам қабул қилиши мумкин.

«UZ» домени Маъмурининг деактивация қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

107. Домен номининг рўйхатдан ўтказилиши «UZ» домени Маъмури томонидан рўйхатдан ўтказиш муддати тугагунга қадар қуйидагилар бўйича бекор қилинади:

агар домен номининг Маъмури томонидан домен номини маъмурий бошқариш талабларининг бузилиши бартараф этилмаса, «UZ» домени Маъмурининг қарори бўйича;

агар домен номининг Маъмури томонидан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ёки ушбу Низом, домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларининг талаблари бузилиши бартараф этилмаса, «UZ» домени Маъмурининг қарори бўйича;

агар домен номи давлат ва захираланган домен номларининг рўйхатига кирса, «UZ» домени Маъмурининг қарори бўйича;

манфаатдор шахснинг ёки бунга ваколатланган давлат ҳокимияти органининг талаби асосида домен номи номақбул номлар тоифасига киритилганда, «UZ» домени Маъмурининг қарори бўйича;

низолари домен номини бекор қилиш (бўшатиш) тўғрисида қонуний кучга кирган суд қарори бўйича.

«UZ» домени Маъмурининг домен номини бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

108. Бекор қилинган домен номини рўйхатдан ўтказиш учун устувор ҳуқуққа талаби бўйича бекор қилиш амалга оширилган шахс эга бўлади. Устувор ҳуқуқни амалга ошириш учун манфаатдор шахс ёзма талабни Рўйхатдан ўтказувчининг маъмури домен номининг рўйхатдан ўтказилиши бекор қилинган кундан ўттиз кундан кечиктирмаган муддатда йўллашга мажбурдир.

109. Рўйхатдан ўтказиш бекор қилингандан кейин домен номи тўғрисидаги ахборот асосий Реестр ва «whois» хизматлар базасидан чиқарилади. Бекор қилинган домен номини кейинчалик рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш тартиби «UZ» домени Маъмури томонидан белгиланади, агар устувор ҳуқуққа эга шахснинг талаби мавжуд бўлмаса.

§ 16. Низоларни ҳал этиш

110. «UZ» доменидаги домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ низолар юзага келганда, тарафлар музокаралар йўли билан муносабатларни тартибга солишга ҳаракат қилишади.

111. Домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш натижасида ҳуқуқлари бузилган манфаатдор шахс низолари домен номи Маъмурига, унинг Рўйхат-

дан ўтказувчисига ёки «UZ» домени Маъмурига қуйидагиларни кўрсатган ҳолда, ёзма эътирозни бериши мумкин:

домен номини;

бузилишлар мавжудлигини исботлаган ҳолда бузилган ҳуқуқларни;

тақдим этиладиган талабларни, шу жумладан низоли домен номини бўшатиш ёки бериш тўғрисидаги талабларни.

112. Асосланган эътироз келиб тушганда, Рўйхатдан ўтказувчи манфаатдор шахсдан нисонинг ҳал этилганлиги тўғрисидаги тасдиқни олмагунча, низоли домен номи Маъмурининг домен номи ва унинг Маъмури тўғрисидаги ахборотни ўзгартириш имкониятини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

113. Рўйхатдан ўтказувчи эътироз олингандан кейин беш кун давомида эътироз ва эътироз берган шахснинг талаблари тўғрисида «UZ» домени Маъмури ва низоли домен номининг Маъмурига хабар қилиши мажбурийдир.

114. Асосланган эътироз келиб тушиши билан «UZ» домени Маъмури низолар қатъий ҳал этилгунга қадар низоли домен номини деактивация қилиш ҳуқуқига эга. «UZ» домени Маъмури «UZ» доменидаги домен номлари бўйича эътирозларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал қилиш жараёнини мустақил белгилайди.

115. Ҳуқуқлари бузилган ёки домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш натижасида бошқа ҳар қандай тарзда зарар келтирилган манфаатдор шахс ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

§ 17. Якуний қоидалар

116. Ушбу «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш, рақобат
ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
Давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 26 май*

«UZ» доменидаги домен номларини
рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар учун «UZ» доменидаги домен номини
рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш, амал қилиш
муддатини узайтириш) учун ариза шакли***

Номи	Маълумотлар
Эгаси	
Ф.И.Ш. (тўлиқ)	
Паспорт рақами	
Почта манзили (яшаш жойининг манзили):	

* Барча қаторлар тўлдириш учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Номи	Маълумотлар
мамлакат шаҳар кўча уй, хонадон почта индекси	
Телефон, факс	
Электрон почта манзили	
<i>Домен номи тўғрисидаги маълумотлар</i>	
Домен номи	(тўлиқ)
Домен мақоми	
Амал қилиш муддати	
<i>DNS ахбороти</i>	
Primary Server Hostname	
Primary Server Netaddress	
Secondary Server Hostname	
Secondary Server Netaddress	
<i>Ариза берилган сана</i>	
<i>Талабгор имзоси</i>	

«UZ» доменидаги домен номларини
рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Юридик шахслар учун «UZ» доменидаги домен номини
рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш, амал қилиш
муддатини узайтириш) учун ариза шакли***

Номи	Маълумотлар
<i>Эгаси</i>	
Юридик шахс номи	
Шартнома тузган шахс	Ф.И.Ш. (тўлиқ) Лавозими
Почта манзили: мамлакат шаҳар кўча уй, хонадон почта индекси	
Телефон, факс	
Электрон почта манзили	
СТИР	
<i>Банк реквизитлари</i>	
Банк номи	
Банк коди	
Ҳисоб рақами	
<i>Маъмурий боғланиш</i>	

* Барча қаторлар тўлдириш учун мажбурий ҳисобланади.

Номи	Маълумотлар
Ф.И.Ш. (тўлиқ)	
лавозими	
Почта манзили	
Телефон, факс	
Электрон почта манзили	
<i>Техник боғланиш</i>	
Ф.И.Ш. (тўлиқ)	
лавозими	
Почта манзили	
Телефон, факс	
Электрон почта манзили	
<i>Биллинг боғланиш</i>	
Ф.И.Ш. (тўлиқ)	
лавозими	
Почта манзили	
Почта индекси	
Телефон, факс	
Домен номи тўғрисидаги маълумотлар	(тўлиқ)
Домен мақоми	
Амал қилиш муддати	
<i>DNS ахбороти</i>	
Primary Server Hostname	
Primary Server Netaddress	
Secondary Server Hostname	
Secondary Server Netaddress	
<i>Ариза берилган сана</i>	
<i>Ташилот раҳбарининг имзоси</i>	
<i>Мухр</i>	

«UZ» доменидаги домен номларини
 рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 З-ИЛОВА

«UZ» доменидаги захиранланган домен номлари

1. «UZ» доменидаги захиранланган домен номлари

1.1. «UZ» домени Маъмури учун иккинчи даража домен номлари:

cctld;
 domain;
 domains;
 domen;
 domens;
 nic;
 whois;
 www.

1.2. Учинчи даража домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун очиқ бўлган захираланган домен номлари:

ac.uz — илмий-тадқиқот ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва етакчи илмий тадқиқот маданиятининг муассасалари учун;

com.uz — тижорат ташкилотлари учун;

edu.uz — маориф фаолияти учун лицензияга эга ўқув муассасалар учун;

int.uz — халқаро ташкилотлар учун;

net.uz — Интернет тармоғининг ривожланиши билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширувчи ташкилотлар учун;

org.uz — нотижорат ташкилотлар учун;

pp.uz — жисмоний шахслар учун.

1.3. Қўшимча иккинчи даража домен номлари:

aero;

arpa;

biz;

coop;

info;

museum;

name;

pro.

2. ICANN тавсиялари бўйича захираланадиган домен номлари

2.1. ICANN учун:

aso;

dnso;

icann;

internic;

pso.

2.2. IANA учун:

afrinic;

apnic;

arin;

example;

gtld-servers;

iab;

iana;

iana-servers;

iesg;

ietf;

irtf;

istf;

lacnic;

lanic;

rfc-editor;

ripe;

root-servers.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

256 1997 йил 1 ноябргача олиб кирилган товарларга импорт божхона божи ставкаларини қўллаш юзасидан тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
26 июнда 374-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 6 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-823-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 98-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 1997 йил 3 ноябрдаги 04-02-08/485, 05/8-29-сон қарори билан тасдиқланган «1997 йил 1 ноябргача олиб кирилган товарларга импорт божхона божи ставкаларини қўллаш юзасидан тушунтириш» (1997 йил 24 ноябрь, рўйхат рақами 374 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июнь,
63-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июнь,
01-02/8-42-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

257 Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини улар томонидан ташкил этилаётган ишлаб чиқаришлар учун технологик ускуналар юзасидан импорт божхона божларини тўлашдан озод этиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
26 июнда 694-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 6 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 25 мартдаги ЭГ 04-02-05/624, 02/8-50-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини улар томонидан ташкил этилаётган ишлаб чиқаришлар учун технологик ускуналар юзасидан импорт божхона божларини тўлашдан озод этиш тартиби» (1999 йил 8 апрель, рўйхат рақами 694 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 4-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июнь,
65-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июнь,
01-02/8-41-сон

Келишилган:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ШАЙХОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

*Ўзбекистон фермер хўжаликлари
уюшмаси раиси*

А. АРИПОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 23 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**258 Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,
инкассация ва қимматликларни ташишга доир
йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
27 июнда 1831-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 7 июлдан кучга киради)

+

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома (янги тахрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қуйидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 2003 йил 17 майдаги 10/2-сонли қарори (2003 йил 1 август, рўйхат рақами 1263 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 15-сон);

«Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2005 йил 12 мартдаги 3-А/3-сонли қарори (2005 йил 29 март, рўйхат рақами 1263-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 12-13-сон, 98-модда);

«Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 2005 йил 20 августдаги 18/6-сонли қарори (2005 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами 1263-2 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 39-сон, 302-модда).

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 17 май,
12/2-сон*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Марказий банк Бошқарувининг
2008 йил 17 майдаги 12/2-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,
инкассация ва қимматликларни ташишга доир
ЙЎРИҚНОМА
[Янги таҳрир]**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, касса операцияларини амалга ошириш, пул тушумини инкассация қилиш, қимматликларни ташиш ва уларни сақлашнинг ягона тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга.

2. Банкнот ва тангаларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

3. Марказий банк йўқ қилиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларнинг ўрнини қопламайди.

4. Ушбу Йўриқномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

банкнотлар — Марказий банк томонидан турли номиналдаги нақд қоғоз пуллари шаклида муомалага чиқарилган пуллар;

валюта қимматликлари — нақд чет эл валютаси, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ва соф куйма олтин;

инкассация — банк бўлинмалари ва уларнинг мижозларидан қимматликларни қабул қилиб олиш (етказиб бериш), уларни ташиш ва банк кассаларига топшириш;

айланма касса — нақд пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиб олиш, уларни бошқа қимматликлардан алоҳида сақлаш ҳамда чиқим қилиш учун ташкил этилган касса;

нақд пул захираси — банк мижозларининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида махсус ташкил этилган захира;

кечки касса — иш куни тугагандан сўнг инкассация хизматидан нақд пуллар ва бошқа қимматликлар солинган халталарни қабул қилиб олувчи банк кассаси;

қайта санаш кассаси — банк амалиёт куни давомида қабул қилинган ҳамда кечки касса томонидан қабул қилиб олинган инкассация халталаридаги нақд пул ва бошқа қимматликларни қайта санаб, саралаш ҳамда уларни тоифаларга ажратиш ва ўраб-боғлашни амалга оширувчи банк кассаси;

кирим кассаси — банк амалиёт куни давомида банк мижозларидан нақд пуллари қабул қилиб олувчи банк кассаси;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

чиқим кассаси — банк амалиёт куни давомида банк мижозларига нақд пулларни беришни амалга оширувчи банк кассаси;

сайёр касса — касса тармоғидан (узелидан) ташқарида банкнинг махсус жиҳозланган автомашинаси ёрдамида касса операцияларини амалга оширувчи банк кассаси;

махсус касса — йирик нақд пул тушумига эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида пул тушумларини қабул қилиш учун ташкил этиладиган банк кассалари;

банкомат — мижозлар томонидан банкнинг пластик карталари орқали ўзига ўзи хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган электрон-механик қурилма;

касса ҳужжатлари — қимматликларни қабул қилиш ва беришни амалга ошириш ва расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи пул ҳужжатлари (кирим касса ордери, чиқим касса ордери, нақд пулларни қўйиш ҳақидаги эълон, пул чеки, илова қайдномалари, юк хатлари, тўлов қайдномалари ва бошқалар);

касса операциялари — қимматликларни қабул қилиш ва мижозларга бериш, қайта санаш, саралаш, майдалаш, айирбошлаш ва ўраб-боғлаш.

5. Тижорат банклари (бундан кейинги ўринларда банклар деб юритилади) мижозларга касса хизматини кўрсатади ва ўз кассаларида нақд пулларни жамлаб, уларни мижозларга беради.

6. Банкларнинг мижозлар билан касса операциялари бўйича бажарадиган операциялари банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартномага асосан ушбу Ўйриқномада белгиланган тартибда амалга оширилади. Банк кассасидан мижозларга берилган пуллар орасидан аниқланган камомад, ортиқча, тўловга яроқсиз ва қалбаки пуллар юзасидан қилинган эътирозлар банк ҳисобварағи шартномасига асосан тартибга солинади ҳамда унинг шартлари ушбу Ўйриқномада белгиланган тартибга зид келмаслиги лозим.

7. Банкларда мижозлар билан касса операцияларини амалга ошириш ва нақд пулларга ишлов бериш бўйича айланма касса ва операцион кассалар ташкил этилади.

Операцион кассалар қуйидагилардан иборат:

кирим ва чиқим кассалари (кирим-чиқим кассалари), пулни қайта санаш кассаси, кечки касса, ҳўжалик юритувчи субъектлар қошидаги махсус касса ва коммунал тўловларини қабул қилиш бўйича жамғарма ҳамда сайёр касса ва бошқалар.

8. Кўрсатиб ўтилган кассалар касса операцияларининг ҳажми, хизмат кўрсатадиган мижозлар сони ва касса ходимларининг белгиланган штатлар жадвалидан келиб чиққан ҳолда банк раҳбарининг фармойишига асосан ташкил этилади.

9. Банклар мижозларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишлари учун банкоматлар ва тўлов терминаллари, уларни ҳимоялаш даражасига қараб, банкда ёки ундан ташқарида ўрнатишлари мумкин.

10. Банк томонидан мижозларга касса хизматини кўрсатиш банк ходимлари томонидан қабул қилиб олинган касса ҳужжатлари (пул чеклари, нақд пул топшириш эълони, кирим ва чиқим касса ордерлари, илова қайдномалари ва юк хатлари) асосида амалга оширилади.

11. Касса ҳужжатлари ҳисобини юритиш, мижозлар имзосининг банкка тақдим этилган намуналарига мос келиши, уларнинг ҳисобварағида маблағларнинг бўлиши ва паспортдаги маълумотларнинг тўғри тўлдирилиши бўйича банк бухгалтериясининг тегишли ходимлари жавобгар ҳисобланадилар.

12. Банк раҳбарлари, бош бухгалтерлари ва касса мудирлари мижозларга ўз вақтида ва аниқ касса хизматини кўрсатиш, шунингдек касса ишини тўғри ташкил

этишга оғишмай амал қилиш ва қимматликлар бутлигини таъминлаш бўйича масъулдирлар.

II боб. Банкларнинг касса операциялари бошқармаси (бўлими) ишини ташкил этиш

13. Бош банкларда касса ишини назорат қилиш учун касса операциялари бошқармаси (бўлими) ташкил этилади. Касса операциялари бошқармаси (бўлими) банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган «Касса операциялари бошқармаси (бўлими) тўғрисида»ги низомга асосан фаолият юритади. Бошқарма (бўлим) зиммасига низомда кўзда тутилмаган вазифаларни юклаш рухсат этилмайди.

14. Касса операциялари бошқармаси (бўлими) зиммасига унинг низомида кўрсатиб ўтилган барча мажбуриятлар бошқарма (бўлим) ходимлари ўртасида ёзма равишда тақсимланади. Бажариладиган ишлар тақсимои бошқарма (бўлим) бошлиғи томонидан белгиланади ва лавозим мажбуриятлари сифатида алоҳида расмийлаштирилиб, бошқарма (бўлим)нинг ҳар бир ходимига танишиб чиқиш учун берилади ва уларга имзо қўйдирган ҳолда, нусхалари топширилади.

Лавозим мажбуриятлари бўйича юклатилган ишларнинг ўз вақтида бажарилиши учун ижрочи ходим шахсан жавобгар ҳисобланади.

15. Бошқарма (бўлим) ходимлари — иш режаси, ишнинг аҳволи бўйича ўзларида мавжуд бўлган маълумотларга асосан, шунингдек тафтиш ҳужжатлари, текшириш ва таҳлил натижаларига кўра, касса ишини тўғри йўлга қўйиш мақсадида, банк биноларининг ёнғиндан ва хавфдан огоҳлантирувчи техник воситалари билан жиҳозланганлиги, ёнғиндан хабар берувчи сигнализация воситалари билан таъминланганлиги, рухсатнома бериш ва қўриқлаш тартиби юзасидан банк филиалларида ишларнинг қандай йўлга қўйилганлигини ўрганиш, уларни текшириш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширадilar.

16. Бошқарма (бўлим) ходимлари бир йилда камида бир маротаба ўз тасарруфидаги банк филиалларида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида текшириш ўтказишлари ҳамда иш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ушбу Йўриқнома талабларига биноан текшириш давомида бартараф этишлари лозим. Банкларда касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташиш бўйича текширув ўтказиш услуги мазкур Йўриқноманинг 6-илоvasида кўрсатиб ўтилган.

17. Лозим бўлган тақдирда, текширувчи аниқланган камчиликларни аниқ ва қанча муддатда бартараф этиш ва ишни яхши йўлга қўйиш юзасидан банк филиали раҳбари номига ёзма равишда кўрсатма беради.

18. Касса ишини тўғри ташкил этилганлиги бўйича текширув ўтказиш вақтида, банк раҳбари ёки ушбу бошқарма (бўлим) фаолиятига бевосита бошчилик қилувчи банк раҳбарининг ўринбосари томонидан имзоланган хизмат фармойишига асосан ходимга ўрганиш дастурида кўрсатилган режа-топширик ва пул сақлаш омборидаги қимматликларни тафтиш қилиш муддати белгиланган бир марталик гувоҳнома берилади.

19. Бош банкнинг касса операциялари бошқармаси (бўлими) бошлиқлари ўтказилган текширув натижалари бўйича тегишли материалларни келиб тушган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида кўриб чиқишлари ва ўтказилган текширув натижалари юзасидан бошқарма (бўлим) ходимларининг шахсий фикрларини тинглашлари ҳамда ишнинг самарадорлигини ошириш юзасидан чора кўришлари лозим.

20. Текширув натижалари таклифлар билан бирга, ёзма равишда банкнинг Бошқарув Раисига ёки унинг мазкур иш соҳасига раҳбарлик қилувчи ўринбосарига

тақдим этилади, лозим бўлган тақдирда, банк филиали раҳбарига керакли кўрсатмалар берилади.

21. Касса операциялари бошқарма (бўлим)лари раҳбарлари томонидан текширув амалга оширилган банкда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан назорат ўрнатилиши лозим.

Кейинги текшириш ўтказиш вақтида аввалги текширув ва тафтишлар натижаси бўйича аниқланган камчиликларнинг иш жараёнида бартараф этилганлиги текширилиши шарт.

Камчилик ва тартибузарликлар такрорланган ҳолда унинг сабаблари ва айбдор шахслар аниқланади ҳамда жойида тегишли ва қўшимча чоралар кўрилади. Йўл қўйилган камчиликлар юзасидан текширувчи айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича банк филиали раҳбари номига ўз таклифларини киритади.

III боб. Касса ишини ташкил этиш

22. Ҳар бир банк ва унинг филиаллари мижозларга касса хизматини кўрсатиш учун ўз таркибида таркибий бўлинма — Касса операциялари бўлими (касса)га эга бўлиши шарт.

23. Мижозларга касса хизматини кўрсатиш учун банклар Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига касса хизматини кўрсатиш бўйича рухсатнома бериш ҳақида ушбу Йўриқноманинг 14-иловасида кўрсатилган шаклдаги пул сақлаш омборининг тўлдирилган паспорти ва тегишли ҳужжатларни Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тақдим этадилар.

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармаси тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига мослигини аниқлайди ҳамда жойларда касса тармоғини текширишни амалга оширади ва ўз хулосасини тайёрлаб, ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Эмиссия-касса операциялари департаментига юборади.

Пул сақлаш омборининг паспорти тўрт нусхада тайёрланиб, «Хизматда фойдаланиш учун» грифи қўйилади. Эмиссия-касса операциялари департаменти томонидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг, унинг бир нусхаси ёнмайдиган сейфда сақланади. Қолган уч нусхаси жойлардаги Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларига жўнатилади. Пул сақлаш омбори паспортининг биринчи нусхаси Эмиссия-касса операциялари бўлими ходимлари томонидан янги очилаётган банк филиалига, иккинчи нусхаси очилаётган банкнинг Бош банкига жўнатилади ва учинчи нусхаси жойлардаги Эмиссия-касса операциялари бўлимининг ёнмайдиган сейфида сақланишига рухсат этилади.

Банк ва унинг филиал манзили ёки унинг номи ўзгарган тақдирда, Бош банк ва унинг филиал раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига пул сақлаш омборининг паспортини қайта рўйхатдан ўтказиш учун лозим бўлган ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш чораларини кўришлари шарт.

Паспортни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, Марказий банк унинг рад этиш сабабларини ёзма равишда маълум қилади.

25. Пул сақлаш омборининг рўйхатдан ўтказилган паспорти мижозларга касса хизматини кўрсатиш ва айланма касса лимитини белгилаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

26. Катта ҳажмда нақд пул тушумига эга бўлган банк филиалларида касса операциялари бўлимини (ходимлар сони 15 кишидан ортиқ бўлганда) кимматликлар

билан ишлашдан озод этилган бошлиқ бошқариши мумкин. У касса операциялари бўлимига раҳбарлик қилади ҳамда назорат ўрнатади. Касса ишининг тўғри ташкил этилиши ва банкда мавжуд бўлган барча қимматликларни тўлиқ сақлашда ҳамда мижозларга аниқ касса хизматини кўрсатиш бўйича банк раҳбари билан тенг жавобгар ҳисобланади.

27. Қимматликларни сақлаш ва улар бўйича операциялар ўтказиш билан боғлиқ бўлган моддий жавобгарлик ушбу Йўриқноманинг 3-илоvasида келтирилган тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги намунавий шартномага асосан банкнинг касса мудирини зиммасига юклатилади. Зарур бўлган ҳолларда кўрсатиб ўтилган вазифалар банк раҳбарининг фармойишига асосан касса операциялари бошқармаси (бўлими) бошлиғи зиммасига юклатилиши мумкин.

28. Касса мудирини томонидан банкнинг кирим, чиқим ҳамда чет эл валюталари билан боғлиқ бўлган операцияларининг бажарилиши қатъиян тақиқланади.

29. Касса операциялари бошқармаси (бўлими) бошлиқлари (касса мудирлари) эгаллаб турган лавозимларига банк (филиали) раҳбарлари томонидан банк бошқармалари (республика, вилоят, шаҳар) раҳбарлари билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод этиладилар.

Бошқарма (бўлим) бошлиғи лавозимига банк тизимида камида 3 йил ишлаган ва олий иқтисодий маълумотга эга бўлган, касса мудирини лавозимига эса банк кассасида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлиб, олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар тайинланади.

30. Банк раҳбари касса ишига мутлақо ҳалол ва ишончли ходимларни танлашга алоҳида эътибор бериши лозим. Кассирни ишга қабул қилишда унинг илгари ишлаган жойидан сўраб-суриштириши (агарда ҳеч қаерда ишламаган бўлса, турар жойидан тавсифнома), зарурат туғилган тақдирда эса тегишли тавсифнома олиш орқали синчиклаб текшириши талаб этилади.

31. Банк томонидан ходимнинг илгари судланмаганлиги ҳақида туман Ички ишлар бўлимларидан, яшаш жойидан ва соғлиғи ҳақидаги маълумотномалар ҳамда фотосуратлар талаб этилади. Касса ходимларини ишга қабул қилиш банк бўйича чиқариладиган буйруқ билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлиб ҳисобланади.

32. Кассирлик лавозимига 18 ёшга тўлган ва ундан ошган шахслар қабул қилинади. Ҳар бир кассир билан яқка тартибдаги тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган талаблар кечки кассанинг назоратчи-бухгалтерига ҳам тааллуқлидир.

33. Кассада яқин қариндошларнинг, агар уларнинг ишлари бевосита бир-бирига бўйсунуш ёки бир-бирини назорат қилиш билан боғлиқ бўлса, биргаликда ишлашлари тақиқланади.

34. Тайёргарлик кўрмаган ёки тажрибага эга бўлмаган ходимларнинг нақд пул ва қимматликлар билан бажарадиган операцияларни амалга оширишлари учун рухсат бериш қатъиян ман этилади.

35. Банк раҳбари касса ва пул сақлаш омборларида қимматликлар билан ишлаш бўйича белгиланган талабларни бажариш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериши шарт.

36. Банк ва уларнинг филиаллари (минибанклар)да касса ходимларининг шахсий кийимлари, сумкалари ва пулларини сақлаш учун алоҳида хона ажратилган бўлиши шарт. Хонанинг калити иш куни давомида касса операциялари бўлими бошлиғи ёки касса мудирини, мини банкларда эса минибанк мудирини сақланиши лозим.

37. Банк раҳбарлари кассирларни махсус кийим ёки халат, санитария-гигиена талабларидан келиб чиққан ҳолда совун, сочиқ, вазелин ёки глицерин ҳамда пул санаш машиналарини вақти-вақти билан тозалаб туриш мақсадида техник спирт билан таъминлаб туришлари шарт.

38. Банкларнинг касса тармоқлари касса тармоқларини лойиҳалаштириш ва тузилишининг техник талабларига мувофиқ жиҳозланиши, унинг бошқа хизматлардан ажратиб қўйилган бўлиши ҳамда техник талабларга биноан бинонинг биринчи қаватига жойлаштирилиши лозим.

39. Бегона шахслар томонидан касса тармоғи жойлашган жойни кузатишлари ва ўрганишлари учун имконият яратилмаган бўлиши лозим. Касса тармоғига кириш эшиги иш куни давомида ичкаридан ўзи ёпилиб қолувчи қулф билан беркитилган бўлиши ҳамда унга ташқарини кўриш учун махсус тўйнуқ ўрнатилган бўлиши шарт.

40. Операцион кассаларнинг кабиналари касса тармоғида шундай жиҳозланган бўлиши керакки, бунда қимматликлар бутлигини сақлаш учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар (бошлиқ, касса мудири) томонидан кассирлар ишини назорат қилиб туриш учун имконият яратилган бўлсин.

Агар операцион кассаларнинг кабиналари ўртасига дарчалар ўрнатилган бўлса, уларнинг ҳар иккала томонига қулфловчи мосламалар ўрнатилиши лозим.

41. Мижозларга касса хизмати кўрсатувчи кабиналарнинг дарчалари ички томондан қулфланадиган эшикчалар билан таъминланган бўлиши шарт.

42. Кассирларнинг тортмалари алоҳида қулфланадиган махсус столлар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

43. Кассирлар иш куни давомида қимматликларни сақлаш учун сейфлар, металл шкафлар ва қимматликларни ташиш учун темир аравачалар билан таъминланган бўлишлари лозим.

44. Кириш ва чиқим кассаси кассирлари кириш ва чиқим касса ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган бухгалтерия ходимларининг имзо намуналари билан, кириш ва чиқим касса операцияларини расмийлаштириш билан шуғулланувчи бухгалтерия ходимлари эса — кассирларнинг имзо намуналари билан таъминланган бўлишлари шарт.

Имзо намуналарини тегишли ходимларга ўз вақтида бериш ва улар ишдан бўшаган вақтларида янгисига алмаштириб, эскисини қайтариб олиш, шунингдек ушбу масала бўйича назорат ўрнатиш — банкнинг бош бухгалтери томонидан амалга оширилиб, имзо намуналари банк филиали раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим.

Имзо намуналари ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, янгиланиб турилиши шарт.

IV боб. Пул ва тангаларни тахлаш ҳамда уларни ўраб-боғлаш

45. Ўзбекистон Республикасининг барча банклари учун нақд пулни тахлаш, ўраб-боғлаш, расмийлаштириш ва сақлашнинг ушбу Йўриқномада белгиланган ягона тартиби қўлланилади.

46. Банк кассаларига келиб тушадиган барча нақд пуллар белгиланган тартибда бирма-бир ва доналаб қайта саналиши шарт.

47. Кассирлар, ўзлари кассага қабул қилган пул ва тангаларни, уларнинг қийматига қараб саралашлари, шундан сўнг пулларни муомалага яроқли ва эскирган, тангаларни эса муомалага яроқли ва нуқсонли тоифаларга ажратишлари шарт.

48. Кассир қийматига қараб сараланган тўловга яроқли пулларни алоҳида ва эскирган пулларни алоҳида дасталайди ва ўраб-боғлайди. Бундан ташқари у ҳар бир эскирган пул олд тарафининг ўнг томонига, банк номи, унинг коди, кассир фамилияси ва исм-шарифи кўрсатилган «Эскирган» ёзувли тўртбурчак муҳрни босиши шарт.

49. Бир хил қийматдаги ҳар 100 дона пул саралаб дасталанади ва стандарт бандероль билан хочсимон тарзда ўраб-боғланади. Бандеролларда банк номи, унинг коди, қиймати, қўйилган суммаси, санаси, пулни саралашни ва қайта санашни бажарган кассирнинг фамилияси ва исм-шарифи ёзилган тўртбурчак муҳри босилиб, имзоси қўйилади.

50. Бандероллар пулнинг қийматига қараб, уларни ажратиб турувчи қуйида кўрсатиб ўтилган ўзига хос чизиқларга эга бўлиши, яъни:

1 сўм қийматидаги пулларни ўраш учун мўлжалланган бандероль — сидирға (бир хил) рангли, 3 сўмлик учун — эни 10 мм. бўлган битта қизил йўлли, 5 сўмлик учун — эни 10 мм. бўлган битта қўқ йўлли, 10 сўмлик учун — эни 8 мм. бўлган иккита қизил йўлли, 25 сўмлик учун — эни 8 мм. бўлган иккита қўқ йўлли, 50 сўмлик учун — эни 8 мм. бўлган иккита сариқ йўлли, 100 сўмлик учун — эни 8 мм. бўлган учта қизил йўлли, 200 сўмлик учун — эни 15 мм. бўлган учта жигарранг йўлли, 500 сўмлик учун — эни 15 мм. бўлган битта яшил йўлли, 1000 сўмлик учун — эни 15 мм. бўлган битта қўқ йўлли чизиқларга эга бўлиши лозим.

51. Автоматик тарзда ўраб-боғладиган (бандеролладиган) дасталар учун биридан фарқланувчи чизиқлари бўлмаган бир хил тусдаги бандероллардан фойдаланилади.

52. Бир хил қийматдаги пулларнинг ҳар 10 дастаси (1000 дондан) битта боғламга жойлаштирилади, боғлам устига ва остига картондан тайёрланган стандарт накладка қўйилиб, тугуни ва тугилган жойи бўлмаган тизимча билан икки марта хочсимон тарзда айлантириб ўралади ва тўрт марта тугиб боғланади.

53. Боғламларни ўраб боғлаётган кассир тизимчанинг учларидаги тугунига яқин бўлган жойга банк коди билан бирга пломбирнинг тартиб рақами туширилган пломбир билан пломбалайди. Қўйилган пломбадан кейинги тизимчанинг узунлиги 2 см. дан ошмаслиги шарт.

54. Устки накладкаларга банк номи, унинг коди, пул қиймати, қўйилган пул суммаси, санаси, пулларни саралаган ва қайта санашни бажарган кассирнинг имзоси қўйилади, шунингдек, фамилияси ва исм-шарифи ёзилган тўртбурчак муҳр босилади. Эскирган пуллар боғламидаги бандероль ва накладкаларнинг ўнг тарафидаги юқори бурчагига банк номи, унинг коди, кассирнинг фамилияси ва исм-шарифи кўрсатилган «Эскирган» ёзувли тўртбурчак муҳр босилиши шарт.

55. Агар пуллар полиэтилен пакетларга жойланадиган бўлса, пулларнинг дасталари битта кўндаланг бандероль билан ўралади ва уларга оддий бандеролларга қўйилиши лозим бўлган ҳамда ушбу Йўриқноманинг 49-бандида қайд этиб ўтилган реквизитлар қўйилади. Пулларни ўраб-боғлаш жараёнида эса 54-бандда қайд этиб ўтилган тартибда реквизитлар қўйилган накладкалардан фойдаланилади. Пул боғламлари дасталарни шакллантирган кассир томонидан пакетга жойлаштирилади ва полиэтилен пакетларни пайвандлаб, ёпиштирувчи (мультивак ва ҳ. к.) аппарат ёрдамида ёпиштирилади ҳамда аппаратга ўрнатилган клише орқали пакетнинг ҳар икки чокига банк номи, унинг коди ва кассирнинг шахсий коди қўйилади.

56. «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг нақд пуллари 100 дондан дасталаниб, битта кўндаланг бандерольга ўраб-боғланади. 10 та дастадан иборат бўлган боғламлар битта кўндаланг бандероль билан тартиб боғланиб,

унга «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг номи, пулнинг қиймати, қўйилган суммаси, кассир фамилияси ёки унинг коди кўрсатилган реквизитлар босилади. Боғламлар полиэтилен пакетларга солиб ёпиштирилади.

57. Тўлиқ боғламларни шакллантириш учун етарли бўлмаган алоҳида дасталар уларни қабул қилиб олган кассир томонидан қайтадан бирма-бир санаб олинди ва бир хил қийматдаги ёки ҳар хил қийматдаги (1 ва 3 сўмликлар алоҳида, 5, 10, 25, 50 ва 100 сўмликлар алоҳида, 200, 500 ва 1000 сўмликлар алоҳида) тўлиқ бўлмаган боғламларга қўшиб боғланиши мумкин, бунда битта боғламдаги дасталарнинг сони 10 тадан ошмаслиги лозим.

58. Тўлиқ бўлмаган боғламларнинг ва турли қийматдаги пулларнинг дасталаридан тайёрланган боғламларнинг устки накладкаларига реквизитлар қўлда ёзилади. Турли қийматдаги пулларнинг дасталаридан шакллантирилган боғламларнинг накладкаларида ҳар бир қийматдаги пулларнинг сони ва суммаси ҳамда умумий суммаси кўрсатилади.

Дасталари тўлиқ бўлмаган айланма касса қолдиғидаги тўловга яроқли пуллар алоҳида ва эскирган пуллар алоҳида дасталар кўринишида шакллантирилиши лозим.

59. Кассирлар тўловга яроқли бўлган тангаларни қийматига қараб пакетларга жойлайдилар. Бир хил қийматдаги тангали пакетлар ташқи чоклари бўлмаган стандарт қопларга жойланади. Ҳар бир қопнинг оғзи матодан тайёрланган ёрлиқ билан қўшиб тикилади ҳамда тугуни ва титилган жойи бўлмаган тизимча билан 2,5 айланишда маҳкам боғланади. Тизимча сиқиб боғланганидан сўнг, пломба қўйилади. Пакетларга ва тангали қопларга бириктирилган ёрлиқларга банк номи, унинг коди, ўраб-боғланган сана, танга қиймати, суммаси, кассир имзоси қўйилади, унинг фамилияси ва исм-шарифи ёзилган тўртбурчак муҳр босилади.

60. Айланма кассадаги тангали қопларга картондан тайёрланган ёрлиқлар қўйилиши мумкин. Ёрлиқлардан тизимча учлари ўтказилганидан сўнг тизимча сиқиб боғланади ва пломба қўйилади. Тангаларнинг айланма кассадан ташилиши амалга ошириладиган ҳолларда, қопларнинг оғзи матодан тайёрланган ёрлиқ билан бирга тикилган бўлиши лозим.

61. «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Зарбхонасида ўраб-боғланган тангали қопларга бириктирилган матодан тайёрланган ёрлиқларга Зарбхона номи, танга қиймати, қўйилган сумма, ўраб-боғланган сана ҳамда назоратчининг коди кўрсатилади. Танганинг ҳар бир номинал қийматига: 1 сўм — сариқ, 5 сўм — кўк, 10 сўм — оқ, 25 сўм — оч қизил (пушти), 50 сўм — яшил ва 100 сўм — қизил рангли алоҳида ёрлиқлар бириктирилади.

62. Қоп оғзи икки хил: ёрлиқли томони — оқ, орқа томони эса — қизил рангдаги ип билан тикилади.

Бунда — қизил ип фақатгина оддий чок вазифасини эмас, балки назорат чоки ва пломба вазифасини ҳам бажаради.

Тикилаётган чок мустаҳкам ушлаб туришни таъминлайди ва чеккалари 3 см дан кам бўлмаган ва эркин учлари бўлган ҳажмда унинг ўзидан-ўзи ечилиб кетишига йўл қўймайдиган бўлиши лозим.

Ходим қопни очаётган вақтда, қоп ва чокларнинг бутлигига ишонч ҳосил қилиши, ёрлиқнинг ўнг томонидаги қизил назорат ипининг биринчи тугуни ҳамда чокнинг бўш қисмини ечиб, иккала ипни тортиши керак.

Чок осон ечилиши ва ечилган иплар бутун бўлиши лозим.

Тангали қоплар қабул қилинаётган вақтда, ёрлиқнинг борлиги, қоп, чок, ип ва ҳоказоларнинг бутунлигига эътибор бериш лозим. Ипнинг узилганлиги пломбанинг

бузилганлиги билан баробардир. Инкассаторларга Зарбхона ёки банклардан шубҳали боғламлардаги қопларни қабул қилиш ман этилади.

63. Битта қопга солинадиган тангаларнинг энг кўп (максимал) суммаси 1, 3, 5 тийин қийматидаги бронза тангалар учун — 50 сўм, 10, 20 тийин қийматидаги никель тангалар учун 250 сўм, 50 тийин қийматидаги танга учун 500 сўм, 1 сўм қийматидаги танга учун 1000 сўм, 5 сўм қийматидаги танга учун 5000 сўм, 10 сўм қийматидаги танга учун 10000 сўм, 25 сўм қийматидаги танга учун 25000 сўм, 50 ва 100 сўм қийматидаги тангалар учун 50000 сўм миқдорида белгиланади.

64. Тангали қопларда нотўғри қўйилмалар аниқланган тақдирда, ушбу Йўриқноманинг 316-банди талабларига амал қилиниши шарт. Далолатномага танга солинган қоп, ёрлиқ ва албатта, қоп тикилган иккала бутун (оқ ва қизил) иплар илова қилиниши керак.

65. Қопдаги танганинг бир қисми олинган ёки унга қўшимча солинган ҳолларда тангалар қолдиғи доналаб саналиши, пакетдаги қадоқланган тангалар эса, ёзувларига қараб, қайта саналиши шарт. Бунда қоп қайтадан пломбаланиб, унга кассир имзо қўяди ва қопга янги ёрлиқ бириктирилади.

66. Кассирларда қолган тангали пакетлар, агар улардан тўла қопларни шакллантириб бўлмайдиган бўлса, уларни бирлаштириш ва ўраб-боғлаш учун бир ёки бир нечта кассирга берилади. Тўлиқ қопларни шакллантириб бўлмайдиган пакетлар бир хил қийматдаги (никель тангалар алоҳида, бронза тангалар алоҳида) тўлиқ бўлмаган қопларга жойланиши мумкин. Лекин уларни ўраб-боғлаш Зарбхона меъёри миқдоридан ошмаслиги лозим. Ушбу қопларнинг ёрлиқларида ҳар бир қийматдаги тангаларнинг суммаси кўрсатилади.

— Ҳар хил қийматдаги тангалар солинган пакетлардан шакллантирилган тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қопларга бириктирилган ёрлиқларга «Йиғма», деб ёзиб қўйилади. +

67. Шу куннинг ўзида мижозларга бериш учун мўлжалланган пулларнинг боғламларига қалин қоғоздан тайёрланган фақат устки стандарт нақдқалар қўйилиб, улар тизимча билан хочсимон шаклда боғланади. Бунда тизимча учларига пломба қўйилмайди.

68. Шакллантирилган куннинг ўзида мижозларга бериладиган тангали қоплар тизимча билан боғланиб, картондан тайёрланган ёрлиқ бириктирилади. Бунда, тизимча учларига пломба қўйилмайди.

69. Айланма кассасида кейинги кунга қолаётган ва касса мудири томонидан қайта саналган ҳамда ўралган пулларнинг боғламлари ва тангали қоплар пломба қўйилмаган ҳолда тизимча билан хочсимон шаклда боғланади. Дасталарни тўлдиришга етмаган пуллар эса бандероль билан ўраб боғланади, лекин улар боғламларга жойлаштирилмайди.

Бундан ташқари, касса мудири томонидан қайта санаб қадоқланган ва айланма кассаси қолдиғида бўлган тангаларни, кунлик эҳтиёждан оширмаган миқдорда пул сақлаш омборида пакет ва қопларга жойланган ҳолда сақланиши мумкин.

V боб. Кириш кассаларида операцияларни амалга ошириш қоидалари

70. Мижозлардан нақд пуллар уларнинг банк ҳисобварақларига кириш қилиш учун мазкур Йўриқноманинг 5-иловасида келтирилган 001-шаклдаги нақд пул қўйиш эълонлари бўйича, бошқа турдаги бир марталик тўловларни қабул қилиш эса 4-ило-

вада белгиланган 008-шаклдаги кирим касса ордери орқали 44-иловада кўрсатилган 004-шаклдаги квитанцияни бериш билан амалга оширилади.

71. 001-шаклдаги нақд пул қўйиш эълони 3 қисмдан — нақд пул қўйиш эълони, квитанция ва ордердан иборат. Нақд пул қўйиш эълони кунлик касса ҳужжатларига тикилади, квитанция нақд пулни топширган мижозларга, ордерлар эса — бухгалтерия ходимларига берилади.

72. Банк ходимларидан нақд пул қабул қилиб олинганда, квитанция ўрнига кирим касса ордерларининг кассир томонидан имзоланган ва кирим кассаси кассирининг муҳри қўйилган нусхалари берилади.

Жисмоний шахслар томонидан коммунал тўловларни (иситиш, иссиқ сув, ичимлик сув, оқова, электр энергияси, газ ва чиқинди учун) қабул қилиш вақтида ҳар бир хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган тўлов бланкаларидан фойдаланилади.

Барча солиқ тўловлари амалга оширилганда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган махсус тўлов бланкаларидан фойдаланилади. Қолган барча бир марталик тўловлар 002-Ш-ТХ-шаклдаги бланкалар ёрдамида амалга оширилади. Бланка шакли мазкур Йўриқноманинг 49-илловасида келтирилган. Бланка Хабарномасининг биринчи қисми банкнинг кунлик касса ҳужжатларига тикиб қўйилади, иккинчи қисми эса мижозга берилади.

73. Мижозлар банк ҳисобварақларига нақд пул қўйишларидан аввал бухгалтерия ходимлари ҳужжатларни «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича йўриқнома»да (1998 йил 16 ноябрь, рўйхат рақами 533) кўрсатиб ўтилган тартибда олдиндан текшириб чиқадилар ва расмийлаштиради.

Шундан сўнг кирим касса журналига имзо қўйдириб, ҳужжатлар кассага топширилади.

74. Кассир, кирим ҳужжатларини олганидан сўнг, уларда бухгалтерия ходимларининг имзолари борлигини ва ушбу имзоларнинг кассирда сақланаётган намуналарига мос келишини текшириши, мижоз имзоси қўйилганлиги, ундаги кўрсатилган сумманинг рақам ва сўз билан ёзилганлигига мос келишини текшириши, шундан сўнг мижозни чақириб, ундан нақд пулларни бирма-бир санаб қабул қилиб олиши шарт.

75. Агар мижоз пулни банк кассасига бир неча ҳисобварақлар бўйича бир неча кирим ҳужжатлари асосида топширса, бу ҳолда кассир пулни ҳар бир ҳужжат бўйича алоҳида қабул қилиб олади.

76. Кассирнинг столи устида пул қўювчидан қабул қилиб олинаётган пулдан бошқа ҳеч қандай пул бўлмаслиги керак. Кассир томонидан илгари қабул қилиб олинган барча пуллар стол тортмаларида, металл шкафларда ёки сейфларда сақланиши шарт.

Кирим кассаси кассирининг иш жойи шундай жиҳозланиши керакки, унда мижозга пулнинг қайта саналаётганлигини кузатиб туриш имкони яратилган бўлсин.

77. Пулни қабул қилиб олганидан сўнг, кассир кирим ҳужжатида кўрсатилган суммани қайта саналганда чиққан сумма билан солиштиради. Улар мос келган тақдирда кассир 001-шаклдаги нақд пул қўйиш эълонига, квитанцияга ва унга тегишли бўлган ордер (кирим касса ордерлари)га имзо қўйиб, квитанция (кирим касса ордери нусхаси)га муҳр босади ва уни пул топширган шахсга беради. Шундан сўнг эълоннинг ордерини ва кирим касса ордерларининг нусхаларини кассир масъул ижроچига ёки кирим касса журналини юритувчи ходимга юборади ва нақд пул қўйиш эълонини ўзида олиб қолади.

78. Агар мижоз топширган нақд пул суммаси ҳужжатда кўрсатилган сумма билан ўзаро мос келмаса, мижозга ҳужжатни қайтадан тўлдириш таклиф этилади. Кассир дастлабки ҳужжатнинг устидан чизик тортади ва унинг орқа томонига амалда қабул қилиб олинган пул суммасини ёзиб қўяди.

Кирим ҳужжатлари бухгалтерия ходимида берилади. Бухгалтерия ходими касса журналидаги дастлабки кўрсатилган суммани ўчиради ва қўйилган пулнинг янги суммасини ёзиб, қайтадан қабул қилиб олган ҳужжатларни расмийлаштиради ва уларни кассага жўнатади. Ишдан чиққан 004-шаклдаги квитанциялар ушбу Ўйриқноманинг 79-бандида кўрсатилган тартибда сақланади, кирим ҳужжатлари эса ўқ қилинади.

79. Агар мижоз банк кассасига пул топширмаган бўлса, кассир бунинг сабабини аниқлаш учун кирим ҳужжатларини квитанциялар билан бирга бухгалтерия ходимларига қайтаради. Пулнинг топширилмаганлик сабаблари аниқланганидан сўнг, квитанцияларда қандай сабабларга кўра унинг топширилмаганлиги кўрсатилиб, ҳужжатга банк раҳбари, бош бухгалтер ёки уларнинг ўринбосарлари имзо қўядилар.

Бундай ҳолларда касса журналларидаги ёзувлар ўчирилиб, кирим ҳужжатлари ўқ қилинади ва 004-шаклдаги квитанция бухгалтерия ходимларига қайтарилиб, улар томонидан квитанция дафтарчаларининг муқовасига ёпиштириб қўйилади.

80. Тўловга яроқсиз бўлган пулларнинг мавжудлиги аниқланган тақдирда, кассир уни текшириш учун касса мудирига бериши шарт. Ушбу пулларнинг тўловга яроқсиз эканлиги тасдиқланган ҳолда, уларга банк номи туширилган муҳр ҳамда шу қарорни қабул қилган шахс имзоси қўйилади ва «Алмаштириб бериш рад этилди» деган муҳр босилиб, пул эгасига қайтарилади ёки мижоз хоҳишига кўра, ушбу Ўйриқноманинг 197-бандида кўрсатилган тартибда экспертизага топширилади.

Қалбаки пуллар аниқланган тақдирда, кассир бу ҳақда дарҳол касса операциялари бўлими бошлиғи (касса мудир)га ва банк бошқарувчисига хабар қилиши, келгусида эса ушбу Ўйриқноманинг 203-бандида кўрсатиб ўтилган талабларга биноан иш тутиши лозим.

Қўйилган пул суммасида бундай пуллар ҳисобга олинмайди, балки мижозга етмаётган тўловга яроқсиз ёки қалбаки пул суммаси ўрнини қоплаш (тўлаш) ёки амалда қабул қилинган тўловга яроқли пул суммаларига ушбу Ўйриқноманинг 78-бандида қайд этиб ўтилган тартибда бошқа кирим ҳужжатини тўлдириш (тузиш) таклиф этилади.

81. Кассир касса мудиридан қабул қилиб олган ва топширган пул суммаларини ҳар куни ўзининг мазкур Ўйриқноманинг 13-илоvasида келтирилган 155-шаклдаги китобига ёзиб бориши шарт.

82. Банк амалиёт куни охирида қабул қилиб олинган ҳужжатлар асосида кирим кассасининг ҳар бир кассири 109-шаклдаги маълумотнома тузади ва ундаги суммани ўзи қабул қилиб олган пул суммаси билан солиштиради. Маълумотнома кассир томонидан имзоланади ва унда кўрсатилган касса айланмалари (оборотлари)ни бухгалтерия ходимларининг касса журналларидаги ёзувлари билан солиштиради. Солиштириш кассирнинг 109-шаклдаги маълумотномага бухгалтерия ходимининг имзоси қўйилиши ва кассирлар томонидан эса бухгалтериянинг кирим касса журналларига имзо қўйилиши билан расмийлаштирилади. Маълумотноманинг шакли мазкур Ўйриқноманинг 12-илоvasида келтирилган.

83. Кирим (чиқим) касса журналлари юритиш бухгалтерия ходимларидан бирига юклатилади.

84. Банк амалиёт куни мобайнида қабул қилинган пулни кассир ушбу Ўйриқноманинг IV-бобида белгиланган тартибда дасталайди ҳамда кирим ҳужжатлари ва

109-шаклдаги маълумотнома билан бирга касса мудирига 155-шаклдаги китобга имзо қўйдириб топширади.

85. Касса мудир қабул қилиб олган пул суммасини кассирнинг маълумотномаси билан солиштиради ва қабул қилинган суммани ўзининг 155-шаклдаги китобига ёзиб, маълумотномага имзо қўяди ҳамда уни 004-шаклдаги квитанция бланкаларидан тўғри фойдаланилаётганлигини текшириш учун бош бухгалтерга беради. Маълумотнома текшириб бўлинганидан сўнг, у бош бухгалтер томонидан имзоланади ва шу куннинг касса ҳужжатларига тикиб қўйиш учун махсус ажратилган ходимга берилади.

86. Тўлиқ боғлам ва дастани шакллантириш учун етмайдиган пуллар кун охирида, касса мудирининг кўрсатмасига биноан айланма кассаси кассирларидан бирига 155-шаклдаги китобга имзо қўйдирган ҳолда бирлаштириш учун берилади.

87. Зарурат туғилган тақдирда, кирим кассаларига келиб тушган пуллар касса мудирига банк амалиёт куни мобайнида 155-шаклдаги китобга имзо қўйдирган ҳолда бир неча марта берилиши мумкин.

Бундай ҳолларда, кассир пулни беришдан аввал, ҳақиқатда тушган пулни қабул қилиб олинган кирим касса ҳужжатларидаги пулнинг умумий суммасига мос келишига ишонч ҳосил қилиши керак.

88. Банк амалиёт куни якунланишига қадар тушган барча нақд пуллар, ўша иш кунининг ўзидаёқ айланма кассага кирим қилиниши ва банк баланси бўйича тегишли ҳисобвараққа ўтказилиши лозим.

VI боб. Пул ва қимматликларни чиқим кассалари орқали бериш

89. Банк кассасидан нақд пул бериш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) хўжалик юритувчи субъектларга — ушбу Ўйриқноманинг 45-иловасида белгиланган шаклдаги пул чеклари бўйича;

б) банкдан кредит олган жисмоний шахсларга, қарз олувчиларга, омонатчиларга, пенсионерларга мазкур Ўйриқноманинг 11-иловасида келтирилган чиқим касса ордерлари бўйича берилади. Банкларнинг бошқарув аппарати эҳтиёжлари ва бошқа сарф-харажатлар учун бериладиган пулларни чиқим қилиш ҳам айнан шу тартибда амалга оширилади.

90. Пенсияни белгиллаган органнинг топшириқномасига асосан пенсия ва нафақаларни бериш амалга ошириладиган ҳолларда чиқим касса ордери ёзиб берилади ва у топшириқнома билан бирга кунлик касса ҳужжатларига тикилади.

91. Банкнинг пул сақлаш омбори очилганидан сўнг, касса мудир, филиал бошқарувчиси ва бош бухгалтер иштирокида айланма кассадаги нақд пул қолдиқлари қайта саналади. Нақд пул қолдиғи мазкур Ўйриқноманинг 40-иловасида келтирилган 120-шаклдаги китобнинг маълумотларига мос келишига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг, касса мудир кассирларга чиқим операцияларини бажариш учун зарур бўлган пул суммасини, ҳисоб бериш шarti билан ўзининг 155-шаклдаги китобига имзо қўйдирган ҳолда беради. Тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган пул боғламлари накладкалардаги маълумотларга қараб текширилади, тўлиқ бўлмаган дасталардан иборат боғламлар эса бирма-бир қайта саналиб (қайта санаш касса мудир томонидан тайинланган касса ходимларидан бирининг кузатуви остида амалга оширилиши мумкин) қабул қилинади.

Тангалар — ёрлиқлар ва пакетлардаги ёзувларига қараб қабул қилинади.

92. Кассир касса мудиридан ҳисоб бериш шarti билан олинган барча суммаларни, тўланган ҳужжатларнинг сони ва суммасини ҳамда касса мудирига имзо

қўйдириб, қайта топшириши керак бўлган ҳисобдорлигидаги суммалар қолдиғини ўзининг 155-шаклдаги китобида қайд этиши лозим.

93. Касса мудирини кассирларга ҳисоб бериш шартин билан зарур бўлган пул суммасини берганидан сўнг, кассада қолган нақд пулни яна ҳисоблаб, уни иш куни бошидаги касса қолдиғи суммасига таққослаб қўриши шарт.

94. Хўжалик юритувчи субъект вакили нақд пул олиш учун банк бухгалтерияси (фронт офиси)нинг ушбу миқдорга хизмат кўрсатувчи ходимига пул чеклари ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Улар ушбу ҳужжатларни текшириб бўлгач, миқдорларга кассага тақдим этишлари учун пул чекининг назорат маркасини ёки чиқим ордерининг йиртма талонини берадилар.

95. Чиқим ҳужжатлари алоҳида ҳолларда бухгалтерия (фронт офис) ходимлари томонидан маълумотларни киритиш варағи (касса журнали)га имзо қўйдирилган ҳолда кассага топширилади. Чиқим ҳужжатларини пул олаётган шахс томонидан кассага топширилиши қатъиян тақиқланади.

96. Банкнинг бош бухгалтери ихтиёрига кўра, касса журналининг икки нусхада юритилишига, касса журналининг биринчи нусхасига кассир имзо қўйгач, чиқим ҳужжатларининг кассага топширилишига рухсат этилади.

97. Кассир чиқим ҳужжати (пул чеки, касса ордери ва бошқалар)ни олганидан сўнг қуйидагиларни бажариши шарт:

- а) пул олувчини чиқим ҳужжатининг рақами бўйича чақириши;
- б) кассага тақдим этилувчи назорат маркаси ёки йиртма талоннинг рақамини чиқим ҳужжатидаги рақам билан таққослаши ва назорат маркасини ёки йиртма талонни тегишли чек ёки ордерга ёпиштириб қўйиши;
- в) банкнинг пул беришни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларининг имзолари борлигини ва ушбу имзолар мавжуд намуналар билан бир хиллигини текшириши;
- г) ҳужжатда рақам ва сўз билан ёзилган суммалар ўзаро мос келишини текшириши;
- д) ҳужжатда пул олувчининг шахсий имзоси борлигини ва банк масъул ходимларининг имзоси қўйилганлигини текшириши;
- е) пул олувчининг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки гувоҳномаси (гувоҳнома фақат Мудофаа вазирлиги, Ички Ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўз хизматчиларига берилган бўлса) борлигини текшириши;
- ж) миқдорнинг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки гувоҳномасидаги маълумотларни чекдаги маълумотлар билан солиштириши;
- з) ҳужжатда кўрсатилган пул суммасини тайёрлайди, пул олувчидан у қанча пул олаётганлигини сўрайди, тайёрланган пул суммасини яна бир бор чиқим ҳужжатлари билан таққослаб, уни пул олувчига берганидан сўнг, чиқим ҳужжатларига имзо қўйиши лозим.

Кассирнинг столи устида беришга тайёрлаб қўйилган пулдан ташқари бошқа ҳеч қандай пул бўлмаслиги керак.

98. Кассир пулларни бирма-бир қайта санамаган ҳолда, накладка ва бандеролларда кўрсатилган суммаларига қараб ўрами бузилмаган тўлиқ боғламлар ва дасталар бўйича бериши шарт.

Бунда боғламдаги пломбалар (кассирларнинг шахсий рақамлари бўлган кафолат чоклари) пул олувчининг иштирокида қирқилади. Тўлиқ бўлмаган дасталардаги, шунингдек ўрами бузилган дасталардаги пулларни кассир бирма-бир қайта санаб бериши лозим.

Қоп ва пакетларга жойланган тангалар — пакет ва ёриқлардаги ёзувларига қараб берилади. Танга бутун қопи билан бериладиган бўлса, банк кассири қопдаги пломбани пул олувчининг иштирокида қирқиши шарт.

99. Кассир пулларни доналаб санаб бериш учун дастани очганидан сўнг, ундаги пулларнинг барчасини бирма-бир қайта санаб кўриши лозим.

100. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ўрамларидаги пулларнинг боғламлари очилиб, мижозларга алоҳида дасталар билан ёки доналаб санаб бериладиган ҳолларда боғламдаги пул касса мудирининг ёки шу мақсадлар учун ажратилган ходимнинг иштирокида олдиндан ва тўлиқ бирма-бир санаб кўрилиши лозим.

101. «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ўрамидаги пуллар мижозга берилаётган вақтда охириги учта номинал қийматдаги пулларнинг серия ва рақамлари алоҳида дафтарда қайд этилиб, мижозларга имзо қўйдирилган ҳолда берилиши шарт.

102. Кассирлар мижозларга пул бераётган вақтда, уларнинг талабига биноан, бир қийматдаги пулларни бошқа қийматдаги пулларга алмаштириб бериш тақиқланади.

103. Банк кассасидан берилган пулни олган шахс, касса ёнидан кетмай туриб олинган умумий суммани ҳужжатда кўрсатилган сумма билан таққослаши, уни боғламлар ва дасталар бўйича текшириши, даста тўлмаган алоҳида пулларни эса шу пулни берган кассирнинг кузатуви остида бирма-бир қайта санаб кўриш орқали қабул қилиб олиши лозим.

104. Банк мижози қабул қилиб олган барча пулларни махсус ажратилган хонада, банк кассири ёки назоратчи кузатуви остида, бирма-бир қайта санаб олиши шарт.

Бундай ҳолларда чиқим кассаси кассири берилаётган пул боғламларидаги пломбаларни ёки кафолат чокларини кесмайди, балки, пломбалар, тугунлар, бандероллар ва ҳоказолар тўлиқ сақланишини кузатиб туради. Пул дастасидан ортиқча ёки камомад чиққан ҳолда икки нусхада мазкур Йўриқноманинг 31-иловасида кўрсатилган 145-шаклдаги далолатнома, агарда тўловга яроқсиз ва қалбаки пуллар аниқланса, 145а-шаклдаги далолатнома тузилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси кунлик касса ҳужжатларига тикилади, унинг иккинчи нусхаси бухгалтерия ўтказмаларини амалга ошириш учун бухгалтерияга юборилади. Бунда барча бандероллар, пломбали ўрам материали ёки полиэтилен пакет ва пули тўғри чиқмаган дастанинг устки накладкиси, шунингдек танга солинган қопнинг ёрлиғи пломбали ўрам билан бирга тўлиқ сақланиб қолади.

105. Мижоз томонидан бир боғламдаги нақд пуллар қайта санаб бўлинганидан сўнг, банк назоратчиси боғламнинг пломбаси (кассирларнинг шахсий рақамлари бўлган кафолат чоклари)ни қирқиб олади ва мижоз томонидан дасталар бўйича қайта саналаётган пулларни назорат қилишни давом эттиради.

106. Олувчиларнинг пул ёки тангалари етишмаётганлиги тўғрисидаги аризалари, агар улар касса ёнидан кетмай пулни қайта санаб олмаган ёки қайта санаш учун ажратилган хонада банк назоратчиси кузатуви остида қайта санамаган бўлсалар, қониқтирилмайди. Бу ҳақда чиқим кассалари олдида кўзга кўринарли жойга эълон ёзиб қўйилиши шарт.

Пул олувчиларнинг эътирозлари қониқтирилган ёки қониқтирилмаганлигидан қатъи назар, банк раҳбари пул етишмаётганлиги тўғрисидаги аризани текшириш учун чора кўриши шарт.

107. Хўжалик юритувчи субъект вакили банк кассасига пул топширмай туриб,

бир вақтнинг ўзида пул олиш учун чек ва нақд пул қўйиш эълонини тақдим этган ҳолларда, бундай операцияларни бажариш тақиқланади.

108. Банк раҳбари алоҳида ҳолларда, чекда кўрсатилган сумма бўйича қисман пул берилишига рухсат этганидан сўнг, пул олувчига ушбу чек бўйича берилаётган амалдаги пул суммаси тўғрисида маълумотнома берилиши мумкин.

Маълумотномага раҳбар ва бош бухгалтер имзолари қўйилиб, банк муҳри босилади. Пул олувчидан олинган пул суммаси тўғрисида чекнинг орқа томонига тилхат ёздириб олинади. Чекка қисман пул тўланганлиги ҳақидаги маълумотноманинг нусхаси илова қилиниб, у шу куннинг касса ҳужжатларига тикиб қўйилади.

109. Банк амалиёт куни охирида кассир, ҳисобдорлик асосида қабул қилинган суммани, чиқим ҳужжатларидаги суммага ва пул қолдигига таққослаб кўрганидан сўнг, мазкур Йўриқноманинг 35-иловасида келтирилган 110-шаклдаги ҳисобот маълумотномасини тузиб имзолайди ва унда кўрсатилган касса айланмаларини банк бухгалтерияси ходимларининг касса журналларидаги ёзувлари билан таққослайди. Таққослаш кассир томонидан чиқим касса журналига имзо қўйиши ва бухгалтерия ходимларининг кассир маълумотномасига қўйилган имзолари билан расмийлаштирилади.

110. Кассанинг чиқим айланмалари мазкур Йўриқноманинг 36-иловасида келтирилган 111-шаклдаги касса айланмалари ҳақидаги жамлама маълумотномага умумий сумма бўйича киритилади.

111. Кассир белгиланган тартибда тайёрланган пул қолдигини ва шу куннинг чиқим касса ҳужжатларини ҳисобот маълумотномаси билан бирга 155-шаклдаги китобга имзо қўйдириб, касса мудирига топширади. Касса мудир ҳисобот маълумотномасини текшириб, уни пул қолдиги билан таққослаганидан сўнг ўз имзосини қўяди ҳамда уни шу куннинг касса ҳужжатларига тикиб қўйиш учун кассирлардан бирига беради.

112. Банк амалиёт куни охирида кассирларда қолган ва бошқа кассирлар томонидан ўраб-боғлаган алоҳида дасталардаги пуллар ва пломбаланмаган пул боғламлари касса мудирига берилишидан аввал, белгиланган тартибда бирма-бир қайта саналиши ва ўраб боғланиши керак. Бошқа кассирлар томонидан жойланган алоҳида тангали пакетлар доналаб саналмасдан, турли қийматдаги тангаларнинг йиғма (никель тангалар алоҳида, бронза тангалар алоҳида) қопига жойланади.

Тўлиқ боғланиши мумкин бўлмаган боғлам ва дасталардаги пулларни кун охирида айланма касса кассирлари касса мудирининг кўрсатмасига биноан кассирлардан бирига, уларни бирлаштириш учун ўзларининг 155-шаклдаги китобига имзо қўйдирган ҳолда беришлари мумкин.

113. Банк ходимларига иш ҳақи тўлаш учун олинган бўнак (аванс) қолдиги, иш куни тугаганидан сўнг, кассир томонидан қопга жойланиб, қоп оғзи ёрлиқ билан бирга қўшиб тикилади ва тизимча билан сиқиб боғланади. Тизимчанинг титилган жойлари ва тугунлари бўлмаслиги керак. Ёрлиқда қоп боғланган сана ва унга солинган пул суммаси кўрсатилганидан сўнг, кассир имзо қўйиб, унга номи ёзилган тўртбурчак муҳри босади.

Тизимча учлари чандиб боғланганидан сўнг, кассирнинг пломбири билан пломбланади. Ушбу қопни кейинги иш куни бошланишига қадар сақлаш учун 155-шаклдаги китобга имзо қўйдирган ҳолда касса мудирига топширади.

Касса мудир томонидан ушбу қопнинг бутлиги ва унинг тўғри боғланганлигини текшириб қабул қилиш балансдан ўтказилмаган ҳолда амалга оширилади.

114. Айланма кассада мавжуд бўлган нақд пул, ўз лимити доирасидан ошмаган ҳолда мижозларнинг буюртмаларига биноан, банклар томонидан нақд пулни бериш мақсадида олдиндан тайёрлаб қўйилиши мумкин.

115. Банк бухгалтеридан олинган нақд пул чеклари бўйича кейинги иш куни давомида бериладиган нақд пулларни олдиндан тайёрлаш ва ўраб-боғлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) пулни олдиндан тайёрлаб қўйиш зиммасига юклатилган кассир, касса якунланганидан сўнг, ўзи қабул қилиб олган чиқим ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. Агар мавжуд бўлган нақд пуллар етмаган тақдирда, кассир етмаётган суммани касса мудирининг 155-шаклдаги китоби орқали қабул қилиб олиши мумкин;

б) ҳар бир ҳужжат бўйича алоҳида тайёрланган нақд пул (тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган боғламлар, пломбалари олдиндан кесилган тангали қоплар, пулларнинг дасталари) кассирга берилади. У назоратчининг кузатуви остида, пул суммалари ва боғламлари тўғри танланганини текширади ҳамда ташқи чоклари бўлмаган қопга жойлайди. Қоп оғзи тикилади ва тугунлари ҳамда титилган жойлари бўлмаган тизимча билан сиқиб боғланади. Ёрликда ўраб-боғланган сана ва жойланган пулнинг умумий суммаси кўрсатилади. Шундан сўнг, кассир ва назоратчининг имзолари қўйилиб, фамилияси ва исм-шарифи ёзилган тўртбурчак муҳрлари босилади. Тизимча учлари чандиб боғланади ва кассирнинг пломбири билан пломбаланиб, ёрликқа чиқим ҳужжатлари бириктириб қўйилади.

Беришга тайёрлаб қўйилган ва унча кўп бўлмаган суммалар жойланган қоплар, умумий қопга ёки қулфланадиган аравачага жойланиши мумкин. Кассир уларни пломбалайди, жойланган пулнинг умумий суммаси кўрсатилган ёрликни бириктириб қўяди. Ёрликқа сана, кассир ва назоратчининг имзоси қўйилиб, фамилияси ва исм-шарифи ёзилган тўртбурчак муҳр босилади. Бундай ҳолларда барча чиқим ҳужжатлари умумий ёрликқа бириктирилади;

в) бериш учун тайёрлаб қўйилган нақд пулни касса мудир чиким ҳужжатлари билан бирга кассирнинг 155-шаклдаги китобига имзо қўйиб қабул қилиб олади.

116. Пуллар қоплар (аравачалар)га бириктирилган ёрликлардаги ёзувларига қараб қабул қилинади ва бунда уларнинг бутлиги, пулнинг тўғри ўраб-боғланганлиги ва пломбир изларининг аниқ тушганлиги текширилади.

Кассир кейинги иш кун эрталаб касса мудиридан 155-шаклдаги китобга имзо қўйган ҳолда, пулни айнан шу тартибда қабул қилиб олади.

117. Кассир нақд пулли қопларни мијозларга беришни ушбу Йўриқноманинг 97-бандига мувофиқ амалга оширади. Берилаётган қоплардан пломбалар қирқиб олинмайди.

Мијозлар қопларни махсус ажратилган хонада банк ходимининг кузатуви остида очадилар, пломбаларни эса, банк ходими қирқиб олади.

VII боб. Кечки касса томонидан пул ва бошқа қимматликлар солинган халта (қоп)ларни инкассация хизмати ходимларидан қабул қилиб олиш тартиби

118. Банк амалиёт куни тугаганидан сўнг инкассация хизмати ходимларидан нақд пул ва бошқа қимматликлар солинган халта (қоп)ларни қабул қилиш мақсадида банкларда кечки кассалар ташкил этилади. Кечки кассада инкассация халта (қоп)ларини қабул қилиб олиш касса ва бухгалтерия ходимлари ҳисобидан тайинланган кечки касса кассири ва назоратчи-бухгалтери томонидан амалга оширилади.

119. Кечки кассанинг назоратчи бухгалтер кайта санаш кассасида ишлаши, шунингдек қайта санаш кассасининг назоратчиси эса, кечки касса ходимларининг вазифасини бажариши қатъиян тақиқланади.

120. Инкассаторлар бригадаси бир йўналиш бўйича ҳаракатланган тақдирда, кечки кассанинг кассири нақд пул солинган халта (қоп)ларни бригада бошлиғидан, шу бригадада ишловчи барча инкассаторлар иштирокида қабул қилиб олади.

121. Агарда инкассаторлар бригадаси бир нечта йўналиш бўйича ҳаракатланган ҳолларда, пул тушумини йиғишда қатнашган автомашина ҳайдовчиси қимматликлар солинган халталар кассир томонидан қабул қилиб бўлингунига қадар автомашина ёнида бўлиши ва бошқа йўналишлардан йиғилган пул тушуми солинган халталарни қўриқлаб туриши шарт.

122. Инкассаторлар пул тушуми солинган халта (қоп)ларни топшираётган вақтда мазкур Йўриқноманинг 19-илоvasида келтирилган ушбу халталарга берилган 006-шаклдаги юк хатларини, 32-иловада кўрсатилган 107-шаклдаги ташриф варақларини ва бўш халта (қоп)ларнинг сони ҳамда 8-иловада келтирилган йўналиш бўйича инкассаторларга бериладиган бўш халталар ва ташриф варақларининг сони тўғрисидаги маълумотномани юк хатлари билан ташриф варақаларидаги ёзувлар бир-бирига мос келишини текшириш учун кечки кассанинг назоратчи-бухгалтерига тақдим этади. Инкассаторлардан қабул қилиб олинishi керак бўлган халталар (қоплар) мазкур Йўриқноманинг 7-илоvasида келтирилган қабул қилиб олинган нақд пулли халта, қоп ҳамда бўш халталарни қайд этиш бланкасида 2 нусхада тўлдирилиб, рўйхатга олинган юк хатларини кассирга беради.

Инкассация халталарини қабул қилиш вақтида ташриф варақаларида тегишли изоҳларсиз қилинган тузатишлар, ташриф варақалардаги ёзувлар билан юк хатларидаги ёзувлар ўзаро мос келмаслиги ва бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда, шунингдек қўшимча топширилган пул тушуми солинган халталарнинг рақамлари бланканинг «Эслатма» устунида кўрсатилиши лозим. Қўшимча назорат қилиш учун варақда кўрсатилган умумий сумма ташриф варақаларидаги умумий суммалар билан солиштирилиши шарт.

123. Назоратчи-бухгалтер кассага топширилиши керак бўлган бўш халта (қоп)ларнинг сони ва рақамларини ташриф варақларига ёзилган маълумотлар ва бўш халталарнинг амалдаги сонига қараб аниқлайди.

Шундан сўнг, назоратчи-бухгалтер инкассаторлар томонидан кассага топширилган халта (қоп)ларнинг сонини маълумотномада (8-илова) кўрсатилган рақамига мос келишини текширади ва ташриф варақларини инкассаторларга қайтариб беради.

124. Кассир нақд пул солинган халта (қоп)ларни қабул қилиб олиш вақтида қуйидагиларни:

а) пул солинган халта (қоп)ларда бирон-бир ташқи шикастланиш ва бошқа нуқсонлар (ямоқлар, ташқи чоклар, йиртилган жойлар, қисилмаган ва шикастланган пломбалар, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари ва ҳоказолар) бор-йўқлигини;

б) пломбирлар изининг аниқлиги ва тасдиқланган намуналарига мос келишини (ушбу Йўриқноманинг 355-банди);

в) инкассаторлар топшираётган халталарнинг рақамлари юк хатларида кўрсатилган рақамларига мос келишини;

г) танга солинган қопларнинг сони, шунингдек қабул қилинаётган тушумнинг умумий суммаси, юк хатларида кўрсатилган суммага мос келишини текширади.

125. Ҳар бир йўналиш (кириб ўтиш) бўйича халта (қоп)ларни қабул қилиб бўлганидан сўнг, кассир, назоратчи-бухгалтер, катта инкассатор ва йиғувчи инкассаторлар бланканинг (7-илова) иккала нусхасига имзо қўядилар. Биринчи нусхасига қимматликларни топширган инкассаторлар бригадасининг муҳри (штамп) босилади, иккинчи нусхасига эса кечки кассанинг муҳри босилган ҳолда, назоратчи-

бухгалтер томонидан бригаданинг катта инкассаторига берилади. Мухр кечки касса кассирига бириктирилган бўлиб, унда сақланиши шарт.

126. Кассир йўналиш (кириб ўтиш) бўйича қабул қилинган халта (қоп)ларни назоратчи-бухгалтернинг кузатуви остида пул сақлаш омбори (сейф)га жойлайди. У назоратчи-бухгалтер билан бирга бланкада (7-илова) кўрсатилган халта (қоп)лар сонини йўналиш бўйича қабул қилиб олинган халталар сони билан солиштиради ва қабул қилинган барча халталар пул сақлаш омбори (сейф)га жойланганлигига ишонч ҳосил қилгач, пул сақлаш омборини (сейф) иккита калит билан қулфлаб, иккита сургучли муҳр билан муҳрлайдилар.

127. Биринчи калит, муҳр билан бирга кассирга, иккинчи калит ва муҳр назоратчи-бухгалтерга бириктирилади. Бунда ҳар бир ходим омборни ўз калити билан қулфлаб, шахсий муҳри билан муҳрлайди ва белгиланган тартибда қўриқлаш хизматига топширади.

128. Пул ва бошқа қимматликлар солинган халталарни қабул қилиб олинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар инкассация қилинган тушум билан бирга сақланади.

129. Барча йўналишлар бўйича қабул қилинган пулли халта (қоп)лар ва бўш халталарнинг умумий сони тўғрисидаги маълумотнома (10-илова) икки нусхада тузилади.

Маълумотноманинг биринчи нусхаси, халталарни қабул қилиш ҳисобини юритиш дафтари билан бирга пулни қайта санаш кассаси назоратчисига, унинг ҳар иккала нусхасига имзо қўйдирган ҳолда берилади. Маълумотноманинг иккинчи нусхаси кечки касса ходимларининг пул сақлаш омборида бир йилга қадар сақланади, шундан сўнг улар махсус комиссия иштирокида йўқ қилинади.

130. Инкассаторлар пул ёки бошқа қимматликлар солинган нуқсонли халта (қоп)ларни тақдим этаётган вақтда (пломбаси шубҳали бўлган, унинг тизимчадан кўчганлиги, халта (қоп) ёки қулфнинг шикастланганлиги, инкассация қилинган тушум суммаси юк хатида ва ташриф варақасида кўрсатилган сумма билан бир-бирига мос келмаслиги ва ҳоказолар) кассир, назоратчи-бухгалтер билан бирга шундай халта (қоп)ларни тақдим этган инкассаторлар иштирокида уларни очади ҳамда ундаги пул ва қимматликларни бирма-бир қайта санайди.

131. Нуқсонли халта (қоп)ларни очиб, ундаги пул ҳамда қимматликларни бирма-бир (доналаб) қайта санаш банк раҳбарининг кўрсатмасига биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг вакили (мижоз) иштирокида амалга оширилади.

132. Нуқсонли халта (қоп) қабул қилинган барча ҳолларда ундаги пул ва қимматликларни қайта санаш натижалари тўғрисида 3 нусхада далолатнома тузилади. Далолатномага пул ва қимматликларни қабул қилиш ҳамда қайта санашда қатнашган барча шахслар имзо қўяди. Далолатномада халта (қоп)нинг қабул қилинган ва очилган санаси, унинг рақами, қайси хўжалик юритувчи субъектга бириктирилганлиги, ундаги пул ва қимматликлар ким томонидан қайси хонада ва қимматликларнинг иштирокида қайта саналганлиги, қандай шикастлар аниқланганлиги, пул ва қимматликлар қандай ўрамда бўлганлиги, пул ва қимматликларнинг илова ҳужжатларида кўрсатилган суммаси ва халта (қоп)даги қимматликлар тури ҳамда қиймати бўйича қайта саналгандаги амалда чиққан суммаси кўрсатилади.

Далолатноманинг биринчи нусхаси банкнинг кунлик касса ҳужжатларига тикилади, иккинчи нусхаси — қимматликларни олиб келган инкассация ходимларига берилади, учинчи нусхаси — қимматликларни инкассаторларга топширган хўжалик юритувчи субъектга топширилади. Халтада катта миқдорда камомад ёки қалбаки пуллар аниқланган тақдирда, далолатноманинг тўртинчи нусхаси тузилади ва у зарурият туғилган тақдирда, халтада қимматликлар камомади ёки қалбаки пуллар

тўғрисидаги ашъевий далиллар билан бирга (халта (қоп), пломба, бандероль ёки целофан, тизимча ва бошқалар) шаҳар (туман) Ички Ишлар бўлимига тақдим этилиши шарт.

133. Инкассаторлар қимматликлар солинган халта (қоп)лар, ташриф варақалари ва бўш халта (қоп)ларни кам топширганларида ёки бирон хил ташқи шикастланиш ва бошқа нуқсонлари бўлган халта (қоп)даги пул ва қимматликлардан камомад аниқланган тақдирда, шунингдек инкассаторлар ўз йўналишларидан белгиланган вақтда қайтмаганларида ҳамда бригада рация орқали чақириққа жавоб бермаган ҳолларда, инкассация бўлими бошлиғи (навбатчи инкассатор) ёки кечки кассанинг назоратчи-бухгалтери бу ҳақда банк раҳбарига, инкассация бўлими бошлиғига, зарурат туғилган тақдирда, инкассация бошқармаси бошлиғига дарҳол хабар бериши шарт.

134. Кейинги кун эрталаб кечки кассанинг кассири ва назоратчи-бухгалтери қуйидагиларни:

а) пул тушуми солиниб инкассация қилинган халталар ва уларга берилган юк хатлари, шунингдек бўш халталар қайта санаш кассасига ушбу Йўриқноманинг 144 — 146-бандларида белгиланган тартибда топширадилар;

б) махсус кассаларнинг нақд пул солинган қоп (халта)лари ва уларга берилган юк хатлари касса мудирига маълумотноманинг (10-илова) ҳар иккала нусхасига имзо қўйдирган ҳолда топширади.

135. Касса мудирини махсус кассаларнинг нақд пул солинган қоп (халта)ларини кечки кассанинг кассири ва назоратчи-бухгалтери иштирокида очади ҳамда пулларни боғламлар ва дасталар бўйича, тўлиқ бўлмаган дасталарни бирма-бир санаш йўли билан, тангани эса — қопларга бириктирилган ёрлиқлар бўйича текширади.

Касса мудирини ҳақиқатда мавжуд бўлган нақд пулни илова қайдномасидаги маълумотларга солиштириб кўрганидан сўнг, кечки кассанинг кассири ва назоратчи-бухгалтери билан бирга қайдномани ҳамда унга тегишли бўлган юк хатини имзолайдилар. Шундан сўнг касса мудирини қабул қилинган пул суммасини ўзининг 155-шаклдаги китобига киритади. Юк хатлари белгиланган тартибда мижознинг ҳисобварағига ўтказиш учун бухгалтерия ходимига берилади, илова қайдномалари эса, шу куннинг касса ҳужжатларига тикилади.

136. Агар махсус кассадан қабул қилинган нақд пулни, кечки кассанинг иш шароитига кўра, касса мудирини топширишнинг иложи бўлмаса, нақд пулли халта (қоп)лар кечки касса ходимлари томонидан 155-шаклдаги китобга имзо қўйдирган ҳолда, қайта санаш кассасига бошчилик қилаётган назоратчи кассирга — кейинчалик ушбу Йўриқноманинг 134-135-бандларига мувофиқ касса мудирини бериш учун топширилади. Бундай ҳолда касса мудирини халта (қоп)ларни қайта санаш кассасининг назоратчи кассири ҳузурида очади.

VIII боб. Нақд пулни қайта санаш

137. Пул ва бошқа қимматликларни ўз вақтида қайта санаш, уларни шакллантириш ва ўраб-боғлашни таъминлаш мақсадида, банкларда қайта санаш кассалари ташкил этилади.

138. Қайта санаш кассасининг хонаси, касса тармоғининг бошқа хизматларидан муҳофазаланган, эшиклар ички томондан қулфланадиган ва кириш эшигига кузатув тўйнуқчаси (глазок) ўрнатилган бўлиши керак.

139. Металл тангаларни машиналарда қайта санаш учун алоҳида хона ёки ка-

бина ажратилиши ва унинг девор ҳамда шифт (потолок)лари шовқин ютувчи материаллар билан қопланган бўлиши шарт.

140. Қайта санаш кассасининг хонаси қайта санаш бригадаси назоратчилари томонидан қайта санаш учун қабул қилиб олинган пул тушуми солинган халталарни сақлаш учун қулфланадиган металл тортмали махсус столлар ёки металл шкафлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

141. Кассирлар столи кассирнинг иш жойини ажратиб турувчи ва баландлиги 25 — 30 см.ни ташкил этувчи ойна билан ажратилиши, унинг тортмалари ва қулфланадиган металл столлари эса қайта саналган тушумни сақлаш учун солинган бўлиши шарт.

142. Пулни қайта санаш — қайта санаш кассасининг санок бригадалари ёки якка тартибда кассирлар томонидан амалга оширилади. Агарда банк кассасида бригада усули билан иш олиб бориладиган бўлса, унда ҳар бир бригадига назоратчи бошчилик қилади. Санок бригадаси назоратчисининг вазифаси, пулни қайта санаш кассасининг тажрибали ходими зиммасига юклатилади. Ҳар бир санок бригадаси 6-7 кишидан кўп бўлмаган ходимлардан ташкил топиши лозим.

143. Агар пулни қайта санаш кассасида битта бригада бўлса, тушлик вақтида кассирлар ўзларида мавжуд бўлган нақд пулларни умумий металл шкафда сақлашлари мумкин. Бундай ҳолларда ҳар бир кассир ўзига тегишли бўлган пулни алоҳида қоп ёки қутичага солиб қўйиши шарт. Бунда шкаф иккита: бригада назоратчисидаги ва кассирлардан биридаги калитлар билан қулфланиб, назоратчи-кассирнинг пломбири билан пломбаланади. Шкафнинг қулфланиши ва очилиши бригаданинг барча кассирлари иштирокида амалга оширилади.

144. Назоратчи ёки бригада назоратчиси нақд пулли халталар билан уларга тегишли бўлган юк хатларини кечки касса кассири ва назоратчи-бухгалтеридан маълумотноманинг (10-илова) иккала нусхасига имзо қўйган ҳолда қабул қилиб олади.

145. Бригада назоратчиси халталарни бланкалар (7-илова) ҳамда юк хатлари бўйича ушбу Ўйриқноманинг 124-бандида кўзда тутилган тартибда мустақил равишда қабул қилиб олади. Халталарни қабул қилиш-топшириш вақтида хонада бегона шахсларнинг бўлиши қатъиян тақиқланади.

Шундан сўнг, кечки касса кассири бўш инкассация халталари, бланкалар (7-илова), маълумотнома (8-илова), халтанинг рақамлари қабул қилиб олинган нақд пулли халта, қоп ҳамда бўш халталарни қайд этиш бланкасида (7-илова) кўрсатилган рақамига мос келишини текшириш учун қайта санаш кассасига раҳбарлик қилувчи назоратчи кассирга беради.

146. Банк амалиёт куни давомида инкассация ходимлари томонидан келтирилган нақд пул солинган халталарни бригада назоратчиси томонидан ушбу Ўйриқноманинг 124-бандида белгиланган тартибда бухгалтерия томонидан ажратилган назоратчи-бухгалтер иштирокида қабул қилиб олинади. Бундай ҳолларда бланканинг (7-илова) иккинчи нусхаси қайта санаш кассаси назоратчисининг муҳри билан муҳрланади. Муҳр назоратчига бириктирилган бўлиб, унда сақланиши шарт. Банк амалиёт куни мобайнида қабул қилинган нақд пулли халта(қоп)лар ва бўш халталар тўғрисидаги маълумотнома (10-илова) бир нусхада тузилади.

147. Халталар қабул қилинаётган вақтда бригада кассирларининг ишини кассанинг бошқа ходими ёки касса мудири халталарни қайта санаш учун бермаган ҳолда назорат қилиб туриши лозим.

148. Бригада назоратчиси томонидан халталар ва қайта саналган пулларнинг натижалари ҳақидаги ҳисобот 176-шаклдаги назорат қайдномаларида олиб борилади (15-илова).

149. Бригада назоратчиси кассирларга пулни санаш учун биттадан халта беради, унинг рақамини эса назорат қайдномасига олдиндан ёзиб қўяди.

150. Кассир назоратчининг кузатуви остида тизимчанинг бир томонидан кесиб халтани очади ҳамда ундан пул ва чекларни олади сўнгра, халтани назоратчига бериб, пломбани ўзида олиб қолади.

151. Назоратчи барча пул ва чекларни халтадан олинганлигини текшириб кўрганидан сўнг, халтанинг ички чўнтагидан илова қайдномасини олади, сўнгра халта билан ҳужжатларни ўзида назорат учун олиб қолади.

152. Очилган халтанинг пломбаси тизимча билан бирга, халтадан олинган қимматликлар қайта санаб бўлингунига қадар кассирда сақланади.

153. Қимматликлар қайта санаб бўлинганидан сўнг, кассир халтадан амалда чиққан пул ва чеклар суммасини назоратчига айтади. Назоратчи айтилган суммани илова қайдномасининг олд ва орқа томонларида кўрсатилган суммаларга солишти-
ради.

Кассир маълум қилган суммалар илова қайдномасида кўрсатилган суммалар билан бир хил чиқса, назоратчи илова қайдномаси билан бирга юк хатларини кассирга имзо қўйиш учун беради.

154. Камомад, тўловга яроқсиз ва қалбаки пуллар (улар миқдорининг қанчалигидан қатъи назар) аниқланган тақдирда, пломба тизимча билан бирга, топширувчининг хоҳишига биноан, кўриб чиқиш учун унга берилади. Бундай ҳолларда халта пломбаси тизимчадан ажратилмайди ва ёрликда кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектнинг халта рақами, аниқланган сана ва камомад суммаси, ҳисобчи-кассир ва бригада назоратчисининг имзолари қўйилган ҳолда, бригада назоратчисида 10 иш куни мобайнида сақланади.

155. Бригадининг кассири ва назоратчиси томонидан халталардаги ҳисоб-китоб чекларининг тўғри расмийлаштирилганлиги (имзоларнинг борлиги, сўз ва рақам билан ёзилган суммаларнинг ўзаро мос келиши, улар тўлов учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи хўжалик юритувчи субъектнинг муҳри ҳамда мансабдор шахсларнинг имзолари мавжудлиги) текширилади.

Шундан сўнг, назоратчи уларни ўз имзоси билан тасдиқлайди ва назорат қайдномасига суммаларни ёзиб қўяди.

156. Кассир санаб бўлган пулларни ўзининг стол тортмасига солиб қўяди ҳамда чекларнинг сони ва суммаларини 175-шаклдаги назорат варағида (21-илова) қайд этиб, ҳисоб бригадасининг назоратчисига имзо қўйдирган ҳолда беради.

Назоратчи томонидан кассирларга берилган халталардаги пуллар қайта санаб бўлинганидан сўнг, ушбу пуллар йўриқноманинг IV-бобида қайд этилган тартибда дасталанади ва ўраб-боғланади.

157. Халталардаги суммалар илова қайдномаларида кўрсатилган суммаларга мос келмаган тақдирда, кассир назоратчи билан бирга санаб бўлинган пулларни илова қайдномасининг орқа томонидаги купюралар рўйхати билан солиштириб кўриши, назоратчи эса, суммаси мос келмаган ўша қийматдаги пулларни қайта санаб кўриши шарт.

158. Камомад, ортиқча, (тўловга яроқсиз, қалбаки) пуллар тасдиқланган тақдирда, кассир томонидан илова қайдномасининг олд томонидаги далолатнома тўлдирилади ҳамда халтанинг юк хатига кассир ва назоратчи, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг вакили, агар у пул тушумини қайта санаш вақтида иштирок этган бўлса, имзолайдилар.

159. Пул ва чекларнинг камомад суммаси 1000 сўмдан юқори бўлса, назоратчи — касса мудирини, мижозни ва банк раҳбарини хабардор қилади.

160. Маблағлар олдиндан мижоз ҳисобварағига ўтказилган ҳолда, қайта санаш вақтида улар томонидан ҳалталарга солинган пулларнинг нотўғри қўйилганлиги (ортиқча, камомад, тўловга яроқсиз, қалбаки) аниқланса, кассир бу ҳақда алоҳида далолатнома (17-илова) тузади ва ушбу далолатнома бухгалтерия ходимларига мижоз ҳисобварағидаги ўтказмани тартибга келтириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

161. Банк томонидан ушбу Ўйриқноманинг 155-бандида кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра, қабул қилиниши мумкин бўлмаган чеклар, хўжалик юритувчи субъектга қайтариб берилади.

162. Илова қайдномаси ва юк хатининг орқа томонига чекни қайтариш сабаби кўрсатилиб, кассир билан назоратчи имзо қўядилар. Чек бўш ҳалтага солиниб, қимматликларни қайта санаган кассир томонидан пломбланади. Ҳалтага хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва чек суммаси кўрсатилган ёрлик бириктириб қўйилади.

163. Қайта санаш вақтида аниқланган камомад, ортиқча, (тўловга яроқсиз, қалбаки) пуллар қайта санаш кассасида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бўйича алоҳида дафтарда, шунингдек ҳалтага нотўғри қўйилган тушумларни аниқлаган ҳар бир кассир бўйича эса алоҳида китобга (39-илова) қайд этилади.

164. Банк раҳбарлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул тушумининг топширилиши бўйича тартиб ўрнатиш чораларини кўришлари шарт.

165. Қайта санаш вақтида аниқланган тўловга яроқсиз ва қалбаки пуллар ҳамда тангалар учун ўша ҳалтага тегишли бўлган илова қайдномаси ва ҳалтадаги юк хатига далолатнома тузилиб, унда ҳар бир пулнинг серия ва рақамлари, қиймати ҳамда тангалар суммаси кўрсатилади. Тўловга яроқсиз пулларга «Алмаштириб бериш рад этилди» деган муҳр босилиб, унда банк номи, сана ва ушбу қарорни қабул қилган шахснинг имзоси кўрсатилади (1-илова).

166. Далолатномада қайд этилган пул ва тангалар қайта санаш кассасига бошчилик қилувчи ходимга берилади. Ушбу ходим хўжалик юритувчи субъектнинг ҳалталарида аниқланган тўловга яроқсиз ва қалбаки пулларнинг қиймати ва уларнинг рақами ёки тангалар суммаси бўйича қабул қилинганлиги юзасидан маълумотнома тузади. Маълумотнома 003-шаклдаги қирим ордерларини (20-илова) тузиш ва кўрсатиб ўтилган пулларнинг 90145 «Тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар» ҳисобварағига қирим қилиниши учун банкнинг бош бухгалтерига юборилади.

167. Қирим ордерлари уч нусхада тузилиб — биринчи нусхаси кунлик касса ҳужжатларига, иккинчиси — бухгалтериянинг кунлик ҳужжатларида қолиш учун ва унинг учинчи нусхаси — тўловга яроқсиз (қалбаки) пуллар билан бирга сақланади. Шундан сўнг, ордерлар, тўловга яроқсиз пул ва тангалар касса мудирига топширилади.

168. Тўловга яроқсиз пул ва тангалар аниқланган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида мижознинг талабига кўра банкдан ташқарига олиб чиқмаслик шarti билан, унга кўрсатилиши мумкин. Келгусида ушбу тўловга яроқсиз пуллар инкассаторлар орқали Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб-китоб-касса марказига рўйхатлар (1 ва 23-илова) билан бирга 90143 «Экспертизага қабул қилинган йўлдаги банкнот ва тангалар» ҳисобварағига ўз номинал қиймати бўйича юборилади. Ушбу тўловга яроқсиз пул ва тангалар тегишли мутахассислар томонидан экспертиза қилинганидан сўнг, белгиланган тартибда йўқ қилинади ёки алмаштириб бериш учун тегишли банкка юборилади.

169. Аниқланган қалбаки пуллар ушбу Ўйриқноманинг 203-бандида кўзда тутилган тартибда чора кўриш учун банк бошқарувчисига хабар қилинади.

170. Зарурат туғилган тақдирда, нақд пул солинган ҳалталар кун давомида қайта

санаш бригадасининг бир назоратчиси томонидан иккинчисига назорат қайдномасининг орқа томонида берилган халталарнинг рақамлари ва умумий сонини (рақам ва сўз билан) кўрсатган ҳолда имзо қўйиб, топширилиши мумкин.

171. Барча халталар очилиб, нақд пуллар қайта санаб бўлинганидан сўнг, қайта санаш бригадалари назоратчилари назорат қайдномалари бўйича саналган пул тушуми суммасини ҳар бир кассир бўйича алоҳида кўрсатадилар ҳамда халталарга тегишли бўлган илова қайдномалари ва юк хатларини, шунингдек чекларни, пулни қайта санаш кассасига бошчилик қилаётган назоратчи кассирга берадилар. Чеклар 175-шаклдаги назорат варағига уларнинг сони ва суммаларини кўрсатган ҳолда, имзо қўйдириб топширилади (21-илова).

172. Назоратчи кассир илова қайдномалари ва юк хатларидаги камомад, ортиқча, тўловга яроқсиз ва қалбаки пул ҳамда тангалар, чеклардаги камомадлар, ортиқча ва нуқсонли чеклар тўғрисидаги маълумотлар қандай тўлдирилганлигини текширганидан сўнг, бухгалтерия ходимларига халталар юк хатларини ва ҳисоб-китоб чекларини қайд этиш (разносной) дафтарига чеклар сони ва суммаларини кўрсатган ҳолда, имзо қўйдириб беради.

173. Халталарга тегишли бўлган юк хатлари ҳисобини юритувчи бухгалтерия ходимларига тушумни қайта санаш натижалари бўйича кимир касса журналига ёзиб қўйиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун берилади.

174. Кун охирида кассир ўзи қайта санаган ва ўраб боғлаган нақд пул суммаларини назорат қайдномасидаги (15-илова) маълумотга мос келишини таққослаганидан сўнг, назорат қайдномаси кассир ва назоратчи томонидан имзоланади.

175. Кўрсатиб ўтилганлар солиштириб бўлинганидан сўнг, кассир тўлиқ пул боғламларини касса мудирига 175-шаклдаги назорат варағига (21-илова) имзо қўйдирган ҳолда топширади. Касса мудирига банк амалиёт куни давомида пул бериш эҳтиёжи туғилган тақдирда, кун охиридаги таққослаш худди шу тартибда амалга оширилади.

176. Тўлиқ боғламлар, дасталар, пакетлар ва қопларни шакллантиришга етмаган пул ва тангалар, пулни қайта санаш кассасига бошчилик қилувчи назоратчининг кўрсатмасига биноан, барчасини йиғиб, ўраб-боғлаш учун махсус ажратилган бир ёки бир нечта кассирга 175-шаклдаги назорат варақларига (21-илова) имзо қўйдириб топширилади. Улар пулни дасталаб, белгиланган тартибда ўраб-боғлаганларидан сўнг, нақд пулни касса мудирига 175-шаклдаги назорат варағига (21-илова) имзо қўйдириб, топширадилар.

177. Кассирлар пулни топшириб бўлганларидан сўнг, пулни қайта санаш кассасининг бригада назоратчилари, назорат қайдномаларида чиқарилган ва қайта саналган пул тушумини ҳар бир кассир бўйича қайдномада кўрсатилган суммаларни назорат варақаларининг якунлари билан солиштирадилар. Бригада назоратчилари ортиқча ва камомад пулларни ҳисобга олган ҳолда, қайдномаларнинг умумий суммасини ўзлари очиш ва қайта санаш учун қабул қилиб олган халталарга солинган пулнинг кўрсатилган суммасига таққослайдилар ҳамда кассирларнинг қайдномалари, назорат варақалари ва бўш халталарни қайта санаш кассасига бошчилик қилувчи катта кассирга берадилар.

178. Катта кассир бригада назоратчилари қайтарган бўш халталар сонини қайта санаш учун қабул қилиб олган халталар сонига мос келишини ва пулнинг тўлиқ топширилганлигини текширади. Текшириб бўлганидан сўнг, пулни қайта санаш кассасига бошчилик қилувчи катта кассир қайта санаб бўлинган нақд пулларга доир хужжатларни касса мудирига топширади.

179. Касса мудир кассирлардан қабул қилиб олган пул суммасини назорат

қайдномаларида кўрсатилганига мос келишини текширади. Шундан сўнг айланма кассасига ўзи қабул қилиб олган пул суммаси тўғрисидаги маълумотномага (10-илова) имзо қўйиб, маълумотнома (8-илова), бланка (7-илова), шунингдек нақд пулни қайта санашга доир бўлган назорат қайдномаларини (15-илова) банкнинг бош бухгалтерига топширади.

180. Иш куни охирида назорат варақалари кассирлар томонидан пулни қайта санаш кассаси назоратчисига берилади ва у назоратчида 10 иш куни мобайнида сақланади.

181. Бош бухгалтер (унинг ўринбосари) кирим касса дафтари якунларини нақд пул жойланган халта, қоп ҳамда бўш халталарни ҳисобга олиш бланкасини (7-илова), кечки касса томонидан қабул қилиб олинган нақд пулли ва бўш халталар тўғрисидаги маълумотнома (10-илова) билан пулни қайта санаш вақтида аниқланган ва назорат қайдномаларида кўрсатилган (15-илова) ортиқча, камомад, тўловга яроқсиз, қалбаки пул ва тангаларни ҳисобга олган ҳолда таққослайди. Ушбу суммани инкассация бўлими бошлиғининг инкассаторлар томонидан топширилган умумий тушум суммаси тўғрисидаги маълумотномаси билан (9-илова) таққослайди ва бланка (7-илова) асосида қабул қилиб олинган халталар сонини бўш халталар сони, йўналишга чиқиш учун бериладиган ташриф варақаларида кўрсатилган маълумотнома билан (8-илова) солиштириб бўлганидан сўнг, маълумотномани (10-илова) имзолайди.

182. Инкассаторлар томонидан топширилган илова ва назорат қайдномалари, тушумнинг умумий суммаси тўғрисидаги маълумотнома (9-илова), ташриф варақалари ва йўналишга чиқиш учун берилган бўш халталарнинг сони тўғрисидаги маълумотнома (8-илова), қабул қилиб олинган нақд пулли халта ва қопларни ҳисобга олиш бланкаси (7-илова), кечки касса томонидан қабул қилинган нақд пулли ва бўш халталар (қоплар) тўғрисидаги маълумотномалар (10-илова) кунлик касса ҳужжатларига тикилади.

183. Назоратчи кассир иш куни тугаганидан сўнг ёки ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қайта санаш давомида бўшатишган халталарини инкассация ходимлари ёки касса мудирига алоҳида китобга (22-илова) имзо қўйдирган ҳолда беради.

184. Агар дам олиш кунлари инкассаторлар белгиланган тартибда пул тушумини умумий тарзда йиғсалар, лекин шу кунни пулни қайта санаш кассаси ишламаган тақдирда, касса мудирини ёки қайта санаш кассаси назоратчисини шундай кунлар арафасида касса мудирини ёки пулни қайта санаш кассаси назоратчисининг сейфида ёки металл шкафта сақланаётган бўш халталарни ушбу Ўўриқноманинг 183-бандида ўрнатилган тартибда инкассация бўлимига топширади.

185. Инкассация қилинган тушум дам олиш кунлари қайта саналган тақдирда, кассирлардан бири қайта саналган пулни қайта санаш кассасига бошчилик қилувчи ходимнинг назорати остида қабул қилиб олади ва сақлайди. Дам олиш кунлари ушбу саналган қимматликларнинг дахлсизлигини таъминлаш қайси касса ходими (касса мудирини ёки назоратчи кассир)га юклатилганлиги ва шу кунни ишлаган барча кассирлар рўйхати банк бўйича чиқарилган алоҳида бўйруқ билан расмийлаштирилиши лозим. Ишга жалб этилган ходимлар барча пул ва ҳужжатларнинг пул сақлаш омборини ёки сейфга қўйилганлигини текширадилар ҳамда уни иккита калит билан (ҳар бир ходим мустақил равишда) қулфлайдилар. Калитлардан бири кассирда, иккинчиси назоратчида сақланади. Сейф ушбу шахсларнинг муҳрлари билан муҳрланади ва белгиланган тартибда қўриқлаш хизматида топширилади.

186. Дам олиш кунлари қайта саналган тушум кечки кассанинг кассирини ва назоратчи бухгалтерига топширилиши мумкин ва бу ҳақда банк бўйича бўйруқ

чиқарилади. Кўрсатиб ўтилган тушум ушбу Йўриқноманинг IV-бобига мувофиқ дасталанади ва ўраб боғланади ҳамда кечки касса ходимларига назорат варақаси асосида берилади. Пул ва чекларнинг касса мудирига топширилиши, кейинги иш куни эрталаб кечки касса ходимлари томонидан 155-шаклдаги китоб бўйича амалга оширилади.

IX боб. Пул ва тангалар экспертизаси

187. Банк кассирлари муомаладаги пулларнинг тозалиги ва уларнинг сифатини ҳар куни назорат қилишлари шарт. Пул ва металл тангаларни қабул қилиш ҳамда улар билан ишлашда эскирган, шикастланган, шунингдек нуқсонли металл тангалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган пул ва металл тангаларнинг тўловга яроқлилиқ белгиларини аниқлаш Қоидаларига (1-илова) биноан муомаладан чиқарилади.

188. Кассирлар, пул санаш машиналарида қайта саналган пул ва тангаларни, шунингдек бевосита пул тушумини топширувчилар томонидан сараланган пул ва тангаларнинг ҳақиқийлиги, тўловга яроқлилиги ва эскирганлигини аниқлаш масъулиятдан озод этилмайдилар.

189. Тўлов ёки алмаштириб бериш учун қабул қилинган қалбаки ёки тўловга яроқсиз пулларни қабул қилиб олган банк кассирлари, ўзлари қабул қилган қалбаки ёки тўловга яроқсиз пул ва металл тангаларнинг умумий суммаси бўйича моддий жавобгар ҳисобланадилар.

Тўлов қобилиятини йўқотган пуллар алмаштириб берилмайди.

190. Пулларнинг тўловга яроқлилигини аниқлашда ушбу Йўриқноманинг 1-ило-
васида келтирилган тегишли сеткадан фойдаланилади.

191. Банклар ва уларнинг филиаллари ёнғинлар ёки бошқа бахтсиз ҳодисалар оқибатида яроқсиз ҳолга келган пулларни (Давлат ёнғин назорати органи томонидан берилган маълумотнома тақдим этилганда), уларнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилгач, банк (филиал) раҳбари рухсати билан алмаштириб бериш ҳуқуқига эгадирлар.

192. Шикастланган пулларни алмаштириб бериш, мижозлар уларни банк кассасига тақдим этганларидан сўнг, бухгалтерия ўтказмаларисиз амалга оширилади. Шикастланган пулларга «Алмаштирилган» деган тўртбурчак муҳр босилади ва унда банк номи, санаси, пулнинг ҳақиқийлигини кўздан кечирган шахснинг лавозими кўрсатилиб, унинг имзоси қўйилади. Кўрсатиб ўтилган пуллар эскирган пуллар тоифасига ўтказилади.

193. Келгусида пулларнинг бутлигини вақтинча сақлаш мақсадида, кассирларга шикастланган пулларни бутун ҳолда калькага ёки юпқа қоғозга ёпиштириш, табиий эскириш натижасида яроқсиз ҳолга келган пулларни эса алоҳида ўраб боғлаш тавсия этилади.

194. Банк кассирлари томонидан шикастланган пулларни полимер материаллар (скотч, целлофан ва хоказолар) билан елимлаш қатъиян ман этилади.

195. Агарда кассир учун пул ва тангаларнинг тўловга яроқлилигини аниқлашда қийинчилик туғилса, бундай ҳолда якуний қарорни касса операциялари бўлимининг бошлиғи (касса мудир), зарур ҳолларда эса — банк раҳбари қабул қилади.

196. Алмаштириб беришга рухсат этилмаган пулларга «Алмаштириб бериш рад этилди» деган тўртбурчак муҳр босилиб, банк номи, санаси, шундай қарорга келган ходимнинг лавозими кўрсатилади ва имзоси қўйилади.

197. Агар банк ходимлари пулларнинг тўловга яроқлилигини аниқлашда қий-

налсалар, ушбу пуллар мижознинг хоҳишига биноан 1-иловада кўрсатиб ўтилган ариза шаклига мувофиқ, экспертизага қабул қилиниши мумкин.

Пулларни экспертизага қабул қилинганлиги ҳақида мижозга 004-шаклдаги квитанция берилади.

198. Экспертизага қабул қилинган пуллар кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари ордерлари асосида 90141 «Экспертизага қабул қилинган банкнот ва тангалар» ҳисобварағига ўз номинал қиймати бўйича кирим қилинади. Инкассация қилинган пул тушумини қайта санаш вақтида ёки тафтиш, текширув ва бошқа ҳолларда уларнинг тўловга яроқлилигига шубҳа туғдирадиган пул ва тангалар ҳам айнан шу ҳисобвараққа кирим қилинади.

199. Кейинчалик экспертизага олинган пуллар банк мижозларининг аризалари билан биргаликда, экспертизага олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирилмаган ҳолда жойлардаги Марказий банк Бош бошқармасининг Ҳисоб-китоб касса марказлари (ХККМ)га рўйхат асосида (1 ва 23-иловалар) инкассаторларнинг навбатдаги ташрифи орқали жўнатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тўловга яроқсиз ва уларнинг тўловга яроқлилигини аниқлашда шубҳа туғдирувчи пуллар кейинчалик Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармасига юборилади.

200. Банк филиаллари томонидан жўнатилаётган пуллар 90143 «Экспертизага қабул қилинган йўлдаги банкнот ва тангалар» ҳисобварағининг алоҳида очилган шахсий ҳисобварағида ўз номинал қийматида ҳисобга олинади. Пул жойланган жўнатмалар қопларга жойланиб, филиал раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудирининг сургучли муҳрлари билан муҳрланади. Ушбу банкнот ва тангалар Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса марказига кирим қилиниб, кирим қилинганлиги ҳақидаги ёзма тасдиқномани банк филиали олганидан сўнг, ушбу пуллар экспертизадан ўтказилади. Тўловга яроқсиз деб топилган суммаларни ҳисобдан чиқариш қимматликлар кирим қилинганлиги тўғрисида олинган тасдиқномадан сўнг, амалга оширилади.

201. Тўловга яроқли деб топилган пул ва тангалар эскирган пуллар тоифасига ўтказилади ҳамда бир вақтнинг ўзида 90141 «Экспертизага қабул қилинган банкнот ва тангалар» ҳисобварағидан чиқим қилинади.

202. Экспертизага юборилган пул ва тангаларни алмаштириб бериш рад этилган тақдирда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб-касса марказларига рад этиш сабабларини ёзма равишда маълум қилади.

Шикастланган пул ва тангаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича уларни экспертизага топширган шахслар хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош экспертнинг хулосаси тегишли банкка хабар қилинади ва у мазкур банк учун мажбурийдир.

203. Қалбаки пуллар 90141 «Экспертизага қабул қилинган банкнот ва тангалар» ҳисобварағига ўз номинал қиймати бўйича кирим қилинади ва бу ҳақда банк раҳбарига хабар қилинади ва у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус кўрсатмаларига биноан белгиланган тартибда Ички ишларнинг туман (шаҳар) органларига қалбаки пулнинг қандай ҳолатда аниқланганлиги, унинг серия ва рақамини кўрсатган ҳолда хабар қилади. Қалбаки пуллар ушбу ҳисобварақдан чиқим касса ордери бўйича тилхат асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига, унинг ёзма сўровномасига асосан берилади. Қўшимча ахборот Марказий банкнинг тегишли ҳудудий Бош бошқармаси ва Эмиссия-касса операциялари департаментига маълумот учун юборилади.

**Х боб. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳузурида банкнинг
махсус кассаларини ташкил этиш**

204. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги банкнинг махсус кассаси шартнома асосида ташкил этилади ва унга банк раҳбарининг буйруғи билан тайинланадиган катта кассир ёки назоратчи бошчилик қилиб, айни вақтда у касса ходимларининг ишини ҳам назорат қилади. Шартнома тузишда 2-иловада келтирилган намунавий шартномадан фойдаланилади.

Тушган пулни инкассаторлар орқали банкка етказиш учун махсус кассага брезентдан тикилган стандарт қоп (халта)лар зарур миқдорда бириктириб қўйилади.

205. Кассирлардан пулни қабул қилиш ва уларни қоп (халта)ларга жойлаштириш банк буйруғига асосан ушбу вазифалар зиммасига юклатилган махсус касса ходимларининг бири томонидан катта кассир ёки назоратчининг кузатуви остида амалга оширилади.

Кассирлардан қабул қилиб олинган пуллар стандарт брезент қоп (халта)ларга жойланиб, қопларнинг оғзи тикилади ва тизимча билан 2,5 айланишда маҳкам боғланганидан сўнг, тизимча учлари катта кассир томонидан пломбаланади.

Кассир, катта кассир ёки назоратчи барча пуллар қопларга жойланганини текширадилар ва улар томонидан тузилган 006-шаклдаги илова қайдномаси (19-илова) тўпламининг (комплект) уч нусхасини имзолайдилар.

006-шаклдаги бланкалар тўпламининг орқа томонидаги «сони» деган устунда ҳар бир қийматдаги тангали қопларнинг сони кўрсатилади.

206. Қоп (халта)ларни қабул қилишдан аввал йиғувчи инкассатор банк махсус кассасининг катта кассирига шахсий гувоҳномасини, ишончномани (33-илова) ва ташриф варақасини (32-илова) тақдим этади.

Катта кассир ташриф варақасида кўзда тутилган барча ёзувларни амалга оширади. «Пул тушуми солинган халтанинг рақами» устунда пул солинган қоп (халта)нинг рақами ва тангали қопларнинг сони кўрсатилади. 006-шаклдаги (19-илова) бланкалар тўпламининг орқа томон пастки қисмида эса топширилган тангали қопларнинг умумий сони сўз билан ёзилади.

Инкассаторлар томонидан пул ва тангалар солинган қоп (халта)ларнинг қабул қилиниши ушбу Йўриқноманинг 366-бандида баён этилган тартибда амалга оширилади.

207. Банкка олиб келинган нақд пулли қоп (халта)ларни инкассаторлар кечки кассага ушбу Йўриқноманинг 122 — 124-бандларида кўзда тутилган тартибда ёки бевосита касса мудирига топширадилар. Бундай ҳолларда қоп (халта)ларнинг очилиши инкассаторлар иштирокида амалга оширилади.

208. Олиб келинган тушумни қабул қилиш ва қайта санаш натижаларига доир бўлган барча ҳужжатлар белгиланган тартибда тўпланиб, тикиб қўйилиши шарт. Тикилган ҳужжатлар банкнинг хўжалик юритувчи субъекти ҳузуридаги махсус кассада, катта кассирнинг жавобгарлиги остида уч ой, назорат варақалари эса 10 иш куни мобайнида сақланади. Сақлаш муддати тугаганидан сўнг, кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар йўқ қилинади.

209. Хўжалик юритувчи субъект кассири пулни банкнинг махсус кассасига топширишдан аввал, кирим ҳужжатларини рўйхатга олади ва хўжалик юритувчи субъектнинг бош кассирига имзолатиб, тегишли қайдномани нақд пул билан бирга, банк кассирига тақдим этади.

Кирим ҳужжати хўжалик юритувчи субъектлар томонидан намунавий шаклда-

ги бланкаларда пул тушумини топшириш учун нусха кўчириш қоғози (копирка) орқали икки нусхада тўлдирилади.

210. Банк кассири ҳужжатнинг тўғри тўлдирилганлиги ва имзолар мавжудлигини, рақам ва сўз билан кўрсатилган суммаларнинг ўзаро бир-бирига мос келишини текширади ҳамда пулни қабул қилиб бўлганидан сўнг, ҳужжатнинг иккала нусхасига имзо қўйиб, номи ёзилган тўртбурчак муҳри босади. Кассир ҳужжатнинг иккинчи нусхасини банк муҳри билан тасдиқлаб, уни миждозга беради, биринчи нусхасини эса, ўзида олиб қолади.

211. Банк раҳбари пул тушумини банкнинг махсус кассасига пломбаланган инкассация халталарида топшириш тартибини белгилайди.

Бунда хўжалик юритувчи субъект раҳбари, пулли халталарни пломбалаш учун қўлланиладиган пломбирларнинг намуналарини банкка тақдим этади.

212. Пул тушуми инкассация халталарида топшириладиган вақтда хўжалик юритувчи субъектнинг кассири 006-шаклдаги бланкалар тўпламини уч нусхада (19-илова) тўлдиради. Илова қайдномаси халтанинг махсус чўнтагига жойланади, юк хати ва квитанция халта билан бирга банкнинг катта кассирига тақдим этилади.

213. Банкнинг катта кассири халтани қабул қилаётган вақтда халта ва тизимчанинг бутлигини, пломбанинг банкка берилган намунаси билан бир хиллигини текширади. Пул тушуми солинган халтани қабул қилиб олганидан сўнг, катта кассир квитанцияга имзо қўяди ва унга банк муҳрини босиб, хўжалик юритувчи субъект кассирига беради.

214. Банк кассирлари ушбу Ўйриқноманинг 149 — 157-бандларига мувофиқ халталарни очиш ва пулларни қайта санашни банк назоратчиси ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бош кассири назорати остида амалга оширадилар.

215. Банкнинг махсус кассаси кассири қайта санаш вақтида аниқлаган тўловга яроқсиз пулларга «Алмаштириб бериш рад этилди», деган ёзувли муҳри босади ва унга банк номи, сана ва лавозимини кўрсатиб, имзо қўяди, халтанинг илова қайдномаси ва юк хатига далолатнома тузиб, тўловга яроқсиз бўлган ҳар бир пулнинг серия ва рақами ҳамда қийматини кўрсатади. Қалбаки пуллар аниқланган тақдирда, ушбу Ўйриқноманинг 203-банди талабларига амал қилиниши шарт.

Кўрсатиб ўтилган пуллар, далолатномалар билан бирга 90145 «Тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар» ҳисобварағига ўтказиш учун банкнинг касса мудирига берилади.

216. Банк кассири нақд пулни ушбу Ўйриқноманинг IV-бобига асосан белгиланган тартибда санайди, дасталайди ва ўраб-боғлайди. Нақд пул миқдори назорат қайдномалари ёки қирим ҳужжатларида кўрсатилганига мос келишини текширганидан сўнг, уни кун охирида катта кассирга ушбу Ўйриқноманинг 174 — 177-бандларида белгиланган тартибда топширади.

217. Катта кассир ёки назоратчи ҳар бир кассир қабул қилган ва қайта саналган пул тушуми суммасини назорат қайдномаларига қараб ҳисоблаб чиқади, суммани уларнинг назорат варақларидаги якунларига таққослайди ва юк хатлари билан бўш халталарни хўжалик юритувчи субъектнинг бош кассирига инкассаторларга топшириладиган бўш халталар китобига (22-илова) имзо қўйдирганидан сўнг топширади.

218. Катта кассир ёки назоратчи назорат қайдномаларининг умумий суммасини банк кассасига топширилган пул тушуми суммаси тўғрисидаги хўжалик юритувчи субъектнинг бош кассири томонидан тузилган қайдноманинг якуний суммаси билан таққослайди. Ушбу таққослаш банк кассаси катта кассирининг хўжалик юритувчи субъект қайдномасидаги имзоси ва хўжалик юритувчи субъектининг бош

кассири банк кассасининг назорат қайдномасига қўйиладиган имзолари билан расмийлаштирилади.

XI боб. Айланма кассасида якун чиқариш тартиби

219. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари банкларга айланма кассаларида сақланадиган нақд пуллар қолдигига лимит ўрнатадилар. Айланма касса қолдигининг лимити кун охирига ўрнатилади.

Айланма кассасида мавжуд бўлган пул ва металл тангалар суммаси белгиланган лимит суммасидан ошмаслиги лозим. Валюта айирбошлаш шохобчаси ходимларига, ҳисоб бериш шarti билан берилган пул ва металл тангалар суммаси, банкнинг айланма кассаси лимитига қўшилмайди.

Банк раҳбарлари айланма кассаларини ўрнатилган лимитга қадар тўлдириш чораларини кўришлари шарт.

220. Мавжуд маблағлар келгусидаги тўловларни таъминлаш учун етмаган ҳолларда, банклар айланма касса ва нақд пуллар захирасидаги етишмаган суммага мадад пулини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жойлардаги Бош бошқармаларидан уларнинг берган буюртмаларига асосан сўраб оладилар.

221. Айланма кассасидаги қолдиқ лимитдан ошиб кетган тақдирда, лимитдан ошган сумма қолдиғи шу куннинг ўзидаёқ белгиланган тартибда 10102 «Нақд пуллар захираси» баланс ҳисобварағига ўтказилиши лозим.

Айланма кассасининг лимитдан ортикча қолдиқлари пулларнинг тўлиқ боғламлари ёки тўлиқ танга солинган қопларда нақд пуллар захирасига ўтказилиши ва айланма кассасининг нақд пулларидан алоҳида стеллаж ёки сейфларда сақланиши ҳамда мазкур Йўриқноманинг 46-иловасида келтирилган 141-шаклдаги китобда ҳисобга олиниши лозим.

10101 «Айланма кассасидаги нақд пуллар» ҳисобварағидаги лимитдан ортикча қолдиқларни 10102 «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағига ўтказиш операциялари 10101 «Айланма кассасидаги нақд пуллар» ҳисобварағидан чиқим касса ордерлари орқали ҳамда 10102 «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағига кирим касса ордерлари орқали расмийлаштирилади. 10102 «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағидан чиқим қилиш чиқим касса ордерлари орқали ва 10101 «Айланма кассасидаги нақд пуллар» ҳисобварағига кирим қилиш кирим касса ордерлари орқали расмийлаштирилади. Бошқа банкларни мадад пули билан таъминлаш — 10101 «Айланма кассасидаги нақд пуллар» ҳисобварағидан амалга оширилади.

Нақд пулларни Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасининг Ҳисоб-китоб-касса марказига ёки бошқа банкка жўнатиш вақтида, жўнатиладиган сумма нақд пул захирасидан айланма кассасига ўтказилади. Нақд пулларни ташиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги инкассация бирлашмасининг инкассаторлари орқали яроқли пулларнинг тўлиқ боғламлари ёки танга солинган тўлиқ қопларда амалга оширилиши лозим.

222. Айланма касса лимити доирасида эскирган пуллар етарли миқдорда йиғилиб қолган банклар, эскирган пулларни тўловга яроқлиларига ўзларининг Бош банк бошқармаларининг касса операциялари бўлимларида алмаштириб олишлари мумкин. Бунда эскирган пулларни олиб кетиш ва алмаштириб берилган пулларни олиб келиш банкларнинг буюртмаларига асосан инкассаторлар орқали амалга оширилади.

223. Эскирган пуллар банк бошқармаларининг касса операциялари бўлимларида йиғилишига қараб, Бош банк бошқармалари эскирган пулларни тўловга яроқли пулларга Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларининг Ҳисоб-китоб-касса мар-

казларида инкассаторлар орқали алмаштириб олишлари мумкин. Бунда, эскирган пуллар Ҳисоб-китоб-касса маркази ходимлари томонидан банк вакили иштирокида доналаб санаб олиш орқали қабул қилинади.

224. Касса айланмалари бухгалтерия ходимларининг касса журналлари билан таққосланганидан сўнг кассирлар ўзларида бўлган ва ўрнатилган тартибда шакллантирилган пул қолдиғини касса мудирига ўзларининг маълумотномалари ва касса ҳужжатлари билан бирга 155-шаклдаги китоби ва назорат варақлари бўйича топширадилар

225. Касса мудир пулларни, ҳисобот маълумотларини ва ҳужжатларни кассирлардан қабул қилиб олганидан сўнг:

а) кассирларнинг маълумотномаларида кўрсатилган касса айланмаларининг суммаси бухгалтерия ходимлари томонидан имзо қўйдириб тасдиқланганлигини;

б) маълумотномалардаги пул қолдиғи ўзининг 155-шаклдаги китобидаги ёзувларни ҳисобга олган ҳолда тўғри кўрсатилганлигини;

в) кассирлар топширган ҳужжатларнинг сони ва суммаси маълумотномаларда кўрсатилганига мос келишини текширади.

226. Шундан сўнг, касса мудир пулни қайта санаш кассаси қабул қилиб олган пул суммалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотномаларида ва ёзувларда кўрсатилган маълумотлар, шунингдек пул қабул қилинган ёки шахсан ўзи берган ҳужжатлар бўйича 111-шаклдаги жамлама маълумотнома тузади ва унинг якунларини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослайди. Таққослаш бухгалтерия ходимининг 111-шаклдаги маълумотномасига имзо қўйиш билан расмийлаштирганидан сўнг, ушбу маълумотнома кассирларнинг 109-шаклдаги ва 110-шаклдаги ҳисобот маълумотномалари билан бирга кунлик касса ҳужжатларида сақланади.

227. Касса мудир шу кунги касса айланмаларини таққослаб бўлганидан сўнг, 120-шаклдаги китобга пул кирим-чиқимининг умумий суммасини ёзиб қўяди ва эртанги кунга белгиланган касса қолдиғини чиқаради.

228. Кассадаги пул қолдиғи билан бухгалтерия маълумотлари ўртасида тафовут пайдо бўлган ҳолда, бунинг сабабини аниқлаб, чорасини кўриш учун касса мудир дарҳол раҳбар ва бош бухгалтерга бу ҳақда хабар беради. Ортиқча ёки камомад суммаси борлиги аниқланганда 145-шаклдаги далолатнома тузилади. Бунда, ортиқча чиққан пул банк фойдасига кирим қилинади, камомад эса белгиланган тартибда жавобгар шахсдан ундириб олинади.

ХII боб. Кунлик касса ҳужжатларини тахлаш тартиби

229. Касса маълумотлари жамланганидан сўнг, касса мудир ёки катта кассир кунлик касса ҳужжатларини тахлайди ёки иловалар билан бирга, йиғмажилдга тахлаб ва тикиб қўйиш учун касса ходимларидан бирига беради.

Кунлик касса ҳужжатлари баланс ҳисобварақлари (тартиб рақамларининг ўсиб бориши) бўйича (аввал алоҳида кирим операцияларини бажарувчи кассирлар бўйича, сўнг қайта санаш кассаси операциялари бўйича) кассанинг кирими ва чиқими учун алоҳида-алоҳида қилиб тахланади, кейин ҳужжатларнинг кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича, аввал — кирим, сўнг — чиқим ҳужжатлари тарзида танлаб олинади.

230. Касса ҳужжатлари, кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда ҳар кунлиги учун алоҳида йиғмажилдга тахлаб, тикилиши ва рақамланиши шарт.

231. Ҳужжатларнинг сўмдаги маълумотлари ҳисоблаш машинкаларида ҳисобланиб, ахборотлар тасмаларга ёзилади. Ҳисоб тасмаларида ёзувлар алоҳида, аввал

кирим, кейин чиқим ва сўнгра кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича ёзилиб, ҳисобни амалга оширган ходим томонидан ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида имзоланади ва йиғмажилдда ҳужжатлардан олдинга жойлаштирилади.

Ҳужжатлар йиғмажилдининг олд томонига тўртбурчак муҳр босилади ёки ёрлик (16-илова) ёпиштирилади.

232. Кунлик касса ҳужжатларидаги суммалар 120-шаклдаги китоб билан таққосланганидан сўнг, йиғмажилднинг олд томонидаги ёзув, уни шакллантирган касса мудир ва кассирнинг имзолари билан тасдиқланади.

233. Сақлаш муддати 5 йилдан ошадиган касса ҳужжатлари уларнинг сақлашни муддатига қараб алоҳида йиғмажилдларга тикилади ва бу тўғрида йиғмажилднинг олд томонида тегишли ёзув қайд этилиши лозим.

234. Касса ҳужжатлари кейинги кундан кечиктирилмаган ҳолда бош бухгалтер томонидан текширилиши, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланиши ва унинг имзоси қўйилиб тасдиқланиши лозим.

235. Охириги ўн икки ой мобайнидаги касса ҳужжатлари, банк фаолиятини ҳужжатли тафтишдан ўтказилганлигидан қатъи назар, касса мудир жавобгарлигида, пул сақлаш омборида ёки касса ҳужжатларини сақлаш зиммасига юклатилган кассирнинг жавобгарлиги остида тегишли тарзда қўриқлаш ва сигнализация воситалари ҳамда муҳофаза қилинган қурилмалар билан таъминланган ва қўриқлашга топшириладиган алоҳида сейфда сақланади. 12 ойдан сўнг касса ҳужжатлари банк архивига топширилиши лозим.

236. Касса ҳужжатлари бўйича маълумотномалар — бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари имзо қўйган талабномага асосан берилади.

237. Касса ҳужжатлари билан йиғмажилдлар фақат айрим ҳолларда, банк раҳбарининг ёзма рухсатномасига асосан касса хонасидан олиб чиқилишига рухсат этилади. Ҳужжатлар иш куни охирида албатта жойига қайтарилган бўлиши шарт.

238. Кунлик касса ҳужжатлари банкнинг тафтишчиларига тафтиш бригадаси бошлиғининг тилхатига асосан берилади. Тафтиш ўтказилаётган вақтда ҳужжатлар тафтиш бошлиғининг жавобгарлиги остида бўлади. Касса ҳужжатлари тафтиш туғганидан сўнг банк кассасига қайтарилиши шарт. Касса мудир эса ушбу ҳужжатларни тўлиқ топширилганлигини текшириб тилхатни тафтиш бошлиғига қайтариб беради.

239. Касса ҳужжатлари банкдан «Банк сири тўғрисида»ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 144-модда) 12-моддасига асосан банк раҳбарининг имзоси қўйилган ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёпиқ ва муҳрланган конвертда қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилиши мумкин.

Касса ҳужжатининг олинган асл нусхаси ўрнига, унинг касса мудир томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси (ксерокопияси), ҳужжат олиб қўйилганлиги ҳақидаги барча ёзишмалар, олинган баённомаси, ҳужжатнинг асл нусхасини олган шахснинг тилхати ёки ҳужжатнинг жўнатилганлиги тўғрисидаги почта квитанцияси ва ҳоказолар тикиб қўйилади.

Бир календарь йилининг турли саналарига тегишли бир неча кунлик касса ҳужжатлари бир йўла олинган керак бўлган ҳолларда, олинган ҳужжатлардан бирининг ўрнига унинг нусхаси (ксерокопияси), ҳужжатни олиш учун талабнома (олиш (олиб қўйиш) баённомаси ва ҳоказолар), бошқа ҳужжатлар ўрнига эса уларнинг талабномаси каерда турганлиги кўрсатилган фақат нусха (ксерокопия)лари қўйилади.

XIII боб. Сақлаш учун қабул қилинган қимматликлар билан операциялар бажариш тартиби

240. Банклар, қуйидагиларни сақлаш учун қабул қилади:

а) нотариал идоралардан — мерос мулк таркибига кирувчи қимматбаҳо металллардан, қимматбаҳо тошлар ва марвариддан тайёрланган буюмлар, қимматбаҳо металллар қўймаси (ёмбиси), шлих (олтин қум), табиий ҳолда топилган олтин ва кумуш ёмбилари (самородок), эски, собиқ СССР даврида ва Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металллардан зарб қилинган тангалар, шунингдек хорижий давлатлар тангаси, чет эл валютаси, чет эл валютасида ёзиб берилган тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар, ўтказма (переводы) ва ҳоказолар;

б) бошқа органлардан — қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва марвариддан ясалган буюмлар, шунингдек қимматбаҳо тошлар, эски, собиқ СССР даврида ва Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металллардан зарб қилинган тангалар, чет эл тангалари ҳамда чет эл валютаси ва шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўм ва тангаларини;

в) қимматли қоғозлар, кафолат ва кафилликлар ҳамда гаров сифатида сақланётган мулклар ва мулкый ҳуқуқ (талаб)лар, гаров шартномаларининг асл нусхаларини.

241. Касса мудирини топшириладиган қимматликларнинг пакетларда ёки бошқа боғламларда ҳар бир тури ва баҳоланган суммаси кўрсатилган ариза-рўйхат асосида қабул қилади. Бунда у пакетлар ва бошқа боғламлардаги қўйилмаларни текшириб кўрмайди, аммо пакет ва боғламларнинг ҳамда муҳрларнинг бутлигини албатта текшириб кўриши шарт.

242. Сақлаш учун қабул қилинадиган қимматликлар банк филиалларида қимматликларни топширувчи шахслар билан келишилган баҳода 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобварақда ҳисобга олинади. Қиймати шартли бўлган буюмлар (масалан, калитлар) 1 сўм қийматидаги шартли баҳода қабул қилинади.

243. Сақлаш учун қабул қилинган қимматликлар (пакет, қутича ва ҳоказолар) қабул қилиниш саналари бўйича биринчи рақамдан бошлаб, навбатдаги тартиб рақамлари билан рақамланади.

Қимматликларни сақлаш учун қабул қилинганлиги тўғрисида банк сақлаш учун қабул қилинган қимматликларнинг тури, баҳоси ва рақами кўрсатилган 004-шаклдаги квитанцияни беради.

244. Банкда сақлаш учун қабул қилинган қимматликларнинг қисман қайтарилишига рухсат этилади. Қимматликларнинг бир қисмини олиш зарурати туғилган тақдирда, сақлаш учун топширилган қимматликлар бутун ҳолда уларни топширган шахсга қайтарилади ва қолган қисми банкка сақлаш учун қайта топширилади.

245. Қимматликларни қайтариш, қимматликларни топширган орган раҳбари томонидан имзоланиб, муҳри босилган сўров хати ва қимматликларни сақлаш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги 004-шаклдаги квитанцияни тақдим этиш орқали амалга оширилади.

246. Қимматликларни сақлаш учун қабул қилган банклар, уларнинг бут сақланиши бўйича эгалари олдида қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

247. Қимматбаҳо металллар давлат ҳисобига кириш қилинганда, ушбу операцияларни бажариш ваколатига эга бўлган органлар уларни мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига топширишлари шарт.

**XIV боб. Пул ва бошқа қимматликларни сақлаш ҳамда
уларнинг бутлиги юзасидан назорат ўрнатиш**

248. Пул сақлаш омборларидаги нақд пул маблағлари ва бошқа қимматликлар банк бошқарувчиси, бош бухгалтери ва касса мудир жавобгарлиги остида бўлади.

Ушбу жавобгарликни банк филиали (амалиёт бўлими бошлиғи) бошқарувчиси ўринбосари зиммасига юклашга рухсат этилмайди.

249. Пул ва қимматликларни ҳамда пул сақлаш омборлари калитларини таътилга чиқиш, хизмат сафарига кетиш, бетоблик ва бошқа сабабларга кўра, бир мансабдор шахсдан бошқасига вақтинча топширилиши банкнинг бош бухгалтери ва касса мудиридан банк раҳбарининг буйруғига асосан, бошқарувчидан эса Бош банк раҳбарининг ёзма рухсатномасига асосан амалга оширилади.

250. Мансабдор шахсларнинг меҳнат таътили жадваллари, хизмат сафарига чиқиш режалари шундай тузилиши керакки, бунда бир вақтнинг ўзида, қимматликларнинг бут сақланишига жавобгар бўлган бир нечта мансабдор шахсларнинг банкда бўлмаслигига йўл қўйилмаслиги лозим.

251. Барча пул ва бошқа қимматликлар пул сақлаш омборида сақланиши лозим. Агарда банкларда бир нечта пул сақлаш омборлари мавжуд бўлса, улар тартиб рақамлари қўйилган ҳолда, рақамланган бўлиши керак.

252. Пул сақлаш омборидаги нақд пул захирасининг пул маблағлари ва бошқа қимматликлар панжарали эшикчаси бўлган токчаларда (стеллаж ёки сейфларда) ёки қулфланадиган металл жавонларда сақланиши лозим.

253. Пул сақлаш омборидаги айланма кассасининг нақд пуллари ва бошқа қимматликлари нақд пул захирасидаги қимматликлардан алоҳида ажратилган сейф, стеллаж ёки темир аравачаларда сақланиши лозим. Айланма кассасидаги нақд пул ва бошқа қимматликлар мансабдор шахслар томонидан текшириб кўрилгач, касса мудир томонидан қулфланади.

Агар аравачаларда айланма кассасининг кейинги иш куни чиқим операцияларни амалга ошириш учун кассир томонидан тайёрлаб қўйилган нақд пуллари сақланаётган бўлса, аравачалар қулфланади ва тегишли кассирларнинг пломбирлари билан пломбаланади. Ҳар бир аравачага ёрлик осилиб, унга сана ёзилади, пулни тайёрлаган кассир имзоси қўйилиб, номи ёзилган тўртбурчак муҳри босилади ҳамда солинган пулларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

254. Пул сақлаш омборларида қимматликларни зудлик билан эвакуация қилиш зарурати туғилган тақдирда, уларни ташиш учун брезент қоплар, пломба ва тизимчалар етарли миқдорда сақланиши шарт.

Қоплар миқдори пул сақлаш омборида сақланаётган нақд пул ва бошқа қимматликлар ҳажмидан ва зарурат туғилган тақдирда пул сақлаш омборидаги барча қимматликлар ва ҳужжатларни бир вақтда олиб чиқиб кетиш учун қанча қоп зарур бўлишидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қоплар 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобварағига 1та қоп — 1 сўм қийматидаги шартли баҳода қирим қилиниб, алоҳида қопларга жойлаштирилиши ва учта мансабдор шахсларнинг муҳрлари билан муҳрланиши лозим. Ушбу қоплардан бошқа мақсадларда фойдаланиш қатъиян ман этилади.

255. Пул сақлаш омборида қуйидагилар алоҳида сақланиши шарт:

а) айланма кассасининг нақд пуллари. Бунда мижозга бериш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган нақд пуллар айланма кассасининг бошқа қимматликларидан алоҳида сақланиши;

б) нақд пуллар захираси ;

в) чет эл валютаси (чеклар);

г) бошқа қимматликлар.

256. Ҳар гал пул сақлаш омборига пул қўйилганида ёки пул олинганидан сўнг, қимматликларнинг сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар пул сақлаш омборида амалда қолган қимматликларнинг юритилаётган ҳисоб (рўйхатлар ва айланма кассасининг ҳисоб юритиш китоби бўйича) маълумотларига мос келишини текшириб қўришлари ва бунга ишонч ҳосил қилишлари лозим.

257. Икки ёки ундан ортиқ пул сақлаш омборларидаги, стеллаж ва токчаларга бир турдаги қимматликлар ва бир турдаги пул ёки тангалар жойлаштирилганда, бундай омбордаги ҳар бир стеллаж (токча)га қўйилган қимматликлар бўйича рўйхат (26-илова) тузилади. Рўйхат пул қўйилган сана ва амалдаги сумма кўрсатилган стеллажлардаги қимматликлар билан бирга сақланиши ёки пул сақлаш омборида алоҳида йиғмажилдда сақланиши лозим.

258. Қимматликларни сақлашда фойдаланиладиган стеллажлар, токчалар (полки), аравачалар, сейфлар ва металл шкафлар банк амалиёт куни тугаганидан сўнг у ерда қимматликлар бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, касса мудирининг томонидан қалит билан қулфлаб қўйилиши шарт. Қалитлар касса мудирининг пул сақлаш омборидаги шкафида сақланиши лозим.

259. Мижозларга бериш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган пуллар, алоҳида шкаф, токча, стеллаж ёки аравачаларда сақланиши шарт.

260. Омбордаги барча металл шкафлар, стеллажлар, сейфлар, шунингдек касса тармоғидаги сейфлар, металл шкафлар ва ақчадон (копилки)ларга тартиб рақами қўйилган ҳолда рақамланган бўлиши керак.

261. Пул сақлаш омборига пул ва қимматликлар қабул қилинаётган вақтда, қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар, қуйидагиларни:

а) пулларни — тўлик, тўлик бўлмаган ва йиғма боғламларни дасталар сони ҳамда накладқадаги ёзувлари бўйича, тангаларни эса, қопларга бириктирилган ёрликлардаги ёзувлари бўйича;

б) касса мудирининг томонидан саналган йиғма ва тўлик бўлмаган пул боғламларини уларнинг устки накладқа ва ёрликларидаги ёзувларини ҳисобга олиб, санаш йўли билан;

в) тангаларни — пакетлар сони ҳамда уларда кўрсатилган суммалари бўйича;

г) бериш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган пулларни — қоп (аравача)ларга бириктирилган ёрликлардаги ёзувлари бўйича;

д) тури, қиймати бўйича дасталаниб бирлаштирилган чет эл валютаси ва валюта тўлов ҳужжатларини — дасталар сони ҳамда накладқалардаги ёзувлари бўйича, пломбаланган қоплардаги тангаларни эса — уларга бириктирилган ёрликлардаги ёзувлари бўйича текширади. Алоҳида пул ва тўлов ҳужжатлари, шунингдек белгиланган тартибда қопларга жойланмаган тангаларнинг ҳаммасини қайта санашлари шарт.

Бунда, аҳолига валюта айирбошлаш хизматини кўрсатувчи валюта айирбошлаш шохобчаларининг, шунингдек кирим-чиқим кассаларининг кассирларидан келиб тушадиган чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари пул сақлаш омборларига қабул қилинишидан аввал, махсус ажратилган кассир томонидан касса мудирининг назорати остида бирма-бир қайта санаб кўрилиши, уларнинг тўловга яроқлилигини текшириши ва белгиланган тартибда қайта ўраб-боғланиши зарур. Дасталарнинг бандеролларида ва боғламларнинг устки накладқаларида боғламларни санаган ва тайёрлаган кассир имзоси, унинг номи ёзилган ва банк номи ёзилиб,

коди туширилган штамп, боғлам тайёрланган сана, қимматликлар тури, номинали бўйича қўйилма суммаси кўрсатилади;

е) «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг боғлами бузилмаган чек, омонат ва квитанция дафтарчалари — бирма-бир саналмасдан боғламлари бўйича;

ж) бошқа қимматликларни (шартли ёки номинал баҳода) доналаб ёки бирма-бир санаб чиқадилар.

262. Пул сақлаш омборида мавжуд бўлган тўловга яроқли пуллар эскирган пуллардан алоҳида сақланиши шарт.

263. Банк кассирлари ўраб-боғлаган пул ва тангалар айланма касса қолдиғида бирма-бир ва доналаб қайта саналмасдан, улар жамланган кунидан бошлаб икки йилгача сақланиши мумкин.

Яхши жиҳозланган пул сақлаш омборларидаги танга солинган қопларни полга қўйилган поддон устида сақлашга рухсат этилади.

Чет эл валютаси (чеклар, қимматли қоғозлар) боғламлар ёки пакетларда, тангалар эса халталарда валюта номлари бўйича алоҳида, ҳар бир турдаги валюта эса, ўз номинал қиймати бўйича сақланади.

264. Пулларнинг намуналари банк омборида сақланиши лозим, зарурат туғилганда эса, уларни кўрсатиш учун олиб чиқилиши мумкин ва иш куни охирида белгиланган тартибда пул сақлаш омборига қайтариб қўйилиши шарт.

265. 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобварағида (уларнинг ҳисоби алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади) ҳисоби юритиладиган ва сақлаш учун топширилган қимматликлар келган санаси бўйича, бир санада келганлари эса, қимматликларнинг тартиб рақамларига қараб жойлаштирилган ҳолда сақланади. Пакетга ҳар бирининг эгаси бўйича кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига кирим ордерининг нусхаси (20-илова) бириктириб қўйилади ва унда пакетнинг эгаси, қимматликлар тури, уларнинг рақами, ҳисобвараққа киритилган санаси ва суммаси кўрсатилади.

266. Дафтар ва алоҳида варақ кўринишдаги, қатъий ҳисобда турувчи барча бланкалар «Алмаштириш шохобчаси тўғрисидаги низом»га (2002 йил 14 март, рўйхат рақами 1114 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон) асосан қўлланиладиган 09002 Валюта айирбошлаш шохобчалари орқали валюта ва йўл чекларини сотиб олишда бериладиган маълумотнома сертификати, 09004 Валюта ва йўл чекларини инкассога қабул қилиш тўғрисидаги квитанция, 09005 Валюта ва йўл чекларини экспертизага қабул қилишда ишлатиладиган маълумотнома, 09006 Нақд чет эл валютасини хорижга олиб чиқишда бериладиган рухсатнома, 09007 Валюта ва йўл чекларини сотишда тўлдириладиган маълумотнома, 09012 Шикастланган валюталарни яроқлигига алмаштиришда тўлдириладиган квитанция ва 09015 Йўл чекларини нақд хорижий валютага алмаштириб олишда ишлатиладиган квитанция китобчаси 50 варақдан иборат бўлиши шарт ва у тўлдирилганда, қора қоғоз орқали икки нусхада тўлдирилиши муносабати билан дафтарчалар 25 сўм қийматида баҳоланади. Уларнинг ҳар бири, дафтарча ёки ҳар бир варақ бўйича шартли равишда бир сўмга, сақлаш учун қабул қилинган акция, вексель, жисмоний шахслар учун чиқарилган депозит сертификатлари ва Марказий банк томонидан чиқарилган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ўз номинал қиймати бўйича баҳоланиб, 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

267. Кассадаги қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисоби касса мудир томонидан кун охирида 171-шаклдаги китобда, бланкалар қолдиғининг баҳоси кўрсатилган ҳолда юритилади.

Қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор (банк раҳбари, бош бухгалтер ва касса мудир) шахслар ёки махсус ажратилган назоратчи иштирокида кассир томонидан чек ва квитанция дафтарчаларининг алоҳида боғламларини очилишига қараб, ҳар бир боғламдаги дафтарчалар сони, ҳар бир дафтарчадаги варақлар (чеклар ёки квитанциялар) сони ҳамда улардаги рақамларнинг кетма-кетлиги текширилади.

268. Чек дафтарчаларини расмийлаштириш ва кейинчалик уларни мижозларга бериш — банк мижозларининг буюртмаларига асосан амалга оширилади. Нуқсонли ва ишдан чиққан чек дафтарчаларининг имзо қўйиладиган қисмини учбурчак шаклида қирқиш орқали бекор қилинади. Бунда дафтарчалар махсус комиссия томонидан ёндириб, йўқ қилингунига қадар, қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан имзоланган далолатномалар билан бирга 93609 ҳисобварақда ҳисобга олинади. Ушбу далолатномада нақд пул чеки дафтарчаларининг нуқсонлари батафсил кўрсатиб ўтилади.

269. 94500 «Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ (талаб)лар ҳисобварақларида юритилаётган кредитлар таъминоти сифатида қабул қилинган қимматли қоғозлар кафолат ва кафиллик ёки гаров сифатида сақланаётган мулклар ва мулкый ҳуқуқ(талаб)лар, гаров шартномалари банк кассасига банк бошқарувчисининг фармойишига асосан «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»да (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 32-сон, 369-модда) белгиланган тартибда балансдан ташқари кирим касса ордери билан кирим қилинади ва шу тартибда мажбуриятлар тўлиқ бажарилганидан сўнг, бошқарувчининг фармойишига асосан балансдан ташқари чиқим касса ордери орқали чиқим қилинади.

270. Пул ва бошқа қимматликларни пул сақлаш омборидан касса тармоғига фақат тафтиш ўтказиш учун ёки назорат қайта санаш мақсадида банкнинг касса мудир томонидан мазкур Йўриқноманинг 42-илоvasида белгиланган 123-шаклдаги китобга назоратчи кассирнинг имзоси қўйилганидан сўнг, олиб чиқилиши мумкин.

Унда қимматликларни олиб чиқиш сабаблари, қимматликларнинг турлари ва пулларнинг номинал қийматлари бўйича алоҳида кўрсатилиши шарт.

123-шаклдаги китоб фақат касса мудир томонидан тўлдирилиши, ундан эса назоратчи кассир қабул қилиб олиши шарт.

Ушбу пул ва қимматликлар кассирлар томонидан назоратда қайта санаб бўлинганидан сўнг, 175-шаклдаги назорат қайдномасига қайд этган ҳолда касса мудирга топширилади. Санаш учун олиб чиқилиши керак бўлган пуллар 123-шаклдаги китобга қайд этиб борилиши шарт. Китоб доимо пул сақлаш омборида сақланиши, ишлатиб бўлингач пул сақлаш омборида 1 йилга қадар, шундан сўнг сақлаш учун беш йил муддатга банк архивига топширилиши лозим.

271. Пул сақлаш омборларида мавжуд бўлган нақд пул ва бошқа қимматликлар (10101 ҳисобварақдаги) 120-шаклдаги китобда, нақд пул захирасида мавжуд бўлган нақд пул ва тангалар эса (10102 ҳисобварақдаги) 141-шаклдаги китобда ҳисобга олиниб, уларни ўз вақтида тўлдириш — банкларнинг касса мудирлари томонидан амалга оширилади.

272. Пул сақлаш омборларини ёпишдан аввал қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар пул сақлаш омборларида қуйидагиларни:

а) пул сақлаш омборларида сақланиши лозим бўлган қимматликлар, китоблар ва ҳужжатларнинг барчаси пул сақлаш омборига олиб кирилганлигини;

б) айланма кассасидаги ва нақд пул захирасидаги нақд пул ва бошқа қимматликлар бухгалтерия ҳисоби маълумотларига ҳамда 120 ва 141-шаклдаги китобларда кўрсатилган қолдиқларига мос келишини;

в) ҳамма шкафлар, эшиклар, деразалар ва кирим ҳамда чиқим кассаларига ўрнатилган дарчалар (ставня)нинг ёпилганлигини, вентилятор ва чироқларнинг ўчирилганлигини текширишлари шарт.

Нақд чет эл валютаси қолдиғи ва чет эл валютасининг тўлов ҳужжатлари ҳар куни бухгалтерия ходимлари томонидан юритиладиган чет эл валютасининг шахсий ҳисобварақлари билан солиштирилади.

273. Китобларда чиқарилган қолдиқларнинг тўғрилиги қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларнинг имзолари билан ҳар куни тасдиқланиб борилиши лозим. Қолдиқ суммалари ёзилиб, унинг устидан тузатиладиган ҳолларда, улар ушбу мансабдор шахсларнинг имзолари билан тасдиқланиши шарт.

Нақд чет эл валютасининг қолдиқлари мазкур Йўриқноманинг 43-илоvasида келтирилган 121-шаклдаги китобда алоҳида ҳисобга олинади. Бундай ҳолда 120-шаклдаги умумий китобга ушбу қимматликлар бўйича қолдиқлар қайд этилмайди.

274. 120, 141 ва 121-шаклдаги китобларда ҳар бир банк амалиёт куни учун пул сақлаш омборларининг ёпилишига қадар ҳар бир ҳисобварақ бўйича қимматликларнинг умумий қолдиғи ёзиб борилади.

Агар чет эл валютаси билан операциялар амалга оширилмаган бўлса, кейинги иш куни 121-шаклдаги китоб қолдиғини чиқармасликка рухсат этилади.

Ушбу дафтарлар кун давомида касса мудирда, иш куни тугаганидан сўнг — пул сақлаш омборида сақланиши лозим.

275. Айланма кассаси ва нақд пул захирасидаги нақд пул ва бошқа қимматликлар сақланадиган пул сақлаш омборлари қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган уч мансабдор шахслар томонидан учта калит билан очилади ва қўлланади ҳамда уларнинг муҳрлари билан муҳрланади.

Пул сақлаш омборларининг калитлари қуйидагиларда:

биринчи калит — касса мудирда;

иккинчи калит — раҳбарда;

ички темир панжарали учинчи эшик калити — бош бухгалтерда сақланиши лозим.

Жавобгар шахслар пул сақлаш омборларининг калитлари ва лавозим муҳрларини иш вақтида ва ишдан сўнг бошқа шахслар томонидан фойдаланиш имкониятини туғдирмаган ҳолда сақланишини таъминлашлари шарт.

276. Пул ва қимматликлар сақланадиган барча пул сақлаш омборларининг (кечки кассанинг пул сақлаш омборлари ҳам) эшик ва сейфлари, металл шкафлари, касса мудир хонасидаги, кирим, чиқим ҳамда пулни қайта санаш кассаларига ўрнатилган сейф калитларининг иккинчи нусха (дубликат)лари бўлиши, улар батафсил рўйхат билан ташқи чоки бўлмаган ҳалтага солиниб, тугунсиз тизимча билан тикилиши ва унга бириктирилган қопламага (накладка) қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган уч мансабдор шахсларнинг сурғучли муҳрлари босилиши лозим. Қопга бириктирилган қоплама (накладка)га ушбу шахслар томонидан имзо қўйилиб, банкнинг муҳри босилган илова хати билан бирга, яқин жойлашган банкка сақлаш учун топширилиши шарт.

Сақлаш учун топшириладиган калитлар иккинчи нусхаларининг илова хатида қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган уч мансабдор шахсларнинг имзоси қўйилиб, банкнинг думалоқ муҳри босилган ёзма талабномаси ва ка-

литлар топширилганлигини тасдиқловчи квитанция тақдим этилгандагина, уларнинг қайтариб берилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим.

Кирим, чиқим ва қайта санаш кассаларига ўрнатилган махсус столларнинг иккинчи (дубликат) калитлари алоҳида қопга солиниб, уч мансабдор шахсларнинг сурғучли муҳрлари билан муҳрланган, лекин балансда акс этирилмаган ҳолда ушбу банкнинг пул сақлаш омборида сақланишига рухсат этилади.

277. Калитларнинг нусхаларини текшириш — унинг биринчи нусхаси синиб ёки йўқолиб қолган тақдирда, тафтиш ва текширувлар ўтказиш вақтида, қимматликларнинг сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларнинг ўзгариши, меҳнатга вақтинчалик лаёқатсизлик даври, меҳнат ёки ижтимоий таътилга чиқиши муносабати билан касса ишини ташкил этиш юзасидан олиб бориладиган текширувлар натижасида амалга оширилади.

278. Банк раҳбари вақтинча ўзгарган ҳолда, квитанция ва калитлар нусхаларининг топширилиши тўғрисидаги илова хати билан бирга унинг ўрнини босувчи шахсга берилади. Бу ҳақда асосий калитларнинг топширилиши билан бир қаторда, омборидаги қимматликларни қабул қилиш-топшириш далолатномасида қайд этилади (30-илова).

279. Бошқа банкка сақлаш учун топширилган калитларнинг нусхалари тўғрисидаги квитанция рўйхат ва илова хатининг нусхалари билан бирга раҳбар сейфида сақланиб, 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобварағида 1 сўм қийматидаги шартли баҳода баҳоланиб ҳисобга олинади.

280. Калитларнинг нусхалари сақланаётган жойдан олинadиган ҳолларда, қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан калитларнинг олиниш сабаблари кўрсатилган далолатнома тузилиб, имзоланади ва далолатнома 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобварақ ордерига қўшиб қўйилади. Банк раҳбарлари калитларнинг нусхалари олинган куннинг ўзидаёқ уларни қайтариш чораларини кўришлари шарт.

281. Пул сақлаш омборининг (сейф, металл шкаф) калити йўқолиб қолган тақдирда, қулфнинг ички тузилмаси (айланувчи қисми, секрет) ўзгартирилиши лозим. Бу ишга синалган ва тегишли рухсати бор шахслар жалб этилади.

Банк раҳбари томонидан тайинланган комиссия қулфнинг ички тузилмаси (айланувчи қисми, секрет) ўзгартирилганлиги ва янги калитлар тайёрланганлиги ҳақида далолатнома тузиши шарт. Унда қулфни ўзгартириш ва янги калитлар тайёрлаш сабаблари, бу ишларни бажарган шахснинг фамилияси ҳамда тегишли рухсатномаси борлиги кўрсатилади. Далолатномалар доимо банк раҳбарининг махсус йиғма-жилдида сақланади. Калитларнинг йўқолишига сабабчи бўлган айбдор шахслар, воқеа тафсилотларига қараб, интизомий жазога тортилади.

282. Қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган ва пул сақлаш омборларининг калит ҳамда муҳрларига эга бўлган мансабдор шахсларгина пул сақлаш омборига киришлари ва шу билан бир қаторда омборга фақат биргаликда кириб-чиқишлари лозим.

Банкнинг бошқа ходимлари пул сақлаш омборига фақат раҳбар ёки унинг ўринбосари, агар унга айланма кассаси билан операциялар бажариш ҳуқуқи берилган бўлса, унинг рухсати билан, албатта қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар иштирокида киришлари мумкин.

283. Иш кунлари барча пул сақлаш омборлари қимматликлар билан операциялар олиб борилгани ёки олиб борилмаганидан қатъи назар, қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан очиб кўрилиши ва текширилиши шарт.

284. Пул сақлаш омборлари очилишидан аввал, қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар, қўриқлаш хизмати вакили иштирокида эшик, қулф, тизимча ва муҳрлар, шунингдек эшикларнинг тизимча ўтказиладиган халқа мосламаларининг бузилмаганлигини текшириб қўришлари, шундан сўнг қўриқлаш хизмати ходимларидан пул сақлаш омборини муҳрланган ҳолда қабул қилганлиги ҳақида мазкур Йўриқноманинг 37-илоvasида келтирилган 161-шаклдаги китобга имзо қўйишлари лозим.

Эшиклар, қулфлар, тизимча ёки муҳрлар бузилган, шунингдек пул сақлаш омборига кириш учун уриниш бўлгани гумон қилинган ҳолларда, зудлик билан пул сақлаш омбори очилгунига қадар, бу ҳақда 3 нусхада (1-нусхаси банк учун, 2-нусхаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва 3-нусхаси банкнинг Бош банкига) далолатнома тузилади. Унга қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган барча мансабдор шахслар ва қўриқлаш хизмати вакили имзо қўяди ва шу жойнинг ўзидан зарур чоралар қўрилади ҳамда Бош банк бошқармасига хабар берилади.

Тизимчанинг битта айланаси қирқилиб, муҳрли тахтача олинад ва омбор очилиб қўздан кечириб чиқилганидан сўнг, муҳрлар изи йўқ қилинади.

Дераза, девор, пол ва шифтларга шикаст етказилган бўлса, мавжуд бўлган қимматликлар дарҳол текшириб қўрилади ва бу ҳақда далолатнома тузилади. Бундай ҳолларда эса муҳрлар йўқ қилинмаган ҳолда далолатномага қўшиб қўйилади.

285. Иш куни давомида пул сақлаш омборлари калит билан қулфлаб қўйилиши, у ерда қимматликлар мавжуд бўлган тақдирда қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларнинг сурғучли муҳрлари билан муҳрланиши шарт.

Бошқа барча ҳолларда олиб чиқилиши лозим бўлган пулларнинг пул сақлаш омборининг олд хонасида вақтинча сақлаб турилишига рухсат этилмайди.

Пул сақлаш омборини қўриқлаш хизматидан қабул қилиш, уни муҳрлаш ва иш куни охирида қўриқлашга топшириш соқчи иштирокида амалга оширилади. 161-шаклдаги китобда пул сақлаш омборларининг амалда очилган, ёпилган ва қўриқлашга топширилган вақти кўрсатилади.

161-шаклдаги китоблар омборларнинг ҳар бир тури бўйича, яъни айланма кассаси ва нақд пул захираси, кечки кассалар ва пулни қайта санаш кассаларини (нақд пуллар ишдан ташқари вақтларда сақланганда) қўриқлашга топшириш ва қабул қилиш учун алоҳида тутилади. Пул сақлаш омбори қўриқлашга топширилгандан сўнг, китоб қўриқлашга топширган шахснинг сейфида ёки металл шкафида сақланиши лозим.

286. Муҳр учун ўйилган чуқурчали тахтача устидан ўтган тизимча устига муҳрлар қуйидаги кетма-кетликда қўйилиши лозим:

биринчи — касса мудирининг;

иккинчи — бош бухгалтернинг;

учинчи — раҳбарнинг.

Бутун ва тугунлари бўлмаган тизимча, пул сақлаш омбори эшигининг халқаларидан (бураб маҳкамланган ва пайвандланган) тизимча ва муҳрларни бузмасдан эшикни очиб бўлмайдиган қилиб ўтказилади. Пул сақлаш омборини муҳрлашда фақат сурғуч ишлатилиши шарт. Сурғучланадиган тахтачалар зарурий чуқурчага эга бўлиб, сурғуч қўйилганда у тахтачага ўйилган чуқурча диаметри доирасидан чиқиб кетмаслиги лозим.

287. Муҳрланган пул сақлаш омборини қабул қилиш вақтида қўриқлаш хизмати ходими муҳрларни уларнинг намуналари билан қайтадан солиштириб кўргач, 161-шаклдаги китобга имзо қўяди. Пул сақлаш омборлари ва бошқа эшикларни

мухрлаш учун ишлатиладиган мухрларнинг намуналари кўриқлаш хизматига тилхат асосида берилади. Тилхат банк раҳбарига, 161-шаклдаги китоб эса касса мудирининг алоҳида сейфида ёки металл шкафида сақланиши шарт.

288. Пул боғламини ёки тангалар солинган қопларни мухрлаш ёки пломбалаш учун қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар, кассирлар ва бошқа ходимлар банк номи ёки коди, тартиб рақами туширилган шахсий пломбирлар ёки клише билан таъминланган бўлишлари шарт.

Ушбу мухрлар, пломбирлар, шахсий кодли клишелар, номи ёзилган штамплар ва пул сақлаш омборлари калитларидан бегона шахсларнинг бошқа йўл билан фойдаланиш имкониятини яратиб бермаган ҳолда сақланишини таъминлашлари шарт.

289. Банкдаги барча мухрлар ва пул сақлаш омборларининг (сейфлар, металл шкафлар) калитлари, пломбирлар, клишелар ва кассирларнинг номи ёзилган тўртбурчак мухрлари раҳбар ёки унинг ёзма фармойиши билан тайинланган ва қимматликлар билан операциялар олиб боришдан озод этилган шахс томонидан юритиладиган махсус ҳисоб юритиш китобида (27-илова) рўйхатга олинishi лозим. Калитлар, пломбирлар, клишелар, мухрлар ва кассирларнинг номи ёзилган тўртбурчак мухрлари ушбу китобга имзо қўйдириб берилади.

290. Ишдан ташқари вақтларда пул сақлаш омборлари (сейфлар, металл ақчадонлар)дан турли касса ходимлари фойдаланадиган ҳолларда калит ва мухрларнинг қўлдан-қўлга ўтишини қайд этиш учун пулни қайта санаш кассасида алоҳида, кечки касса учун алоҳида китоб тутилиши лозим. Кўрсатиб ўтилган китоблар касса мудирига сақланади ва у орқали қабул қилинади ҳамда топширилади.

Кассирлар вақтинча ишда бўлмаган (бетоблиги, таътилга чиққан вақтда) ҳолларда пломбир ва клише, уларнинг ҳисобини юритувчи ходимга топширилади ва ушбу пломбир ҳамда клишени бошқа кассирларга вақтинча бериб туриш қатъиян ман этилади.

291. Ишда фойдаланилмайдиган, шунингдек яроқсиз ҳолга келган мухрлар, калитлар, пломбирлар, клишелар ва кассирларнинг номи ёзилган тўртбурчак мухрлари пул сақлаш омборидаги шкафлардан бирида ўраб-боғланган ва мухрланган ҳолда, қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан балансда акс эттирилмаган ҳолда сақланиши ёки банкнинг филиали (амалиёт бўлими) бошлиғи томонидан чиқарилган махсус фармойишга асосан комиссия тузилиб, белгиланган тартибда йўқ қилиниши шарт.

292. Кассирлар, иш жойларидан вақтинча узоқлашган ҳолларда пул ва қимматликлар, пломбирлар, мухрлар, кассирларнинг номи ёзилган тўртбурчак мухрлари, шахсий коди бўлган клишелар, сейфлар, металл шкафлар, пул сақлаш омборларининг калитларини очиқ ҳолда қолдириш, аравачалар ёки стол тортмаларини қулфламасдан очиқ ҳолда қолдиришлари қатъиян ман этилади. Шунингдек, операциялар бажарилаётган вақтда пул сақлаш омборлари, сейфлар, металл шкафлар ҳамда пул ва қимматликларни сақлаш учун мўлжалланган столларга ўрнатилган металл ақчадонлар ва аравачалар эшикларининг қулфларида калитларни қолдириб кетиш қатъиян тақиқланади.

293. Иш вақтида касса ходими касалланиб ёки бошқа сабабларга кўра ўз ишини тўсатдан ташлаб кетишга мажбур бўлса, у ҳолда, унинг ҳисобида турган ва сақланаётган барча қимматликлар имкони борича шу заҳоти касса мудир томонидан санаб кўрилиши ва шундан сўнг эса қабул қилиб олинishi лозим. Агар шу вақтда кассир бўлмаса, у ҳолда қимматликлар комиссия (касса мудир, бошқарувчи, бош бухгалтер) иштирокида саналади ва қабул қилиб олинади ҳамда бу ҳақда

тегишли далолатнома тузилади. Зарурат туғилган тақдирда эса нақд пуллар бошқа кассирларга берилади.

294. Барча нақд пулларни кассирлар бир-бирларига 155-шаклдаги китобга ёки 175-шаклдаги назорат варағига (21-илова) имзо қўйдириб беришлари шарт. Касса операциялари бўлимлари (касса мудири) бошлиқлари кассирларнинг бир-бирларига пулларни тўғри бераётганликларини мунтазам назорат қилишлари ва улар бу ҳақда 155-шаклдаги китоб ва 175-шаклдаги назорат варағига имзо қўйишлари шарт.

295. Ушбу Ўйриқномада кўзда тутилган барча ҳисоб юритиш китоблари, шунингдек пломбирлар, муҳрлар ва калитлар ҳисобини юритиш китоби, банкларда касса иши текширилганлигини қайд этиш китоби рақамланган, тизимча ўтказилган ва банк раҳбарининг сургучли ёки сиёҳли муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим. Уларга рақамланган варақлар сони ёзиб қўйилади ва учта мансабдор шахсларнинг имзолари билан тасдиқланади.

XV боб. Қимматликларни тафтиш қилиш

296. Банклардаги пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликлар тафтиши ҳамда уларнинг сақланиш тартибини текшириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) банк раҳбарининг буйруғига (фармойишига) биноан ҳар чоракда камида бир марта (29-илова);

б) ҳар йили, янги йилнинг 1 январь ҳолатига кўра;

в) раҳбар, бош бухгалтер ёки касса мудири алмашганида;

г) қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар вақтинча алмашганида;

д) бошқа ҳолларда — Бош банк раҳбарларининг фармойишлари асосида.

297. Ўтказилган тафтиш юзасидан «Хизматда фойдаланиш учун» грифи қўйилган далолатнома (29-илова) тузилиб, у алоҳида тартибда тикилиши ва банкнинг бош бухгалтери сейфида алоҳида йиғмажилдда сақланиши шарт.

298. Тафтиш ўтказиш пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликларни тафтиш қилиш тўғрисида кўрсатма берган банк раҳбари томонидан чиқарилган ёзма буйруғи билан тайинладиган шахслар томонидан амалга оширилади. Тафтиш ўтказиш учун жалб этиладиган ходимлар сони операциялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

299. Тафтиш ўтказиш учун муайян тайёргарлиги бор ва қимматликлар билан операциялар бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда касса тармоғига кириш учун рухсати бўлган ходимлар жалб этилиб, улардан бири тафтиш раҳбари этиб тайинланади. Тафтишнинг тўғри ташкил этилиши ва белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилиши учун тафтиш ўтказиш бўйича буйруқ чиқарган банк раҳбари жавобгар бўлади.

300. Бош банк томонидан унинг филиалларида қимматликларнинг сақланиши бўйича тафтиш ўтказилган бўлса, ушбу чоракда такроран чоракли тафтиш ўтказилмаслигига рухсат этилади.

Тафтишлар орасидаги муддат уч ойдан ошмаслиги лозим.

301. Банк филиали раҳбарининг алмашуви билан ўтказиладиган қабул қилиш ва топшириш ишлари, тегишли банк бошқаруви раиси (ўринбосари)нинг буйруғи билан тайинладиган Бош банк ходими томонидан амалга оширилиши лозим.

302. Ушбу банкда ишламайдиган шахсларга, Бош банк раҳбарининг имзоси қўйилган ва банкнинг думалоқ муҳри билан тасдиқланган гувоҳномаси, шунингдек

касса тармоғига кириш учун рухсатномаси бўлгандагина, тафтиш ўтказишига рухсат этилади.

Тафтиш ўтказишга жалб этилган ва кассага киришга рухсатномаси бўлмаган шахсларга вақтинчалик рухсатнома (тафтиш ўтказиш муддатига) тўлдирилади.

303. Ҳар чоракда тўсатдан ўтказиладиган тафтишларни 1 январь ҳолатига кўра, шунингдек мансабдор шахслар вақтинча алмашган вақтда ёки ушбу Ўйриқноманинг 296-бандидаги «в» ва «д» лите́рларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда ўтказиладиган тафтишлар билан бирга қўшиб ўтказишга рухсат этилмайди.

304. Тафтиш қимматликларни сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар иштирокида ўтказилади. Тафтиш мансабдор шахс иштирокисиз ўтказиладиган ҳолларда, бу ҳақда далолатномада алоҳида таъкидланиб, тафтишнинг барча қатнашчилари имзо қўядилар.

305. Ўтказиладиган тафтишлар банк томонидан амалга ошириладиган операцияларга ҳалақит бермаслиги лозим.

Тафтиш, тўсатдан барча қимматликларнинг айнан бир санадаги ҳолатини шундай кетма-кетлик билан текшириш орқали ўтказилиши керакки, ўғирлик, пул ҳамда қимматликлар камомадини яшириш учун ҳеч қандай имконият туғдирилмаслиги лозим.

306. Тафтиш раҳбари тафтишга киришиб, касса хонасидаги барча пул сақлаш омборларини текширув бошланган вақтда, қимматликларнинг қанчалигидан қатъи назар, сургучли муҳр билан муҳрлайди ва айланма кассасида мавжуд бўлган барча нақд пуллари ва бошқа қимматликларни ўз назоратига олиб, кечки касса ва пулни қайта санаш кассасида, инкассаторлар жавобгарлиги остидаги пул, қимматликлар ҳамда нақд пул ва қимматликлар солинган халталар бор-йўқлигини аниқлайди ва бор бўлса, уларни бошқа қимматликлар билан бирга тафтиш ўтказишни амалга оширади.

307. Кассадаги барча қимматликлар тўлиқ тафтиш қилиб бўлингунига қадар, қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар пул сақлаш омборларига фақат тафтиш раҳбарининг қузатуви остида киришларига рухсат этилади. Бу вақтда пул ва қимматликларни олиш ёки қўйиш унинг назорати остида амалга оширилади. Бундай ҳолларда, юқорида қайд этиб ўтилган барча қимматликларни бир вақтнинг ўзида бир йўла тафтиш қилишнинг имкони бўлмаса, иш куни охирида тафтиш раҳбари қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар билан биргаликда пул сақлаш омборлари ва сейфларни муҳрлаб, белгиланган тартибда қўриқлаш хизматига топширади.

Тафтиш раҳбарининг муҳри тахтачага тафтиш ўтказиладиган банкнинг мансабдор шахслари муҳрларидан олдин (юқорига) қўйилиб, муҳр намунаси белгиланган тартибда банкнинг қўриқлаш хизматига топширилади.

308. Тафтиш раҳбари томонидан пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликлар назорат қайта санаш учун шахсан ажратилади.

Ўрами шикастланган ва нақладқаси (қоплама) нотўғри тўлдирилган боғламлар ва қоплар бирма-бир ва доналаб қайта саналади.

309. Банк раҳбари, бош бухгалтер ёки касса мудири қимматликларнинг бут сақланиши билан боғлиқ бўлган мажбуриятлардан озод этилганида, кассадаги пул ва тангалар бирма-бир ва доналаб қайта саналади.

Бош банк раҳбари ишларни қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги буйруқда, белгиланган муддатни чўзиши ёки айланма ва нақд пул захирасидаги нақд пуллари танлаб, бирма-бир ва доналаб санашни амалга оширишга рухсат бериши мумкин.

Пулларни танлов асосида бирма-бир ва доналаб қайта санаш, қимматликларнинг бут сақланиши ва айланма касса ҳамда нақд пул захирасидаги қимматликларни сақлаш ҳамда улар билан операцияларни амалга ошириш ишлари учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларни ўрнатилган тартибда лавозимларидан озод этиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

310. Пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликлар бўйича тафтиш ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) айланма кассаси ва нақд пул захираларининг нақд пуллари боғлам ва дасталар бўйича, тангалар эса — қопларга бириктирилган ёрлиқлардаги ёзувлари бўйича, бериш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган ва ўраб боғланган пуллар эса, қопларга бириктирилган ёрлиқлардаги ёзувлари бўйича текширилади.

Пулларнинг умумий суммаси 120 ва 141-шаклдаги китобларнинг маълумотлари билан солиштирилади. Кўрсатиб ўтилган текширувлардан сўнг, пул ва тангалар ёппасига, бирма-бир ва доналаб қайта саналади.

Йирик банклар (филиаллар)да нақд пул ва қимматликларни ҳар чоракда тўсатдан тафтиш қилиш ва қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар вақтинча алмашган вақтда ўтказиладиган тафтишлар — тафтиш ўтказиш учун фармойиш берган банк раҳбари белгилаган миқдорда қайта санаб кўрилиши мумкин.

Тафтиш ўтказувчи, кассирга пулларни бирма-бир санаш учун бераётган вақтда дастадан бандеролни олиб, уни пулларнинг маълум бир қисми билан назорат учун олдиндан ўзида олиб қолади. Кассир пулни санаб бўлгач, уларнинг суммаси ёки пуллар сонини айтади, тафтиш ўтказувчи назорат учун қолдирилган пул суммаси ёки пуллар сонини унга қўшади ва чиққан сумма миқдорини бандеролда кўрсатилгани билан солиштирилади.

Саналаётган пуллар сони тўғри чиққанда, назорат учун қолдирилган пуллар кассирга қайта санаш ва белгиланган тартибда дасталаш учун қайтариб берилади.

Саналаётган пулларнинг сони тўғри чиқмаган тақдирда (кам ёки кўп чиққанида) — пулларни тафтиш ўтказувчи шахсан қайта санаб кўриши, шундан сўнг ушбу пулларни аввал санаган кассир томонидан қайта санаб кўрилиши, пулларнинг боғламга тўғри қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда эса, ушбу пуллар белгиланган тартибда бандероль билан қайта ўраб-боғланиши лозим. Очилган боғламнинг бандероллари, устки нақдқаси ва қирқиб олинмаган пломбали тизимча (полиэтилен плёнка) боғламдаги барча пуллар тўла санаб бўлингунига қадар тафтиш ўтказувчида сақланиши шарт.

Фақат алоҳида ҳолларда уларни дасталаган кассирларга, ушбу пулларни қайта санашга рухсат берилиши мумкин;

б) қайта санаш кассасидаги пул ва тангалар тафтиш раҳбари ёки тафтиш ўтказишга фармойиш берган банк раҳбари томонидан белгиланган миқдорда бирма-бир санаб текширилади;

в) қайта санаш кассасидаги кечки кассанинг мавжуд инкассация қилинган пул тушумининг очилмаган ҳалталари ва банкнинг хўжалик юритувчи субъект ҳузуридаги кассаларнинг қимматликлар солинган ҳалталари — юк хатлари, қабул қилинган нақд пулли ва бўш ҳалталарни ҳисобга олиш журнали ҳамда йўналишга чиқишда инкассаторларга берилган бўш ҳалталар ва ташриф варақалари сони тўғрисидаги маълумотномалар билан таққосланади.

Шикастланган, пломбалари ва муҳрлари бузилган ёки намуналарига мос келмайдиган ҳалталар аниқланса, уларнинг ичидаги пуллар бирма-бир қайта саналади. Пулларни қайта санаш жараёнида қатнашиш учун хўжалик юритувчи субъектлар

(зарур ҳолларда ички ишлар органларининг вакили) вакили таклиф этилиши мумкин;

г) ўрами бузилган ва накладкаси (ёрлиғи) нотўғри расмийлаштирилган боғламлар (қоплар)даги пул ва тангаларнинг ҳаммаси қайта саналади;

д) чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари, боғламлар, дасталардаги ва қопларга бириктирилган ёрлиқлардаги ёзувлар ва устки накладкalar бўйича текширилади. Бундан ташқари, тафтиш раҳбари ёки тафтиш ўтказишга фармойиш берган банк раҳбари белгиланган миқдорда пуллар бирма-бир ва доналаб саналади. Бунда эркин алмаштириладиган валюта ва ушбу валютадаги йўл чеклари, бирма-бир ва доналаб саналиши, зарур ҳолларда эса фуқароларга валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатадиган валюта айирбошлаш шохобчаларининг кассирлари пул санашга жалб этилишлари мумкин;

е) қимматликларнинг турлари бўйича боғламларга ўралган омонат дафтарчалари боғламларнинг устки накладкаларидаги ёзувлари бўйича, шунингдек тафтиш раҳбари ёки тафтиш ўтказишга фармойиш берган банк раҳбари томонидан белгиланган миқдорда доналаб ёки бирма-бир текширилади;

ж) бошқа барча қимматликлар уларнинг номинал қиймати бўйича ёки шартли баҳода текширилади.

311. Пул сақлаш омборларида мавжуд бўлган пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликлар қайта саналганидан сўнг, тафтиш ўтказувчилар мавжуд қимматликлар миқдорини 120, 121 ва 141-шаклдаги китобларда, кунлик баланс, аналитик ҳисоб маълумотлари билан солиштирадilar, бундан ташқари, улар тафтиш ўтказиш учун олинган барча қимматликлар пул сақлаш омборларига қайтариб қўйилганлигини текширадilar.

Бухгалтерия ҳисобидан ўтказилмаган тилхат ва бошқа ҳужжатларнинг суммалари касса қолдиғига қўшилмайди ва кассирдан чиққан камомад деб ҳисобланади. Кассада чиққан ортиқча пуллар банк фойдасига кириш қилиниши зарур ва улар 321-бандда кўрсатилган айрим ҳоллардан ташқари қайтариб берилмайди.

Бирор боғламдан пуллар кам ёки ортиқча чиқса, ушбу боғламни санаган кассир дасталаган барча боғламлар бирма-бир қайта саналади. Қопдаги тангалар кам ёки ортиқча чиққанда ҳам ундаги пуллар, агар тафтиш раҳбари лозим топса шу тарзда текширилади.

312. Қимматликларни тафтиш қилинганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва тафтиш ўтказишда қатнашган барча ходимлар ҳамда қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар унга имзо қўядилар. Пул ва қимматликлар кам ёки кўп чиққан тақдирда, ҳисоб-китобда тафовут борлиги аниқланган ҳолда ва қимматликлар бут сақланишини таъминлаш жараёнида камчиликлар борлиги аниқланганда, далолатномалар нусхаси бош банкка жўнатилади.

Қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар алмашиши муносабати билан тафтиш ўтказилганда, айланма кассасидаги нақд пул ва бошқа қимматликларнинг сақланиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга, шунингдек, улар билан операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларга имзо қўйиш пул ва қимматликлар тўлиқ текширилиб, далолатномага имзо қўйилгунига қадар, топширувчи шахс томонидан амалга оширилади.

313. Пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликларни тафтиш қилишдан ташқари, ҳар чоракда банк раҳбари томонидан тузилган режа асосида касса ишининг ташкил этилиши, қўриқлаш ишлари ва сигнализация воситаларининг ахволи, рухсатнома бўйича кириш тартибига риоя қилиниши, калитлар, муҳрлар, пломбирлар, клишелар ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш қоидаларига амал қилиниши, пул

тушумининг инкассация қилиниши ҳамда кечки касса ишининг қандай ташкил этилганлиги текширилади.

Текшириш ўтказиш учун ушбу вазифани бажара оладиган ва бу участка ишини яхши биладиган банк ходимлари жалб этилади.

Текширилаётган масалалар бўйича камчиликлар борлиги аниқланган тақдирда, далолатнома тузилиб, унда камчиликлар, ишда қоидабузарликка йўл қўйган ходимларнинг фамилиялари, камчилик сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар кўрсатилади. Далолатномага текширувчи ва текширилган участкага раҳбарлик қилувчи ходим имзо қўяди.

314. Ўтказилган барча текширувлар текширишни қайд этиш китоби (28-илова)га қайд этиб борилади. Унда текширувчининг фамилияси ва лавозими, у текширган участка, текширув ўтказилган вақт, текширув ҳажми ва унинг натижалари ёзилади (далолатномага илова қилинади ёки камчиликлар йўқлиги ҳақида ёзиб қўйилади).

Китоб банк раҳбарининг сейфида сақланиши лозим.

Банк раҳбарлари ўтказилган тафтиш ва текширув натижаларини беш кун муддат ичида кўриб чиқишлари ва аниқланган камчиликларни зудлик билан тузатишлари, шунингдек мазкур Йўриқномага қатъий риоя этган ҳолда ташкилий чораларни кўришлари шарт.

315. Банк раҳбарлари пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликларни тафтиш ўтказишдан ташқари, ҳар ойда камида бир маротаба айланма кассаси ва нақд пул захирасидаги пулларнинг ушбу Йўриқномадаги 310-бандининг «а» литеаридаги учинчи ва тўртинчи хатбошларида кўрсатилган тартибда назорат учун қайта саналишини таъминлашлари шарт. Бунда улар асосан тафтиш ўтказилаётган банк кассирлари томонидан ўраб-боғланган пул боғламларини ва тангалар солинган қопларни шахсан ўзлари танлаб олишлари ва олиб чиқиладиган пул суммасини 123-шаклдаги китобга (текшириш мақсадини кўрсатган ҳолда) қайд этиб боришлари лозим.

Назорат қайта санаш қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслардан бирининг ёки қимматликлар билан операциялар олиб боришга алоқаси бўлмаган ёки махсус ажратилган ходим иштирокида амалга оширилади. Қайта санаш учун ажратилган пуллар белгиланган тартибда уларни санаган кассирлар томонидан ўраб-боғланади. Бандероль, устки накладкаи ва ёрлиқларнинг чап қисмига «Назоратда қайта саналди» деган тўртбурчак муҳр босилади.

Назорат қайта санаш ва пулларнинг тўлиқ бўлмаган боғламларини қўшиш касса мудирини томонидан бажарилган ҳолларда, уларни назорат қилиш, банк раҳбари ёки бош бухгалтер томонидан амалга оширилади.

316. Пулларнинг боғламларга ёки тангали қопларга нотўғри қўйилганлиги аниқланганда, ортиқча пул ва тангалар уни аниқлаган банк фойдасига кириш қилиниб, 4 нусхада 145-шаклдаги далолатнома тузилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси — илова хати билан бирга, ортиқча чиқишга йўл қўйган банкка, иккинчиси — ортиқча қўйилмага йўл қўйган банкнинг бош банкига, учинчиси — Марказий банкнинг Эмиссия-касса операциялари департаментига маълумот учун, тўртинчиси нусхаси эса — ортиқча пул мавжудлигини аниқлаган банкнинг кунлик касса ҳужжатларига тикилади.

Агар камомад аниқланса, 145-шаклдаги, тўловга яроқсиз, қалбаки пуллар аниқланганда, 145а-шаклдаги далолатнома 4 нусхада тузилади:

далолатноманинг биринчи нусхаси устки накладкаси билан бирга 10 та тўлиқ бандероль ва пломба қўйилган тизимча (полиэтилен пакет) ҳамда илова хати билан бирга, камомад (тўловга яроқсиз, қалбаки пуллар)га йўл қўйган банкка юборилади;

иккинчиси — камомад (тўловга яроқсиз ёки қалбаки пуллар)га йўл қўйган банкнинг Бош банкига;

учинчиси — Марказий банкнинг Эмиссия-касса операциялари департаментига маълумот учун;

далолатноманинг тўртинчи нусхаси — камомад (тўловга яроқсиз ёки қалбаки пуллар) ни аниқлаган банкнинг кунлик касса ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Далолатномаларга тартиб рақамлари қўйилиши ва уларга қўйиладиган тартиб рақамлари янги йилнинг биринчи январидан бошлаб янгиланиши шарт.

317. Камомад (қалбаки, тўловга яроқсиз пуллар) суммаси бўйича далолатномани олган банк, ушбу масалани кўриб чиқиб, камомад суммасини айбдор шахсдан ундириб олиш чораларини кўриши ва кўрсатиб ўтилган суммани далолатномани юборган банкка ўтказиб бериши лозим.

318. Аниқланган ортиқча пуллар кассага кирим қилиниб, банк фойдасига ўтказилади. Ушбу ҳисобвараққа кирим қилинган суммалар хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек айрим шахсларнинг ҳисобварақларига, ушбу ортиқча пуллар уларга тегишли эканлигини асослаб ёзган илтимосномасига кўра, банк раҳбарининг рухсати билан қайтарилиши мумкин.

319. «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўрамадан аниқланган ортиқча пуллар суммасига ўрнатилган тартибда далолатнома расмийлаштирилади ва тижорат банкининг 29816 «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар» ҳисобварағига кирим қилиниб, Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса марказининг тегишли ҳисобварағига нақд пулсиз шаклда (пул ўтказиш йўли билан) ўтказиб берилади.

320. «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан йўл қўйилган нуқсонли пуллар аниқланган тақдирда, банклар икки нусхада 145а-шаклдаги далолатнома тузишлари ва шунга асосан нуқсонли пулларни Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасининг Ҳисоб-китоб-касса марказида яроқли пулларга алмаштириб олишлари мумкин.

321. Барча камомад пул, унинг суммаси қанчалигидан қатъи назар (аниқланганда дарҳол тўлдириб қўйилган бўлса ҳам), касса бўйича чиқим қилиниб, камомадга йўл қўйган ходимнинг ҳисобварағига ўтказилади ва ушбу камомад унинг ўрни тўла қоплангунига қадар, ушбу ҳисобварақда туради.

322. Агар пул ва бошқа қимматликлар камомади талон-торож, масъулиятсизлик ёки ўғрилик натижасида аниқланган бўлса, бу ҳақда банк раҳбари дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беради ва улар бир қарорга келгунга қадар, камомад чиқишига йўл қўйган банк ходимини қимматликлар билан ишлашдан четлаштиради.

323. Бош банкка жўнатиладиган 145-шаклдаги далолатномага банк раҳбари ва бош бухгалтер имзо қўйган махсус хабарнома илова қилиниб, унда воқеа содир бўлган жой ва сана, унинг аниқланган санаси, воқеа мазмуни (талон-торож қилиш, ўғрилик, тунаш, қалбакилаштириш), етказилган зарар суммаси; айбдор шахснинг лавозими, фамилияси ва исми, шарифи; унинг банкдаги иш стажи ва банк манфаатларини кўзлаган ҳолда таъминлаш ҳамда етказилган зарар ундириб олинишини кўзлаб кўрилган чоралар кўрсатилади.

324. Талон-торож, ўғрилик ва суистеъмол билан боғлиқ бўлган бошқа ҳоллар натижасида чиққан пул ва қимматликлар камомади, унинг ҳисоби юритилган ҳисобварақдан тегишли тарзда чиқарилиб, ушбу қимматликлар ҳисобини юритиш бўйича белгиланган тартибда айбдор шахсга ёзилади.

Хатога йўл қўйган кассирлар ўрамидаги нақд пул ва металл тангалар, тўлик қайта саналиши лозим.

Талон-торож ва ўғрилик, бошқа суиистеъмол ҳоллари билан боғлиқ, шунингдек камомадга доир бўлган барча ёзишмалар, қарзларнинг ҳаммаси тўлаб бўлинганидан сўнг ёки бу қарз банк балансидан чиқарилгандан кейингина, архивга топширилади.

**XVI боб. Тижорат банклари ва филиал биноларидан ташқарида
жойлашган операцион кассаларини ташкил этиш ва улар
фаолиятини юритиш бўйича қўйиладиган талаблар**

325. Тижорат банки томонидан ташкил этилган ҳамда қандай номланишидан қатъи назар, барча жамғарма кассалари, уларнинг шохобчалари ва минибанк кассалари, турли коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилувчи махсус кассалар (кейинги ўринларда — банкдан ташқарида жойлашган операцион кассалари) учун ушбу бобдаги талаблар бир хил тартибда қўлланилади (хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги банкнинг махсус кассалари бундан мустасно).

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларининг иш тартиби банк филиали раҳбарининг буйруғига асосан белгиланади.

326. Тижорат банклари томонидан банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларини ташкил этиш ва унинг фаолиятини юритиш — Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан ушбу Йўриқноманинг 327, 329 ва 331-бандлари талабларига риоя этилганлиги ҳақидаги текширув натижалари юзасидан ижобий ҳулоса олинганидан сўнг амалга оширилади.

327. Тижорат банклари ва улар филиалларининг банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларини фақат ўзлари жойлашган ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар)да очишлари мумкин ва ушбу ҳудуддан ташқарида уларни очилишига рухсат этилмайди.

328. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларининг штатига назоратчи-бухгалтер, назоратчи кассир ва кассир штат бирликлари киритилиши шарт.

329. Назоратчи-бухгалтер ёки кассир вақтинча (меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик даври, меҳнат ёки ижтимоий таътилда) ишда бўлмаган тақдирда унинг ўрнига банк филиали раҳбари томонидан чиқарилган буйруқ асосида филиалнинг тегишли ходимларидан бири вақтинча тайинланганидан сўнг, банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаси ўз иш фаолиятини давом эттириши мумкин.

330. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаси «Банк муассасаларини қўриқлаш ва ёнғиндан хабар берувчи техник воситалар билан жиҳозлашга доир Талабнома» (1998 йил 21 декабрь, рўйхат рақами 575) талаблари асосида жиҳозланган бўлиши шарт.

Банкдан ташқарида жойлашган амалиёт кассалари хоналарига ўрнатилган қўриқлаш, ёнғиндан ва хавфдан огоҳлантирувчи сигнализация воситалари Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий идоралари ҳузуридаги «Қўриқлаш» бўлими ва унинг таркибидаги Марказлашган қўриқлаш хизмати (ПЦО)га шартнома асосида (ПЦО бўлмаган ҳудудларда ИИБ навбатчи қисмига) уланиб, кечаю-кундуз (24 соат) уларнинг назоратида бўлиши шарт.

331. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларининг биноси алоҳида қириладиган 2 та хонадан иборат бўлиши ҳамда ҳужжатларни бир-бирига топши-

риш учун касса хоналари ўртасидаги деворга кичик дарчалар (туйнук) ўрнатилган бўлиши лозим.

Биринчи хона назоратчи-бухгалтер учун ҳужжатларни расмийлаштириш, текшириш ҳамда тегишли бухгалтерия ўтказмаларини модем ўтказмаси орқали амалга ошириш учун, иккинчи хона кассирга — нақд пулларни қабул қилиш ва сақлаш ҳамда уларни топшириш учун мўлжалланган бўлиши шарт.

332. Операцион кассаси ходимлари пул санаш машинкаси, ҳисоблаш машинкаси (калькулятор), компьютер принтери билан бирга, сейф ёки махсус металл жавон, пулларни ўраб-боғлаш учун бандероль, тизимча ва пломбалар, кассир учун бириктирилган махсус пломбир ва амалиёт кассасининг номи ёзилган ёки унинг тартиб рақами кўрсатилган муҳр ва штамплар ҳамда бошқа тегишли бланкалар билан таъминланган бўлишлари шарт.

333. Тижорат банкларининг банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларига банкомат ва терминал ўрнатилиши мумкин.

334. Банкдан ташқарида жойлашган амалиёт кассаларида пул муомаласига доир операциялар Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномага (2005 йил 10 октябрь, рўйхат рақами 1518 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 43-44-сон, 334-модда) асосан ташкил этилиши шарт.

335. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларида барча тўловлар (коммунал хизматлари учун, солиқ ва бошқа тўловлар) нақд пулларда, шунингдек ўрнатилган терминаллар ёрдамида пластик карточкалар орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек банк томонидан таклиф этилаётган барча омонат турлари бўйича нақд пул қабул қилиш, улар бўйича фоизлар тўлаш ҳамда омонатни қайтариш, шу билан бирга омонатлардан қонунчиликда кўзда тутилган тўловлар амалга оширилиши мумкин.

336. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассасига ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан озод этиш, мижозлар ва аҳолидан нақд пулларни қабул қилиш ва уларга нақд пул бериш бўйича ҳужжатлар айланиши, нақд пулларни қабул қилиш ва топшириш, нақд пуллар ва ҳужжатларни банк филиалидан ёки банк филиалига инкассация хизмати орқали етказиб бериш қатъий равишда ушбу Йўриқнома талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Бунда тижорат банк филиали тегишли инкассация хизмати билан тузилган шартнома асосида банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларини зарур миқдорда мадад пули билан таъминлайди ва банк амалиёт куни якунланганидан сўнг, амалиёт кассасида мавжуд бўлган миллий валютадаги нақд пул қолдиқлари амалиёт кассасига қарашли бўлган банк ҳисобварағига ўтказиш учун, чет эл валютасидаги қолдиқлар эса сақлаш учун банк филиали ёки туманда жойлашган бошқа банк филиалига вақтинча топширилиши шарт.

Қун охирида операцион кассасида нақд пуллар қолдиғининг қолиши тақиқланади.

337. Банкдан ташқарида жойлашган амалиёт кассаларида амалга оширилган операциялар бўйича бухгалтерия ҳисоби қатъий равишда «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари»га (2006 йил 24 июль, рўйхат рақами 1602 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 299-модда) мувофиқ амалга оширилиш шарт.

338. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассалари банк филиалида мавжуд бўлган компьютер дастури орқали бевосита модем алоқаси билан боғланган бўлиши шарт.

Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларининг назоратчи-бухгалтери ўзининг шахсий махфий коди (пароли) орқали мазкур дастурга кириши ва мижоз билан бўлган ҳар бир касса операциясини алоҳида тегишли ҳисобварақлар орқали акс эттириб бориши лозим.

339. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ушбу Ўриқнома талабларига мувофиқ амалга оширилиши шарт.

340. Бош банкнинг касса операциялари бошқармаси (бўлими) банкнинг ички аудит хизмати ва ички назорат ходимлари билан биргаликда ҳар чорақда камида бир марта банкдан ташқарида жойлашган амалиёт кассасида қуйидагиларни:

а) аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қабул қилиб олинган нақд пулларни уларнинг тегишли ҳисобварақларига ўз вақтида ўтказилишини;

б) банк омонатчиларининг ҳисобварақларида қолган пулларни уларнинг омонат дафтарчалари билан мос келишини тўлиқ инвентаризация қилишни;

в) инвентаризация натижасида ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари аниқланган тақдирда, омонатчилар маблағларини банк маблағлари ҳисобидан зудлик билан тиклаш чоралари қўрилганлигини;

г) ноқонуний ўзлаштиришларга йўл қўйган моддий жавобгар шахслардан банкка етказилган зарарни тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида, тегишли ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилганлигини;

д) омонат дафтарчаларнинг кирим-чиқим ҳисоби бўйича қатъий равишда тартиб рақами қўйилган варақлари ип ўтказилиб, муҳрланган ва банк филиали раҳбари томонидан тасдиқланган китобларда қабул қилувчи ва топширувчининг шахсий имзоси қўйилган ҳолда юритилишини текширишлари шарт.

341. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассасида пул муомаласи ва касса операцияларини амалга ошириш тартибини чуқур ўргатиш бўйича касса ходимлари учун доимий равишда Бош банкда махсус ўқув курслари ташкил этилиши лозим.

342. Банкдан ташқарида жойлашган операцион кассаларининг ходимлари банк Бошқаруви томонидан ташкил этиладиган махсус комиссия томонидан йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилиши лозим.

XVII боб. Инкассация хизматини ташкил этиш

343. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг пул тушумини инкассация қилиш ва банк бўлимлари ўртасида қимматликларни ташиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Инкассация бирлашмасининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонлар ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки тизимида нақд пул тушумини инкассация қилиш ушбу Ўриқномага мос равишда ишлаб чиқилиб, Халқ банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган ички тартиб асосида ташкил этилади. Халқ банкининг инкассация хизматини ташкил этиш борасидаги ички тартиби ушбу Ўриқномада белгиланган меъёрларга мос келиши шарт.

344. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Инкассация бирлашмаси мустақил ташкилот бўлиб, ўз низоми асосида иш юритади. Шунингдек, у ўз тасарруфида ҳудудий инкассация бошқармаларига эга.

345. Инкассация хизматининг сон таркиби пул тушумини инкассация қилиш ва қимматликларни ташиш бўйича бажариладиган мажбуриятлар қўлами ва унинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, штатлар жадвали билан белгиланади.

346. Инкассация хизматига, агар иш бевосита инкассация қилиш ва қиммат-

ликларни ташиш билан боғлиқ бўлса, қуроли кучлар сафида амалда хизматни ўтаган, соғлом, тегишли назорат органлари текширувидан ўтган ва хизмат раҳбари томонидан белгиланган, лекин уч ойдан ошмаган синов муддати мобайнида тайёр-гарлик кўрган шахслар қабул қилинади.

347. Ҳар бир ходимга шахсий йиғмажилд очилиб унда бошқа ҳужжатлар қаторида қуйидагилар бўлиши лозим:

- а) тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома;
- б) хизмат сирлари, қимматликларни инкассация қилиш ва ташиш бўйича маълумотларни ошкор этмаслик ҳақида тилхат;
- в) ходим билан тузилган суғурта шартномаси;
- г) йилда бир маротаба тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномалар.

348. Янги ишга қабул қилинган ходимлар билан бошланғич машғулотлар ўтказилиб, уларнинг билимлари синалганидан сўнг, мустақил ишга қўйилади ва шу билан бирга инкассация хизматида тегишли бўлган меъёрий ҳужжатларга доир «Техник ўқув» машғулотлари ўтказилиб, ходимнинг олган билимлари бўйича мунтазам равишда синов ўтказиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг пул тушумини инкассация қилиш ҳамда қимматликларни ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажарувчи ходимлар билан тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида намунавий шартнома (3-илова) тузилади.

349. Табелъ қуроли бириктирилган ҳар бир ходим, хизмат вазифасини бажариш вақтида соғлиғига зиён етказилиши эҳтимоли борлиги учун олдиндан инкассация бирлашмаси ҳисобидан суғурта қилинади. Агар хизмат вазифасини ўташ вақтида ходим вафот этса, суғурта қилинган тўлов қонунчиликда белгиланган тартибда унинг меросхўрларига тўланади.

350. Инкассация хизмати раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари томонидан мунтазам равишда ҳар чоракда камида бир маротаба, инкассаторлар томонидан пул тушумини инкассация қилиш ва қимматликларни ташиш қоидаларининг бажарилиши бўйича текширувлар ўтказишлари лозим. Текшириш натижалари мазкур Йўриқноманинг 34-иловасида келтирилган 172-шаклдаги китобда қайд этилиши лозим.

Инкассация хизмати ходимлари томонидан пул тушумини инкассация қилиш, қимматликларни ташиш ва банк мижозларига хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши бўйича жавобгарлик — инкассация хизмати раҳбари зиммасига юклатилади.

Банк мижозларига хизмат кўрсатиш бўйича текширишлар — банк раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга тижорат банк филиаллари биносида жойлашган инкассация бўлимининг иш фаолияти устидан доимий назорат ўрнатиш ва йилнинг ҳар чорағида инкассация бўлимида ишнинг ташкил этилиши, яъни хизмат китоби ва журналларнинг юритилиши, мижозлар пул тушумини инкассация қилиш, қимматликларнинг ташилишини амалга ошириш, инкассация хизмати автомашиналарининг ишчи ҳолати, уларнинг махсус техник воситалари билан жиҳозланганлиги, автомашиналар йўналишга чиқмаган вақтларда уларнинг боксларда сақланиши ҳамда инкассаторларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатларини ўрганиб чиқиб, унинг натижаси бўйича маълумотларни Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларининг Эмиссия — касса операциялари бўлиmlарига тақдим этадилар.

351. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Эмиссия — касса операциялари департаменти ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларидаги таркибий бўлин-

малари инкассация хизмати иши юзасидан мунтазам равишда текширув ва назорат олиб боришлари шарт.

Инкассация бирлашмасининг масъул ходимлари ҳудудий инкассация бошқармаларига ишнинг қандай ташкил этилганлиги бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида мунтазам равишда хизмат сафарларига бориб туришлари лозим.

XVIII боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг пул тушумини инкассация қилишни ташкил этиш

352. Хўжалик юритувчи субъектларнинг пул тушумини йиғиш ва банк бўлимига етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш банк, мижд ва инкассация хизмати ўрталарида тузилган 3 ва 4 томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

353. Нақд пул маблағларини инкассация қилиш хизматлари хўжалик юритувчи субъектлардан, воситачилик тўловлари ундирилмаган ҳолда амалга оширилади. Кейинчалик ушбу харажатлар банклар томонидан, банк бўлими ва инкассация хизмати ўрталарида тузилган икки томонлама шартнома асосида, инкассация хизмати ҳар ойда тақдим этадиган тўлов ҳисоботлари бўйича қопланади.

354. Хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати (18-илова) инкассаторлар томонидан пул тушуми йиғиладиган инкассация бўлимининг тегишли китобида ҳамда электрон ёзув тарзида юритилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун ҳар ойда 107-шаклдаги ташриф ва-
— рақаси (32-илова) тузилиб, унга субъект рўйхатга олинган рақам берилади.

Пул тушумининг ҳажмига қараб ҳар бир хўжалик юритувчи субъектга керак-
+ ли миқдорда «БАНК» ёзуви туширилган махсус инкассация халталари сотилади. Ҳар бир халтага каср сонли рақам қўйилиб, сурати субъектнинг рўйхатдаги рақами, махражи эса халтанинг тартиб рақамидан иборат бўлади. Якшанба ва байрам кунларида «В» индексли халталар берилади.

355. Инкассация қилинаётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект банкка пломбирнинг аниқ изи туширилган иккита пломба намунасини беради. Агар пул тушуми солинган халталар жойлардаги инкассация бўлимларига топширилса, пломба намуналари уч нусхада берилади. Пломба намунасида хўжалик юритувчи субъектнинг қисқартирилган номи кўрсатилган бўлиши лозим.

Инкассация бўлими бошлиғи ва банкнинг касса мудури юқорида кўрсатилган намуналарни текшириб, уларни тизимчадаги хўжалик юритувчи субъект пломба намунасининг қуйи қисмига ўз пломбаларини босиб тасдиқлайдилар, шундан сўнг банкнинг касса мудури ўзининг пломба намунаси билан тасдиқлайди.

Тасдиқланган пломба намуналарининг биринчи нусхаси хўжалик юритувчи субъектга берилади. Инкассатор пулли халталарни қабул қилиш вақтида, унга ушбу намуна кўрсатилади. Иккинчи нусхаси инкассаторлардан пулли халталар қабул қилинаётган вақтда назорат учун банкнинг кечки кассасига топширилади.

Агар хўжалик юритувчи субъект пул тушумини инкассация бўлимига топширса, пломба намунасининг учинчи нусхаси қабул қилинаётган пулли халталардаги пломбалар бир хиллигини текшириш учун шу бўлимининг инкассаторига беради.

356. Хўжалик юритувчи субъектлардан пул тушумини йиғиш йўналишларини ва уларнинг ташриф вақти жадвалларини инкассация бўлими бошлиғи тузиб чиқади. Инкассаторларнинг объектга бориш вақти, банк кассасига энг кўп тушадиган пул тушуми вақтини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Инкассация йўналишларининг қатнов жадвали, зарурат туғилган тақдирда ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига янгиланади.

357. Бригадада ишловчиларнинг сони уч кишидан кам бўлмаган ҳолда, уларнинг инкассация қилиш шароитига қараб, инкассация бўлими бошлиғи (унинг ўринбосари) томонидан белгиланади.

Бригада аъзоларидан бири бригада бошлиғи, бошқаси пул тушумини йиғиб олувчи этиб тайинланади. Пул тушумини йиғиб олиш вақтида бригада бошлиғи билан ҳайдовчи пул тушуми солинган ҳалталарни қўриқлайдилар ва йиғувчининг ишини кузатиб борадилар.

Айрим ҳолларда инкассация қилиш иккита ходим орқали, икки кундан ошмаган муддатда бажарилиши мумкин. Бунда бригада бошлиғи вазифасини инкассатор-ҳайдовчи бажаради. Худудий инкассация бошқармасининг бошлиғи инкассация бригада таркибини керакли микдорда инкассаторлар билан тўлдириш чораларини кўриши лозим.

358. Инкассация бўлими бошлиғи (навбатчи инкассатор) пул тушумини йиғиш учун инкассаторларга йўналишга чиқишларидан аввал 172-шаклдаги китобга имзо қўйдирган ҳолда; йиғувчи инкассаторга — бир йил муддатга бериладиган 173-шаклдаги ишончнома (33-илова), 107-шаклдаги ташриф варақалари (32-илова), инкассация бўлимининг йўналиш рақами кўрсатилган муҳрни; бригада бошлиғига — йўналишга бериладиган ташриф варақлари ва бўш ҳалталар сони ҳақидаги маълумотномани (8-илова) топширади.

Инкассаторлар йўналишга олинадиган бўш ҳалталарни инкассаторларга топшириладиган бўш ҳалталар китоби (22-илова) бўйича банкдан шартномада белгиланган вақтда оладилар. Банклар қулфланадиган ва металл шкафлар ўрнатилган алоҳида хонани инкассацияга ажратиб беришлари ва ушбу хонада йўналишга чиқиладиган кун ишлатилмайдиган ҳалталарни сақлашлари шарт.

359. Инкассация хизматида фойдаланиладиган барча сурғучли муҳрлар, пломбирлар, калитлар ва штамплар инкассация бўлими бошлиғи юритадиган махсус дафтарда (27-илова) қайд этилиши лозим (инкассация бўлими бўйича навбатчи мавжуд бўлган бошқармаларда уларнинг ҳисоби худудий инкассация бошқармаси бошлиғининг фармойиши бўйича юритилади). Барча инкассация бўлимларида пломбирлар, калитлар, штамплар ва сурғучли муҳрлар шу дафтарга имзо қўйдириб берилади.

Мазкур Йўриқномада кўзда тутилган барча ҳисоб дафтарлари, шунингдек пломбирлар, муҳрлар, калитлар, техника хавфсизлиги бўйича юритиладиган китоб, инкассация қилинувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб дафтари (18-илова) рақамланиши, тикилиши ва худудий инкассация бошқармасининг сурғучли (сиёҳли) муҳри билан тасдиқланиши лозим.

360. Инкассация бўлими бошлиғи (унинг ўринбосари, навбатчи инкассатор) инкассаторларни йўналишга чиқаришдан аввал, махсус автомобилнинг ишга тайёрлигини текширади ва йўналиш варағида тегишли ёзувни қайд этади. Шунингдек, ҳайдовчи-инкассаторнинг йўналишга чиқиш тайёргарлиги (унинг жисмоний ҳолати ва ҳайдовчилик гувоҳномаси борлиги) текширилади.

361. Инкассация хизматининг махсус автомашиналаридан ишдан ташқари бошқа мақсадлар учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

Хизмат автомашиналарини ишлатиш ва сақлаш учун жавобгарлик инкассация хизмати (бўлими) бошлиғи (унинг ўринбосари) зиммасига юклатилади. Банк ҳовлисида инкассация хизматининг махсус автомашиналаридан ташқари бошқа автотранспортнинг сақланиши қатъиян тақиқланади.

Инкассациянинг махсус автомашинасида банк ҳудудидан ташқарига чиқиш ҳуқуқига, фақат махсус автомашинанинг инкассатор-ҳайдовчиси эга.

Инкассация йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган вақтда махсус автомашина бузилиб қолиб, уни жойида тузатишнинг иложи бўлмаган тақдирда, йўналишга бошқа автомашина ажратилади ва бунда ушбу йўналиш бригадаси учун белгиланган ҳайдовчи-инкассатор алмаштирилмайди.

362. Инкассаторлар хизмат вазифасини бажариш учун йўналишга чиқишларидан аввал инкассация бўлими раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан кунлик йўриқнома ўтказилганидан сўнг, ушбу Йўриқноманинг 48-илоvasида келтирилган кунлик йўриқнома китобига имзо қўйдирилади.

363. Қимматликларни инкассация қилиш ишларига жалб этилган инкассация хизмати ходимлари махсус кийим-кечак ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлишлари шарт.

ХІХ боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг пул тушумларини инкассация қилиш тартиби

364. Барча доимий нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумларини ўзларининг ҳисобварақлари очилган банкка ўз вақтида кирим қилиш учун инкассация хизмати орқали топширишлари шарт.

Доимий пул тушумига эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар депонентланган иш ҳақи, пенсия, нафақа, гонорар ва бошқа меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ўз вақтида тўланмаган ҳамда айрим ҳолларда ходим томонидан хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш учун кассага тўланган нақд пуллар ва бошқа тўловларни, касса лимитидан ортиқча нақд пулларни унинг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағига хизмат қилувчи банк кассасига хўжалик юритувчи субъект ҳисобварағига киритиб қўйиш учун бевосита ўзи олиб келиб (самонос) топшириши мумкин.

Бунда бевосита ўзи олиб келиб топшириш (самонос) йўли билан пул маблағларини асосий банк ҳисобварағи очилмаган банк (филиал) кассасига топширилиши қатъиян ман этилади. Бошқа банк мижозларидан ўзи олиб келиб топшириш йўли билан нақд пулларни қабул қилган банкларга (филиалларга) нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима санкциялари қўлланилади.

365. Хўжалик юритувчи субъектлар инкассаторларга пул тушумини топшираётган вақтда ҳар бир ҳалта учун 006-шаклдаги (19-илова) бланкалар комплектини қора қоғоз орқали уч нусхада тўлдириб берадилар.

Бланканинг 1-нусхаси (илова қайдномаси) инкассация халтасининг махсус чўнтагига солинади, 2-нусхаси (ҳалтага юк хати) пул тушуми солинган ҳалта билан бирга йиғувчи-инкассаторга берилади ва унинг 3-нусхаси эса (квитанция) мижозда қолади.

366. Йиғувчи инкассатор пул тушуми солинган халтани қабул қилишдан аввал пул топширувчига фотосурати бўлган шахсий гувоҳномасини, пул тушумини олиш учун 173-шаклдаги ишончномани (33-илова) ва 107-шаклдаги ташриф варақани (32-илова) тақдим этади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг масъул ходими инкассаторга пул тушуми солинган халтани топширишда ташриф варақасига кўзда тутилган барча ёзувларни қайд этади. Ушбу ёзувларнинг инкассатор томонидан қайд этилиши қатъиян тақиқланади.

Инкассаторга пул тушуми солинган иккита ёки ундан ортиқ ҳалта топширил-

ган тақдирда ёки ундан иккита ёки ундан ортиқ бўш халта олинганда ташриф варақасининг «пул тушуми солинган халтанинг рақами» ва «инкассатордан қабул қилинган бўш халтанинг рақами» деган устунларига рақамлар ўрнига халталар сони сўз билан ёзилади.

367. Халталарни қабул қилиб олишда йиғувчи-инкассатор қуйидагиларни:

- а) халтанинг яроқлилиги ва бутлигини;
- б) унинг тўғри пломбаланганлиги (пломба қўйилган тизимчанинг бутлиги, пломбир изининг аниқлиги ва унинг намуна билан бир хиллиги)ни;
- в) қабул қилинаётган ва топширилаётган халталарнинг рақамлари ташриф варақасида, юк хатида ва квитанцияда кўрсатилган рақамларига мос келишини;
- г) хўжалик юритувчи субъектнинг жавобгар шахси томонидан юк хати ва квитанцияларга имзоси қўйганлигини;
- д) ташриф варақасида кўрсатилган пул тушуми суммасининг юк хати ва квитанциядаги ёзувларига мос келишини ҳамда юк хати билан квитанцияда рақам ва сўз билан ёзилган суммаларнинг ўзаро мос келишини текширади.

Шундан сўнг квитанциянинг 3-нусхасига имзо қўйиб унга сана, қабул қилиб олинаётган халтанинг рақамини ёзиб, йўналиш муҳрини босади ва хўжалик юритувчи субъектнинг масъул ходимига бўш халтани топширади.

Йиғувчи-инкассатор икки ёки ундан ортиқ халталарни қабул қилаётган вақтда, халталар сони билан тушумнинг умумий суммасини ҳар бир халтага тегишли юк хати ҳамда квитанциядаги ёзувларига қараб текшириб олади.

Халтанинг бутун эмаслиги ёки илова ҳужжатларининг нотўғри расмийлаштирилганлиги аниқланган тақдирда, пул тушуми солинган халталарни қабул қилиш тўхтатилади. Йиғувчи-инкассатор иштирокида фақат инкассаторлар бригадасининг йўналишдаги қатнов жадвали бузилишига олиб келмайдиган хато ва камчиликлар тузатилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда хўжалик юритувчи субъект (пул топширувчи)дан пул тушуми солинган халталарни қабул қилиш уларнинг қайта ташриф вақтида амалга оширилади ва бу ҳақда ташриф варағига тегишли ёзувлар қайд этилади.

Пул тушуми солинган халталарни топширишдан бош тортиш ҳолатларида, хўжалик юритувчи субъект ташриф варағига топширмаслик сабабларини қайд этиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

368. Инкассаторлар бригадасининг бошлиғи йиғувчи инкассатордан пул тушуми солинган халталарни, юқорида кўрсатилган тартибда қабул қилиб олади, шундан сўнг унга навбатдаги хўжалик юритувчи субъектдан тушумини қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектига тегишли бўш халтани беради.

Пул тушуми солинган халталарнинг юк хатлари ва ташриф варақалари йиғувчи-инкассаторда қолади. Йўналиш бўйлаб ҳаракатланган вақтида, пул тушуми солинган халталар қопларда ёки махсус қутиларда инкассаторлар бригадасининг бошлиғида сақланади.

369. Банкларга олиб келинган пул тушумли халталарни инкассаторлар банкнинг кечки кассасига ушбу Йўриқноманинг 122 — 124-бандларида қайд этилган тартибда топширадилар.

370. Халталар ўрнатилган тартибда имзо қўйиб топширилганидан сўнг, бригада бошлиғи инкассация бўлими бошлиғи (унинг ўринбосари, навбатчи инкассатор)га бланкани (7-илова), хайдовчи инкассатор йўналишга чиқиш учун берилган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати гувоҳномасини, йиғувчи-инкассатор эса ишончномани, ташриф варақаларини, муҳрни, шунингдек бригаданинг барча аъзолари қурол, ўқ-дори ва қурол олиб юриш учун берилган рухсатномаларини топширадилар.

Инкассация бўлимининг бошлиғи (унинг ўринбосари, навбатчи инкассатор) барча ҳўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатилгани ва инкассаторлар банк кассасига топширган халталарнинг сони улар ҳўжалик юритувчи субъектлардан қабул қилган халталарнинг сонига мос келишини текшириб чиққанидан сўнг, бу ҳақда бланкада (7-илова), шунингдек йиғувчи инкассатордан ишончнома, ташриф варақалари ва йўналиш муҳри қабул қилинганлиги ҳақида 172-шаклдаги китобга қайд этади.

Инкассация бўлими бошлиғи (унинг ўринбосари, навбатчи инкассатор) инкассаторлар томонидан қабул қилиб олинган нақд пулли халта, қоп ҳамда бўш халталарни қайд этиш бланкаси (7-илова) бўйича топширилган пул тушумининг умумий суммаси тўғрисидаги маълумотнома (9-илова)ни тузиб, уни тегишли банкнинг бош бухгалтерига беради.

Бундан ташқари инкассация бўлими бошлиғи (унинг ўринбосари, навбатчи инкассатор) ҳар куни банк раҳбарига аввалги кун учун инкассаторларга пул тушумини топширмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотнома (25-илова)нинг иккинчи нусхасига имзо қўйган ҳолда топширади.

371. Агар умумий белгиланган дам олиш кунлари инкассаторлар томонидан пул тушуми йиғилса, лекин қайта санаш кассаси ишламаса, касса мудирини ёки қайта санаш кассасининг назоратчиси ушбу кунлари инкассаторлар бригадасига бўш инкассация халталарини ушбу Йўриқноманинг 183-184-бандларида белгиланган тартибда топширади.

372. Йўналишдан йиғиб келинган ва пул тушуми солинган халталарни махсус ажратилган сейфларда инкассаторлар жавобгарлиги остида сақлашга рухсат этилади.

Бундай ҳолларда инкассация бўлими бошлиғи (унинг ўринбосари, навбатчи инкассатор) йиғувчи инкассаторга ва бригада бошлиғига пломбирлар, калитлар, муҳрлар ҳисобини юритиш дафтарига имзо қўйдириб, сургучли муҳрларни ва калитларни беради. Сейфлар иккита калит билан қулфланиб, ушбу шахсларнинг сургучли муҳрлари билан белгиланган тартибда муҳрланади ҳамда қўриқлашга 161-шаклдаги китобга имзо қўйиб топширилади. Дафтар инкассаторлар бригадаси бошлиғининг алоҳида сейфида ёки темир шкафида сақланади. Пломбир (муҳр) намунасининг бир нусхаси қўриқлаш хизмати ходими (милиционер)га топширилади.

373. Инкассаторлар инкассация қилинган пул тушуми билан бирга ташриф варақалари ва юк хатларини сейфларда сақлашлари шарт.

Сейфларни қулфлаш, муҳрлаш ҳамда қўриқлаш хизматига топшириш — инкассаторлар халталарни ҳар бир йўналишдан олиб келганларидан сўнг амалга оширилади.

Халталарни сейфларга қўйиш, сейфларга навбатдаги халталарни қўйиш учун очиш, шунингдек халталарни касса ходимларига топшириш учун олиш инкассаторлар бригадасининг барча аъзолари иштирокида амалга оширилиб, бу ҳақда 161-шаклдаги китобда қайд этиб, унга инкассаторлар билан қўриқлаш хизмати ходимлари имзо қўядилар.

Турли инкассация бригадалари томонидан инкассация қилинган пул тушумининг халталарини битта сейфда сақлашга рухсат этилмайди.

374. Пулни қайта санаш кассаси иш бошлашидан аввал инкассаторлар келишилган вақтда келишлари ва пул тушуми солинган халталарни ушбу Йўриқноманинг 124-бандида кўзда тутилган тартибда, қайта санаш кассасининг назоратчи касирига топшириши, ташриф варақалари, ишончнома, йўналишга берилган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати гувоҳномаси, муҳр, сейфларнинг калитлари ва

сурғучли муҳр (пломбир)ларини эса тегишли китоблар орқали инкассация бўлими бошлиғи (унинг ўринбосари, навбатчи инкассатор)га топширишлари лозим.

XX боб. Банк қимматликларини ташишни ташкил этиш

375. Пул, танга ва бошқа қимматликларни ташиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Инкассация бирлашмасининг жойлардаги бўлимлари орқали томонлар ўртасида тузилган шартномалар, банкларнинг ёзма буюртмалари ва Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларининг фармойишлари асосида амалга оширилади.

Фармойишлар тўрт нусхада тайёрланиб, унинг биринчи нусхаси қимматликларни жўнатувчи банкда, иккинчи нусхаси қимматликларни қабул қилиб олувчи банкда, учинчи нусхаси инкассация бирлашмасида (жойларда бошқармаларда) ва тўртинчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Эмиссия-касса операциялари департаментида (жойларда Эмиссия-касса операциялари бўлимларида) назорат олиб бориш учун сақланади.

376. Қимматликларни жўнатувчи банк олдиндан телефон ёки телеграф орқали қимматликларни қабул қилиб олувчи банкларни қимматликлар ортилган автотранспортнинг йўлга чиқиш вақти ва ундаги қимматликларни қабул қилиш бўйича тайёргарлик ишларини ташкил этиб туришлари ҳақида хабардор қилишлари лозим.

377. Қимматликлар ташилишини амалга ошириш ва уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда инкассаторлар бригадаси аъзоларининг сони белгиланади. Бунда уларнинг сони шаҳар, туман ва вилоят (ҳудуд) ичида ташилишини инобатга олган ҳолда камида уч кишидан, вилоятлараро (ҳудудлараро) ташилиш вақтида эса камида олти кишидан иборат бўлган бригада тузиш ҳамда қўриқлаш ва етказиб бериш муддатини белгилаб, топшириқни бажариш тартиби ҳақида инкассаторларга йўриқнома ўтказилиб, кунлик йўриқнома китобига имзо қўйдирилади.

378. Инкассаторлардан бири бошлиқ этиб тайинланади ва у бригада (гурух)нинг қимматликларни ташишга доир барча ишларини ташкил этади. Унга бир марталик, олд тарафида унинг фамилияси, исм-шарифи кўрсатилиб, имзо намунаси қайд этилган ҳамда инкассация бошқармаси бошлиғи ва бош бухгалтерининг имзолари қўйилиб, муҳри билан тасдиқланган мазкур Йўриқноманинг 38-илоvasида келтирилган 179-шаклдаги ишончнома берилади. Ишончноманинг орқа тарафида бригада таркибига кирувчи қолган барча инкассаторларнинг фамилиялари ёзилади ва исм-шарифларининг бош ҳарфлари кўрсатилади ҳамда ушбу рўйхат бошлиқнинг имзоси ва инкассация бошқармасининг муҳри билан тасдиқланади.

Агар қимматликларни ташиш инкассация бўлимининг инкассаторлари орқали амалга оширилса, уларга инкассация бошқармасининг бошлиғи ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ишончнома берилади. Ой тугаганидан сўнг, инкассация бўлими бошлиғи (унинг ўринбосари) ишончномалардан фойдаланганлиги ҳақида ҳудудий инкассация бошқармаси олдида рўйхатлар бўйича ҳисобот беради.

379. Пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликлар инкассаторларга банк раҳбари, бош бухгалтер ва касса мудири имзолаган чиқим касса ордерлари ушбу мансабдор шахслар иштирокида берилиши лозим. Ордерларда қимматликларни белгиланган жойга жўнатиш тўғрисидаги фармойишининг рақами ва санаси кўрсатилиши шарт.

Жўнатувчи банк фармойишда кўрсатилган суммани инкассация ходимларига тўлиқ берилишини таъминлаши шарт.

380. Банкнинг айланма кассаларидаги лимитдан ортиқча қолдиқларини Ҳисоб-

китоб-касса марказига етказиб бериш, яроқли пулларни тўлиқ боғламларда, алоҳида ҳолларда эса эскирган пулларни тўлиқ бўлмаган боғламларда амалга ошириш мумкин.

381. Инкассаторлар қимматликларни қабул қилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатадилар. Инкассаторлар пулларни бирма-бир дасталар ва боғламлари бўйича, боғламларнинг тўғри ўраб-боғланганлиги ва уларнинг бутлигини, ҳар бир боғламдаги дасталар сонини, устки накладкаларда кўрсатилган суммаларнинг тўғрилигини, улардаги реквизитларнинг бир-бирига мос келишини ҳамда пломбаларнинг бут ва аниқ босилганлигини, целофан пакет ва кафолат чокларининг бутлигини текшириб, қабул қилиш орқали амалга оширадилар.

382. Инкассаторлар томонидан тангалар қопларда, унинг бутлиги ва тўғри боғланганлиги, қопларга бириктирилган матоли ёрлиқларда тангаларнинг қиймати ва суммаси қайд этилганлиги, пломбаларнинг бутлиги ва уларнинг яққол туширилганлиги ҳамда кассирларнинг имзолари қўйилганлигини текшириб қабул қилинади. Шикастланган ва нуқсонли тангалар банкдан тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қопларда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса марказига, зарурат туғилган тақдирда эса тўлмаган қопларни бирлаштирмаган ҳолда жўнатишга рухсат этилади.

Инкассаторлар томонидан пул боғламлари ва тангали қопларни қабул қилиш вақтида аниқланган нуқсонли боғламлар ва қоплар қабул қилинмайди.

383. Ташиш учун тайёрлаб қўйилган, қопларга жойлаштирилмаган нақд пул билан инкассация ходими ёки касса ходимининг бир ўзини ёлғиз қолдириш қатъиян ман этилади.

384. Қимматликлар қабул қилиб олинганидан сўнг, касса мудирини ёки унинг кўрсатмасига биноан бошқа касса ходимининг назорати остида инкассаторлар уларни стандарт брезент қопларга жойлайдилар. Ҳар бир қопнинг оғзи тикилиб, тизимча билан икки ярим айланишда сиқиб боғланади. Тизимча учлари матодан тайёрланган ёрлиқдан ўтказилиб, ёрлиқда қимматликларни жўнатувчи банк номи, қопнинг ўраб-боғланган санаси ва рўйхатдаги (23-илова) рақамига мос келувчи тартиб рақами кўрсатилиб, тизимча учлари маҳкам боғланади. Шундан сўнг қоп пломбланиб, ундаги ёрлиққа пул ўраб-боғланишини назорат қилувчи касса ходими имзо қўяди.

Қимматликлар қабул қилингани тўғрисида инкассаторлар бригадасининг бошлиғи чиқим касса ордерларига имзо қўяди, бригада аъзолари ордерларнинг орқа томонига имзо қўйиб, унга уларнинг фамилияси, исм-шарифи, шахсий гувоҳнома-ларидаги маълумотлар ва олинган сумма кўрсатилади.

385. Қабул қилинган ва қопларга жойланган қимматликларнинг бут сақланишига ва қоплардаги пломбаларнинг бутлигига, қимматликларни белгиланган жойга етказиш учун масъул бўлган бригаданинг барча инкассаторлари тўлиқ моддий жавобгардирлар.

386. Нақд пул ва тангалар ёки бошқа қимматликларни жўнатувчи банкнинг касса мудирини томонидан 4 нусхада рўйхат (23-илова) тузилади ва улар жўнатувчи банкнинг мансабдор шахслари томонидан имзоланиб, банк муҳри босилиб тасдиқланади.

Рўйхатнинг биринчи нусхаси қимматликларни қабул қилувчи банк раҳбарига топшириш учун инкассация бригадасининг бошлиғига берилади, 2-3 нусхалардан инкассаторлар бригадаси қимматликларни қабул қилиш ва топширишда фойдаланади ва ушбу нусхалар топшириқ бажарилганидан сўнг, инкассация бўлимига топширилади, уларнинг бири бажарилган иш учун ҳақ тўланишига асос бўлса, 4-нусхаси

эса қимматликларни жўнатувчи банкнинг кунлик касса ҳужжатларида ордерлар билан инкассация бирлашмасининг ишончномаси ва Марказий банкнинг тегишли фармойиши билан бирга тикилади.

387. Банкдан инкассаторлар орқали қабул қилган қимматликларни дарҳол ташишнинг имкони бўлмаган тақдирда, пломбаланган қопларда банкнинг пул сақлаш омборида (қўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинмаган ҳолда) сақлаш учун қолдирилиш мумкин. Пул сақлаш омбори қўшимча равишда бригада бошлиғининг пломбири (сурғучли муҳри) билан пломбаланади (муҳрланади) ва қўриқлаш учун белгиланган тартибда топширилади. Пломба (муҳр) намунаси қўриқлаш ходимиға берилади. Бундай ҳолларда, пул сақлаш омбори инкассаторлар бригадасининг бошлиғи иштирокида очилади.

388. Қимматликлар ва қуроллар омборлар (сейфлар)да сақланишига ҳамда қўриқлаш учун белгиланган тартибда топширилишига рухсат этилади. Қабул қилинган қимматликлар, бошқа мослаштирилган хонада ёки бронланган махсус автомашинада ҳам сақланиши мумкин. Бундай ҳолда қимматликлар уларни сақланиши учун жавобгар бўлган инкассаторлар томонидан қўриқланади.

389. Белгиланган жойга етказиб бориш учун чет эл валютасини қабул қилишни инкассаторлар Марказий банкнинг амалдаги «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан олиб бориладиган касса иши тўғрисида»-ги низом (1998 йил 3 августда 468-рақам билан рўйхатга олинган) ва мазкур Йўриқномага асосан амалга оширадilar.

390. Инкассаторлар томонидан қабул қилиб олинган қимматликларнинг барчаси қабул қилиб бўлинганидан сўнг уларни автомашина ёки бошқа турдаги транспорт ёрдамида ташиш учун олиб чиқилиши, албатта, инкассаторлар бригадасининг бошлиғи ва милиция ходимлари (соқчилар) иштирокида амалга оширилади.

391. Ҳар сафар қимматликлар автомашинага ёки бошқа турдаги транспортга, бир хонадан бошқа бир хонага ташилаётган вақтда уларнинг сони санаб чиқилиши шарт. Бунда бригада инкассаторлари шундай жойлашиши лозимки, уларга қимматликларни ташиётган ходимларнинг ҳар бир ҳаракати кўриниб туриши лозим.

392. Қимматликлар махсус автомашиналарга жойлаштириб бўлинганидан (агар улар алоҳида юкхона билан жиҳозланган бўлсалар) сўнг, уларнинг юкхона эшиги инкассаторлар бригадаси бошлиғининг пломбири билан пломбаланиб, касса мудирининг (ёки ушбу вазифа бўйруқ орқали юклатилган бошқа ходим)нинг пломбири билан тасдиқланади. Пломба намунаси рўйхатлар билан бирга 161-шаклдаги китобга қайд этилган ҳолда, инкассаторлар бригадаси бошлиғига топширилади.

393. Қимматликлар тегишли жойга олиб борилганидан сўнг, қимматликларни қабул қилиб олувчи банкнинг масъул ходими махсус автомашина юкхонаси эшигига босилган пломбани инкассаторлар бригадаси бошлиғи орқали бериб юборилган пломба намунаси билан солиштириб кўриб, пломбаларга босилган муҳрлар бир-бирига мос келишига ишонч ҳосил қилганидан сўнг 161-шаклдаги китобга имзо қўяди ҳамда автомашина юкхонаси эшигини очишга рухсат беради. Қимматликлар ушбу Йўриқноманинг 401-402-бандларида белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

Махсус автомашина юкхонасининг пломба тизимчалари қимматликлар қабул қилиб бўлингунга қадар сақлаб турилади, қимматликлар (қоп ва боғламлар) ёки бошқалар етишмаган тақдирда, автомашина юкхонасининг пломба тизимчаси билан қопнинг пломбали тизимчаси, пломба намуналари билан бирга бошқа ҳужжатлар қаторида тақдим этилади.

394. Агар махсус автомашинада бошқа банкларга тегишли қимматликлар жойлашган бўлса, омбор эшиги инкассаторлар бригадаси бошлиғи пломбаси билан

пломбаланади ва юки тушириб олинган банкнинг жавобгар шахси пломбаси билан тасдиқланади. Пломба намунаси 161-шаклдаги китобга қайд этилган ҳолда инкассаторлар бригадаси бошлиғига топширилади. Ушбу тартиб қимматликлар тегишли банкларга олиб бориб топширилгунига қадар давом этади.

395. Инкассация хизматининг автомашиналарида ёки бошқа турдаги транспортда қимматликларни ташиш ушбу топшириқни бажараётган бригаданинг барча инкассаторлари кузатуви остида амалга оширилади. Бундай ҳолда, транспорт ҳайдовчилари топшириқни бажариш вақтида бошқа йўналиш бўйича ўз ишларини давом эттириши ёки бошқа жойга кетиб қолиши тақиқланади.

Қимматликларни ташиш инкассация хизматининг ёпиқ кузовли автомашиналарида амалга оширилиши шарт. Лекин баъзи ҳолларда истисно тариқасида, ёпиқ кузовли ёлланган автотранспортларда қимматликларни ташишга рухсат этилади.

396. Қимматликлар ортилган автомашинанинг ҳаракатланиш вақтида инкассаторлар бригадаси бошлиғи ҳайдовчининг кабинасида, бошқа инкассаторлар эса кузатувчи машинада бўлишлари шарт. Бунда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати автомашинаси колоннанинг олдида ҳаракатланиши, орқасидан қимматликлар ортилган автомашина, унинг ортидан эса кузатувчи машина ҳаракатланиши лозим. Инкассаторларнинг бошқа бир жойга кириб ўтишлари, шунингдек автомашинада бегона шахс ёки ташилаётган қимматликларга алоқаси бўлмаган бошқа юкларни ташишлари қатъиян ман этилади.

397. Инкассаторлар бригадаси бошлиғининг барча кўрсатмалари аниқ ва сўзсиз бажарилиши шарт.

Қимматликлар узоқ муддат давомида ташиладиган бўлса, бригада бошлиғи шароитдан келиб чиққан ҳолда, инкассаторлар ўртасида навбатчилик қилишни ташкил этади. Қимматликларни кузатиб бораётган инкассаторларнинг четлашишлари бригада бошлиғининг рухсати билан амалга оширилади.

398. Агар йўлда ҳаракатланаётган транспорт бузилиб қолса ёки бошқа йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, махсус автотранспортнинг ҳаракатланиши учун илож бўлмаса, инкассация бригадасининг бошлиғи бу ҳақда зудлик билан инкассация бирлашмаси (худудий бошқармаси)га ва Марказий банкнинг Эмиссия-касса операциялари департаментига хабар бериши шарт. Инкассация бирлашмаси (бошқармаси) зудлик билан қимматликларни белгиланган жойга бут ва ўз вақтида етказиб бориш, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида, содир этилган ҳодиса сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

399. Қимматликларни бошқа автотранспортга ортиш лозим бўлган ҳолларда, махсус автотранспортнинг (агар у алоҳида юкхонага эга бўлиб, пломбаланган бўлса) эшиклари очилиб, қимматликларни тушириш ва уларни бошқа автотранспортга қайта юклаб, унинг эшикларини пломбалаш воқеа содир этилган жойдаги энг яқин атрофда жойлашган банк раҳбари ва касса мудири иштирокида қайта юкланаётган қимматликларнинг сонини, мажбурий равишда қайта санаб кўриши ва уни рўйхат билан солиштириб, қимматликлар қайта ортилган махсус автотранспорт эшикларини пломбалаши ҳамда пломба намунасини инкассаторлар бригадаси бошлиғига топширишлари шарт.

400. Қимматликларнинг йўқолгани, ўғирлангани ёки етишмаслиги йўлда ёхуд улар топширилаётган вақтда аниқланган ҳолларда, инкассаторлар бригадасининг бошлиғи қимматликларни жўнатган банк раҳбарига, инкассация бошқармасига (бўлимига), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг худудий Бош бошқармасига зудлик билан маълум қилади. Қимматликларни излаб топиш ва ўз жойига қўйишга доир шошилинч тадбирларни амалга ошириши ҳамда ушбу воқеани текши-

риб чиқиш учун жойлардаги тегишли Ички ишлар органларига дарҳол хабар бериши шарт.

Банк бўлимига келтирилган пул ва бошқа қимматликлар, улар қачон келтирилганлигидан қатъи назар, кечиктирилмаган ҳолда дарҳол қабул қилиб олиниши шарт.

Қимматликларни топшириш, албатта инкассаторлар бригадаси бошлиғи ва ишончномада кўрсатилган ходимларнинг иштирокида амалга оширилади.

401. Банкларда пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиниши, уларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан қопларнинг бутлиги, пломбир (муҳр) изларининг аниқ туширилганлиги ва уларнинг рақамлари рўйхатда кўрсатилган рақамларга мос келиши, боғламларнинг тўғри ўраб боғланганлиги ва уларнинг бутлиги, ҳар бир боғламдаги дасталар сони, ўраб-боғлаш санаси, накладкаларда кўрсатилган суммаларнинг тўғрилиги, кассирларнинг имзолари, уларнинг номи ёзилган тўртбурчак муҳрлари ҳамда банкнинг номи ва коди туширилган муҳрлари мавжудлигини текшириш орқали амалга оширилади.

402. Қоплардаги тангалар, уларнинг тўғри боғлангани ва бутлиги, қопга бириктирилган ёрлиқларидаги банкнинг номи ва коди борлиги, ўраб-боғланган сана, танга қиймати ва қопларга жойланган сумма кўрсатилгани, пломбаларнинг бутлиги ва яққоллиги, шунингдек кассирларнинг имзолари ва номлари ёзилган тўртбурчак муҳрлари борлиги текширилиб қабул қилинади. Шикастланган ёки шубҳали ўрамларда инкассаторлар томонидан олиб келинган пулларнинг боғламлари ва қоплардаги тангалар, инкассаторлар иштирокида бирма-бир доналаб қайта санаб олиш орқали қабул қилинади.

Бунда, қопларнинг пломбали ўрамлари ва қопларга тегишли бўлган ёрлиқлар қимматликларни қабул қилиш тугагунига қадар сақланади. Қимматликларнинг камомади (боғлам, даста ва ҳ. к.) аниқланган ҳолда, қопларнинг пломбали ўрамлари ва қопларга тегишли ёрлиқлар бошқа ҳужжатлар қаторида пулни санаган банкка тақдим этилади.

403. Банк раҳбарлари тегишли ҳужжатлар кўрсатилган тақдирда инкассаторлар бригадасидан қимматликларни қабул қилишни ва уларга қимматликларни топширишни фақат иш кунлари эмас, балки умумий дам олиш кунларида ҳам белгиланган тартибда таъминлашлари шарт.

404. Кассага кирим қилиш учун олиб келинган пулларни қабул қилиш вақтида тўловга яроқсиз ва қалбаки пуллар аниқланган тақдирда, шунингдек камомад ёки ортиқча пуллар чиққан ҳолларда, пулни қабул қилувчи банк томонидан 145 ва 145а-шаклдаги далолатнома тузилади. Бундай ҳолларда ушбу Йўриқноманинг 316 — 318-бандлари талабига амал қилиши ва камомад ёки ортиқча чиққан пулларнинг қанчалигидан қатъи назар, илова ҳужжатларида кўрсатилган сумма кассага кирим қилиниши лозим. Камомад суммасини айбдор шахсдан ундириб олиш учун тегишли ҳисобга ўтказилади, ортиқча чиққан пуллар эса банк фойдасига кирим қилинади.

405. Қимматликлар қабул қилиниб бўлинганидан сўнг банкнинг қимматликларни бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахслари ва олиб келинган қимматликларни банкка топширувчи инкассаторлар бригадаси жўнатилган қимматликлар рўйхатининг ҳар уччала нусхасининг орқа томонидаги «тилхат» қисмига имзо қўйганларидан сўнг, рўйхатнинг уч нусхасига банк муҳри босилади. Инкассаторлар бригадаси бошлиғига рўйхатнинг иккинчи ва учинчи нусхалари топширилади.

406. Инкассаторлар бригадасининг бошлиғи доимий иш жойига қайтганидан сўнг, қимматликлар белгиланган жойга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат-

ларни тақдим этиши шарт. Рўйхатнинг бир нусхаси инкассация бошқармасига юборилади ва у тегишли банкка жўнатиладиган тўлов талабномасига илова қилинади.

Қимматликларни қабул қилувчи банк шартномада белгиланган муддатларда инкассация хизматига қимматликларни ташиш учун кетган ҳақиқий харажатларни тақдим этилган ҳисоблар асосида тўлаб бериши шарт.

**XXI боб. Мансабдор шахсларнинг қимматликлар бут сақланиши
ва қимматликлар билан ишлашда белгиланган қоидаларга
риоя қилиниши бўйича жавобгарлиги**

407. Кассаларда барча қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгарлик банклар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, касса мудирлари, пул тушумини инкассация қилиш ва қимматликларнинг ташилиш ҳолати бўйича эса банк раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Инкассация бирлашмаси (Халқ банки тизимида эса ушбу банкнинг инкассация хизмати) бошлиқлари жавобгардирлар.

408. Касса ишининг тўғри ташкил этилганлиги, сақланаётган барча қимматликларнинг тегишли тарзда ва бут сақланиши, шунингдек мижозларга касса хизмати кўрсатилишининг аниқ олиб борилиши учун банк бош бухгалтерлари, Касса операциялари бўлимларининг бошлиқлари (касса мудирлари), қимматликларнинг ўз вақтида йиғиб олиниши, ташилиши ҳамда уларнинг бут сақланишини таъминлаш учун Инкассация бошқармаси бошлиқлари, инкассация бўлими бошлиқлари ёки уларнинг вазифасини бажарувчи шахслар банк раҳбарлари билан бир қаторда жавобгардирлар.

409. Қимматликлар ва улар билан ишлаш зиммасига юклатилган банклар ва инкассация бирлашмасининг барча ходимлари касса операцияларини амалга ошириш ва ҳисобини юритиш ҳамда пул ва қимматликларни сақлаш, инкассация қилиш ва қимматликларни ташишнинг ушбу Йўриқномада белгиланган қоидаларини билишлари шарт. Ходимлар томонидан ҳар қандай тартиббузарликка йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда, улар кўрсатилган қоидаларни билмасликларини рўкач қила олмайдилар.

410. Банк раҳбарлари ҳафтада икки марта касса ходимлари билан уларнинг ушбу Йўриқнома қоидалари бўйича билимларини ошириш мақсадида техник ўқув машғулотлари ўтказилишини ташкил этишлари шарт. Ўтказилган дарслар алоҳида тутилган дафтарда (47-илова) рўйхатга олиниши ва ўтилган дарслар бўйича касса ходимлари имтиҳон қилинишлари шарт.

411. Банк раҳбарлари, бош бухгалтерлар ва касса мудирлари касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига оғишмай риоя қилинишини таъминлашлари, банк кассаларига тушган пулларни ўз вақтида кирим қилиниши юзасидан назорат ўрнатишлари лозим.

Банкларга, операция вақти тугаганидан сўнг, чиқим операцияларини амалга ошириш қатъиян ман этилади.

412. Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдорининг бир баробаридан кўп бўлган суммада пул ва қимматликлар ўғирлангани, касса ҳисобида хатога йўл қўйилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ва кўрилган чоралар юзасидан банк раҳбарлари ўзлари бўйсунувчи бош банкка хабар берадилар.

413. Қимматликларни ташиш, халталарни эса инкассация қилиш вақтида йўқотилиши ҳамда уларни ташиш вақтида содир этилган бошқа фавқулодда ҳодисалар юз берган вақтда инкассаторлар бригадаси бошлиғи бу ҳақда инкассация бирлаш-

масига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ушбу Йўриқноманинг 398-бандида келтирилган тартибда дарҳол хабар бериши шарт.

414. Касса ва инкассация ходимларига қуйидагилар қатъиян ман этилади:

а) қимматликлар билан ишлаш бўйича ўзига топширилган вазифани бошқа шахсларга ишониб топшириш, шунингдек ушбу Йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқа кўрсатмаларида белгиланган ўз вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажариш;

б) мижозларнинг нақд пулларини олиш ёки уларнинг банкдаги ҳисобварақларига пул қўйиш тўғрисидаги топшириқларини бевосита бажариш, шунингдек улардан бухгалтерия ходимларини четлаб ўтиб пул қўйиш ёки пул олишга доир ҳужжатларни қабул қилиш;

в) шахсий пуллари ҳамда бошқа қимматликларини банкнинг пул ва қимматликлари билан бирга сақлаш.

415. Касса ходимлари ўзлари тайёрлаган пул боғламлари, дасталар ва улар имзолаган бошқа ўрамлардаги пул ва қимматликлар орасидан камомад чиқса, шунингдек улар томонидан сараланган ва ўраб-боғланган пуллар ичидан тўловга яроқсиз ва қалбаки пуллар ҳамда тангалар чиққани ва кундалик иш фаолиятида банкка етказилган моддий зарар ва йўл қўйилган бошқа камчиликлар учун тўла моддий жавобгардирлар. Касса ходимлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўзлари ўраб-боғлаган ва имзолаган боғламлардан қачон ва қайси банкда 145 ва 145а-шаклдаги далолатномалар билан расмийлаштирилган камомад, тўловга яроқсиз ва қалбаки пуллар ёки бошқа нуқсонлар чиқишидан қатъи назар, кўрсатиб ўтилган жавобгарликка тортиладилар.

416. Инкассаторлар белгиланган жойга етказиб бериш учун қабул қилиб олинган пул ва бошқа қимматликларнинг бут сақланишига тўла моддий жавобгар ҳисобланадилар.

Тижорат банкларида касса ишини ташкил
этиш, инкассация ва қимматликларни
ташишга доир йўриқномага
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки СЎМларининг тўловга яроқлилиқ белгиларини аниқлаш ҚОИДАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси кучига эга бўлган ва уларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғдирмайдиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пуллари бўлган сўм ва тангалар тўловга яроқли ҳисобланади. Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги банкнотларни ҳеч қандай монеликсиз тўловга қабул қилишлари ва пул тушуми ҳисобида банкларга топширишлари лозим:

а) ҳар қандай қисмида тешиқ ёки йиртилишлар, сийқаланишлар, доғлар, қалам ва сиёҳда ёзилган ёзувлар бўлган пуллар;

б) йиртилган ва елимланган пуллар, агар пулнинг қисмлари шакл-шубҳасиз битта банкнотга тегишли бўлса;

в) бўёқ моддалари тўкилган, табиий ранги ўзгарган, қуйдирилган, бўялган ёки чизилган пуллар;

г) ўзининг тўла ҳажмини сақлаб қолмаган пуллар.


2. Шикастланиш туридан қатъи назар (шакли бузилган, пачоқланган, сийқа-

ланган, тешилган, қирқилган, синдирилган, ишқорга солинган, бирор бир металл билан пайвандланган, оловда эритилган, кўкариб ва қорайиб кетган) ўзининг тўла ҳажмини ва олд томонидаги қиймати тасвирини сақлаб қолган ҳамда ҳақиқийлиги-га шубҳа туғдирмайдиган металл тангалар тўловга яроқли ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг банкларига юқорида кўрсатиб ўтилган нуқсонлар билан келиб тушган пул ва тангалар сараланиши ва эскирган пуллар тоифасига ҳисобга олиниши лозим.

